ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

О.М. МАДАЛИЕВ

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

ДАРСЛИК

УМУМИЙ ҚИСМ

ТОШКЕНТ – 2009

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг мувофиқлаштириш Кенгаши томонидан тасдиқланган

О.М. Мадалиев
Прокурор назорати. Дарслик. **Умумий қисм.** –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –424 бет.
Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

Масъул муҳаррир: Тошкент давлат юридик институтининг “Жиноят процесси” кафедраси мудири, юридик фанлари доктори, профессор **З.Ф.Иноғомжонова**

Тақризчи: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи юридик фанлари доктори **Ф.Х. Раҳимов**

Ушбу дарслик кундузги ва сиртқи бўлим талабаларига Прокурор назорати фанидан тайёргарлик кўриш ва курс ишларини бажаришларига кўмаклашиш учун тайёрланган.

Дарслик бакалаврият йўналишининг 5380100-магистратура йўналишининг 5380111 юриспруденция ихтисослиги бўйича билим олувчиларга, аспирантлар, юриспруденция соҳасидаги олий ўқув юртлари ўқитувчилари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун мўлжалланган.

УДК 347.963(075)(575.1)
М 13

© О.М. Мадалиев.
© Тошкент давлат юридик институти, 2009 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3

УМУМИЙ ҚИСМ

1-БОБ: Прокурор назорати фанининг умумий қисми тушунчаси, моҳияти ва вазифалари.....9

1.§. Прокурор назорати фанининг тушунчаси, предмети ва тизими, мақсади ва вазифалари.....9

2.§. Прокурор назорати фанининг бошқа юридик фанлар билан ўзаро алоқадорлиги 13

3-§. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида прокуратура ҳақида.....19

4.§. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VI сессиясида сўзлаган “Адолат-қонун устуворлигида” маърузасида қўйилган вазифалар.....26

2-БОБ: Давлат хизматининг алоҳида тармоғи сифатида прокурор назорати. 45

1-§. Прокурор назоратининг мазмуни ва вазифалари 45

2-§. Қонунларга риоя этиш - прокурор назоратининг предмети сифатида 53

3-§.Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири).....64

4-§.Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг ташкил топиш ва ривожланиш босқичлари 68

3-БОБ: Прокуратуранинг ташкилий ва фаолият принциплари. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш.....103

1-§. Прокуратуранинг ташкилий ва фаолият принциплари тушунчаси 103

2-§. Бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик принциплари. Ҳудудийлик ва предметлилик.....105

3-§. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари 117

4-§. Прокурор талаблари бажарилишининг мажбурийлиги.....124

5-§. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш 126

4-БОБ: Прокуратура органларида ишни ташкил этиш. Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш ...152
1-§.Прокуратура органларида ишни ташкил этиш 152
2-§. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш 160
3-§.Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура органларида ишни ташкил этиш юзасидан буйруқлари ва кўрсатмалари, низомлар. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 17 февралдаги 2-сон буйруғига илова қилинган "Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида ёш мутахассисларнинг ишини ташкил қилиш тўғрисида"ги Низоми.....180
4-§. Прокуратурада ишларни режалаштириш 194
5-§. Ижро устидан назорат ва раҳбарлик.....198
6-§. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш 205
7-§. Ҳисобдорлик, ҳисоб ва ҳисобот 207
8-§. Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш тушунчаси ва мувофиқлаштириш иштирокчилари 213
9-§. Мувофиқлаштиришнинг мазмуни ва аҳамияти.....215
10-§. Мувофиқлаштириш принциплари 218
11-§. Мувофиқлаштириш фаолиятининг асосий йўналишлари ва шакллари 218

ИККИНЧИ БЎЛИМ
ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ.
5-БОБ: Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими. 239
1-§. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими 239
2-§. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси.....240
3-§. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколатлари.....253
4-§. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисобдорлиги.....254
5-§. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси 255
6-§. Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар.....256
7-§. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари 276
8-§. Прокуратура органларининг ҳайъатлари 290
9-§. Прокуратура органларида бошқарув 294

Прокурор назорати фанидан тест саволлари.....308
Илова.....341
Илова: Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқлари рўйхати 405
Фойдаланилган адабиётлар 417

К И Р И Ш

Прокурор назорати дарслиги фан бўйича Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин ўзбек тилида тайёрланган дастлабки дарсликлардан бўлиб, давлат таълим стандартида белгиланган асосий ўқув материалини қамраб олиб, билимларни талабалар томонидан мустақил ўзлаштириб олишга, уларда кўникма ва малакаларни шакллантиришга, керакли ўқув материалини мустақил излаш ва топишга, ҳамда амалий фаолиятда қўллашни ўргатиш ва ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Прокурор назоратининг умумий қисмида қайд этилган ва қиёслаш учун хорижий мамлакатлар прокуратура органлари фаолиятининг асосий принципларининг берилиши таълим олувчиларни фаол бўлишга ва танқидий фикрлашга ундайди.

Дарсликда такрорлаш учун саволлар берилиши, казус ва масалаларнинг ечиш учун келтирилиши, шунингдек ўтилаётган дарсларнинг схемалар тарзида ифодаланиши талабаларга фақат назарий маълумот бериш билан чекланмаслик имконияти яратилган.

Дарсликнинг махсус қисмида эса амалий кўникмаларни шакллантирувчи муаммоли саволлар, лойиҳалар, машқлар ва ижодий топшириқлар берилган.

Дарсликда саволларнинг тест тарзида ҳам берилганлиги таълим олувчи билимини ўзи баҳолаш ва мустақил таълим олиши учун имконият яратилган.

Дарсликда ўқув материали аниқ мақсад ва вазифаларга йўналтирилган.

Дарсликда прокурор назорати фани бўйича прокурор назорати ҳужжатларининг мазмуни ва тушунчаси берилиб, ушбу ҳужжатлар намуналари илова тарзида келтирилганлиги, келтирилган намуналарни юксак даражадаги салоҳият нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш мумкинлиги дарсликлар олдига қўйилган далиллардан намуналарга, намунадан-фаразга, фаразdан-изланишга, изланишдан-амалий қўллашга, абстракт-илмий билимдан-аниқ касбий билимга, билимдан-амалий кўникмага ўтиш таъминланиши лозимлиги ҳақидаги талабларга тўла мос келади.

Дарсликда барча ўқув материаллари тушунарли ва равон тилда, мантиқий ва тизимли тарзда баён этилган бўлиб, муҳим маълумотлар ажратиб кўрсатилган.

Дарсликнинг умумий қисмида миллий хусусиятлар ҳисобга олиниши зарурлиги ҳақидаги талабга биноан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қадимдан тарихан прокурор назоратига ўхшаш бўлган фаолият ва прокурор лавозимига ўхшаш бўлган мансаб лавозимлари ҳақида қиёсий фикр-мулоҳазалар берилган.

Прокурор назорати фани бўйича берилган казуслар, масалалар, саволлар, тест саволлари, топшириқлар ва вазифалар кенг кўламли таълим олувчилар бажарадиган амалий ишларни жуфтликда ёки кичик гуруҳларда ташкил этиш имкониятини беради.

“Прокурор назорати” – кенг тармоқли ҳуқуқий фанлар ичида, бир томондан, прокурор назорати ҳақидаги қонунчиликни ўрганувчи мустақил ҳуқуқий фан сифатида ва иккинчи томондан, ҳуқуқий фанларнинг бир соҳавий тармоғи сифатида ҳамда учинчи томондан, қонунлар ижросини амалга оширувчи прокурорлар фаолиятини ҳам назарий, ҳам амалий томондан ўрганадиган ҳуқуқий билимлар мажмуаси сифатида намоён бўлади.

“Прокурор назорати” – дейилганида, биринчидан, прокуратура органлари вазифасини, асосий функциясини амалга оширувчи давлат фаолиятининг махсус бир турини тушунсак, иккинчидан ҳуқуқий фан тармоғининг бир бўлаги ва ўқув интизоми тариқасида тушунилади.

Прокурорлар фаолияти дейилганида прокуратура органлари тизимида ишлайдиган мансаб лавозими ва махсус унвонга эга бўлган барча прокуратура ходимлари фаолияти тушунилади. Мавзулар бўйича прокуратура фаолиятининг баъзи йўналишлари, ёинки, прокуратура фаолиятининг айрим ваколатлари Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 56-моддасида назарда тутилган талабларга биноан, маълум бир прокурорларнинг ўзигагина тегишли эканлигини назарда тутиш лозим. (Масалан, протест киритиш, ўзгартириш, чақириб олиш.)

Кундузги ва сиртқи бўлим талабалари учун Прокурор назорати фанини чуқурроқ ўзлаштириш ушбу фаннинг бошқа бир қанча юридик фанлар билан узвий боғлиқлиги туфайли зарур ҳисобланади. Ушбу дарслик бошқа юридик фанларни ҳам яхши

ўзлаштириш ва фойдаланишга йўлланма тариқасида ёрдам беради. Дарслик икки қисмдан иборат бўлиб, умумий ва махсус қисмларга бўлинган. Дарсликнинг мазкур қисми прокурор назорати фанининг умумий қисмига тегишли бўлиб, прокурор назорати фанини ўқитишдан мақсад талабаларга “Прокурор назорати фани” тушунчаси, моҳияти, мазмуни ва вазифасини англатиш, прокуратура органларининг амалий фаолияти, прокурор ишининг тактика ва усуллари билан таништириш ва бошқа юридик қонунларни чуқур ўзлаштириш, мантиқий тафаккурга эга бўлишга эриштириш, ўқув курсининг асосий назарий қоидаларини мустаҳкамлаш, талабалар томонидан қонунчиликни қўллаш малакомларини эгаллаш, талабаларни амалиётда конкрет ҳодисаларга нисбатан қонунни тўғри қўллашга ўргатиш, қонун бузилиш ҳолларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш услубларини ўрганиш, прокуратура фаолиятининг асосий йўналиши бўйича прокурор назорати ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни қўллашнинг асосларини ажратиб олишдан иборат.

Дарсликда 2001 йил 29 августда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунида алоҳида боб тариқасида янгидан жорий қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати»нинг моҳияти ва мазмуни ёритиб берилган.

Дарсликда талабаларнинг мукаммал эгаллашлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари ва маърузаларида прокуратура идоралари ва ходимларига қўйилган талаблар кўрсатиб берилган.

Прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг айрим буйруқлари, кўрсатмалари ва низомлари мазмуни ёритиб берилган.

Ўрганилаётган мавзуларга оид Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг айрим буйруқлари ўқитувчилар ва талабалар томонидан нотўғри талқин этилишининг олдини олиш мақсадида тўлиқ матнда берилган.

Мавзуларни ёритишда талабаларга прокурор назорати фаолияти, прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида бир хил ва тўғри тушунча ҳосил қилиш учун мавзуларга оид Ўзбекистон Республикаси Бош про-

куроринг буйруқлари, кўрсатмалари ва низомларидан фойдаланилган.

Дарсликда прокурор назорати ҳужжатларига тушунча бериш, мазмунини ёритиш билан бирга ушбу ҳужжатларни қўллаш асослари, тартиби ва ҳужжатни процессуал расмийлаштиришга оид талаблар кўрсатиб берилган. Шуниндек, дарсликда прокуратура органлари тизими ва прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича охирги йилларда киритилган ўзгаришлар ёритиб берилган.

Дарсликдан прокуратура органлари фаолиятини илмий асослантирилган ҳолда ташкил этиш, прокурор назоратини самарали ва тўғри шакллантириш ва бошқаришда фойдаланса бўлади.

Прокурор назорати фаолиятининг турли йўналишлари бўйича прокуратура фаолиятини такомиллаштиришга оид таклиф ва мулоҳазалар, тавсиялар прокуратура органлари тизимида амалга оширилган ижобий амалиёт натижаларига асосланган.

Прокурор, терговчи, ҳар қандай юрист ўқув муассасаси даргоҳидан бошлаб нотиқлик санъати асосларини эгаллаган бўлиши, аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, жиноят, фуқаролик, хўжалик низоларига оид ишларни судларда кўрилишида (нутқ) маъруза қилганида юридик тилда равон ва тушунарли тарзда ўз фикр-мулоҳазаларини баён эта билиши лозим. Шунинг учун дарсликда мазкур масала юзасидан батафсилроқ тўхталиб, прокурорнинг жиноят ишлари юзасидан судда қиладиган айблов нутқи элементларига алоҳида эътибор қаратиб ўтилган.

Прокурор назорати фанини ўрганувчи суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида қонунчиликни такомиллаштириш фаол давом этаётган ҳозирги даврда қабул қилинаётган янги қонунлар ва норматив ҳужжатларни чуқурроқ ўзлаштириши лозим. Шу мунособат билан янги қабул қилинган қонунлардаги прокурор назорати фаолиятига оид қонун ва қонуности ҳужжатлар, улардаги ўзгартиришлар ҳисобга олиб борилиши керак.

Дарсликда мавзулар бўйича фойдаланилиши лозим бўлган адабиётлар рўйхати, раҳбарий адабиётлар, қонунлар ва норматив материалар, махсус адабиётлар тизими берилган.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган «Прокурор назорати» фани бўйича дастурга мувофиқ тўлиқ тайёрланган.

УМУМИЙ ҚИСМ

1-БОБ: Прокурор назорати фанининг умумий қисми тушунчаси, моҳияти ва вазифалари

Р Е Ж А:

1-§. Прокурор назорати фанининг умумий қисми тушунчаси, предмети, тизими, мақсади ва вазифалари.

2-§. Прокурор назорати фанининг бошқа юридик фанлар билан ўзаро алоқадорлиги.

3-§. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида прокуратура ҳақида.

3-§. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган "Адолат-қонун устуворлигида" маърузасида қўйилган вазифалар.

4-§. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида прокуратура ҳақида.

1-§. Прокурор назорати фанининг умумий қисми тушунчаси, предмети, тизими, мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон Республикасида прокурор назорати курсининг предмети бўлиб, прокуратура фаолиятини ташкил этиш принципларини, унинг органлари тузилиши ва тизимини, функцияларини, вазифаларини, ишларини, қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширишдаги прокурор ваколатини белгиловчи ҳуқуқий нормалар ҳисобланади. Юқорида кўрсатилган нормалар назариясини ва уларнинг амалиётга қўлланишини ўрганиш бу курснинг асосий мақсадидир. Бироқ бу фан олий ўқув юртларининг талабалари учун белгиланган экан, унинг мазмунини прокуратуранинг давлат органлари тизимида тутган ўрни, назорат предмети, ташкил топишидан иборат.

Прокурор назорати – дейилганида, Ўзбекистон Республикаси номидан, унинг ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларининг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларининг

давлат органи сифатидаги махсус фаолияти тушунилади. Айнан шу фаолиятни илмий ўрганиш, фаолиятни илмий шакллантириш ва режалаштиришда ушбу фандан фойдаланилади. Фан ёрдамида прокуратура фаолиятининг йўналишлари бўйича илмий асосланган усул ва услублар ўрганилади.

Прокурор назорати фанининг тизими ***Умумий ва Махсус қисм***дан иборат.

Умумий қисмга:

-прокурор назорати прокуратуранинг асосий вазифаси тушунчаси;

-прокуратуранинг давлат органлари тизимида тутган ўрни ва аҳамияти;

-Ўзбекистонда прокуратуранинг тарихий ривожланиши ва босқичлари;

-ривожланишига доир илмий қарашлар;

-прокуратура органларининг ташкилий ва фаолият принциплари, уларнинг функциялари;

-прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари киради.

Махсус қисм қуйидаги мавзуларни ўз ичига олган:

-қонунлар ижроси устидан назорат (Умумий назорат);

-фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат;

-жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат;

-ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат;

-жиноят, фуқаролик, хўжалик судларида ишларни кўришда прокурор иштироки;

-жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

-чет давлатлар прокуратура органларининг фаолияти ва ташкил этилиши;

-Ўзбекистон прокуратура органларининг чет эл ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан халқаро ҳамкорлиги ўрганилади.

«Прокурор назорати» фани бўйича дарсликнинг умумий қисми мақсади ва вазифалари:

Прокурор назорати курсининг мазмуни, предмети ва тузилишини;

Прокурор назорати фанининг мақсади ва вазифаларини;

Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари ташкил этилиши ва ривожланиш босқичларини;

Прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асосларини;

Прокурор назоратининг моҳияти ва вазифаларини;

Прокурор назорати фанидан назарий масалаларни;

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида“ги Қонунига асосан прокурорлик вазифаларини;

Таъсир чорасини кўриш, аниқланган қонун бузилишларига нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатларини тузишнинг мазмунини;

Прокурорнинг процессуал ҳаракатларини ташкил этиш ва ўтказишнинг мазмуни;

Ўзининг касбий малакасини мунтазам равишда ошириб бориши, қонунларни ва уларни амалиётда қўлланишини билиши ва қўллай олиш юзасидан прокурор назоратининг умумий қисмига боғлиқ бўлган прокурор назорати фанининг махсус қисмига оид норматив ҳужжатлар мазмунини;

Прокурорлик назоратини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий юридик муаммоларини таҳлил қилиш ва ҳал қилишни;

Прокурор вазифаларини мустақил бажара олишни;

Фуқароларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиб, юқори даражада ҳамда тўғри ҳал қилиш услубларини ўргатишдан иборатдир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокурор назорати фанининг умумий қисмига тааллуқли бўлган баъзи соҳавий буйруқлари, кўрсатмалари, йўриқномалари, низомларининг қисқача мазмуни ва моҳиятини ҳамда қўйилаётган талабларни;

МДҲ ва хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг фаолияти тушунчаси ва прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикасидаги прокурор назорати фанининг умумий қисми бўйича қиёсий таққослаш

орқали прокуратура фаолиятини (принципларини) такомиллаштириш услуб ва шакллари билан талабаларни чуқур таништириш ҳисобланади.

“Прокурор назорати” фанининг умумий қисмини ўқитишдан мақсад талабаларни прокуратура органларининг амалий фаолиятида асосий тамойиллар ва уларни махсус қисмда белгиланган, прокурор фаолиятини амалга ошириш усулларини ўрганишдаги ўзига хос аҳамияти билан таништириш ва бошқа юридик қонунларни чуқур ўзлаштиришига эришишдан иборат.

“Прокурор назорати” фанининг умумий қисмининг асосий вазифаси – мантиқий тафаккурга эга бўлишга эриштириш, ўқув курсининг асосий назарий қоидаларини мустаҳкамлаш, талабалар томонидан қонунчиликни қўллаш малакаларини эгаллаш, талабаларни амалиётда конкрет ҳодисаларга нисбатан қонун тамойилларини тўғри қўлланишига эриштириш, қонун бузилишларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

“Прокурор назорати” фанининг умумий қисмини ўрганиш натижасида талабалар амалдаги қонунчиликни, прокурор назорати назарияларини, муайян қонунлар ижросини текшириш методини ва амалиётини кенг, чуқур ўзлаштиришни прокурор назоратининг умумий қисмида белгиланган тамойил ва принциплар билан бирга олиб борилиши керак.

Бакалавр талабалар “Прокурор назорати” фанининг умумий қисми бўйича:

прокурор назорати курсининг мазмуни, предмети ва тузилиши;

прокурор назоратининг умумий қисми мақсади ва вазифалари нималардан иборат эканлиги ҳақида;

Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг ташкил этилиши ва ривожланиш босқичлари тўғрисида тушунчага эга бўлиши;

прокуратура фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари, уларнинг мазмун ва моҳиятини;

Прокурор назорати фанининг умумий қисмига тааллуқли бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқлари мазмун ва моҳиятини ўзлаштирган бўлиши лозим.

Прокурор назорати фанини ўрганган бакалавр талаба яна:

- прокурор назорати фанидан назарий масалаларни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига асосан прокурорлик вазифаларини;
- аниқланган қонун бузилишларига нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатларини тузиш ва расмийлаштиришнинг прокуратура органлари тизими бўйича субъектлари кимлар бўлиши мумкинлиги;
- прокурорнинг процессуал ҳаракатларини ташкил этиш ва ўтказишни амалга ошириш ваколати прокуратура органлари тизими бўйича қайси прокурорларга тегишли бўлиши мумкинлиги;
- ўзининг касбий малакасини мунтазам равишда ошириб бориши, амалдаги қонунларни, уларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўзлаштириб бориши ва уларни амалиётда тўғри қўллашни билиши ва қўллай олиши керак.

Шунингдек, бакалавр талаба:

прокурорлик назоратини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий, илмий-назарий муаммоларини таҳлил қилиш ва ҳал қилиш бўйича мустақил фикр билдириш салоҳиятига эга бўлиши;

прокурорнинг вазифаларини амалга ошириш юзасидан берилган топшириқларни мустақил бажара олиши;

прокуратура фаолиятининг йўналишлари бўйича ҳар бир йўналишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда прокурор назорати ҳужжатлари лойиҳаси тузиши;

фуқароларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиб, юқори даражада ҳамда тўғри ҳал қилиш юзасидан етарли кўникмаларга эга бўлиши керак.

2-§. Прокурор назорати фанининг бошқа юридик фанлар билан ўзаро алоқадорлиги

Прокурор назорати фани бошқа бир қатор юридик фанлар билан яқиндан алоқадордир.

Конституциявий ҳуқуқда прокуратурани ташкил этувчи, белгиловчи асосий ҳолатлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва прокурорларни тайинлаш тартиби ҳамда бошқа давлат органлари тизимида прокуратуранинг тутган ўрни ва ўзаро алоқаси ўрганилади.

Давлат ва ҳуқуқ назариясида прокуратуранинг қонунийлик ва тартибни сақловчилик ролининг муҳимлиги кўрилса, прокурор назоратига эса давлат фаолиятининг бир тури сифатида қаралади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида прокурорнинг давлат органлари ичида тутган ўрни, унинг ҳеч қайси бир давлат ҳокимияти тизимига кирмасдан, қонунларнинг устуворлигини таъминловчи ва давлатда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи ягона давлат ташкилоти эканлиги ўрганилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фанининг битта мавзуси прокуратура органи, унинг вазифалари, функциялари, тизимига бағишланган. Бу фанда прокуратура тўғрисида умумий тушунча берилади.

Жиноят процесси фанида жиноят иши қўзғатишдан тортиб, ҳукмни ижро этиш босқичигача прокурорнинг процессуал ҳолати ёритиб берилган. Жиноят ишларини юритишнинг жиноят процессуал кодексида белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек, фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир**.**

Судлар, прокурорлар ва терговчиларнинг хорижий давлатларнинг тегишли муассасалари билан алоқада бўлиш тартиби ҳам жиноят процессуал кодексида белгиланган бўлиб, унга кўра, “Суд ёки тергов органларига бевосита келиб тушган чет эл муассасаларининг топшириқлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси билан келишилган ҳолдагина ижро этилиши мумкин.

Чет эл муассасасининг бошқа давлат ҳудудида жиноят содир этган ва Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига нисбатан жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги топшириғини Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси кўриб, иш қўзғатиш тўғрисидаги талабнинг асослилигини текширади”.

Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилиги талабларига кўра, прокурорнинг процессуал мавқеи, тутган ўрни нақадар аҳамиятлики, дастлабки ҳамда қўшимча тергов мобайнидаги ҳар бир процессуал ҳаракатнинг қонунийлиги устидан бево-

сита раҳбарликни амалга оширувчи, шу ҳаракатларнинг қонуний-лиги устидан назоратни амалга оширувчи шахс бу-прокурордир.

Жиноят иши юзасидан биринчи инстанция судларида ишларнинг кўрилишида, судлар томонидан чиқарилган ғайриқонуний, асослантирилмаган ёинки, адолатсиз суд қарорларига нисбатан протест киритиш ваколати, апелляция, кассация ва назорат тартибида ишларни кўрилишидаги ваколатларини амалга ошириши, шунингдек, суд қарорларини ижро этиш чоғидаги қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти ҳам жиноят процессуал қонунчилиги билан биргаликда суд қарорларини ижро этишга оид бошқа қонунлар билан ҳам тартибга солиниб, бу жараёнда ҳам прокурор назоратининг ўз ўрни мавжуддир.

Шунинг учун прокурорнинг жиноят процессида тутган ўрни ҳамда жиноят процесси фани билан ўзаро алоқадорлиги ҳусусида жуда кўп тўхталиш мумкин.

Фуқаролик процесси, хўжалик процесси фанларида прокурорнинг суддаги ваколатлари ёритилган.

Маъмурий ҳуқуқ фани прокурорнинг қонуний талабларини бажармаслик оқибатида келиб чиқадиган оқибатларни ўрганади. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 317-моддасидан 324-моддасигача прокурорнинг протести билан боғлиқ нормаларга бағишланган. Масалан, 317-модда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида протест билдириш деб номланиб, унда қайд этилишича, Прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан:

1) туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси қарори устидан - туман (шаҳар) суди раисига ёки юқори турувчи судга;

2) бошқа орган (мансабдор шахс) қарори устидан -қарор чиқарган органга (мансабдор шахсга) ёки юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) протест билдириши мумкин.

Хўжалик судининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексида белгиланган тартибда протест келтирилади.

Прокурорнинг протест билдириши маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарор ижросини протест кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб туради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусидаги берилган шикоят ёки билдирилган протестни ваколатли органлар (мансабдор шахслар), шикоят ва протест тушган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида кўриб чиқадилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган про-тестни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) чиқарилган қарорнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширади, деб белгиланган.

Умуман олганда, қонун талаблари бўйича прокурор ҳар қандай маъмурий жазо қўллаш ваколатига эга бўлган орган ёки мансабдор шахснинг қабул қилган ҳужжатининг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширади. Албатта, суд органининг устидан эмас, балки, унинг томонидан қабул қилинган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳужжатнинг қонунийлигини таъминлаш бўйича прокурор протест киритиш ва тўғри қарор қабул қилишига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиш билан назорат фаолиятини амалга оширади. Кўриниб турибдики, маъмурий ҳуқуқ фани ҳам прокурор назорати учун алоҳида жой ажратган.

Жиноят ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи фанлари ва бошқа юридик фанлар билан прокурор назоратининг бевосита боғлиқлиги, шу фанларни прокурор томонидан яхши ўзлаштирган бўлиши кераклиги билан муштараклашиб кетган.

Ўзбекистон Республикасининг “**Меҳнат тўғрисида**”ги Кодексида (9-модда) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади деб белгилаб қўйилган.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилиши нафақат Ўзбекистон Республика-

синиng «Прокуратура тўғрисида”ги қонуни, балки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам бевосита мустаҳкамлаб қўйилган нормадир.

Ўзбекистон Республикаси “**Оила кодекси**”нинг 4-моддаси оиланинг, оналик, оталик ва болаликнинг муҳофаза қилинишига бағишланган бўлиб, унда қайд этилишича, “Ўзбекистон Республикасида оила,. оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир”. Шу мунособат Билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан айнан оила., оналик, оталик ва болаликни давлат ҳимоясига олиш борасида қатор соҳавий буйруқлар қабул қилинган. **Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш** прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида қонунда белгиланмаган бўлса ҳам, амалиётда асосий йўналишлардан бирига айланганига бир мунча вақт ўтди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг вояга етмаганларни ҳимоя қилиш бўйича давлат комиссиясининг раиси сифатидаги фаолияти беқиёсдир. Албатта, прокурор назорати фани бу масалалар юзасидан ҳам алоҳида билимлар мажмуасига эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг **фуқаролик-процессуал кодексининг** 33-моддасида **“**ишда иштирок этувчи шахслар**”** белгиланган бўлиб, унда қайд этилишича “тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, процессда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ишда иштирок этувчи шахслар деб тан олинади”. Тараф сифатида процесс иштирокчисига берилган ҳуқуқлар ҳамда прокурорнинг фуқаролик ишларини судларда кўрилишидаги алоҳида ваколатлари ҳам процессуал қонунчилик билан белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг мазкур масала юзасидан ҳам тегишли соҳавий буйруғи ва Низоми мавжуд. Кўриниб турибдики, фуқаровий процессуал мунособатлар прокурор назорати фанининг алоҳида бир ўрганиш тармоғи ҳисобланади.

Шунингдек, **жиноят-ижроия ҳуқуқи** фанида прокурорнинг маҳкумларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ижро этиш муассасаларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши юзасидан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Жиноят ижроия ҳуқуқида Жиноят Ижроия Кодексининг 17-моддасида прокурор назоратига оид норма мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб**, ж**азоларни ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар қонунда белгиланган тартибда амалга ошириш қайд этилган. Прокуратура тўғрисидаги Қонунда ҳам прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида жиноий жазоларни ва бошқа жиноят – ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни прокурор томонидан амалга оширилиши белгиланган. Ҳар иккала фан ҳам ушбу масала юзасидан тегишли билимларни беради. Кўриниб турибдики, бу фан ҳам бевосита прокурор назорати фани билан ўзаро боғлиқдир.

Бундан ташқари, прокурор назорати фани хўжалик **ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, экология ҳуқуқи билан** ҳам бевосита боғлиқдир.

Божхона ҳуқуқида божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича қарор устидан прокурорнинг протест келтириш ҳуқуқи ва прокурор назорати бўйича ваколати белгиланган (189-модда).

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича божхона органи мансабдор шахсининг қарори устидан қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат тартибида прокурор протест келтириши мумкинлиги ва унинг тартиб қоидалари прокурор назорати фани томонидан ҳам ўрганилади.

Белгиланган муддатда шикоят бериш ёки протест келтириш жазони қўллаш тўғрисидаги қарорнинг ижросини, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шикоят еки протест кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб қўйишга оид қоидалар, шунингдек, жазо бериш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинган ёки протест келтирилган тақдирда, қарор шикоят ёки протест қаноатлантирмай қолдирилганидан кейин ижро этилишига оид қоидалар божхона ҳуқуқи билан ҳам белгиланган. (193-модда)

Хўжалик-процессуал кодексининг 34-моддасида “Ишда иштирок этувчи шахслар” доираси белгилаб қўйилган. Унда кўрсатилишича «тарафлар, учинчи шахслар, **прокурор**, давлат

органлари ва бошқа органлар ўз зиммаларига юклатилган ваколатга кўра, шунингдек аризачилар ҳамда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ва ташкилотлар ҳамда фуқаролар банкротлиги тўғрисидаги ишлардан манфаатдор бошқа шахслар ишда иштирок этувчи шахслар деб ҳисобланадилар". Ўз ўрнида прокурор "ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари"га эга ҳамда унинг прокурор сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг процессдаги тутган ўрни, протест киритиш ваколатлари ва суд қарорларига нисбатан ўз ваколатлари доирасида таъсир қилиш чораларининг белгиланиши прокурор назорати фанининг ҳам предмети ҳисобланади.

Юриспруденцияга тааллуқли бўлган барча фанларни бевосита, ёинки, билвосита прокурор назорати фани билан ўзаро боғлиқ десак хато бўлмайди. Чунки, прокурор фаолиятининг ўзи умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда мавжуд бўлган барча қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокурор назорати амалга оширилишининг ўзидан кўриниб турибдики, юриспруденция соҳасидаги барча фанлар прокурор назорати фани билан ўзаро боғлиқликдадир.

Мустақиллик Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тизимига ҳам ўзгариш олиб келди, мамлакатимизда мавжуд бўлган бошқарув, ҳуқуқ-тартибот идоралари сохасида қатор ислоҳотлар ўтказилмоқда ва у том маънода мустақил Республика равнақи учун хизмат қилмоқда. Қабул қилинаётган барча қонунларнинг ижроси устидан назоратни замон билан қадамма-қадам олиб борилиши эса, ўзаро боғлиқликни талаб этади.

3-§. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида прокуратура ҳақида

И.А. Каримовнинг "барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш, қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни та-

саввур этиб бўлмайди”[1], деган сўзлари ҳаётда ўз исботини тўла тўкис топмоқда.

Шу ўринда, “ҳар бир инсон қалбида нафс балосидан, шайтон васвасасидан йироқ бўлиш, иймон ва инсоф, виждон ва адолатпарварлик туйғуларини уйғотиш зарур. Агар одамлар онгида шу инсоний туйғулар қарор топмас экан, ана шундай олижаноб фазилатлар жамиятимизда ҳукмрон бўлмас экан, давлат томонидан ўтказиладиган ҳар қандай чора-тадбирлар ҳам, суд прокуратура идораларининг фаолияти ҳам кутилган самарани бермайди”[2], деган сўзларини ҳам эслаб ўтиш жоиздир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти «Адолат-қонун устуворлигида» деб номланган ўз маърузасида «...прокуратура халқнинг устидан назорат қилмаслиги, аксинча унга хизмат қилмоғи даркор. Прокуратура ваколатининг доирасини, унинг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини айнан ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарур»..., «прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва контроль органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб бориши зарур. Бу прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир»[3] деб, алоҳида уқтирган эди. Прокурорлар халқни назорат қилишлари эмас, балки уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг ижросини назорат қилишлари ва ўз фаолият йўналишларини айнан шунга қаратишлари лозим. Аввалombор, дунё тарихига назар ташлайдиган бўлсак, прокуратура органи дастлаб айнан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун тузилган эди. Лотинчада “prokuro" - деган сўз, “ғамхўрлик қиламан”, “таъминлайман“, “ҳимоя қиламан“ деган мазмунни билдиради. Ҳозирги, юртбошимиз қўяётган талаблар ҳам айнан шундан иборатдир. Прокуратура идоралари, аввалombор, қонунларларни аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириб, ўз фаолият йўналишларида асосий

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон. 1998. 16-б.
[2] Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-сон. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 253-б.
[3] Каримов И.А. Адолат-қонун устуворлигида. Халқ сўзи. 2001, 30 авг.

мазмунни айнан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, фуқароларимиздан ташкил топган давлатимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратишлари лозимлиги талаб қилинмоқда.

И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” асарида “қонуннинг устуворлиги-ҳуқуқий давлатнинг асосий принципидир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутади. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсуниш мажбуриятидан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир. Қонуннинг устуворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади”[1], деб таъкидланган. Қонун устуворлигини таъминлашда эса судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг ўз ўрни бор.

Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг асосий мақсади - иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш, содир этилган жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, айбсиз шахсларни жавобгарликдан озод қилиш ва адолат ўрнатишдир. Бунинг учун ўз навбатида “ҳуқуқ тартибот органларининг ўзлари қонунларга сўзсиз риоя қилишлари лозим”[2].

"Қонун қабул қилиш – бу ишнинг ярми ҳолос. Уларнинг ҳаётга тўла татбиқ қилинишига эришиш даркор. Бунинг учун қабул қилинган қонунларнинг кундалик турмушимизда амалга ошишини таъминловчи таъсирчан механизм яратиш лозим"[3].

"Мен ўз бурчи, ўз хизмат вазифасига кўра қабул қилинган қонунларнинг бажарилишига масъул бўлган шахслар ҳақида алоҳида тўхталишни истардим. Булар - қонунни муҳофаза қилувчи идоралар ва маъмурий органларнинг ходимларидир. Айни шу ходимларнинг хатти-ҳаракатига қараб, кўпчилик жамиятда қонун кучига, қандай амал қилинаётганига, ҳуқуқий механизмлар нечоғли

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. –Т.: 1998, 126-б.
[2] Каримов И.А.Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т 4.-Т.: Ўзбекистон, 2000. 7-б.
[3] Каримов И.А. Халқимиз жипслиги – тинчлик тараққиёт гарови: Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясидаги маъруза 1998 йил 28 август. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 7-б.

кучли эканига, ҳуқуқий жамият қай даражада етуклигига баҳо беради"[1].

Судларда жиноят ишларининг кўрилишида прокурор иштироки жиноят ишларини суд муҳокамасида ҳар томонлама, холисона, тўла ва объектив равишда кўриб чиқиш лозимлиги ҳақидаги қонун талабларига сўзсиз риоя қилинишига, "Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги тўғрисида"ги қонун талабларига амал қилинишига ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг қонуний муҳофазасини таъминлашга, судлар томонидан ҳар бир жиноят иши бўйича қонуний, асослантирилган ва адолатли ҳукм чиқарилишига қаратилгандир. "...Халқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидайди, лекин ҳеч қачон адолат бузилишига чидамайди"[2]. Прокурор жиноят иши юритувида жиноий таъқибни амалга оширар экан, судларда жиноят ишларининг кўрилишида давлат айбловини қувватлайди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини давлат томонидан муҳофаза қилиш вазифасини бажарувчи орган сифатида, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолати сифатида иштирок этади ва одил судловни амалга оширишда кўмаклашади.

Суд ҳуқуқ ислоҳоти навбатдаги босқичининг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган нутқида аниқ ифодалаб берилди[3]: «Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мазмунга айланмоғи керак. Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим"[4].

Шубҳасиз, суд муҳокамасида асосий ролни суд мажлисида раислик этувчи ёки суд ҳайъати ўйнайди. Чунки, айнан улар суд муҳокамаси мобайнида тарафлар томонидан процессуал қонун

---

[1] Ўша жойда. 10-11-бетлар.

[2] Каримов И.А. Барқарор тараққиётга эришиш-устувор вазифа. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза 1998 йил 25 февраль. -Т.: Ўзбекистон, 1998.-47-б.

[3] *Полвон-зода А.А., Абдумажидов Ғ.А. ва бошқ.* Ўзбекистонда суд ҳокимияти: Ислоҳотлар даври-Т.: Адолат, 2002. -19-б.

[4] Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Миллий давлатчилик, истиқлол мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. -Т.: ИИВ Академияси, 1999. 381-382-бетлар.

талабларига қатъий риоя қилинишини талаб қилиш ва тартибни бузган процесс иштирокчиларига нисбатан тегишли чора кўриш ваколатига эга бўлган масъул шахс ҳисобланадилар. "Энг муҳими, шу қонунларнинг бажарилиши учун жавобгар бўлган ҳокимият тузилмаларининг масъулиятини ошириш зарур"[1].

2002 йилнинг 29 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида юртбошимиз "шуни унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ"[2], деб таъкидлаб ўтди.

Президентимиз И.А. Каримов ўзининг "Ўзбекистон буюк келажак сари" номли асарида "қонунчилик ва ҳуқуқ тартибот тантана қилмас экан, ҳуқуқий давлат қуришни тасаввур қилиб бўлмайди... Қонуннинг устуворлиги-ҳуқуқий давлатнинг асосий принципидир"[3], деб таъкидлаб ўтганлар.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг "Ўзбекистонда бутун ҳуқуқ ва суд тизимини такомиллаштириш дастурини мамлакат ичидаги жиноятчилик ва коррупцияга қарши кучли чора деб ҳисобламоқ даркор. Бир томондан, қонуннинг мутлақ устунлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатли ҳимоя қилиниши ушбу дастурнинг мақсади бўлиши лозим"[4], деб айтганларини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

“Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” деб номланган 2007 йил 30 август кунги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва президент Девонининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16

---

[1] Каримов И.А. Халқимиз жипслиги – тинчлик тараққиёт гарови: Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясидаги маъруза 1998 йил 28 август. -Т.: Ўзбекистон, 1998. -7 б.

[2] Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари / Халқ сўзи. 2002. 30 авг.

[3] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. –126 б.

[4] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -94 б.

йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида прокуратура органлари учун ҳам эътиборга олиниши зарур бўлган беш тамойил баён этилган. Унда кўрсатилишича, «янги давлат ва жамият қуришда амалда ўзини тўла оқлаган қуйидаги беш тамойил асос қилиб олинди:

биринчидан – иқтисодиётнинг мафкурадан ҳолилиги ва унинг сиёсатдан устунлиги. Бошқача қилиб айтганда, аввал иқтисод, кейин сиёсат;

иккинчидан - давлатнинг ўзи эски тузумдан янги тузумга ўтиш давради бош ислоҳотчи бўлиши, яъни унинг мамлакатни давлатчилик, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда янгилашга қаратилган ислоҳотларнинг ташаббускори бўлиш вазифасини ўз зиммасига олиши;

учинчидан - қонун устуворлиги ёки барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;

тўртинчидан - кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг аҳолини ижтимоий ночор қатлам ва гуруҳларини қўллаб-қувватлаш борасида масъул бўлиши;

бешинчидан - ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, “шок терапияси” деб аталган турли усуллардан воз кечиш. Бошқача қилиб айтганда, мамлакат инқилобий йўлдан эмас, балки тадрижий йўлдан ривожланиши керак. .Инсоният тарихи шундан гувоҳлик беради ки, ҳар қандай инқилобий йўл ҳамиша халққа зулм ва зўравонлик, қон тўкиш ва талофотлар келтирган”[1].

“Ўз-ўзидан аёнки, янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Юртимизда ўз Ватанининг тақдири, унинг бугуни ва келажи учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрларга эҳтиёжни қондириш вазифаси биз

[1] Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Том 16. –Т.: Ўзбекистон НМИУ. 2008. 3-57-б.

мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ ўта муҳим ва ҳал қилувчи масалага айланган эди.

Ана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, 1997-2009 йилгача даврга мўлжалланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганидан барчагиз яхши ҳабардорсиз”....

“Ўтиш даври ва миллий давлатчиликни барпо этиш шароитида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига изчил ва бочқичма - босқич ўтишга эришиш ушбу даврда давлат тизимини ислоҳ этишнинг асосий ва ҳал қилувчи вазифаси бўлиши даркор”.....

“Мамлакатимизда суд - ҳуқуқ тизмини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепция ҳаётга татбиқ қилинди. Судлар ихтисослаштирилди, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича алоҳида судлар ташкил этилди, судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди.

Жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар ҳам улкан социал ва ижтимоий – сиёсий аҳамиятга эга бўлди”[1]....

Юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир” деб номланган 2007 йил 6 ноябрдаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати-Ўзбекистон Либерал-демократик партияси IV қурилтойидаги маърузасида:

“Мен бугун фақатгина Ватанимизнинг тараққиётини янада юксалтиришга қаратилган энг муҳим ва долозарб мақсад-вазифаларимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.....

..... **Бешинчидан.** Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича бошлаган ишларимизнинг таъсири ва самарасини кучайтириш, энг асосийси, суд тизими мустақиллигини таъминлаш муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

[1] Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Том 16. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли маърузаси. –Т.: Ўзбекистон НМИУ. 2008 й., .3-57 б.

Жумладан, ўлим жазосини бекор қилиш, фуқароларни қамоққа олишда санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш, шу йўналишда самарали тизимни шакллантириш бизнинг фаолиятимизда катта аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, **“адолат –қонун устуворлигида”** деган шиоримизни амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган саъий – ҳаракатларимизни замон талаблари даражасига кўтариш йўлида янги, амалий қадамлар қўйишимиз зарур”[1].... дейилган сўзлар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг “**ўз ҳаётимизни ватан истиқболи, фаровон келажаги учун бағишлаб яшаш инсоний ва фуқаролик бурчимиздир**”, деб номланган дастурида ҳам қайд этилган[2].

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 12 ноябрь 2010 йилдаги қўшма мажлисидаги маърузасида ўз аксини топган.[3]

Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш масаласини кун тартибига қўяётганини биз ўзимизга албатта яхши тасаввур этамиз.

---

[1] Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Том 16. “Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш- олий саодатдир” деб номланган маъруза. Т.: Ўзбекистон НМИУ. 2008. Б.101-102.

[2] Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Том 16. “Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод И.А.Каримовнинг Дастури”. –Т.: Ўзбекистон НМИУ. 2008. Б.116.

[3] Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 12 ноябрь 2010 йил

Бу борадаги вазифаларни самарали ҳал қилиш мақсадида қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга ошириш таклиф этилади.

Биринчи. Бундан ўн йил олдин қабул қилинган амалдаги **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг** янги таҳририни қабул қилиш ўзи талаб қилмоқда. Яъни, ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этмоқда.

Иккинчи. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29- ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади. Бу ўринда судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини **фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби назарда тутилмоқда.**

Ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида “Хабеас корпус” институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлайди.

Учинчи. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиш ва унга мувофиқ биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норма ўрнатиш таклиф этилади. Чунки амалдаги қонунчиликда давлат айбловчиси, яъни прокурорнинг суд мажлисида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш бўйича мажбурияти аниқ белгиланмаган. Шунинг учун айблов хулосаси

кўпинча судьялар томонидан ўқиб эшиттирилади. Бу эса суднинг вазифа ва мақсадларига мос келмайди. Жиноят-процессуал қонунчилигига юқорида кўрсатиб ўтилган норманинг киритилиши суднинг мустақиллиги, ҳолислиги ва бетарафлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилади.

Тўртинчи. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини чиқариш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Маълумки, жиноят ишини қўзғатиш аввало суриштирув ва дастлабки тергов органлари, жиноий таъкибни амалга оширадиган бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси ҳисобланади. Суддан эса шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва асосли эканини ҳолис бахолаш талаб этилади.

Ваҳоланки, ҳозирги пайтда суд томонидан жиноят ишини қўзғатиш тарзидаги процессуал ҳаракатнинг амалга оширилиши моҳияти жиноий таъқибнинг ва ундан келиб чиқадиган барча оқибатларнинг бошланиши ҳисобланади. Бу эса судни жиноий таъқиб иштирокчилари тоифасига киритиб қўяди. Айтиш керакки, бундай амалиёт суднинг олий мақсади бўлган одил судловни амалга ошириш тамойилига мутлақо мос келмайди.

Бешинчи. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб берадиган **“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш таклиф этилади.** Ушбу қонуннинг мақсади тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилган. Бу қонуннинг қабул қилиниши демократик давлатларнинг умумэътироф этилган амалиётига мос келади. Таъкидлаш керакки, бу қонун жиноятлар содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш бўйича чораларнинг самарадорлигини, шунингдек, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Айни пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, аввалambор, ички ишлар

идораларининг бу соҳадаги фаолиятининг янада либераллашувини таъминлашга олиб келади.

Олтинчи. Фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги** кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш зарур.

1994 йилда қабул қилинган амалдаги мазкур кодексга ўтган давр мобайнида 60 мартадан кўпроқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Унинг янги таҳрири суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан маъмурий қонунчилик ва жиноий-ҳуқуқий сиёсатда юз берган катта миқёсдаги принципиал ўзгаришларни ўзида тизимли ва кенг кўламли тарзда акс эттириши лозим.

Бунда аввалambор жиноят қонунчилигини табора либераллаштириш, яъни, айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказишни кўзда тутиш зарур. Кодекснинг янги таҳрирда қабул қилиниши бугунги кунда ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликнинг унификациялашувини, яъни бирхиллашувини таъминлайди.

Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича чораларни ҳам мазкур кодексда кўзда тутиш лозим.

Еттинчи. Ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан, прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш талаб этилмокда.

Адлия органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини ўтказишдаги ролини кучайтириш учун уларга зарур бўлган тегишли ваколатларнинг

берилиши мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш имконини беради ҳамда ушбу органлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Саккизинчи. Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.

Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тартиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди, деб ўйлайман[1]

4-§. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VI сессиясида сўзлаган “Адолат-қонун устуворлигида” маърузасида қўйилган вазифалар

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг 2001 йил 29 август куни бўлиб ўтган 2 чақириқ 6-сессиясидаги **«Адолат-Қонун устуворлигида» деб номланувчи маърузасида** прокуратура идоралари хусусида «прокуратура қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислоҳотларнинг ўтказилишида, ҳуқуқий

[1] Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 12 ноябрь 2010 йил

давлат, демократик жамият қуриш ишида ҳал этувчи ўрин тутади», деб берган таърифлари бу идоранинг тутган ўрнини, салоҳиятини белгилайди.

"Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётгани прокурорлик назоратининг объекти ҳисобланади"[1], деб таъкидлаб ўтилган. Бундан ташқари ушбу маърузада:

“Суд бугунги кунда аввалгидек ҳукмрон коммунистик тизимнинг қатағон ва жазолаш аппарати эмас, балки у ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда”.

“1993 йили қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги биринчи қонундаёқ айбсизлик презумпцияси, ҳимояга бўлган ҳуқуқ, суд жараёнидаги тортишув ва ошкоралик каби умумэътироф этилган тамойиллар белгилаб қўйилган эди. Улар кейин жиноий-процессуал ва бошқа кодекс ҳамда қонунларда ривожлантирилди. Ислоҳотларнинг мана шу босқичида суд иш юритишининг, том маънодаги мустақил ва фақат қонун олдида жавоб берувчи суд тизимининг қонуний асослари яратилди”.

“Афсуски, судьялар, прокуратура ва тергов органлари ходимлари, бир сўз билан айтганда, қабул қилинган янги қонунларни ҳаётга татбиқ этиши лозим бўлган кишиларнинг дунёқараши ва тафаккури анча қийинчилик билан ўзгаряпти. Буни аниқ тан олиш керак. Бизнинг бош вазифамиз - ўтмиш асоратларидан имкони борича тезроқ қутилишдир. Энг аввало, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларининг кучайишини ва амалда қўлланишини таъминлашимиз зарур”.

“Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик таймойилларга асосланган. У энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра инсон ҳуқуқларининг устунлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлиғига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади”.

[1] Каримов И. А. Адолат қонун устуворлигида. / Халқ сўзи. 2001 й. 30 авг

“Қонунни бузган одамдан уни такрорламаслик ҳақида тилхат олиш, гаров каби бошқа эҳтиёт чораларини, жарима каби жазоларни қўллаш ўзини оқлашини унутмаслик керак".

“Терговни зўравонлик билан олиб бориш, яъни олдин ҳибсга олиб, жамиятдан ажратиб, кейин унинг айбини исботлашга киришиш каби ўтган замондан қолган ярамас тажрибага барҳам берилиши зарур”.

“Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилишларига йўл қўймаслик, органларни бундай нопок шахслардан тозалаш, ривожланган демократик мамлакатларда қўлланиб келаётган тамойиллар ва талабларга жавоб берадиган мезонлар асосида ҳуқуқбузарлик ва жазо тизимини қайта кўриб чиқиш зарур".

"Жиноят қонунчилиги бўйича жиноятлар учун жазо тайинлашни либераллаштириш лозим”.

"Жиноят қонунчилигида иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш имкониятларини кенгайтириш зарур. Озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жазонинг жарима турини қўллашни кенгайтириш, жарима миқдорини ошириб, энг аввало, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган бошқа таъсир чораларидан фойдаланиш зарур”.

“Жазо белгилашнинг муқобил турларини қўллашни кенгайтириш жиноят қонунчилигимизни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлади”.

“Ўзбекистонда “ўлим жазоси”ни қўллашга доир жиноят қонунчилиги сиёсати бутун жаҳонда кечаётган жараёнларга тўла мос келади. Фақатгина 4 та жиноят бўйича 1) Агрессия, 2) Геноцид, 3) Террорчилик, 4) Оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдиришда ўлим жазоси қолдирилди” (Айни вақтда ушбу масала юзасидан янада либераллаштириш сиёсати олиб борилиб, фақатгина террорчилик ва оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддам одам ўлдириш жинояти учунгина ўлим жазоси қолдирилган. 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб эса, мамлакатимиз жиноят қонунчилигидан ўлим жазосини олиб ташлаш назарда тутилмоқда.).

“Қонунни бузган оила бошлиғининг қилмиши учун унинг хотини, бола-чақаси азият чекмаслиги ва жавоб бермаслиги керак. Инсон ҳуқуқининг моҳияти ҳам, аввалambор мана шундадир. Биз синфий кураш ғояларига, давлат манфаатларининг мутлоқ устунлигига асосланган ва ҳали–бери онгимиздан батамом йўқ бўлиб кетмаган коммунистча ёндашувлардан воз кечишимиз керак. Яъни агар бирор бир оила бошлиғи қонунни бузишда айбланадиган бўлса, унинг бутун оиласи ва яқинлари ҳам жиноят тамғаси ва шармисорлик азобини кўтариб юришига қаршимиз. *Биз отанинг номуносиб хулқи учун оила аъзолари, энг аввало, ҳаётга ёруғ ният ва катта умидлар билан эндигина қадам қўяётган ёшларнинг жамиятдан узилиб қолишига асло йўл қўймаслигимиз керак. Бу бизнинг бош мақсадимиздир".*

“Вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан қўлланадиган жазо тизимини эркинлаштириш жараёни изчил давом эттирилиши зарур”.

“Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини эркинлаштириш ва демократлаштиришда ишларни кўриб чиқиш тартибини соддалаштириш, жиноий ишларни тергов қилиш ва судда кўриш муддатларини қисқартириш долзарб вазифалардан биридир".

“Давлат муассасалари, биринчи навбатда прокуратура ходимлари бир ҳақиқатни қулоғига қуйиб олганки, улар мана шу халқнинг бир қисми, ҳеч кимдан, оддий одамлардан ортиқ жойи йўқ. Уларни шу халқ вояга етказган. Бас шундай экан, прокуратура ходимлари уларни назорат қилишлари эмас, балки уларга хизмат қилишлари керак”.

“Прокуратура ваколатининг доирасини, унинг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини айнан ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарур”.

“Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётганлиги прокурорлик назоратининг объекти ҳисобланади”.

“Прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилишига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва контроль органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб

бориши зарур. Бу - прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир”.

“Прокурорлар фаолиятига улар томонидан қўзғатилган жиноий ишлар ёки жавобгарликка тортилган фуқаролар сонига қараб эмас, балки тегишли ҳудудда қонунчиликка амал қилинишининг ҳолатига қараб баҳо берилади”.

“Қонунни ҳимоя қилиш, суд, прокуратура органларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини қонунларни яхши билишларига эришиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича самарали иш олиб боришдан иборатдир”.

Юридик кадрлар биринчи навбатда, прокуратура органлари учун мустахассислар тайёрлашнинг амалдаги тизими, унинг камчиликлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бугун ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш бир қатор ўқув муассасаларида - Тошкент давлат юридик институтида, Қорақалпоғистон, Самарқанд ва Фарғона давлат университетларининг юридик факультетларида, бошқа ўқув даргоҳларида амалга оширилмоқда. Андижон ва Наманган давлат университетларида бор-йўғи 3 тадан фан номзоди ишлайди ҳолос.

Ихтисослашган юридик адабиётларни, дарслик ва услубий қўлланмаларни нашр этиш иши ҳам мутлақо талаб даражасида эмас.

Тошкент давлат юридик институти фақат таълим йўналишидаги ўқув юрти бўлиб қолмай, жиддий илмий база асосида ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилиш билан боғлиқ дастурлар, қарорлар лойиҳаларини тайёрланадиган илмий ва ташкилий марказга айланиши лозим.

Умид қиламизки, ҳуқуқшунослик институти, мамлакатимизнинг бошқа йирик ўқув ва илмий марказлари бор салоҳиятини миллий ҳуқуқшунослик мактабини яратишга қаратади.

Бу даргоҳда ҳуқуқшунослик фани илмий ва амалиётининг долзарб муаммоларига доир очиқ ва кенг баҳс-мунозаралар олиб борилади, ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш, қонунлар тайёрлашнинг истиқболли дастурлари тайёрланади. “Ҳуқуқбузарлик қилган инсон ҳали ёш, дунёқараши ва ҳуқуқий онги эндигина шаклланаётган, қонунларга итоат қилувчи киши қилиб тарбия-

лаш мумкин бўлган пайтда аниқ мақсадни кўзлаб, унинг тарбияси билан шуғулланган яхши эмасмиди? Бу масаланинг ҳал этилиши прокуратура идоралари, бутун ҳуқуқий тизимимиз ва умуман, жамиятимиз учун асосий фаолият йўналиши бўлмоғи керак”[1] деб айтганларини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Биринчи боб бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. “Прокурор назорати” – фанининг умумий тушунчаси?
2.“Прокурор назорати”фанининг – кенг тармоқли ҳуқуқий фанлар ичида тутган ўрни?
3. Прокурорлар фаолияти дейилганида нима тушунилади?
4. Прокурор назорати фанини ўқитишдан мақсад нима?
5. Ўзбекистон Республикасида прокурор назорати курсининг предмети бўлиб нималар ҳисобланади?
6. Прокурор назорати фанининг мазмунини нима ташкил этади?
7. Прокурор назорати – дейилганида нима тушунилади?
8. Прокурор назорати фанининг тизими неча қисмдан иборат?
9. Прокурор назорати тушунчаси нима ?
10. Прокурор назорати фанининг бошқа бир қатор юридик фанлар билан ўзаро алоқадорлигини айтиб беринг?
11. Прокурор назорати фанининг тизими бўйича умумий қисми нимани ўргатади?
12. Прокурор назорати фанининг тизими бўйича махсус қисми нимани ўргатади?
13.. Бакалавр талабалар “Прокурор назорати” фани бўйича қандай тасаввурларга эга бўлиши керак?
14. Прокурор назорати фанини ўрганган бакалавр талаба нималарни ўзлаштириб бориши ва уларни амалиётда тўғри қўллашни билиши ва қўллай олиши керак?
15. Прокурор назорати фанини ўрганган бакалавр талаба яна нималар ҳақида етарли кўникмаларга эга бўлиши керак?

[1] Каримов И.А. Адолат-қонун устуворлигида. Халқ сўзи. 2001, 30 авг.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида прокуратура ҳақида қандай фикрлар билдирилган, умуман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдига қандай талаб қўйилган?

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Адолат – қонун устуворлигида” деб номланган маърузасида прокуратура олдига қўйилган талаблар ҳақида айтинг?

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Адолат – қонун устуворлигида” деб номланган маърузасида Тошкент давлат юридик институти олдига қўйилган талаблар ва вазифалар ҳақида айтинг?.

1-боб учун схема




Умумий қисм
прокурор назорати прокуратуранинг асосий вазифаси тушунчаси
прокуратуранинг давлат органлари тизимида тутган ўрни ва аҳамияти
Ўзбекистонда прокуратуранинг тарихий ривожланиши ва босқичлари
ривожланишига доир илмий қарашлар
прокуратура органларининг ташкилий ва фаолият принциплари, уларнинг функциялари
прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари тушунчаси

Махсус қисм
қонунлар ижроси устидан назорат
(Умумий назорат)
фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат
ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга ижро этилиши устидан назорат
жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат
жиноят, фуқаролик, хўжалик судларида ишларни кўришда прокурор иштироки
жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш
чет давлатлар прокуратура органларининг фаолияти ва ташкил этилиши
Ўзбекистон прокуратура органларининг чет эл ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан халқаро ҳамкорлиги


«Прокурор назорати» фани бўйича дарсликнинг умумий қисми мақсади ва вазифалари
Прокурор назорати курсининг мазмуни, предмети ва тузилишини
Прокурор назорати фанининг мақсади ва вазифаларини
Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари ташкил этилиши ва ривожланиш босқичларини
Прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асосларини
Прокурор назоратининг моҳияти ва вазифаларини
Прокурор назорати фанидан назарий масалаларни
Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида“ги Қонунига асосан прокурорлик вазифаларини
Таъсир чорасини кўриш, аниқланган қонун бузилишларига нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатларини тузиш мазмунини
Ўзининг касбий малакасини мунтазам равишда ошириб бориши, қонунларни ва уларни амалиётда қўллашни билиши
Қўллай олиш юзасидан прокурор назоратининг умумий қисмига боғлиқ бўлган прокурор назорати фанининг махсус қисмига оид норматив ҳужжатлар мазмунини
Прокурорлик назоратини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий юридик муаммоларини таҳлил қилиш ва ҳал қилишни
Прокурор вазифаларини мустақил бажара олишни
Фуқароларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиб, юқори даражада ҳамда тўғри ҳал қилиш услубларини ўргатишдан иборатдир


Бакалавр талабалар “Прокурор назорати” фанининг умумий қисми бўйича
прокурор назорати курсининг мазмуни, предмети ва тузилиши
прокурор назоратининг умумий қисми мақсади ва вазифалари нималардан иборат эканлиги ҳақида
Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг ташкил этилиши ва ривожланиш босқичлари тўғрисида тушунчага эга бўлиши
прокуратура фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари, уларнинг мазмун ва моҳиятини
Прокурор назорати фанининг умумий қисмига тааллуқли бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқлари мазмун ва моҳиятини ўзлаштирган бўлиши

«Прокурор назорати» фани бўйича дарсликнинг умумий қисми мақсади ва вазифалари шунингдек

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокурор назорати фанининг умумий қисмига тааллуқли бўлган баъзи соҳавий буйруқлари, кўрсатмалари, йўриқномалари, низомларининг қисқача мазмуни ва моҳиятини ҳамда қўйилаётган талабларни

МДҲ ва хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг фаолияти тушунчаси ва прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикасидаги прокурор назорати фанининг умумий қисми бўйича қиёсий таққослаш орқали прокуратура фаолиятини (принципларини) такомиллаштириш услуб ва шакллари билан талабаларни чуқур таништириш ҳисобланади

“Прокурор назорати” фанининг умумий қисмини ўқитишдан мақсад талабаларни прокуратура органларининг амалий фаолиятида асосий тамойиллар ва уларни маҳсус қисмда белгиланган, прокурор фаолиятини амалга ошириш усулларини ўрганишдаги ўзига хос аҳамияти билан таништириш ва бошқа юридик қонунларни чуқур ўзлаштиришга эришишдан иборат

“Прокурор назорати” фанининг умумий қисмининг асосий вазифаси – мантиқий тафаккурга эга бўлишга эриштириш, ўқув курсининг асосий назарий қоидаларини мустаҳкамлаш, талабалар томонидан қонунчиликни қўллаш малакаларини эгаллаш, талабаларни амалиётда конкрет ҳодисаларга нисбатан қонун тамойилларини тўғри қўлланишига эриштириш, қонун бузилишларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишдан иборат

“Прокурор назорати” фанининг умумий қисмини ўрганиш натижасида талабалар амалдаги қонунчиликни, прокурор назорати назарияларини, муайян қонунлар ижросини текшириш методини ва амалиётини кенг чуқур ўзлаштиришни прокурор назоратининг умумий қисмида белгиланган тамойил ва принциплар билан бирга олиб борилиши керак

Прокурор назорати фанини ўрганган бакалавр талаба яна

- прокурор назорати фанидан назарий масалаларни
- Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига асосан прокурорлик вазифаларини
- аниқланган қонун бузилишларига нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатларини тузиш ва расмийлаштиришнинг прокуратура органлари тизими бўйича субъектлари кимлар бўлиши мумкинлиги
- прокурорнинг процессуал ҳаракатларни таш-кил этиш ва ўтказишни амалга ошириш ваколати прокуратура органлари тизими бўйича қайси прокурорларга тегишли бўлиши мумкинлиги
- ўзининг касбий малакасини мунтазам равишда ошириб бориши, амалдаги қонунлар, уларга ки-ритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўзлаштириб бориши ва уларни амалиётда тўғри қўллашни билиши ва қўллай олиши керак

Шунингдек,
бакалавр талаба

- прокурорлик назоратини такомиллаштириш-нинг ҳуқуқий, илмий-назарий муаммоларини таҳлил қилиш ва ҳал қилиш бўйича мустақил фикр билдириш салоҳиятига эга бўлиши
- прокурорнинг вазифаларини амалга ошириш юзасидан берилган топшириқларни мустақил бажара олиши
- прокуратура фаолиятининг йўналишлари бўйича ҳар бир йўналишнинг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда прокурор назорати ҳужжатлари лойихаси тузиши
- фуқароларнинг таклиф, ариза ва шикоятла-рини кўриб чиқиб, юқори даражада ҳамда тўғри ҳал қилиш юзасидан етарли кўникма-ларга эга бўлиши керак.

Прокурор назорати фанининг бошқа юридик фанлар билан ўзаро алоқадорлиги
Конституциявий ҳуқуқ
Давлат ва ҳуқуқ назарияси
Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар
Жиноят процесси
Фуқаролик процесси
Хўжалик процесси
Маъмурий ҳуқуқ
Жиноят ҳуқуқи
Жиноят ижроия ҳуқуқи
Меҳнат ҳуқуқи
Тадбиркорлик ҳуқуқи
Фуқаролик ҳуқуқи
Оила ҳуқуқи
ва бошқа соҳавий юридик фанлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида прокуратура ҳақида

Ўзбекистон буюк келажак сари. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.:Ўзбекистон. 1998. 16 -б.

Адолат-қонун устуворлигида. Халқ сўзи. 2001, 30 авг.

Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари, Ўзбекистон бозор мунособатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. –Т.: 1998, 126-б.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз Т 4. -Т.: Ўзбекистон. 2000. 7-б.

“ Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон, - 1997.

Халқимиз жипслиги – тинчлик тараққиёт гарови : Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясидаги маъруза. 1998 йил 28- август. Т.: Ўзбекистон, 1998.-7-10-11бетлар.

Барқарор тараққиётга эришиш-устувор вазифа. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 1998 йил 25 феврал. Т.: Ўзбекистон, 1998.- 47-б.

Адолат қонун устуворлигида. / Халқ сўзи. 2001 й. 30 авг.

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Халқ сўзи. 2002. 30 авг.

“ Янги уй қурмай, эскисини бузма” Т., ” Ўзбекистон”, 1993.

“Ўзбекистон тараққиёти ва ривожланишининг ўз йўли“. Т. ”Ўзбекистон”, 1992.


Прокурор назорати курсининг предмети
прокуратура фаолиятини ташкил этиш принциплари
Прокуратура органлари тузилиши ва тизими
қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширишдаги прокурор ваколатини белгиловчи ҳуқуқий нормалар ҳисобланади
Прокурор назорати – дейилганида
Ўзбекистон Республикаси номидан , унинг ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларини аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларининг давлат органи сифатидаги махсус фаолияти тушунилади
Прокурор назорати фаолиятини илмий ўрганиш, фаолиятни илмий шакллантириш ва режалаштиришда фандан фойдаланилади
Фан ёрдамида прокуратура фаолиятининг йўналишлари бўйича илмий асосланган усул ва услублар ўрганилади


Яна
Прокурор назорати –
дейилганида
биринчидан, прокуратура органлари вазифасини, асосий функциясини амалга оширувчи, давлат фаолиятининг махсус бир турини тушунилади
иккинчидан, ҳуқуқий фан тармоғининг бир бўлаги ва ўқув интизоми тариқасида тушунилади.

Прокурор назорати
Кенг тармоқли ҳуқуқий фанлар ичида, бир томондан прокурор назорати ҳақидаги қонунчиликни ўрганувчи мустақил ҳуқуқий фан сифатида
иккинчи томондан ҳуқуқий фанларнинг бир соҳавий тармоғи сифатида
учинчи томондан қонунлар ижросини амалга оширувчи прокурорлар фаолиятини ҳам назарий, ҳам амалий томондан ўрганадиган ҳуқуқий билимлар мажмуаси сифатида намоён бўлади.

Прокурорлар фаолияти дейилганда

Прокуратура органлари тизимида ишлайдиган мансаб лавозими ва махсус унвонга эга бўлган барча прокуратура ходимлари фаолияти тушунилади. Мавзулар бўйича прокуратура фаолиятининг баъзи йўналишлари, ёинки, прокуратура фаолиятининг айрим ваколатлари Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 56-моддасида назарда тутилган талабларга биноан, маълум бир прокурорларнинг ўзигагина тегишли эканлигини назарда тутиш лозим. (Масалан, протест киритиш, ўзгартириш, чақириб олиш.)

БИРИНЧИ БЎЛИМ
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР
2-БОБ: Давлат хизматининг алоҳида тармоғи сифатида прокурор назорати

Р Е Ж А :

1-§. Прокурор назоратининг мазмуни ва вазифалари.

2-§. Қонунларга риоя этиш - прокурор назоратининг предмети сифатида.

3-§. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири).

4-§. Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари.

1-§. Прокурор назоратининг мазмуни ва вазифалари

Давлат ҳуқуқий институтлари тизимида прокурорлик тизимини, прокуратура функциясини, унинг ҳуқуқий мақомини, ташкил этилишини, фаолиятининг шакл ва услубларини аниқлашда прокуратуранинг ўрни катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профиклактика қилишдан иборат («Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддаси).

Прокурор назорати, бу – Ўзбекистон Республикаси номидан, унинг ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларининг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларининг давлат органи сифатидаги махсус фаолиятидир.

Прокурор назорати – давлат фаолиятининг мустақил, ўзига хос тури ҳисобланади. Ушбу фаолиятни прокуратура органларидан бошқа ҳеч бир давлат идораси, ташкилоти, жамоат ташкилотлари, ёинки, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, шу-

нингдек, мансабдор ёки жисмоний шахслари амалга ошира олмайдилар.

Прокурор назоратининг мустақиллиги ҳар қандай давлат ташкилоти, сиёсий ташкилот ёки жамоат ташкилотларидан ҳоли тарзда, фақатгина қонун билан белгиланган ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари ва қонун ости ҳужжатлари талабларига назорат объектлари томонидан риоя қилиниши, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратнинг амалга оширилишида ҳам ифодаланади.

Прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, давлат фаолияти тури сифатида бирон-бир ҳокимият тизимига кирмайди. Прокуратура органлари ўз функцияси ва вазифаси нуқтаи-назаридан қонун чиқарувчи, ижро ҳамда суд ҳокимиятининг баъзи бир белгиларини ўзида мужассамлаштирган бўлсада, кўрсатилган уччала ҳокимият тизимига ҳам кирмайди.

Прокурор назорати - давлат номидан, яъни, ҳужжатларида давлат номидан деб қайд этилмасада, Ўзбекистон Республикаси давлати номидан **амалга оширилади**. Прокурор Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни маълум бир идора номидан ёки шу идора манфаати йўлида эмас, балки, давлат номидан, давлат ва жамиятимиз манфаати йўлида амалга оширади.

Шунинг учун, прокуратура органлари ҳамда прокурор томонидан бажариладиган фаолиятга давлат томонидан амалга оширилган фаолиятдек мунособатда бўлинади.

Прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб:

1) мавжуд бўлган барча қонунларни ва қонун ости ҳужжатларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан уларнинг фаолият доирасидан қатъи назар аниқ ва тўғри қўлланилишини таъминлаш;

2) прокурор назорати - давлат фаолиятининг бир йўналиши;

3) прокурор назорати - олий қонун чиқарувчи ва олий ижро ҳокимияти органларига, Ўзбекистон Республикаси олий мансабдор шахсларига, умумий юрисдикция судларига, хўжалик суд-

ларига ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига нисбатан татбиқ этилмаслиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ўзида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунувчи ва Ўзбекистон Республикаси номидан унинг ҳудудида Конституцияга риоя этилиши ва қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи, прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимини намоён қилади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси қонуннинг олийлигини, қонунийликни, ягоналигини ва мустаҳкамлашлигини, фуқаро ва инсоннинг (шахснинг) ҳуқуқ ва эркинликларини қонун билан қўриқланувчи жамият ва давлатнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни амалга оширади:

-вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларга мувофиқлиги устидан назоратни;

-вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назоратни;

-жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ва терговни олиб боришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартиби, шунингдек жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органларнинг қонунларни ижро этишлари устидан назоратни;

-ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа

чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан назоратни;

-барча суд инстанцияларида жамият ва давлатнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида иштироки;

-жиноятчиликка қарши кураш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси қонунларда ўрнатилган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида прокуратура давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши бўлимига киритилганлиги унинг мустақил структурага эга эканлигини билдиради. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига тақсимланиши, бошқа мустақил ҳуқуқий институтларнинг мавжудлигини асло инкор этмайди. Бундай ҳуқуқий институтлардан асосийси бу прокуратурадир. У ким томондан қонун бузилишидан қатъий назар уларни бартараф қилади ва тегишли жазони қўллайди.

Прокуратуранинг ижро этувчи ёки суд ҳокимиятига бўйсуниши давлат тизимини тубдан ўзгартириб, қонунларнинг бузилиш хавфини кучайтириб юборар эди. Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш керакки, прокуратура давлат органлари структурасида муҳим ўрин эгаллайди.

Прокуратуранинг муносабати ижро этувчи ҳокимият билан алоқада яққол кўринади. Бу асосан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, шунингдек, назорат қилувчи органлар билан муносабатига тегишлидир. Ҳамма ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи органлар чекланган ҳуқуқий муносабатлар доирасида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади. Прокуратуранинг ваколатлари универсал характерга эга бўлиб, ҳуқуқий муносабатларнинг бутун доирасига қўлланилади. Бузилган қонунни бартараф этиш чораларини қўллашда, ўзларининг предметли ваколатлари ёки ўрнатилган ваколатлари доирасидан четга чиқиш зарурати пайдо бўлса, назорат қилувчи органлар прокуратура органига мурожаат қилишга ёки иш материалларини беришга мажбур. Масалан, жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги ишларда.

Прокурорлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат органларининг айбдорларни жавобгарликка тортишда, ҳуқуқни бузувчиларга нисбатан чиқарилган қонун ва актларнинг қонунга мувофиқлиги, шунингдек қонунга риоя этишлари устидан назоратни амалга оширадилар. Прокуратуранинг назорат функцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятига татбиқ этилмайди.

Прокурор назоратининг асосий тушунчалари:

Прокурор назорати назарияси ва амалиёти илмий, ўқув ва амалиёт жараёнида фойдаланилаётган қатор тушунча ва терминларни ишлаб чиққан. Бу тушунчалар ҳамма вақт ҳам амалиётчилар ва назариётчилар томонидан бир хилда қабул қилинмаслиги мумкин. Бу эса, ўз ўрнида прокурор назорати самарадорлигига маълум даражада салбий таъсир қилиши билан кузатилиши мумкин. Шунинг учун прокурор назоратининг баъзи терминологияларининг маъноси, мазмуни ва моҳияти, тушунчаси ҳақида тўхталиб ўтиш зарур.

Энг кўп қўлланиладиган тушунча, бу, - “прокурор”- сўзи, термини тушунчасидир.

Прокурор – бу прокуратура органларида “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тегишли соҳавий буйруғи билан тартибга солинган қонун ости ҳужжатлари талаблари асосида белгиланган тартиб ва қоида бўйича Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларига доимий ёки вақтинча ишга қабул қилинган ҳамда ўзига бириктирилган мансаб ваколатлари, мажбуриятларини амалга оширувчи жисмоний шахсдир.

“Прокурор” дейилганида, - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, вилоят ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари, прокурорларнинг катта ёрдамчилари ва ёрдамчилари, прокурор – криминалистлар, бошқарма прокурорлари ва бўлим прокурорлари, суд муҳокамасида “прокурор” сифатида иштирок этадиган прокуратура ходими тушунилади.

Жиноят ишлари бўйича давлат айбловини қувватловчи шахсни ҳам прокурор деб аталади.

Шунингдек, фуқаролик ва маъмурий ишларда ҳамда хўжалик низоларига оид ишларни судларда кўрилишида тараф сифатида иштирок этиш ваколати юклатилган прокуратура ходими ҳам прокурор деб аталади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 56-моддасида “айрим атамаларнинг талқини” берилган бўлиб, унда кўрсатилишича, "Прокуратура органлари ходимлари" деган атама замирида даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган прокуратура органлари ва муассасаларининг барча ходимларини, шунингдек прокуратура иш ўрганувчиларини тушуниш керак.

5, 6-моддалардаги, 7-модданинг иккинчи қисмидаги, 22, 23, 25, 26-моддалардаги, 31-модданинг иккинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи хатбошиларидаги, 33-моддадаги, 43-модданинг биринчи қисмидаги ҳамда 44-модданинг биринчи қисмидаги "прокурор" деган атама замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, қуйи турувчи барча прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари, катта прокурорлари ва прокурорларини тушуниш керак.

28-модда биринчи қисмининг иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, тўққизинчи ва ўн учинчи хатбошиларидаги, иккинчи қисмидаги "прокурор" деган атама замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, қуйи турувчи барча прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг бошлиқларини тушуниш керак.

1-моддадаги, 7-модданинг тўртинчи қисмидаги, 8-модданинг иккинчи қисмидаги, 28-модда биринчи қисмининг ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн олтинчи хатбошиларидаги, 29-модданинг иккинчи қисмидаги, 31-модданинг учинчи, тўртинчи ва саккизинчи хатбошиларидаги, 34, 35, 36, 38, 39, 40, 41, 42-моддалардаги "прокурор" деган атама замирида ўз

ваколатлари доирасида иш олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, шунингдек уларнинг ўринбосарларини тушуниш керак (ЎзР 22.09.2008 й. ЎРҚ-181-сон Қонуни таҳриридаги қисм).

28-модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошисидаги "прокурор" деган атама замирида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурорларини ва уларга тенглаштирилган прокурорларни тушуниш керак, дейилган.

Прокуратура органларида прокурорлардан ташқари, **прокуратуранинг ходимлари** ҳам ишлайдилар. Буларга, прокуратура органларида ишловчи, мансаб унвонига эга бўлган(ҳарбий прокуратураларда ҳарбий унвонларга эга) ходимлар кирадилар. Прокуратура ходимлари қаторига прокуратура органлари тизимига қарашли илмий ва педагогик фаолиятни амалга оширувчи муассасалар ходимлари ҳам киради. (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги “Олий ўқув курслари”).

Прокурор назорати - тушунчаси бўйича:

1) прокуратура органининг махсус давлат фаолияти сифатидаги асосий функцияси (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат, берилган ваколатлар доирасида текширишлар ўтказиш ва аниқланган қонунбузилиши даражасига мувофиқ тарзда прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш);

2) ҳуқуқшунослик фанларининг бир соҳаси (прокурор назорати - ушбу фаолиятни ташкил этиш, тартибга солиш, амалга ошириш бўйича услуб, усул, қонунчилик ҳақидаги билимлар мажмуасини ўрганадиган юриспруденцияга оид фанларнинг бир тармоғи);

3) ўқув фани сифатида намоён бўлади.(Олий ва ўрта махсус ўқув даргоҳларида ўқитиладиган фан. Мазмуни ва моҳияти бўйича прокурор назорати фани икки қисмга умумий ва махсус қисмларга бўлинади. Умумий қисмда прокурор назорати фани тушунчаси, прокуратура фаолияти тариқасидаги прокурор назорати ту-

шунчаси, прокурор назоратининг принциплари, прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари ва ҳ.к.з.лар).

2-§. Қонунларга риоя этиш - прокурор назоратининг предмети сифатида

Прокуратура деярли барча давлатларда мавжуд бўлиб, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи нуфузли орган ҳисобланади. Унинг фаолияти давлатнинг эрки, тузуми, мафкурасини ўзида ифода этувчи қонунлар моҳияти билан белгиланиб келинган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунда кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига асосоан «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади». Қомусимизнинг 119 ва 120-моддаларида эса прокуратура органлари ўз ваколатларини Республика Бош прокурори бошчилигида ягона марказлаштирилган тизим сифатида, ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширишлари ўз аксини топган.

Мамлакатимизда қонун устуворлигининг ҳукмронлик қилиши қонунлар талабларини оғишмай ижро этиш натижасидагина мустаҳкам, ўз мустақиллигини ҳимоя қила оладиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлай оладиган давлат қурилишини таъминлайди.

Ҳар қандай давлат ўз тузумидан келиб чиққан ҳолда қонунларнинг ижросини таъминловчи кафолатлар тизимини тузади. Прокурорлик назорати бизнинг давлатимиздаги бу тизимнинг асосий бўғинларидан биридир.

Прокурорлик назорати прокуратура ташкил этилиши муносабати билан ҳосил бўлмайди, аксинча давлатда қонунчилик бор экан бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган қонунийликнинг

бир-хиллиги ва уни таъминлашга қаратилган назорат функциясини ташкил этиш зарурати ҳосил бўлади.

Давлат бошқарувининг олий органлари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа идоралар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, халқ ҳокимиятини, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга ваколатли бўлсаларда, Конституцияга риоя этилиши, қонунларнинг устуворлигини, бир хилда бажарилишини, қонунийликнинг мустаҳкамланишини таъминлаш учун уларнинг ижроси устидан назорат давлат томонидан фақат ягона прокуратура органларига юклатилган.

Прокурор назорати ҳуқуқий муносабатлари давлатнинг қайси идораси, қайси давлат органи ҳуқуқбузарликни белгилаши, қонун билан ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликни ифодалашидан қатъи назар вужудга келади.

Прокуратура идораларининг бирламчи вазифалари қонуннинг ягоналигини таъминлаш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш ва қонун бузилишини бартараф этиш чораларини кўришдир.

Давлатимизнинг суд ҳуқуқ сиёсатидаги муҳим, кенг қамровли ўзгаришларни амалга ошириш борасидаги сиёсати ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятини ҳам қайта кўриб чиқишни тақазо этди. Қабул қилинган қатор қонунлар, хусусан, «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги, «Адвокатура тўғрисида»ги, «Адвокатлар фаолиятининг кафолатлари ва ваколатларининг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлар, янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, прокуратуранинг қонунлар бажарилишини назорат қилиш бўлинмаларининг иши ўзининг ижобий ва яратувчанлик ролини йўқотиб, кўпинча жазолаш хусусиятларини касб этиб қолаётганлиги, прокуратуранинг айрим ходимлари ўз ваколатларини нотўғри талқин эта бошлаганлари «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга замон талабларига жавоб берадиган ўзгартиришлар киритилишини талаб этди.

Прокурор назоратининг предмети. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасида кўрсатилган прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларида

белгиланган ҳуқуқий муносабатлар - прокурор назоратининг предмети бўлиб, ҳар бир асосий йўналиш ўз мазмунига кўра, жисмоний ва юридик шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши уларнинг эгаллаган лавозими ва мавқеига қараб турличадир.

Қонунлар ижроси устидан назорат бўйича прокурор назорати предмети - Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги ҳисобланади. (Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунини 20-моддаси).

Қонунлар ижроси устидан назорат предмети Қонуннинг 20-моддасида белгиланган бўлиб, Прокуратура фаолиятининг мақсади ҳамда вазифалари тубдан ўзгарди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "прокуратура халқнинг устидан назорат қилмаслиги, аксинча унга хизмат қилмоғи даркор". Шунинг учун ҳам тоталитар режимдан қолган асоратдан, яъни фуқаролар устидан назорат қилиш ваколатидан воз кечилди. Эндиликда прокуратура ходимларининг бош мақсади ҳар бир ваколатни амалга оширишда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Қонуннинг 4-моддасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориш прокуратура фаолиятининг мустақил йўналиши даражасида белгиланиши, шунингдек “фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат” қилишни янги таҳрирдаги қонунга алоҳида боб сифатида киритилиши асосий қонунимизда белгиланган фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган нормани амалда қўллашда прокуратура ролининг кучайганлигини тасдиқлайди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат бўйича прокурор назорати предмети вазирлик-

лар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши ҳисобланади (Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунини 20-моддаси).

Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат бўйича прокурор назорати предмети Жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ва тергов олиб боришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартиби, шунингдек жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органларнинг қонунларни ижро этишлари устидан назорат ҳисобланади (Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 20-моддаси).

2001 йил 29 август куни янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунида «умумий назорат» термини фойдаланилмаган. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади (Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 20-моддаси).

Қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади. Хўжалик фаолиятига ва

бошқа фаолиятга прокурорнинг бевосита аралашишига, шунингдек идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини бажаришига йўл қўйилмайди (Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддаси). Прокурорлик назоратининг ушбу тармоғида прокурорлар ўзларига юклатилган вазифаларни муваффаққиятли амалга оширишлари учун уларга зарур бўлган ваколатлар берилган.

Прокурорга у ўзи ноқонуний ва асослантирилмаган деб ҳисоблаган қарорни тўғридан-тўғри бекор қилиш ёхуд ўзгартириш ҳуқуқи берилмаган. Прокурорга берилган ваколатлар қонунбузилиш ҳолларини ўз вақтида аниқлаш, аниқланган қонунбузилиш ҳолларига нисбатан ушбу қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг эътиборини жалб этиш, ҳуқуқбузарларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш ва ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш имконини беради. Ушбу соҳадаги прокурорнинг ваколатлари асосан Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасида шакллантирилган.

Прокуратура қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига кирмайди. Прокуратура - давлат органи. У айнан мустақил давлат органи сифатида прокурорлик назоратини амалга оширади. Хўш, прокурор назорати дейилганда нима тушунилади? Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни айтиш керакки, прокурор назорати - бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида ўрнатилган ҳолатга риоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги қонунчиликка мувофиқ бузилган қонунийликни бартараф этиш чораларини, ўрнатилган қонунларга мувофиқ айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини, прокуратуранинг ва унинг қонунда белгиланган ҳуқуқий таъсир чораларини қонун билан ўрнатилган тартибда бажариш ваколатини амалга ошириш учун давлат ҳокимиятининг махсус ваколатли органи фаолияти туридир.

Демак, Конституцияда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни фақат махсус давлат органи, яъни Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори ва унга бўйсунувчи проку-

рорлар амалга оширади. Бу фаолият эса **прокурор назорати** деб аталади. Прокурор назорати ўзининг объект ва субъектига эга.

Прокурор назоратининг объекти прокуратуранинг ваколати ёйилган, яъни қонунлар ижроси устидан прокурор назорати фаолияти қаратилган ҳокимият органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахслар йиғиндисидан иборат бўлади. Бу ерда ваколати ёйилган дейилган, жумладан муайян прокуратура органининг ваколат доираси тушунилади. Масалан, туман прокуратураси ўз ҳудудидаги объектларни текшириши, назорат қилиши керак. Умумий асосда прокурор назоратининг объекти вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва мансабдор шахсларнинг йиғиндиси билан белгиланади. Прокурор, прокурор назоратининг объектларини ҳуқуқий татбиқ қилиши, яъни қонунларга риоя этиши ёки ижро этиши, шунингдек улар томонидан чиқарилган ҳуқуқий актларнинг қонунга мувофиқлиги устидан назоратни амалга оширади.

Прокурор назоратининг субъекти - бу прокурор назорат фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахс – прокурор (прокурор назоратини амалга ошираётган прокуратуранинг мансабдор шахси) ҳисобланади. Прокурор назоратининг субъекти - бу қонунда ўрнатилган тартиб ва асосда, ўзининг ваколати доирасида назорат ваколатлари ва ўзига юклатилган вазифани амалга оширувчи прокуратура органининг мансабдор шахсидир. Бунда бир қатор ҳолларда процессуал муносабатларга киришиш учун у ёки бу шахснинг шу прокуратура органида қандай аниқ мансабни эгаллаганлиги аҳамиятга эга бўлмайди.

Прокуратуранинг бирлик ва марказлашганлик принципига асосан прокурор ўзининг ваколати доирасида ўзининг назорат ваколатига тегишли функцияларини бажариш учун қонунда кўрсатилган, шахсан ўзи бажариши керак бўлган ҳоллардан ташқари, вакил жўнатиши мумкин. Айнан шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 33-моддасида жиноят-процессуал фаолият мақсадлари учун прокурор дейилганда

Бош прокурор, унга бўйсунувчи прокурорлар, унинг ёрдамчи ва ўринбосарлари, ўзларининг ваколати доирасида фаолият юритадиган бўлим ва бошқарма прокурорлари тушунилади.

Фақатгина у ёки бу назорат процессуал ҳаракатларни ёки қарорларни амалга ошириш аниқ белгиланган прокурорга юклатилган бўлсагина, ўшанда аниқ мансабдор шахс назарда тутилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг **480-моддаси "Жиноят ишининг юқори суд томонидан кўрилишида прокурорнинг иштироки"** деб номланиб, унда кўрсатилишича, "жиноят ишининг апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрилишида прокурор қатнашади.

Ишнинг кўрилишида:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳайъатларида - тегишинча Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори томонидан ваколат берилган прокурор;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатларида - тегишинча Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумида – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қатнашади" дейилган. Кўриниб турибдики, жиноят процессининг айнан шу жараёнида қатнашиши мумкин бўлган, прокурор сифатида иштирок этиши мумкин бўлган субъект ким бўлиши мумкинлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг **383-моддасида кўп воқеали жиноят ишлари бўйича прокурорнинг ваколатлари** белгиланган бўлиб, унда кўрсатилишича, "прокурор ёки унинг ўринбосари кўп воқеали жиноят ишлари бўйича айбловнинг айрим воқеалари юзасидан муайян шахсга нисбатан тўпланган далилларни айблов хулосаси тузиш учун

етарли деб эътироф этса, шу воқеалар бўйича терговни тамомлаш ва ишни судга юбориш ҳақида ёзма кўрсатма беришга ҳақли". Кўриниб турибдики, "прокурор ёки унинг ўринбосари"га тегишли процессуал ваколат қайд этилган. Худди шунингдек Жиноят-процессуал кодексининг **384-моддасида "айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурор ҳал этиши лозим бўлган масалалар"** қайд этилган бўлиб, прокурор ёки унинг ўринбосари терговчидан айблов хулосаси билан келган жиноят ишини ўрганиб чиқиши ва қатор процессуал қонунчилик талабларига жиноят қонунчилигига риоя қилинганлигини текшириши ва назорат қилиши белгиланган.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг **385-моддасида, "айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурорнинг қарори"** деб номланиб, Прокурор ёки унинг ўринбосари айблов хулосаси билан келган жиноят ишини кўпи билан беш суткада кўриб чиқиши ва тегишли қарор қабул қилиши белгиланган.

Жиноят-процессуал кодексининг **388-моддасида** прокурор ёки унинг ўринбосари айблов хулосасини тасдиқлаб, жиноят ишини тегишли судга юборади, деб белгиланган. Кўриниб турибдики, бу ваколатлар ҳам прокурор ва унинг ўринбосарининг ваколатига тааллуқлидир. Айблов ҳулосаси билан келган жиноят ишини назорат тартибида текшириш ва процессуал қарорлардан бирини қабул қилиш ваколати айнан прокурор ва унинг ўринбосарига тегишли эканлигини кўрамиз. Бу ваколатларнинг субъекти прокурор ва унинг ўринбосаридир.

Жиноят иши юзасидан ғайриқонуний, асослантирилмаган ва адолатсиз суд қарорига нисбатан протест киритиш ваколати ҳам айнан прокурор ва унинг ўринбосарларига тегишли эканлиги қайд этилган. **Масалан** Жиноят-процессуал кодексининг **479-моддаси суд қарорлари устидан шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқи ҳамда унинг таъминланиши** деб номланиб, унда кўрсатилишича, "ушбу Кодекснинг 497-2, 498 ва 516-моддаларида назарда тутилган процесс иштирокчилари биринчи инстанция судининг ҳукми ва ажрими устидан белгиланган тартибда апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга, шунингдек суд қарорларини назорат тартибида қай-

та кўриб чиқишни илтимос қилишга ҳақлидир. Бу ҳолда улар ўз важларини тасдиқловчи қўшимча материаллар тақдим этишлари мумкин”лиги, **497-2-моддасида ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар қайд этилган бўлиб,** “маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан шикоят беришга, прокурор ва унинг ўринбосари эса, протест билдиришга ҳақлидир”, дейилган.

Шунинг учун прокурор назоратининг субъекти бўлиб, қонунларни ижро этиши ва риоя қилишини прокурордан ҳамда прокуратурадан ташқари юридик ва жисмоний (мансабдор) шахслар бўлишлари мумкин эмас. Юқоридагиларга асосланиб прокурор назоратининг мазмунини қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат ташкил этишини билиш мумкин.

Бутун фаолияти жамиятда қонун устунворлигини таъминлашга йўналтирилган, қонунбузилишларни тезкор равишда бартараф этадиган, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги жамият талаблари қондирилишига жавоб берадиган прокуратура органлари давлатимиз ва жамиятимизга керак эканлиги яна бир бор исботланди. Ушбулар қонуннинг 1- ва 2-моддаларида ўз ифодасини топди.

Прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциялари кучайтирилди. Шу мақсадда қонунга махсус боб киритилиб, унда инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита ҳимоя қилиш ҳамда бу борада қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш ваколатлари ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш лозимки, прокурорнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциялари, шу жумладан, судга даъво аризаси тақдим этиш ваколати аввалambор, алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар, яъни вояга етмаганлар, қариялар, касаллар, ногиронлар ва бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилади. Инсонпарварлик нуқтаи назаридан бу янгиликлар ўта муҳим аҳамиятга моликдир. Прокурорнинг назорат ва процессуал ваколатларини, унинг имкониятларини инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳимоясига йўналтириб, давлатимиз инсон ҳуқуқлари ҳимояси ка-

фолатларини қатъиян таъминланишидан манфаатдор эканлигини яна бир бор намойиш этди. Бу эса ўз навбатида прокуратура органларига катта маъсулият юклайди ва улардан бошқарув, назорат ҳамда бошқа органлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолатларига йўл қўймасликларини, бузилган ҳуқуқларни эса тегишли ваколатлардан самарали фойдаланиб, қатъиятлилик билан ҳимоя қилишни талаб этади.

Прокурорнинг ваколатлари дейилганида, унинг қонун билан белгиланган тартибда мансаб-лавозимини, фаолият доирасини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мажмуаси тушунилади.

Прокурор назоратининг ҳуқуқий воситалари – одатда, бир хил тушунчани англатади. Прокурор назоратининг ҳуқуқий воситаси сифатида прокурор назорати ҳужжатлари ҳисобланган – протест, тақдимнома, қарор, ариза, огоҳлантирувни тушунилади.

Протест-қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятини амалга оширишда фойдаланиладиган ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, ғайриқонуний, асослантирилмаган ва адолатсиз суд қарорларига нисбатан киритилади. Хусусий протест ҳуқуқий восита сифатида жиноят ишлари бўйича суднинг жиноят ишини қўшимча терговга юбориш ҳақидаги ажримига нисбатан киритилади.

Тақдимнома- аниқланган қонун бузилишини зудлик билан бартараф этиш зарур бўлган ҳолда ҳамда текширишда аниқланган қонунбузилаш ҳолларининг келиб чиқиш шарт-шароитларини бартараф этиш, келгусида шу каби қонун бузилиш ҳолларига йўл қўймаслик учун тегишли чора-тадбирлар белгилаш учун киритиладиган ҳуқуқий ҳужжатдир.

Қарор-интизомий жавобгарликка тортиш бўйича, маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича ҳамда жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан қабул қилинадиган прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланади.

Ариза - прокурор томонидан судга прокурорнинг киритган протести бўйича протест кўриб чиқилмаганида ёки рад этилган ҳолларда ғайриқонуний ҳужжатни қонунга мувофиқлаштиришни сўраб мурожаат қилишда фойдаланиладиган прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатидир. Масалан, маълум бир туман ҳокимининг ғайриқонуний ҳужжатини бекор қилиш учун туман ҳокими номига

прокурор шу ҳужжатни бекор қилишни кўрсатиб, ўзининг протестини киритади. Туман ҳокими шу протестни кўриб чиқмаса ёки кўриб чиқиб, протестни рад этса, унда прокурорнинг ўзи ғайриқонуний деб ҳисоблаган ҳужжатни суд томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилишини талаб қилиб, фуқаролик судига ариза билан мурожаат қилади.

Огоҳлантирув – прокурор фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огоҳлантириш учун қўлланадиган прокурор назорати ҳужжатидир. Ушбу ҳужжатни қўллаш билан прокурор огоҳлантирилувчига ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни тушунтиради.

3-§. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири)

2001 йилнинг 29 август куни мазкур қонун янги таҳрирда қабул қилинди, яъни, **Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири)** қабул қилинди ва 2001 йил 27 октбяр куни матбуотда эълон қилиниб, кучга кирди. Қонундаги қатор асосий ўзгаришларни қайд этиб ўтиш прокуратуранинг ҳозирги вазифалари тўғрисида тўлиқроқ тушунчага эга бўлишга имконият беради.

Биринчидан, фуқаролар прокуратуранинг назорат объектидан чиқарилди, қонунга махсус боб киритилиб, унда прокуратурага фуқарорлар ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита ҳимоя қилиш ваколати юклатилди.

Иккинчидан, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича прокуратура идораларининг ваколатлари ҳуқуқий асослари ва механизми берилди. Қонун талабига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишли

органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради. Бунинг учун мувофиқлаштирувчи кенгаш чақиради, ишчи гуруҳлар ташкил этади, зарур ахборот, шу жумладан, статистика маълумотларини талаб қилиб олади, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда судда прокурор иштирокининг туб моҳияти ва бош мақсади аниқ қилиб белгиланди. Унга кўра, фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўрилаётганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади.

Тўртинчидан, прокурорлик текширишлари ўтказилиши асослари конкретлаштириб белгиланди, яъни

1. Қонун талаблари бузилганлиги ҳақидаги аризалар ёки бошқа маълумотлар;

2. Прокурорлик чоралари кўрилишини талаб қиладиган қонунийлик аҳволи.

Бешинчидан, прокурорлик таъсир чораларидан бири бўлган «амрнома» прокурор назорати ҳужжатлари таркибидан чиқарилди. Унинг ўрнига «тақдимнома» деб номланувчи прокурор назорати ҳужжатидан фойдаланиш белгиланди. Қонун талабига кўра, тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

Прокурор томонидан киритиладиган қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахс номига киритилади.

«Ариза» деб номланувчи прокурор назорати ҳужжати жорий қилинди. Прокурорнинг «протести» вақтида кўриб чиқилмаганида ёинки, рад қилинганида, прокурор томонидан ғайриқонуний деб ҳисобланган ҳужжатни суд томонидан ғайриқонуний деб топиш учун судга «ариза» билан прокурорнинг мурожаат қилиш тартиби белгиланди.

Қонун талабига кўра, прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Прокурорнинг аризаси суд томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади. Прокурор аризасидан давлат божи олинмайди.

Олтинчидан, Бош прокурор қабул қилган, индивидуал хусусиятга эга бўлмаган буйруқлар ва бошқа ҳужжатларнинг қонунийлигини текшириш ваколати Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига берилди. Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг қабул қилган буйруқлари, низом ва кўрсатмалари, йўриқномаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларига зид равишда бўладиган бўлса, уни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Лекин, индивидуал хусусиятга эга бўлган буйруқлар бундан мустаснодир.

Еттинчидан, қонундан «умумий назорат» ибораси чиқарилиб, у «қонунлар ижроси устидан назорат» жумласи билан алмаштирилди.

Саккизинчидан, Республика Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати олдида ҳисобдорлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентига:

қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида мунтазам равишда;

ўта оғир жиноятлар ва фавқулодда ҳодисалар тўғрисида зудлик билан;

прокуратура органлари амалга оширган ишлар тўғрисида ҳар олти ойда ахборот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ўз фаолияти ҳақида мунтазам равишда ҳисобот беради.

Тўққизинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш прокурор асосий вазифаларининг бири сифатида қонунда белгиланди ва у қонунийликни таъминлашда фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва ташаббускорлигини ошириш масаласига боғланди.

Ўнинчидан, солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарнинг ўрнини қоплашга қаратилган қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш вазифалари юклатилди.

Қонунга 2-боб тариқасида янги боб киритилди. Бу бобнинг номи «фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати» деб аталиб, прокурор назоратининг предмети ва объекти бевосита фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларига вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан риоя қилиниши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Прокуратура тўғрисида”ги Қонун, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Республика Бош прокурорининг буйруқ ва кўрсатмалари талабларидан келиб чиққан ҳолда прокуратура идоралари зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш юклатилган:

- қонун устуворлигини таъминлаш;
- қонунийликни мустаҳкамлаш;
- фуқороларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш;
- ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикани амалга ошириш.

Қонунда ўз аксини топган ушбу вазифалар прокуратура органларининг назорат соҳалари ва асосий йўналишларидаги фаолиятини тўлиқ қамраб олади.

Яъни, Прокуратура органларининг фаолияти қонун устунлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашга, Конституцияда мустаҳкамланган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек давлат мустақиллигини, ижтимоий давлат тузуми, миллий гуруҳлар ва ҳудудий тузилмаларни ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган.

Қонунда, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, шунингдек вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар про-

курорларининг ҳамда юқори турувчи прокурорлар томонидан уларнинг ваколат муддати давомида камида икки марта комплекс ўрганиб чиқилиши, **прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши ҳисобланиши, ўз фаолияти даврида тегишли ҳудудда қонунлар ижроси устидан лозим даражада назорат ўрнатилишини таъминлаб бера олмаган шахслар прокурор лавозимига такроран кўрсатилишига йўл қўйилмаслиги** белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2001 йил 29-августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида очиқ, атрофлича белгилаб қўйилган. Мазкур Қонунда: прокурор назоратининг мақсади ва вазифалари; прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари; прокуратуранинг ташкилий фаолият принциплари; прокурорларнинг назоратни амалга ошириш ва қонун бузилишларига прокурорлик таъсир кўрсатиш ҳуқуқий воситалари аниқ белгилаб берилган.

4-§. Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари

Ўзбекистон Республикаси худудига прокуратура тариқасидаги давлат органининг кириб келиш тарихига назар ташласак 19-асрнинг иккинчи ярми келиб, Россия томонидан Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлигидан иборат Ўрта Осиё босиб олингунга қадар, бу ерда прокуратура деб номланган махсус идора бўлмаган***. “Ҳар бир инсон қалбида нафс балосидан, шайтон васвасасидан йироқ бўлиш, иймон ва инсоф, виждон ва адолатпарварлик туйғуларини уйғотиш зарур. Агар одамлар онгида шу инсоний туйғулар қарор топмас экан, ана шундай олижаноб фазилатлар жамиятимизда ҳукмрон бўлмас экан, давлат томонидан ўтказиладиган ҳар қандай чора-тадбирлар***

ҳам, суд прокуратура идораларининг фаолияти ҳам кутилган самарани бермайди”[1].

Ўрта Осиёда, прокуратура деб номланган идора ва прокурор деб аталувчи мансаб ёки лавозим бўлмаган бўлсада, шариат қонунларининг бажарилишини назорат қилиб турувчи махсус лавозим ва ушбу вазифани амалга оширувчи шахслар бўлган. Тарихдан маълумки, халқнинг маънавияти, маданияти, турмуш даражаси ошиб борган сари инсон ҳуқуқларини ҳимоялашни кафолатлашга бўлган эътибор ҳам юксалиб боради.

Шу ўринда, юртбошимиз И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2006 йил 7 декабрь кунидаги *“инсон манфаатларини таъмсинлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш-устувор вазифамиздир», деб номланган маърузасида, “биз бугун изчиллик билан амалга ошираётган тинч ва фаровон ҳаёт қуриш йўли ва бу йўлнинг асосий қонунчилик негизлари ҳақида гапирганда, бамисоли тоғдай таянч бўладиган* ***иккита мезон-мақсадни*** *ўзимизга яққол тасаввур қиламиз.*

Биринчиси *– юксак даражада тараққий топган демократик давлатларнинг ўзини ҳар томонлама оқлаган тажрибасини танқидий таҳлилдан ўтказиб,ўзимизга қабул қилиш ва жорий этиш, шу асосда ҳаётимизни қуриш.*

Иккинчиси *- қадимий ва бой тарихимий, қадриятларимиз, ота-боболаримиз азалдан асраб-авайлаб келган ва биз ҳам бугун амал қилаётган муқаддас дину-диёнатимиз, урф-одат, удум ва анъаналаримизга риоя этган ҳолда, ҳар қандай ҳолат ва бошимизга тушган синовда ҳам ўзлигимизни йўқотмасдан, биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни унутмасдан яшаш, фарзандларимизни ҳам шу аснода тарбиялаш ва ҳаётга йўлланма бериш.*

Мана шу иккита йўналиш-замон талаб қиладиган демократик принциплар ва миллий хусусиятларимиз –қадриятларимизни ўзаро уйғун тарзда бирлаштиришдек ўта муҳим ва стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифани руёбга чиқариш, қатъият ва изчиллик билан ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жорий этиш -

[1] И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қулимиз билан қурамиз, 7-сон. Т.: Узбекистон, 1999. 253 б.

булар биз танлаган йўлни белгилаб бераётган асосий омиллари ва шарти, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз”, деганларини эслаб ўтиш жоиздир.

Ислом тарихи гувоҳлик беришича, VII асрдаёқ инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга асосланган тизим вужудга келган. Ҳалифа Умар (р.а.) томонидан шикоятларни кўриб чиқиш ва низоларни ҳал қилиш учун Муҳтасиб мансабининг ташкил этилиши фикримиз далилидир[1].

«Муҳтасиб» сўзи араб тилидаги асли «ҳасаба» феъли ўзагидан ясалган. Унинг исм шакли «ҳисба» — ҳисоб-китоб, ажр, эваз, мукофот, ўлчов ва оғирлик ўлчовларини назорат қилувчи мансаб маъносини англатади. Муҳтасибнинг ҳаракат номи шакли «ихтисоб» сўзи ҳисоб, ҳисоблаш, мамнунлик, итоаткорлик маъноларини билдирса, Муҳтасиб ўлчам ва оғирлик ўлчовларини назорат қилувчи мансабдор, инспектор маъносида фойдаланилади[2].

Қуръони карим Оли Имрон сурасининг 104-оятида Аллоҳ таоло шундай амр қилади: «Сизларни яхшиликка даъват қиладиган, амри маъруф ва наҳий мункар ишларини олиб борадиган (бир) уммат бўлган! Айнан улар толе топувчилардир»[3] (яхшиликка буюрувчи ва ёмонликдан қайтарувчи шахслар бўлиши лозимлиги таъкидланмоқда). Ҳисба яъни, муҳтасиблик тизимининг ташкил топишига юқоридаги оят далил сифатида қараладики, Аллоҳ таолонинг ўзи инсонлар ўртасида турли бузғунчилик, сохтакорлик, жабру ситамларнинг, ҳаром ишларнинг олдини олиш мақсадида инсонларни яхшиликка ундовчи ва ёмонликларни тарк қилишга чақирувчи кишилар гуруҳи бўлишига буюрган.

Юқоридаги оятдан, яхшиликка ундаш ва ёмонликдан қайтариш нафақат Муҳтасибнинг, балки барча мусулмонларнинг вазифаси эканлиги ҳам тушунилади. Бу вазифани кўнгилли бажарувчиларни **мутатаввиъ** деб аталади.

Муҳтасибнинг мутатаввиъдан фарқ ва устунлигини Мовардий шундай келтиради:

---

[1] Дин Готтер. Омбудсман ҳамда демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, №1. 1999. 27-28 б.
[2] Лисон ал-Араб, 3-китоб, Байрут-1997. 164-б.
[3] Абдулазиз Мансур. Курони Карим маъноларининг таржимаси, -Т.: ТИУ, 2001. -63-б.

1**. Муҳтасиб** ва ҳисбанинг бошқа аъзолари ҳам **давлат раҳбари ёки ҳокимият органлари томонидан тайинланади**. (Ҳозирги бизнинг қонунчилигимизга назар ташланса, **Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиб, Сенат томонидан тасдиқланади. Вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар Ўзбекистон Республикаси прокурори томонидан тайинланади**)

2. Оятда келтирилган **яхшиликка ундаш ва ёмонликдан қайтариш уларнинг асосий вазифаси** бўлиб, одамлар яхши амаллардан узоқлашганда, уларни даъват қилишга масъул ҳисобланади. (**Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий тарғибот ҳисобланади**).

3. **Муҳтасиб** вазифасини бажармаганда жавобгарликка тортилади. (**Прокурорлар** томонидан ҳам ўз **хизмат вазифасини** лозим дажарада **бажармаганлиги учун** интизомий ва жиноий **жавобгарлик**ка тортилиши мумкинлиги қонунчилигимизда **назарда тутилган**)

4. **Муҳтасиб** содир этилаётган мункар ишларни аниқлаши, уларни қайтариши ва яхши амалларни очиқ тарк қилганларни топиб, уларга буюриши **керак** (**жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни келтириб чиқарган шарт-шароитларни бартараф қилиш** вазифаси **прокурорга** ҳам **юклатилган**).

5. **Муҳтасиб** ушбу асосий вазифаларини тўлиқ амалга ошириши учун **ўзига ёрдамчи ёллаши мумкин**. Ёрдамчисига қаттиққўл ва қатъий муносабатда бўлиши лозим. (**Прокурорларнинг** амалдаги прокуратура фаолиятини белгилаб берувчи кўрсатма ва низомларига асосан **ёрдамчилари ва катта ёрдамчилари мавжуд**. Бундан ташқари жамоатчи ёрдамчиларни ҳам ишга жалб қилиниши мумкин.)

6. Мункар ишлар очиқ ҳаддан зиёд ошганда **Муҳтасиб огоҳлантириши, жазо чорасини қўллаши** керак (**Прокурор** таъсир чораларидан бири бу **“огоҳлантирув” ҳужжати билан расмий огоҳлантириш** ҳисобланади).

7. Муҳтасиб ҳисба ҳаражатларини байтул-молдан олади **(Прокуратура органлари ходимларининг ойлик маошлари ҳам давлат бюджетидан олинади)**.

8. Муҳтасибга шариатдан ташқари урф-одатларга, тегишли ишларда ўз мустақил фикрига таяниш ҳуқуқи берилади[1] **(Прокурорлар ҳам фақат қонунга бўйсунадилар ва далилларга баҳо беришда ўзларининг мустақил ички ишончларига амал қиладилар)**.

Ҳисба тизими фақир ва заиф кишиларнинг, ожизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши лозим бўлган муассаса вазифасини бажарган.

Прокуратура органларининг ҳам асосий вазифаларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва зарур бўлса, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, судда уларнинг номларидан вакиллик қилиш, уларнинг манфаатлари йўлида даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳисобланади.

Мовардий ва Фарроъ «ҳисба»ни қуйидагича таърифлайди:

«Ҳисба бу – амр билан маъруф (яхшиликка буюриш). Агар ёмонлик намоён бўлганда, ёмонликдан (мункар ишлардан) қайтаришдир»[2].

Ҳисба тизими ислом маросимларини, урф-одатларини, шариат қонунларининг бажарилишини, бозорлардаги нарх-наво ва ўлчов асбобларининг тўғрилигини назорат қилиш, ибодат ва баъзи диний маросимларни бажармаган кишиларни дарра билан уриб жазолашга ҳукм чиқариш ва ўша ернинг ўзида ҳукмни ижро эттириш каби вазифаларни бажаришни ўзига қамраб олган.

Ғаззолий ўзининг «Ихё улум уд-дин» асарида ҳисба тизимининг тўртта асосий элементларини келтирган:

I. Муҳтасиб тавсифи.

П. Ҳисба жараёни тартиби.

III. Муҳтасиб ваколатлари.

IV. Ҳисба жазо чораси босқичлари.

Жазо чоралари яхши амаллар тарк қилингандаги мункар ишлар содир этилаётганлиги аниқланиши билан қўлланилади. Унинг босқичларини Ғаззолий шундай келтиради:

- Амри маъруф, нахий мункар амалларини тушунтириш.

[1] Ал-Мовардий. Ал-аҳкоми ас-султония. 315-б.

[2] Зариф ал-ҳосимий «Низом ал-ҳукм фий шариъ ва тарих ал-исламий».

• Оғзаки тақиқлаш.

• Аллоҳнинг жазосини эслатиб насиҳат қилиш (**Прокурорнинг жиноятларни олдини олиш юзасидан ҳуқуқ тарғиботи фаолиятига ўхшайди**).

• Қўполлик қилмасдан, ёмон сўзларни ишлатмасдан юқори овозда танбеҳ бериш (**ҳозирги замонда "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун талабларига кўра "Огоҳлантирув" прокурор таъсир чорасини қўллашга ўхшаб кетади).**

• Шариатга зид кийинган, шариат (яъни, ўша даврда амалда бўлган қонун) тақиқлаган нарсаларни кўтариб юрганларни қўл билан қайтариш.

• Қаттиқ огоҳлантириш (**Прокурорнинг интизомий жазога тортиш тўғрисидаги қарорига ўхшайди**).

• Жисмоний жазо қўллаш (жароҳат ва қон тўқилиши даражасида бўлмаслиги керак).

• Қозига топшириш[1] (**Судга прокурор томонидан ишни кўриб чиқиш учун топширишига ўхшайди**).

Мовардийнинг китобида келтиришича, муҳтасиб шунингдек, тўрт мазҳаб бўйича тақиқланган ишларни, нарсаларни билиши ва ўз мустақил фикрини шариатга зид бўлмаган ҳолда баён эта олиши керак.

Ибн Ҳалдун ўзининг «ал-Муқаддима» асарида муҳтасиб вазифаларидан қуйидагиларини келтириб ўтган:

эзгуликка ундаш, ёмонликдан қайтариш; (**прокурорнинг криминологик функцияси-жиноятларни олдини олиш юзасидан фаолияти**)

ёмон ишларга яраша жазо бериш; (**адолатлилик, қонунийликни таъминлаш борасида судларда прокурор иштирокини таъминлаш, судларга асослантирилган қарорларни қабул қилишида кўмаклашиш фаолияти принципи**)

йўлтўсарликларни таъқиқлаш, юк ташувчи ҳайвонлар ва кемаларга ҳаддан ортиқ юк ортишни таъқиқлаш; (**транспорт прокурорининг функциялари)**

қулайдиган девор ва биноларни бузиш учун буйруқ бериш; (**умумий назорат фаолияти**)

[1] Интернет WWW. Islam .uz@ Islamik-World.Net Др. В.Зуҳайлий. Ал-фиад ал-исламий ва адиллатуҳу, 8/ 6263

йўловчилар учун хатарли ва зарарли бўлган нарсаларни орадан кўтариш; (**умумий назорат фаолияти**)

қурилишларда хавфсизлик қоидаларини назорат қилиш; (**умумий назорат фаолияти**)

мактабларда кичик ўқувчиларни урадиган ўқитувчиларни жазолаш каби шаҳарда аҳолининг умумманфаатларини ҳимоялаш вазифаларини бажарган[1] (**вояга етмаганларга оид қонунлар ижроси устидан назорат**).

Ибн Таймия фикрича, муҳтасиб бажарадиган вазифалар учун шариатда муайян чеклашлар белгиланган эмас, балки ҳаёт шароити бир шаҳардан бошқа бир шаҳарга нисбатан фарқли бўлганлиги учун у бажарадиган вазифалар урф-одат асосида белгиланган[2].

Муҳтасибнинг бирор бир даъвони кутиб ўтирмай, очиқ ноқонуний ҳаракатларни кўриши биланоқ ўз ишини бошлаши, унинг устунлик жиҳати бўлса ҳам, унга ушбу иш юзасидан ҳукм чиқариш ҳуқуқини бермайди. (**Прокурор айбловни қувватлаб, жиноий таъқиб функциясини амалга оширса ҳам, бевосита ўзи иш юзасидан ҳукм чиқара олмайди, ишни судга юборади**)

Муҳтасиб ўз вазифасини бажармаса гуноҳкор бўлади. Такрорланган суратда шикоятга эътибор бермаса, ўз ваколатини қўлдан бериб мурувват ва одиллиги йўқолади ва эътиборсиз бўлиб қолгани учун қонунан Муҳтасиб ҳисобланмайди[3] (“**Прокуратура тўғрисида”ги Қонун талабларига мос**).

Мовардийнинг китобида келтирилишича, Муҳтасибнинг ишдан бўшатилишига, шунингдек, хизмат вазифасига хиёнат қилиши, ишни адолатсизлик билан бажарганлиги, инсонлар ўртасида Муҳтасиблик мавқеини йуқотиши, ҳисба вазифасини бажаришга маънан ва жисмонан ожиз бўлиб қолиши ёки бошқа қобилиятлироқ Муҳтасибнинг пайдо бўлиши сабаб бўлиши мумкин[4]. **(Прокуратура органлари ходимларини ишдан бўшатишнинг қонуний асосларига тўғри келади).**

Муҳтасиблик яъни, ҳисба тизими асрлар давомида ривожланиб, мусулмон мамлакатларида ҳозиргача муҳим мавқени эгаллаб

[1] Ибн Халдун, Ал-Муқаддима -201-б.
[2] Ибн Таймия. Ал-Хисбату фил ислам.Қохира, 1935. -18-б.
[3] Ибн Таймия. Ал-Хисбату фил ислам.Қохира, 1935. -50-б.
[4] Ал-Мовардий. Ал-аҳкоми ас-султония. 120-129 б.

келмоқда. Муҳтасиблар соғлиқни сақлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоа ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш ва санитария қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш вазифасини амалга оширганлар (**умумий назорат фаолияти**).

Муҳтасиблар халқнинг ичида бўлиб, аҳолининг ҳар кунги аҳволидан хабардор бўладилар. Бевосита ўзлари гувоҳ бўлиб турган ноқонуний хатти-ҳаракатларга ўша жойнинг ўзида барҳам берганлар.

Ал-Қалақшандийнинг Субхул Аъша асарида шундай келтирилади: Мовардий ўзининг “ал-Аҳком ас-Султония” асарида дейди: «Мен сени тўлиқ қониқтираман, яъни унинг инсонлар томонидан ҳуқуқи поймол бўлганда уларга қарши туришга кифоя қиладиган кишини (яъни, ўша даврда муҳтасибни) шундай деб номлаган”. Дунё тарихига мурожаат қиладиган бўлсак ҳам, қадимги Рим давлатига назар ташласак ҳам, прокуратура органининг дастлабки ташкил қилинишининг ўзи айнан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, давлат манфаатларини ҳамда энг аввало қонуннинг устуворлигини ҳимоя қилиш учун тузилган эди. Лотинчада прокуро – деган сўз, "ғамхўрлик қиламан", "таъминлайман", "ҳимоя қиламан" деган мазмунни билдиради.

Кўриниб турибдики, давлат ва жамият, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминловчи қонунлар ижроси устидан назорат вазифаси Ўрта Осиёга 19 асрда эмас, бундан қарийб 1200 йил аввал ҳам махсус шахслар томонидан амалга оширилган. Прокурор, прокуратура деган терминологиялардан фойдаланилган бўлмасада, албатта ўз даврига яраша жамиятдаги қонунларнинг ижросини назорат қилиб турувчи давлат органлари томонидан амалга оширилган. Шунинг учун Ўрта Осиёда тўғридан-тўғри прокурор назорати деб номланган институт, шу терминологиянинг қўлланиши 1867 йилда қабул қилинган Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги вақтинчалик Низом лойиҳасида назарда тутилган холос. Лекин бу даврда прокуратура махсус орган сифатида ҳали ташкил этилмаган эди. Прокурорлик вазифасини ўз ташаббусларига кўра ҳарбий губернаторлар олишган.

Туркистон ўлкасининг (Сирдарё вилояти, Зарафшон округи, Амударё бўлими) учта мустақил маъмурий ҳудуд бўлинишига

кўра учта “прокурор”: Сирдарё губернаторининг ўзи, Зарафшон округи бошлиғи ва Амударё бўлими бошлиғи бор эди. Ушбу мансабдор шахслар ишларни судловлилик бўйича тегишлилигини қайта кўриб чиқишлари, уларни маъмурий тартибда ҳал қилишлари ва ўзларининг қарашлари бўйича ҳаракатдан ётқизишлари мумкин эди.

1887 йил адлия вазирининг буйруғига кўра Россия адлия вазирига маъмурий тартибда бўйсунувчи Сирдарё, Янги-Марғилон, Самарқанд, Верненск вилоят судлари қошида прокуратуралар ташкил этилди. Россия подшосининг Туркистондаги прокуратураси маъмурий-ҳудудий тамойилга кўра ташкил этилган эди. Округ суди қошидаги прокурор суд палатасидаги прокурорга бўйсунар эди, у эса ўз ўрнида - бевосита адлия вазирига бўйсунар ва унинг олдида ҳисобдор эди. Барча прокурорлар подшо томонидан лавозимига тайинланар ва лавозимидан озод қилинар эдилар[1].

Туркистондаги прокуратура Россия Подшолиги прокуратурасининг асосий қисмини ташкил этиб, унинг қонунларини татбиқ қилиб ва қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширар эди. Прокуратура органлари ходимларининг камлиги, уларнинг маҳаллий одамларнинг тилини ва урф-одатларини билмаслиги, улар манфаатларининг бир хил эмаслиги прокуратура органлари ва туб аҳоли ўртасида яхши муносабатни келтириб чиқармас эди. Россия прокуратурасининг ташкил этилиши Россиядаги Пётр 1 томонидан амалга оширилган давлат ислоҳотлари билан боғлиқ эди. Ҳукумат Сенатининг ташкил этилиши муносабати билан, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш мақсадида махсус органни ташкил этиш зарурияти пайдо бўлди. Дастлаб бу институт фискаллар эди, кейинчалик эса прокурорларга айланди.

Бош прокурор лавозимининг киритилиши 1722 йилда Пётр 1 томонидан амалга оширилди. Бош прокурорга Сенат фаолиятидаги қонунчилик, кейинчалик эса барча давлат органлари томонидан қонунчиликка риоя қилиниши устидан назорат қилиш вазифаси юклатилган. Қонун бузилиши ҳолати аниқланадиган бўлса, Бош прокурор ушбу қонунбузилиш ҳолатини бартараф этишни

[1] Махбубоб М. Узбекистонда прокуратура органларини ташкил этилиши ва ривожланиши. Юридик фанлари доктори илмий унвонини олиш учун ёзилган диссертация-Тошкент.1993й.

аввал таклиф этиши, унга буйсунилмаган ҳолатларда эса “протест келтириши ва бу ишни тўхтатиши” лозим эди. Бора-бора прокурорлар давлат хизмати ичида муҳим ўрин эгаллай бошладилар. Прокурорлар корпуси пайдо бўла бошлади. Прокурорларни генерал-губернаторларнинг тавсиясига кўра Сенат сайлар эди. Улар марказий ва маҳаллий муассасалар фаолиятлари устидан назоратни олиб борар ва аниқланган камчиликлар ҳақида генерал-губернаторга ҳисоб берар эдилар. Қонун бузилиш ҳолатини аниқлаган прокурор дастлаб оғзаки равишда ушбу қонунбузилиш ҳолатини бартараф этишни таклиф этар, ушбу таклиф бажарилмаса, унда ушбу қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш учун ваколатли органга ундан сўнгра эса таалуқли ҳайъатга ёки Сенатга ёзма равишда протест киритар эди. Ғайриқонуний ҳужжатга нисбатан киритилган протест ушбу ҳужжат ҳаракатини тўхтатар эди. Агарда қонун бузилиши ҳолати ҳақида юқори турувчи прокурорга келиб тушса, унда у ишни тез ва тўғри ҳал қилиш чораларини кўриши лозим эди.

Тахминан шу даврнинг ўзида марказий билан ёнма-ён губерния прокуратуралари ташкил этилади, уларнинг бошланишига саройҳовли (надворный) судларининг прокурорлари ташкил этилиши сабаб бўлди. Адлия Вазирлиги (1802 й.) ташкил этилиши билан адлия вазири бир вақтнинг ўзида генерал прокурор лавозимини ҳам эгаллай бошлади, губерния прокуратураси эса адлия вазирлигининг жойлардаги органига айлана бошлади.

1864 йили прокуратура “судлар ҳузуридаги жойлар”да назорат қилиш ваколатини қўлга киритди. 1864 йил 20 ноябрдан суд ўрнатувлари таъсисига кўра судларда прокурор назоратини обер-прокурорлар, прокурорлар ва генерал-прокурор бўлмиш адлия вазирининг олий назорати остидаги уларнинг ўртоқлари олиб бора бошладилар. Ана шу вақтдан бошлаб қуйидан юқорига бўйсунувчи, ягона бошга эга, маҳаллий ва маъмурий ҳамда суд органлари институтларидан мустақил бўлган прокуратура ташкилотининг асоси пайдо бўла бошлади.

Прокуратура шундай шаклда 1917 йилгача мавжуд бўлди. Судлар тўғрисидаги № 1 Декрет билан прокуратура тугатилди. Унинг фаолияти тўрт йилдан кўпроқ вақт қайта тикланмади. Прокуратуранинг ташкил этилиши тўғрисидаги фикрларни совет

давлатининг беш йиллик тажрибасидан сўнг излаш лозим бўлади. Тарихий тажриба қонунчилик устидан назорат қилишни амалга оширувчи мустақил орган-прокуратурани ташкил этиш зарурати ҳақидаги фикрга етаклаб келди.

Ҳар бир тармоқни бошқаришда ташкил этилган назорат қонунийликни таъминлаш учун етарли кафолатларни яратмас эди, чунки у идоравий ташкилот эди. Уезд ижроия қўмиталари ва вилоят ижроия қўмиталарининг адлия бўлимларига юклатилган қонунчиликка риоя қилиниши устидан назорат ҳам унчалик даражада самарали эмас эди. Давлат олдида қонунларни аниқ ижро этилиши устидан назорат қилишни такомиллаштириш вазифаси пайдо бўлди, чунки шу кунгача амал қилган қонунийликни таъминлаш тизими ўзини оқламади, у қонунийлик учун олиб борилаётган мақсадли курашни таъминлай олмади. Қонунийликни амалга оширувчи, марказий ҳокимият номидан ҳаракат қилувчи, ягона услубга эга бўлган ва маҳаллий ҳокимиятга бўйсунмайдиган махсус ташкилот ташкил этиш зарурати пайдо бўлди.

Туркистон АССРнинг давлат прокуратураси ташкил қилиниши ҳақидаги декрет лойиҳаси устида ишлаш 1922 йил бошида авж олиб кетди. 9 май 1922 йилда[1] Туркистон Республикаси Совнаркоми ва Марказий Ижроия Қўмитаси 1922 йил 3 июнда қонуний кучга кирган Туркистон АССРнинг давлат прокуратураси ҳақидаги Низомни тасдиқладилар[2]. 1922 йилнинг июн ойида Туркистон АССРда прокуратура ҳам марказда ҳам жойларда ташкил этилди[3]. Шундан бошлаб Туркистонда прокуратуранинг ташкил этилиши бошланди.

Туркистонда прокуратуранинг ташкил этилиши ушбу регионда давлат фаолиятининг сифатли бўлган янги шаклининг ва принципиал янги давлат фунциясининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Прокуратура органларига умумий назоратдан ташқари, ҳар қандай мансабдор шахсга нисбатан ўз ташаббусига кўра ҳам, ариза ва шикоятларга кўра ҳам суд таъқибини қўзғатиш ва шу шахсларни ушлаш ваколати берилди.

---

[1] Известия ТуркЦИК.1992.3 июня

[2] ЦГА Республики Узбекистан Ф.25.оп.1.Д.19-а.Л.161.

[3] Махбубов М. Узбекистонда прокуратура органларини ташкил этилиши ва ривожланиши. Юр.фанлар докторлиги учун ёзилган диссертация автореферати.-Тошкент.1993й.16 б.

Низомга мувофиқ бутун прокуратуранинг бошида Туркреспублика прокурори ҳисобланган-адлия комиссари турар эди. Давлат прокуратураси бўлимини НКЮ (Народный Комиссариат Юстиции) ҳайъати аъзоси – адлия наркоми ўринбосари бошқарар эди. Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1922 йил 1 августдаги Қарори билан республика ҳудудида РСФСР Жиноят-процессуал кодекси амалга киритилди. Ушбу Кодексда жиноятларни тергов қилишни назорат қилиш бўйича прокурорга берилган жуда ҳам катта ваколатлар аниқ белгилаб берилди.

БутунбухМИКсининг 21 ноябр 1922 йилдаги қарори билан БутунбухМИКсининг Олий назорати бўлинмаси сифатида Прокуратура ташкил этилди[1]. Ушбу ҳолатнинг қабул қилиниши билан 1922 йил ноябр ойида ҳақиқатда амал қилаётган БХСРси прокуратурасининг ҳуқуқий мақоми юридик мустаҳкамланди. 1923 йилги адлиянинг Халқ нозирати ҳақидаги Низомига мувофиқ адлия Халқ нозири бир вақтнинг ўзида республика прокурори ҳам ҳисобланар, шу муносабат билан унга жуда ҳам кенг ваколатлар берилган эди. Прокурор назорати БХСР сининг адлия Халқ нозиратининг давлат прокуратура бўлими орқали амалга оширилар эди. Бўлимга республика прокурори томонидан лавозимига тайинланиб, лавозимидан озод қилинадиган БХСР нинг прокурори ёрдамчиси бўлган мудир бошчилик қилар эди.

1924 йилнинг 24 сентябр куни ХХСР Советларининг МИК қарорига асосан адлиянинг Халқ Нозирати ҳақида Низом қабул қилинган. Халқ нозирати ҳақидаги Низомига мувофиқ адлия Халқ нозири бир вақтнинг ўзида республика прокурори ҳам ҳисобланар, республикадаги қонунийлик устидан умумий назоратни амалга ошириш вазифаси унга юклатилган эди.

Бевосита прокурор назоратини адлия Нозиратининг прокуратура бўлими амалга оширар ва қўйидаги вазифаларни бажарар эди:

- давлат номидан барча ҳокимият органлари, хўжалик муассасалари, жамоат ва хусусий муассасалар ҳаракатларининг қонунийлиги устидан назоратни амалга ошириб, айбдор шахсларга нисбатан жиноий таъқиб вазифасини бажариб, уларга нисбатан

[1] ЦГА Руз. Ф.64.оп.1.Д.96.Л.3.

жиноят иши қўзғатар ва ноқонуний қарорларга нисбатан протестлар киритиш;

- жиноятларни очиш ва тергов қилиш соҳасида суриштирув ва тергов органлари фаолияти устидан бевосита назоратни амалга ошириш, шунингдек, давлат сиёсий бошқармаси фаолияти устидан назорат қилиш;
- озодликдан маҳрум этиш жазоларини ижро этиш жойлари ва меҳнат тузатиш муассасаларида фаолиятни тўғри амалга оширилаётганлигини назорат қилиш;
- Олий судга нисбатан прокурор назорати функциясини амалга ошириш.

1926 йил 29 сентябр куни ЎзССР Советларининг МИК томонидан тасдиқланган ва 15 феврал 1927 йили амалга киритилган ЎзССР суд тузилиши тўғрисидаги Низом, 1925 йилги НКЮ (адлия Халқ Комисссиариати - Наркомюст) ҳақидаги Низомни ривожлантириб, прокуратурага қонун бузилишига йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан интизомий ва маъмурий таъқиб қилиш ҳуқуқини бериб, прокурорга жиноят ишлари бўйича кассация инстанциясида ҳулоса бериш ҳуқуқини ҳам бериб, жиноятчиликка қарши курашувчи барча органлар фаолияти устидан умумий назоратни амалга ошириш ҳуқуқуни белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Прокурори бир вақтни ўзида республика адлиясининг халқ комиссари ҳисобланиб, республика ҳукуматининг таркибига кирар эди. Натижада, республика прокурори ЎзССР МИК томонидан тайинланиб, ўриндошлик қилса ҳам, барибир республика Совнаркоми олдида адлиянинг халқ комиссари сифатида ҳисобдор эди. Республика прокурори қонунийлик устидан назорат қилиш функциясини бошқарув функциялари билан аралаштириб олиб борар эди, бу эса албатта, назорат функциясини амалга оширишда салбий таъсирга эга бўлар эди. 1929 йилнинг 27 январ куни ЎзССР адлия Халқ Комисссиариати (Наркомюст) НКЮ (адлия халқ комиссарлиги) қошида прокуратура бўлими тўғрисида Низом қабул қилинди. Низом талабига кўра, прокуратура органлари фаолияти устидан раҳбарликни ЎзССР ҳудудида республика прокуратураси бўлими ўз қўлига олди. Бўлимни нарком эмас, ЎзССР адлиясининг бир вақтнинг

ўзида республика прокурор ҳисобланган ЎзССР Советлар Наркомининг ўринбосари амалга оширар эди.

1931 йилнинг 23 сентябрида ЎзССР Советларининг Халқ Комиссариати ва МИКси ЎзССР адлияси халқ комиссариати тўғрисидаги янги Низоми тасдиқланди[1].

Низомга мувофиқ прокуратура бўлим сифатида эмас, АХК (НКЮ) таркибидаги адлия Наркомининг ўринбосари ҳамда республика Прокурори бошчилик қиладиган мустақил ташкилот сифатида кўрилар эди. 1933 йилнинг 10 июл кунги СССР СНК ва МИКнинг ССР Иттифоқи Прокуратурасини ташкил этиш тўғрисидаги қарори прокуратура тарихида аҳамиятли воқеа ҳисобланади. СССР СНК ва МИК нинг 1933 йилнинг 17 декабр кунги қарори билан СССР Прокуратураси тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Шу билан бир вақтда СССР Олий Суди Прокуратураси бартараф қилинди. Низомда СССР Прокуратурасининг функцияси ва ташкил этиш тартиби, шунингдек ҳозирда ҳам асосан сақланиб қолган прокурор назоратининг йўналишлари белгилаб берилди, хусусан олганда: умумий назорат; милиция ва ОГПУ ҳаракатларининг тўғрилиги ва қонунийлиги устидан назорат; дастлабки тергов устидан назорат; суд органлари томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат; ахлоқтузатиш меҳнат муассасалари фаолиятининг тўғрилиги ва қонунийлиги устидан назорат.

Прокуратура ҳаётининг маълум бир босқичи шундай давр билан боғлиқки, бу даврда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти шундай шакллантирилган эдики, биринчи режага давлат ҳокимиятининг олий органлари томонидан устувор деб ҳисобланган жазо муассасалари чиқиб олдилар. Фақатгина 50-йиллар ўртасида қонунийликни мустаҳкамлаш, давлатнинг ҳуқуқий базасини яратиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

1955 йилнинг 24 май куни қабул қилинган СССРда Прокурор назорати тўғрисидаги Низом прокуратуранинг ривожланишида навбатдаги муҳим босқич бўлиб хизмат қилди. Унда давлатда қонунийликнинг мақсади ҳақидаги ғоялар қонун билан мустаҳкамланиши ва келгусидаги ривожланиши ҳамда прокурор

[1] ЦГА Руз. Оп.9.Д.153.Л. 169-173.

назоратининг оғишмай таъминланиши ўз ифодасини топди. Низомда прокурорларнинг ваколатлари, вазифалари ва фуқаролик ҳамда жиноят иш юритувида аниқланган қонунбузилишларига нисбатан прокурорлик таъсир чоралари қўллаш тартиби белгиланди. Кейинчалик Низомдаги кўпгина шу нормалар Жиноят ва фуқаролик иш юритуви Асосларига, ахлоқ-тузатиш меҳнат қонунчилигига киритилган.

Ҳарбий прокуратура органлари ҳам ташкил этилди. 1966 йил 14 декабрда тасдиқланган Ҳарбий прокуратура ҳақидаги Низомда ҳарбий прокуроратура тизими ва тузилиши, ҳарбий прокурорларнинг ваколатлари, улар фаолиятида ҳудудий прокурорлар билан ўзаро муносабат ўз ифодасини топди. Унга кўра, ҳарбий прокуратура совет прокуратура органлари тизимига киришлиги ва СССР Бош прокурори олдида ҳисобдорлиги белгиланган.

1977 йилда Конституциянинг қабул қилиниши қонунийлик устидан назоратни таъминлаш бўйича илдам қадамлар қўйилиши билан боғликдир. Улардан биттаси СССР Прокуратураси тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши ҳақидаги қарордир. Бундай қонун СССР Олий Советининг 10 чақириқ 2 сессиясида 1979 йил 30 ноябрда қабул қилинган. Унда совет прокуратураси органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосини ташкил этувчи принципларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ва мустаҳкамланиши, улар фаолиятининг асосий йўналишлари ўз ифодасини топган.

Прокурор назорати 1980-1990 йиллардаги авторитар режим йўлбошчиси, маъмурий-буйруқбозлик тизимининг бир қисми бўлиб хизмат қилди. Прокуратурадан куч ишлатиш чораларини қўллаш зарур бўлган жойларда, иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва ташкилий ричаглар ишлаши лозим бўлган жойларда фойдаланилди. Шундай тажриба натижасида кўпгина идоралар, совет ва назорат органлари қонунийлик ва интизомга риоя қилиниши устидан ҳақиқий назоратни ва тўлаликни таъминланмаслигига олиб келди. Улар томонидан ўзларига берилган ваколатлардан тўлиқ фойдаланилмаганлигига сабаб, зарур бўлса прокурорлар томонидан прокурор таъсир чоралари ва жиноят ҳуқуқий чоралар қўлланишига ишониб қолдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2001 йил 29 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ VI сессиясидаги “Адолат-қонун устуворлигида” деб номланган маърузасида, “***Прокуратура-қонун ҳимоясида турган орган. У ҳуқуқий давлат, демократик жамият қурилишида, ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда ҳал қилувчи ролни ўйнайди***” деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикасида президентлик институтининг жорий қилинишининг биринчи кунлариданоқ ҳамда республикамиз томонидан давлат мустақиллигига эришилган дастлабки кунларданоқ ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан миллий прокуратуранинг пайдо бўлиши ва шаклланишига алоҳида эътибор берилган. Ушбу йўналишдаги биринчи революцион қадам – давлатимиз раҳбарининг прокуратура органларини иттифоқ марказидан ҳақиқий мустақиллигига эришиш юзасидан бўлган сайъи-ҳаракатлари бўлди.

Шунинг билан бирга, ушбу ҳаракатлар жуда ҳам жиддий оқибатларга олиб келиши, масалани КПСС МҚ Сиёсий бюросида кўрилишигача етиши мумкинлиги тушуниб етилган эди. Қолаверса, ҳукуматимиз раҳбарияти республикамиз ичида ҳам жиддий қаршиликларни ҳис қилиб турарди. Чунки, партиянинг олий эшелонида, республика прокуратураси идораларида ҳанузгача масъул лавозимларда “десантчилар” деб номланадиганлар ишлаб келишаётган эди.

Шундай ҳавф бўлишига қарамасдан, ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан 1 ноябр 1990 йилда Ўзбекистон ССРнинг “Ўзбекистон ССРда ижро ва бошқарув ҳокимияти тизимини такомиллаштириш ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (асосий қонун)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунини ўзида акс эттирувчи дадил ва жасоратли сиёсий қарор қабул қилинди.

Ушбу ҳужжат билан, биринчи марта иттифоқ доирасида Ўзбекистон ССР Прокурорининг тайинланишининг конституцион механизми мустаҳкамлаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси прокурорининг ўринбосарларини ҳам илгаригидагидек, СССР Бош прокурори томонидан эмас, республика Президентининг тақдимномасига биноан мамлакат парламенти томонидан тайин-

ланиши конституцион мустаҳкамланди. Бундан ташқари, СССР Бош Прокуратураси амалиётида биринчи марта, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг фақат Ўзбекистон Республикаси парламенти ва Президенти олдидаги ҳисобдорлиги ва жавобгарлиги мавжудлиги белгиланди.

Бундан буён, Қорақалпоғистон АССР прокурори автоном Республика парламенти томонидан Ўзбекистон ССР Президенти билан келишилган ҳолда тайинланиши қонунчилик билан мустаҳкамланди. Бундан ташқари, илгари вилоятлар ва туман, шаҳарлар прокурорлари СССР Прокуратурасининг розилиги билан тайинланган бўлса, энди қонун бўйича кадрлар масаласини ҳал қилиш Республика Прокурорининг мутлоқ ваколатига тегишли эканлиги қайд этилди.

Ва ниҳоят, республика прокуратура ходимларининг тўлиқ мустақиллиги, шу жумладан, ССР Иттифоқи Прокуратурасидан ҳам тўлиқ мустақиллиги, фақат уларнинг Ўзбекистон ССР Прокуроригагина бўйсуниши эълон қилинди.

Юқорида қабул қилинган қонуннинг қабул қилинган куни яъни, 1990 йилнинг 1 ноябрь куни ЎзССР прокурори лавозимига миллий кадр, яъни Б.М. Мустафоевни тайинлаш ҳақида ЎзССР Олий Советининг қарори қабул қилинди.

Буларнинг ҳаммаси Иттифоқ прокуратурасининг гегемонлик асри якунланишини билдирар ва республика прокуратурасининг ҳақиқий мустақиллиги ғалабасини ифода этар эди. Бунинг оқибатида республика прокуратураси раҳбарияти СССР Прокуратураси раҳбарияти томонидан аниқ сиқув ва очиқдан-очиқ адоват муносабатини ҳис қилиб турар эди. СССР Прокуратураси раҳбарияти “марказдан узоқ бўлган прокуратура”нинг бундай мустақиллиги бошланишини ва ишлаш ҳамда прокуратура органларига раҳбарлик услубларини таг-томири билан йўқотиб ташлаш, бутун кучлар билан ишни эски изга солиш учун жон-жаҳти билан ҳаракат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1992 йил 4 январдаги Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилингунига қадар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг қонунларига зид бўлмаган собиқ СССР қонунлари амалда бўлишлиги ҳақидаги қарори қабул қилинган эди.

1979 йил 30 ноябрда қабул қилинган СССРнинг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Совети томонидан 1992 йил 9 декабр куни Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни қабул қилунгунига қадар амалда бўлди.

Республикамиз қонуншуносларининг бундай қадами шошмасдан, халқаро тажриба ва ривожланган демократик давлатларнинг амалиётини, миллий хусусиятларни, халқнинг менталитетини ҳисобга олган ҳолда фаол қонун ижодкорлиги ишига киришишга имконият яратди.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси органларининг собиқ иттифоқ раҳбарлигидан чинакам мустақиллиги ва тобеликдан озод бўлганлигини таъминлашда республикамизнинг тақдирини ҳал этувчи иккита ҳужжатни эътироф этишимиз зарур:

биринчиси, 31 август 1991 йилда қабул қилинган, “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Мурожаати мазмуни;

иккинчиси, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари ҳақида”ги қонуни.

Дарҳақиқат, айнан шу қонунга мувофиқ 1992 йилнинг 24 январ куни №33 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Ҳукуматнинг ушбу қарори нафақат прокуратуранинг мавқеини фактик равишда мустаҳкамлаган, балким прокуратура ходимларига қатор имтиёз ва устунликлар бериш билан бирга моддий техника базасини ҳам айтарли даражада мустаҳкамлаган. Айнан шу ҳолатлар оқибатда прокурорларнинг ўзларига юклатилган назорат ваколатларини эркин равишда амалга оширишда ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш юзасидан ижобий ролни ўйнади.

Аммо, давр талабининг ўзи Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини зудлик билан ишлаб чиқиш ва қабул қилишни талаб этар эди. Чунки, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий қурилиши ва давлатчилиги асосларини вужудга келтиришни бошиданоқ, миллий ҳуқуқий тизим шакллантирилиши ва давлатимизнинг ўз

шахсий қонунчилик базаси ишлаб чиқилиши мамлакатда бозор муносабатларини шакллантиришда, ҳуқуқ тартиботни ва қонунийликни мувофиқлаштиришда етакчилик ва ташаббускорликни талаб этар эди. Бу борадаги дастлабки далил қадам сифатида давлат ҳокимиятчилигини шакллантиришдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги Ўзбекистон совет социалистик республикаси прокуратурасини мустақил Ўзбекистон Республикаси тасарруфига ўтказилишини белгиловчи Фармонини мисол қилсак бўлади. Бундан ташқари, ёш ва мустақил Ўзбекистон Республикасининг дастлабки қабул қилган қонунларидан бири, мамлакатнинг Асосий қонуни –Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинган кунининг эртасига, яъни 1992 йил 9 декабрда парламент томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг қабул қилинишини ҳам алоҳида муҳим ҳолат деб эътироф этилади .

Мамлакатдаги ижтимоий ҳолат, аввалambор давлатчиликнинг дастлабки шаклланиш даври, миллий қонунчиликнинг мавжуд эмаслиги ёш мустақил республика олдига барқарорликни сақлаб қолиш, жамоат тартиби ва жиноятчикликнинг портлаб кетишини олдини олиш ва шунга ўхшаш жамиятга қарши ва миллараро келишмовчилик ҳолатларини келтириб чиқармаслик зарурияти -ушбу қадамларни зудлик билан қўйишни талаб этар эди.

Ушбу вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда прокуратура ҳал қилувчи ролни ўйнар эди. Айнан шу ҳолат прокуратура органларини зудлик билан шакллантириш заруриятини олдиндан белгилаб берган эди. Прокуратура органининг нормал фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий база шакллантирилиши керак эди, чунки, прокуратура органларининг асосий фаолияти қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини ҳамда қонунлар устуворлигини таъминлашга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамланган фуқаро ва инсонларнинг шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда мамлакат мустақиллиги, жамият ва давлат қурилиши, сиёсий ва иқтисодий тизимни, турлича миллий гуруҳлар ва ҳудудий шаклланишига нисбатан ҳар қандай ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомини, асосий вазифаларини ва ишлаш принципларини ҳамда унинг фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи асосий ҳужжат замини – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳисобланади.

Мамлакатимиз Асосий қонунида прокуратура учун ўзида тўрт моддани мустаҳкамлаган алоҳида XXIV боб ажратилган. Хусусан олганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида мустаҳкамланишича, "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир ҳилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади". Конституциянинг 119-моддаси прокуратура органлари тизими мустаҳкамланиб, "Прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилади" деб кўрсатилган. Ундан кейинроқ эса, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳар прокурорларини тайинлаш тартиби ҳамда уларнинг фаолият муддатлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 120-моддаси прокурорлик назоратини самарали амалга оширишнинг янада аҳамиятли томонини ўзида мужассам этган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларидан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширишликларини мустаҳкамлаб қўйган. Прокурорлар назоратни давлат номидан амалга оширадилар. Улар қонун бузилишининг ким томонидан содир қилинишидан қатъи назар, ҳар қандай кўринишига қарши курашишлари, ўз вақтида тегишли чора тадбирлар белгилашлари лозим.

1992 йил 9 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонуни ўзининг тарихий вазифасини бажарди. Яъни, "Прокуратура тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши муносабати билан мамлакатда талаб даражасидаги қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот ўрнатилишига бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий –иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи прокуратура органлари учун жуда зарур бўлган дастлабки туртки бўлди.

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари тизимида прокуратура органлари ўзининг махсус ўрнига эга бўлиб, бирлик,

марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик каби принципларга таянган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимни ташкил этади қуйи турувчи прокурорлар маҳаллий ва бошқа давлат органларига бўйсунмаган ҳолда юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсуниши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатиши белгилаб берилди.

Натижада, заруратга қараб, прокуратура тизими ривожлантирилди, прокуратура фаолиятининг услуб ва шакллари такомиллаштирилди, унинг ҳуқуқий статуси ва давлат –ҳуқуқий институтлари тизимидаги ўрни мустаҳкамланди.

Давлат, қўшма ва хусусий корхоналарнинг, турли биржи ва тижорат банкларининг ташқи иқтисодий фаолияти ривожланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти манфаатларига жиддий зарар келтирувчи турли жиноятлар сони ошиб кетди. Иқтисодиёт соҳасидаги турли суиистеъмолчиликлар, ўзгалар мулкини ўзлаштиришлар, порахўрликка қарши кураш фаолиятидаги самарадорликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3 март 1992 йилдаги №96 қарори билан ташкил этилган ва кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июль куни №291 қарорига асосан ўзгартирилган Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси марказий аппарати тизимида порахўрлик ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятларда шу бошқарманинг мувофиқ бўлинмалари ташкил этилди.

Иқтисодий ва валютага оид жиноятларга қарши курашишни кучайтиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги № 251- “Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори жуда муҳим рол ўйнади. Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилган эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 2 ноябрдаги № 415-сонли “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фао-

лиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг аҳамияти каттадир. Бу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаментига айлантирилди.

“Мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш, молия органлари томонидан солиқ соҳасидаги қонунбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш, коррупция, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш, нақд пул ва хорижий валюта маблағларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда.

Иқтисодий ва молиявий соҳаларда қонунийликни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти муҳим ўрин эгалламоқда. Ўзининг 5 йиллик фаолиятида Департамент томонидан солиқ ва валютага оид 52 мингтадан ортиқ қонун бузилишлари аниқланган бўлиб, 13530 таси бўйича жиноий ишлар қўзғатилди, 38887 нафар шахслар маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Кўрилган чоралар натижасида жами 142,9 млрд. сўм миқдоридаги моддий зарар ва бюджетга қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилди. Республикага ноқонуний олиб кирилган 22,4 млрд. сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди. Хорижий валютанинг яшириб қолиниши, четга чиқиб кетиши, ноқонуний айланиши билан боғлиқ 2420 қонунбузарликлар фош этилди[1].

2001 йилнинг 29 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг (янги таҳрири) қабул қилинди.

2004 йил 11 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон асосида 2004 йилнинг 12 март куни Ўзбекистон Республикаси

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2006 йилги N ПЄ-331 сонли қароридан.

Бош прокурорининг 1-сонли буйруғи қабул қилинди. Буйруққа асосан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг янги тузилмаси тасдиқланлиги сабабли айрим таркибий тармоқларига ўзгартиришлар киритилди. Таркибий тармоқларнинг рақамлари ва номланиши ўзгартирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 2004 йилнинг 18 март куни "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш тўғрисида" 2-сон буйруқ қабул қилинди.

"Иқтисодий, молиявий, солиқ соҳаларида содир этилган жиноятларнинг шарт-шароитлари ва сабабларини, "хуфёна бизнес"ни шаклланиш йўлларини, хорижий валютанинг четга чиқиб кетиш каналлари ва кўп миқдордаги пул маблағларининг банкдан ташқари ноқонуний айланиши манбаларини аниқлаш ва бартараф этиш ишларининг самарадорлиги паст даражада қолмоқда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш, олдини олиш ва уларга барҳам беришдаги ахборот-таҳлилий ишларида замонавий таҳлил усули, услублари ва воситалари кенг қўлланилмаётир.

Мазкур жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги тизимдаги барча тезкор-тергов, банк, бошқарув ва назорат қилувчи тузилмаларнинг иқтисодий ва молиявий соҳалардаги ҳуқуқ бузишларини ўз вақтида аниқлаш ва зарарсизлантириш бўйича комплекс ва аниқ мувофиқлаштирилган тарзда фаолият кўрсатишларини талаб этади.

Молиявий разведка ва мониторингнинг самарали тизимини яратиш, тезкор-қидирув фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга асосланган замонавий курашиш воситаларни жорий этиш муҳим вазифа ҳисобланади[1]".

Шунинг учун 21.04.2006 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг N ПҚ-331 сонли молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори қабул қилинди.

Қарор асосида:

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2006 йил кунги N ПЄ-331 сонли қароридан.

1-илова. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти тўғрисида Низом;

2-илова. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг ташкилий-штат Тузилмаси;

3-илова. Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармалари намунавий ташкилий-штат Тузилмаси;

3а-илова. Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ташкилий-штат Тузилмаси;

4-илова. Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий ташкилий-штат Тузилмаси;

4а-илова. Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар туман бўлимлари намунавий ташкилий-штат Тузилмаси тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментига айлантирилди.

Департамент тузилмасида Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бошқармаси ташкил этилди, Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари бошқарув ходимларининг чекланган сони 20 нафарга кўпайтирилди.

Департамент Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мустақил ихтисослаштирилган ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ҳисобланади, солиқ, валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларига ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасида

тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва амалта ошириш, шунингдек, содир этилган қонун бузилишлари оқибатида етказилган иқтисодий зарарни ундириб олиш унинг асосий мақсади ҳисобланади.

Департаментнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

солиқ, валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини назорат қилиш;

давлат солиқ сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, солиққа тортиш базасини кенгайтириш, солиқ тўловчиларнинг қамраб олиниши ва ҳисобининг тўлиқлигини таъминлаш, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, қочишнинг мумкин бўлган каналлари ва механизмларини, "хуфёна" иқтисодиётнинг шаклланиш йўлларини, коррупция ҳолларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш;

валюта операциялари бўйича ҳисоб ва ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва объективлигини назорат қилиш; хорижий валюта маблағларининг қонунга хилоф равишда четга чиқиб кетиши, олиб келиниши ва олиб чиқилиши, ноқонуний муомалада бўлиши ва валюта-айирбошлаш операциялари билан боғлиқ бошқа қонун бузилишларининг олдини олиш ва бартараф этиш;

молиявий разведканинг замонавий тизимини яратиш; жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг мумкин бўлган каналлари ва механизмларини аниқлашга йўналтирилган молиявий, мулкий операциялар мониторингини ташкил этиш ва амалга ошириш; аниқланган ҳуқуқ бузилишлари тўғрисида тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бўлинмаларига жиноий таъқибни ташкил этиш, маъмурий таъсир чораларини кўришлик учун ўз вақтида ахборот тақдим этиш;

солиқ ва валюта-молия соҳасида аниқланган жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишлари ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат қилинадиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ

операциялар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона компьютер базасини яратиш ва юритиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари ва шартномаларига мувофиқ валютани тартибга солиш соҳасида, шунингдек жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ҳамда халқаро-ихтисослашган ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ахборотлар айирбошлаш;

солиқ сиёсати ва валюта муомаласини тартибга солиш, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олиш масалалари бўйича кенг тушунтириш, профилактика ишларини амалга ошириш.

Иккинчи боб бўйича такрорлаш учун саволлар:

1.Прокурор назорати фаолиятини кимлар амалга оширадилар?

2. Прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятларидан бири?

3. Прокуратура органлари ўз функцияси ва вазифаси нуқтаи назаридан ижро этувчи қайси ҳокимият тизимига киради ?

4. Прокурор назорати кимнинг номидан амалга оширилади?

5. “Прокурор”- сўзи , термини тушунчасини айтинг?

6. “Прокурор” дейилганида, кимлар тушунилади?

7. Прокуратуранинг ходимларига кимлар киради?

8. Прокурор назоратининг предметини айтинг?

9. Қонунлар ижроси устидан назорат бўйича прокурор назорати предмети дейилганда нима тушунилади?

10. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат бўйича прокурор назорати предмети дейилганда нима тушунилади?

11. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат бўйича прокурор назорати предмети дейилганда нима тушунилади?

12. Прокурор назоратининг объекти ?

13. Прокурор назоратининг субъекти ?

14.Прокурор назоратининг ҳуқуқий воситалари дейилганда нима тушунилади?

15. Прокурор протестининг қисқача тушунаси?

16. Тақдимноманинг қисқача тушунаси?

17. Қарорнинг қисқача тушунаси?

18. Аризанинг қисқача тушунаси?

19. Огоҳлантирувнинг қисқача тушунаси?

20.Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) қачон қабул қилинди ва қачон кучга кирди?

21.«Муҳтасиб» сўзининг маъносини айтинг?

22. Ҳисба тизими қандай вазифани бажарган?

23. Ҳисбанинг қисқача тушунчасини айтиб беринг?

24. Ҳисба ва Муҳтасибнинг ҳозирги замон прокурорига ўхшаш томонларини айтиб беринг?.

25. Ўзбекистон Республикасининг биринчи “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?

26. Ўзбекистон Республикасининг биринчи “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни қабул қилингунига қадар қайси қонун бўйича фаолият кўрсатилган?

27. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг “янги таҳрири” қачон қабул қилинган?

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қачон қабул қилинган ва мазмуни нима?

2-боб учун схема



Прокурор назорати фаолияти

Ўзбекистон Республикаси номидан, унинг ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларини аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларининг давлат органи сифатидаги махсус фаолиятидир.

Давлат фаолиятининг мустақил, ўзига хос тури ҳисобланади.

Ушбу фаолиятни прокуратура органларидан бошқа ҳеч бир давлат идораси, ташкилоти, жамоат ташкилотлари ёинки, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, шунингдек, мансабдор ёки жисмоний шахслари амалга ошира олмайдилар.

Прокурор назоратининг мустақиллиги ҳар қандай давлат ташкилоти, сиёсий ташкилот ёки жамоат ташкилотларидан ҳоли тарзда амалга оширилишида ҳам ифодаланади.

Давлат номидан, яъни, ҳужжатларида давлат номидан деб қайд этилмасада, Ўзбекистон Республикаси давлати номидан **амалга оширилади**

Прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари

- Мавжуд бўлган барча қонунларнинг ва қонун ости ҳужжатларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан уларнинг фаолият доирасидан қатъий назар аниқ ва тўғри қўлланилишини таъминлаш
- Прокурор назорати - давлат фаолиятининг бир йўналиши
- Прокурор назорати - олий қонун чиқарувчи ва олий ижро ҳокимияти органларига, Ўзбекистон Республикаси олий мансабдор шахсларига, умумий юрисдикция судларига, хўжалик судларига ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига нисбатан татбиқ этилмаслиги ҳисобланади.

Прокурор

Бу прокуратура органларида “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тегишли соҳавий буйруғи билан тартибга солинган қонун ости ҳужжатлари талаблари асосида белгиланган тартиб ва қоида бўйича Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларига доимий ёки вақтинча ишга қабул қилинган ҳамда ўзига бириктирилган мансаб ваколатлари, мажбуриятларини амалга оширувчи жисмоний шахсдир

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, вилоят ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар

ҳамда уларнинг ўринбосарлари, прокурорларнинг катта ёрдамчилари ва ёрдамчиларини, прокурор – криминалистларни, бошқарма прокурорлари ва бўлим прокурорларини, суд муҳокамасида “прокурор” сифатида иштирок этадиган прокуратура ходимини тушунилади. Жиноят ишлари бўйича давлат айбловини қувватловчи шахс ҳам прокурор деб аталади.

Шунингдек, фуқаролик ва маъмурий ишларда ҳамда ҳўжалик низоларига оид ишларнинг судларда кўрилишида тараф сифатида иштирок этиш ваколати юклатилган прокуратура ходими ҳам прокурор деб аталади

Прокурор назорати - олий қонун чиқарувчи ва олий ижро ҳокимияти органларига, Ўзбекистон Республикаси олий мансабдор шахсларига, умумий юрисдикция судларига, хўжалик судларига ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига нисбатан татбиқ этилмаслиги ҳисобланади.

Бундан ташқари, прокурор дейилганида
Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 56-моддасида “айрим атамаларнинг талқини” берилган бўлиб, унда кўрсатилишича, "Прокуратура органлари ходимлари" деган атама замирида даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган прокуратура органлари ва муассасаларининг барча ходимларини, шунингдек прокуратура иш ўрганувчиларини тушуниш керак
Прокуратура ходимлари қаторига прокуратура органлари тизимига қарашли илмий ва педагогик фаолиятни амалга оширувчи муассасалар ходимлари ҳам киради (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги “Олий ўқув курслари).


Прокурор назорати фаолиятининг предмети
Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасида кўрсатилган прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларида белгиланган ҳуқуқий муносабатлар
Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги ҳисобланади
Фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат
Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат


Прокурор назоратининг объекти
қонунлар ижроси устидан прокурор назорати фаолияти қаратилган хокимият органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахслар йиғиндисидан иборат
вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва мансабдор шахсларнинг йиғиндиси
Прокурор, прокурор назоратининг объектларини ҳуқуқий татбиқ қилиши, яъни қонунларга риоя этиши ёки ижро этиши, шунингдек улар томонидан чиқарилган ҳуқуқий актларнинг қонунга мувофиқлиги устидан назоратни амалга оширади.


Прокурор назоратининг субъекти
прокурор назорат фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахс – прокурор (прокурор назоратини амалга ошираётган прокуратуранинг мансабдор шахси) ҳисобланади.
қонунда ўрнатилган тартиб ва асосда, ўзининг ваколати доирасида назорат ваколатлари ва ўзига юклатилган вазифани амалга оширувчи прокуратура органининг мансабдор шахсидир.
5, 6-моддалардаги, 7-модданинг иккинчи қисмидаги, 22, 23, 25, 26-моддалардаги, 31-модданинг иккинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи хатбошиларидаги, 33-моддадаги, 43-модданинг биринчи қисмидаги ҳамда 44-модданинг биринчи қисмидаги "прокурор" деган атама замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган прокурорлардир


Прокурор назоратининг субъекти
28-модда биринчи қисмининг иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, тўққизинчи ва ўн учинчи хатбошиларидаги, иккинчи қисмидаги "прокурор" деган атама замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, қуйи турувчи барча прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларнинг бошлиқлари
1-моддадаги, 7-модданинг тўртинчи қисмидаги, 8-модданинг иккинчи қисмидаги, 28-модда биринчи қисмининг ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн олтинчи хатбошиларидаги, 29-модданинг иккинчи қисмидаги, 31-модданинг учинчи, тўртинчи ва саккизинчи хатбошиларидаги, 34, 35, 36, 38, 39, 40, 41, 42-моддалардаги "прокурор" деган атама замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган прокурорлар
5, 6-моддалардаги, 7-модданинг иккинчи қисмидаги, 22, 23, 25, 26-моддалардаги, 31-модданинг иккинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи хатбошиларидаги, 33-моддадаги, 43-модданинг биринчи қисмидаги ҳамда 44-модданинг биринчи қисмидаги "прокурор" деган атама замирида ўз ваколатлари доирасида иш олиб бораётган прокурорлардир
28-модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошисидаги "прокурор" деган атама замирида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурорларини ва уларга тенглаштирилган прокурорларни тушуниш керак

3-БОБ: Прокуратуранинг ташкилий ва фаолият принциплари. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожатларини кўриб чиқиш

Р Е Ж А :

1-§. Прокуратуранинг ташкилий ва фаолият принциплари тушунчаси.

2-§. Бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик принциплари.

3-§. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари.

4-§. Прокурор талаблари бажарилишининг мажбурийлиги.

5-§.Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш.

1-§. Прокуратуранинг ташкилий ва фаолият принциплари тушунчаси

Принцип – лотинча сўздан олинган бўлиб, “principium” яъни,- «қоида», «асос», «асосий, раҳбарий қоидалар, йўл-йўриқлар» деган маънони билдиради. Принциплар маълум бир назариянинг, фаннинг, дунёқарашнинг, сиёсий ташкилотнинг дастлабки ибтидосини ўзида акс эттиради.

Прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолиятини тизимлаштириш элементи бўлиб, уларнинг мақоми ҳисобланади.

Бу мақомнинг асоси- принциплар. Принциплар сифатида прокуратура моҳияти ва мақсадини белгиловчи бошланғич асос назарда тутилади.

Бу асосий тамойиллар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунларда акс эттирилган (Конституция-118, 121-моддалар, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни 5-моддаси). Прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолиятининг асосий принциплари:

Бирлик: Марказлашганлик, Қонунийлик: Мустақиллик, Ошкоралик

Булардан ташқари прокуратура органларининг ички ташкилий принциплари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

- Ҳудудийлик
- Предметлилик

Бундан ташқари «Прокурор назорати» фани прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолиятининг асосий принциплари тушунчаси, турлари ва уларнинг таърифини текшириб ўтади.

Бу борада олимлар ўртасида турли хил қарашлар мавжуд бўлиб, улар прокуратура органларининг тарихий ривожланиш босқичлари, улар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ҳамда улар фаолиятининг у ёки бу соҳадаги қонунларини аниқ ва бир хилда ижро этилиши юзасидан келиб чиққан. Бу юзасидан Чувелев, Суҳарева, Басковлар фикр бериб ўтган. Бизнинг фикримизча уларнинг фикрлари мажмуаси прокуратура органини ташкил этиш ва фаолиятининг принциплари тушунчасини кенгроқ ёритиб беради.

Шундай қилиб: **Прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолияти принциплари (деганда)** - бу Конституция ва қонунларда белгиланган асосий талаблар бўлиб, улар прокуратуранинг ва улар ходимларининг сиёсий ва ижтимоий вазифасини, ваколатларини ҳамда давлатда қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш усул ва воситаларини, уларнинг ҳажми ва характерини ҳамда прокуратура органларининг бошқа давлат органлари, хусусан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан фарқ қилувчи белги ва хусусиятларини аниқлайди.

Шу принципларга амал қилиш прокуратура органларига ўзининг вазифасини аниқ бажаришга имкон беради.

Принципларни прокурорлик функциялари ва йўналишларини амалга оширишнинг тартиби ва ҳолати билан алмаштирмаслик керак, чунки тамойиллар ўзаро боғлиқ ва ажралмас ҳисобланади. Бундан ташқари прокурор муайян ҳуқуқ соҳасида назоратни амалга оширар экан, шу соҳадаги принципларга амал қилиши лозим. Бунга мисол: судларда давлат айбловини қўллаб-қувватлаганда адолатлилик, судьяларнинг мустақиллиги, тенглик, судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқи, айбсизлик презумцияси,

ошкоралик, эркин фикр, процесснинг бевоситалиги каби принципларга амал қилиниши лозим.

2-§. Бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик принциплари

Прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- Бирлик,
- Марказлашганлик
- Қонунийлик
- Мустақиллик
- Ошкоралик («Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддаси).

Бундан ташқари Чувилев ва Басковлар қуйидаги асосий принципларни қўшадилар:

- сиёсий мустақиллик (Чувилёв, «Прокурорский надзор РФ» 58-59 б.);

- қонунларнинг бузилишини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш;

- прокуратура органларининг жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоачилари билан ўзаро фаолият олиб бориши; (Басков «Прокурорский надзор» 78-83 б.).

Прокурор назоратидаги **бирлик принципи** – прокуратура тизимига кирувчи барча органлар фаолиятини ягонга шакл, мақсад ва умумий вазифалардан келиб чиққан ҳолда акс эттирилиши ҳамда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан бир хилда прокурор таъсир чораларини, прокурор назорати ҳужжатларини қўллашда ифодаланиши билан ажралиб туради.

Ҳар бир прокурор ўз ваколатлари доирасида шахсан ўзи прокурор назорати ҳужжатлари: протест, тақдимнома, ариза, огоҳлантирув ва қарорни қабул қилади. Бу ҳужжатларни қабул қилишда мустақиллик тамойилига ҳам амал қилинади. Лекин, қуйи турувчи прокурорнинг фаолияти юзасидан унинг мустақиллигига таъқиб қилинмагани, уни ишчанлик фаолияти бўйича нуфузига путур етказилмагани ҳолда, зарурат бўлганида унинг

вазифасини юқори турувчи прокурор томонидан бошқа прокурор ҳам бажара олиши мумкинлиги, шунингдек қуйи турувчи прокурорнинг қабул қилган қарорларини юқори турувчи прокурор томонидан қонун билан белгиланган тартибда ўзгартириши, бекор қилиши мумкинлиги ҳам бирлик принципининг белгиси ҳисобланади.

Шундай қилиб, **бирлик принципи** деганда, Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ҳудудий ва ихтисослашган прокурорлар ягона тизими тушунилади. Шунинг учун шу ягона тизимга кирмайдиган прокуратураларни ташкил этиш ва фаолияти тақиқланади. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий, кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 121-моддаси).

Ҳар бир прокурор белгиланган ҳудуд ва доирада фаолият кўрсатар экан, ягона тизимнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон Прокуратураси номидан ҳаракат қилади. Ҳар бир прокурор ўзининг компетенцияси доирасида уларни амалга оширишнинг ягона ваколати ва ҳуқуқий воситалари билан тақдирланган. Шундай қилиб, барча прокурорлар, туман прокуроридан, то Бош прокуроргача ўзининг ваколати тарқаладиган ҳамда қонун бузилишига олиб келган давлат органларининг актларини аниқлаш ва таъсир чорасини кўриши лозим. Бунда улар ягона ҳуқуқий воситалардан, яъни протест, тақдимнома, ариза ва бошқалардан фойдаланадилар. Бу актлар барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий бўлиб хисобланади. Бундан ташқари бирлик принципи бу юқори турувчи прокурор томонидан қуйи турувчи прокурорга ўзининг мажбуриятлари бажарилишини топшириш, қуйи турувчи прокурорларнинг мажбуриятини бажариши, қонунда белгиланган тартибда, унинг қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилинишини англатади.

Марказлашганлик принципи биринчи ўринда прокуратура органлари тизими фаолиятини ташкил этиш, прокуратура органларининг назорат функциясини амалга оширишда ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни таъминлаш зарурати прокурорларни марказдан бошқариш эҳтиёжини келтириб чиқаради. Юқори турувчи прокурорларнинг олдида қуйи турувчи прокурорларнинг ҳисобдорлиги ва уларга бўйсуниши нафақат прокуратура тизимини ишни ташкил этиш, балким юқори турувчи прокурорларнинг қуйи турувчи прокурорлар фаолияти учун ҳам тўлиқ жавобгарлиги ҳамда масъулиятини белгилаб беради.

Марказлашганлик принципи асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан мувофиқлаштирилувчи ягона прокурорлик амалиёти, жойлардаги ҳуқуқ ижодкорлиги, ташаббускорлигидаги фаол фаолият, ижро интизоми назорати амалга оширилади.

Марказлашганлик – бу қуйи турувчи прокурорларнинг юқори турувчи прокурорларга бўйсуниши ҳамда Бош прокурорга бўйсунишидир. Шаҳарлар, туманлар ва ихтисослаштирилган прокуратуранинг прокурорлари Бош прокурор томонидан тайинланади. Лавозимга белгилаш тартибига қарамасдан барча прокурорлар Бош прокурор томонидан лавозимидан четлаштирилади, улар унга бўйсунадилар ва ҳисобот берадилар. Юқори турувчи прокурорлар қуйи турувчи прокурорлар фаолиятини бошқарадилар ва назорат қиладилар. Бош прокурор томонидан прокуратура органлари системасини ташкил этиш бўйича қабул қилинган ҳужжатлар барча прокуратуралар ва уларнинг ходимлар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Қуйи турувчи ҳар қандай прокурор прокурорлик назоратини амалга ошириш учун бошқа прокурор билан алмаштирилиши мумкин.Қонун билан қайд этилган ҳоларлар бундан мустасно.

(Ўзбекистон Республикаси Олий Суди тизимига кирувчи умумий юрисдикция судларида жиноят ишлари бўйича вилоят суди Президиуми мажлисида фақат вилоят прокурорининг ўзи иштирок этиши мумкин, бошқа вилоятнинг прокурори унинг ўрнига қатнашиши мумкин эмас).

Мустақиллик принципи – бу прокурорлар томонидан ўзларининг барча функционал қарор ва ҳаракатларини қонунга асосан олиб боришларидир (назоратни амалга ошириш, тергов олиб бориш ва б.). Бунда улар текширув ва тергов материаллари

ҳамда уларни олиб боришнинг тўлиқлиги, объективлиги ва ҳар тамонламалигини таъминловчи сифатида намоён бўлади.

Прокурор ёки терговчининг у ёки бу масала юзасидан қарор қабул қилишга ёки фаолиятига давлат ҳокимият ва бошқарув органларининг, ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотнинг аралашуви қонунда белгиланган жавобгарликни вужудга келтиради (интизомий, маъмурий, жиноий ҳамда суд тартиби асосида қўлланиладиган бошқа чоралар).

Амалиётда прокурорлар ва терговчилар фаолиятига аралашиш қуйидагича бўлиши мумкин:

Мансабдор шахсларнинг аралашуви, жумладан норматив ҳуқуқий актлар қабул қилиш орқали;

Оммавий ахборот воситаларининг аралашуви (ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни нашр қилишни буюртма қилиш шаклида);

Қўрқитиш ёки жисмоний таъсир кўрсатиш (оила аъзоларини ўғирлаш, аноним ва тўғридан-тўғри қўрқитишлар, босқинчилик ва бошқалар).

Шунинг учун ҳам қонун томонидан прокурор ва терговчиларни ҳимоя қилиш чоралари белгиланган. Ўзбекистонда бевосита «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг ўзида айтилган.

Россияда бу борада «Судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат органлари мансабдор шахсларини ҳимоялаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Прокуратура органларида прокурор ва терговчилар, уларнинг оила аъзолари, мумкинки, мустақиллигини, фаолиятининг фақат қонун асосида олиб борилишини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамият ва давлат манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини юритишда хавфсизлик хизмати ташкил этилган. Қонун нафақат прокурорлик назоратини амалга оширишга йўл қўйилмасликни, балки прокуратура органлари ва тузилмаларининг ҳар қандай бошқа функционал фаолияти, жумладан, жиноятларни тергов қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳуқуқ

ижодкорлик фаолиятига иштирок этишга аралашишни таъқиқлайди.

Фаолиятига тўсқинлик қилиш – прокурорни тегишли органнинг ҳудуди ва биносига қўймаслик, ҳужжат ва материаллар билан танишишга йўл қўймаслик, талабга мувофиқ тегишли ҳужжат ва материалларини бермаслик, қалбакилаштирилган маълумотларни топшириш, мутахассис ва экспертларни ажратмаслик, кўрсатма ва тушунтириш бермаслик мақсадида турли хил баҳоналар ўйлаб топиш ва бошқалар.

Хизмат фаолияти юзасидан амалга ошириладиган қаршиликка нисбатан прокурор ва терговчи турли хил ҳуқуқий воситалар ва бошқа қонунда назарда тутилган чораларни кўрадилар. Булар: мажбурий келтириш, олиб қўйиш, ички ишлари органлари ёрдамидан фойдаланиш, ёлғон гувоҳлик бериш ёки бош торт-маслик учун жиноий жавобгарликка тортиш, прокурор талабларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш ва бошқалар.

Прокурор ва терговчи қонунда белгиланган тартибда ва ҳолларда ўзларининг юритувларидаги ишлар ва материаллар юзасидан тушунтиришлар ва ҳужжатлар билан танишиш моҳиятини таъминлашлари керак. Терговчи унинг фаолиятини назорат қилувчи ёки юқори турувчи прокурорга шундай мажбуриятга эга.

Прокурор тегишли ҳужжатлар ва тушунтиришларни бўйсуниш ва ҳисобдорлик асосида юқори турувчи прокурорга бериши лозим.

Қонунда белгиланган ҳолларда тушунтиришлар судларга берилади.

Ошкоралик принципи - бу прокуратура органлари фаолиятининг ошкоралиги, унинг фуқаролар, оммавий ахборот воситалари учун ўз фаолиятини очиқ амалга оширишидир.

Бу принципларнинг амалга оширилиши жараёнида жамият прокуратура органлари фаолиятини назорат қилади. Аҳоли қонунчиликнинг аҳволи ҳамда фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида прокуратура фаолиятидан хабардор бўладилар. Бунинг натижаси – уларнинг прокуратура органларига мурожаат этиш имкониятини беради. Бундан ташқари фуқаролар ва оммавий ахборот воситалари уларга маълум ҳуқуқбузарлик

тўғрисида прокуратурага ҳабар берадилар. Бу борада ошкоралик принципининг амал қилиши қонунчиликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ошкоралик тамойилининг прокуратура органлари фаолиятидаги норматив чегаралари Конституциявий талаблар ва қонунчилик нормалари билан чегараланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, «Ҳар ким шахсий ҳаётнинг ва шахсий ҳамда оилавий сирларнинг дахлсизлигига эга». Бундан ташқари давлат сирлари тўғрисида айтилган бўлиб, унинг рўйхати «Давлат сирлари тўғрисида»ги Қонунда белгиланган.

Шунингдек, турли хилдаги хизмат сирлари - тергов, суд мажлисининг алоҳида хонасида қабул қилинадиган масалалар юзасидан фикрлар, нотариал, врач ва бошқалар мавжуд.

Махсус қонун билан қўриқланадиган сирлар: тижорат сирлари ва унинг турли шакллари, банк, суғурта, ҳарбий сирлар.

Бундан ташқари, бу қонунчиликка, унинг талабларига мос келмаган ҳолларда прокуратура органлари фаолиятидаги ошкоралик тамойилининг чегарасини белгилайди. Унга махсус талаблар қўяди. Хизмат ёки тижорат сири бўлмайдиган маълумотларни фақат қонун белгилайди.

Қонун билан ҳимояланадиган сирларни ошкор этиш тегишли тартибда моддий, интизомий ёки жиноий жавобгарликни юзага келтиради (Ўзбекистон Республикасининг ЖКнинг 143-моддаси «хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиш тартибини бузиш, ЖКнинг 162-моддаси «Давлат сирларини ошкор қилиш», 163-модда «Давлат сири ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш» ва бошқалар).

Прокуратура органлари қонунчилик ва жиноятчиликнинг аҳволи ҳақида давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларини, аҳолини ҳабардор қилиб туриши лозим.

Бу маълумотлар ҳуқуқбузарликнинг алоҳида турлари бўйича ёки унинг гуруҳи юзасидан берилади.

Бу камчиликнинг намоён бўлиш шаклларидан бири - Бош Прокурор томонидан Олий Мажлис ва Президентга ҳар йили

қонунчилик ва жиноятчиликнинг аҳволи, қилинган ишлар юзасидан ҳисобот бериш.

Қуйи турувчи органлар тегишли халқ депутатлари ҳаками ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига маълумот берадилар. Барча прокурорлар оммавий ахборот воситаларига муълумотлар беради, нашриёт саҳифаларида қатнашадилар, аҳоли орасида лекция ва ҳисоботлар билан чиқадилар.

Мустақиллик принципи сиёсий мустақилликни ҳам назарда тутади - прокуратура ходимлари сиёсий мақсадларни кўзловчи жамоат бирлашмалари аъзоси бўла олмайдилар ва фаолият юрита олмайдилар. Бундан ташқари, прокуратура органларида сиёсий мақсадларни кўзловчи жамоат бирлашмаларини тузиш ҳам тақиқланади.

Бу тақиқ нафақат прокурор ва терговчига, балки прокуратуранинг илмий ва педагогик ишчилари ва махсус унвонга эга бўлган ходимларига ҳам тегишлидир.

Бу принципнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, бунда прокуратура ходимларини бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишининг тақиқланиши унинг иш ҳақи билан боғлиқ бошқа иқтисодий ва моддий муҳтожликдан мустақил қилади.

Булардан мустасно сифатида: ўқитувчилик, илмий ва ижодкорлик фаолияти, қайсики шартнома, меҳнат контракти ёки бир марталик асосида амалга оширилишини мисол қилсак бўлади.

Бундан ташқари прокуратура ходимларининг ўз хизматларини амалга ошириш юзасидан илмий тадқиқотлари ҳам рағбатлантирилиши мумкин.

Ижодкорлик фаолияти билан шуғулланишга (журналистика ўқув фаолияти, тасвирий санъатнинг турли шакллари ва б.) ҳам йўл берилган. Булар ўз навбатида ходимларнинг ўз ишларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

Қонунийлик принципи - бу ҳуқуқ субъектлари фаолияти учун умумҳуқуқий бошланғич асос ҳисобланади. Бу принципга амал қилиш ҳуқуқий давлат қурилишининг асосий шарти ҳисобланади. Прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонунларнинг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт. Прокуратура органида бу асосий тамойил ҳисобланади,

чунки унинг фаолияти қонунийликни таъминлашга қаратилгандир. Бу унинг асосий мақсади, яъни қонунийликнинг устуворлиги, бир хил ва аниқ ижро қилинишини англатади. **Қонунийлик** ўзининг ичига қуйидаги қатор имкониятларни олади:

мамлакатда ривожланган қонунчилик тизимининг бошқариладиган ҳуқуқий муносабатларга мос бўлишини;

тегишли қонунларга риоя этишликни таъминловчи давлат-ҳуқуқий инфратузилмалар;

фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг амалдаги қонунлардан хабардор бўлиши;

ҳуқуқбузарлик, уларнинг вужудга келиш сабаб ва шароитларини ўз вақтида бартараф этиш.

Прокуратура фаолиятида қонунийлик тамойили деганда барча давлат органлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан қонунларга риоя этиш тушунилади.

Бундан ташқари қонунийлик қонунларнинг устуворлиги ва ҳуқуқ иерархиясига амал қилиниши назоратини ҳам ўз ичига олади.

Қонунийлик принципи бу унинг талабларига прокуратура органларининг ўзида амал қилишликни англатади. Бу вазифада нормаларнинг йиғиндиси, қайсики, уларда прокурор ва терговчи лавозимига тайинланиши, уларнинг ахлоқий ва касбий фаолиятлари, таълим даражаси, ёш цензи уларнинг аттестацияси тўғрисидаги нормалар.

Қонун бузилишини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш тамойили - қонунларнинг бир хилда ва аниқ ижро этилиши устидан назорат олиб борар эканлар, қонунбузарликларнинг ким томонидан содир қилинишидан қатъи назар шу ҳуқуқбузарликни аниқлаш ва уни ўз вақтида бартараф этишга қаратилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган, айбдорларни тегишли жавобгарликка тортишликни англатади.

Бу принцип, ўз ичига қуйидаги ҳолатларни олади:

1). Қонун олдида ҳамманинг тенглиги.

2). Прокурорлар томонидан ҳуқуқбузарликни аниқлаш билан бирга уни ўз вақтида бартараф этишни ҳам ўз ичига олади.

3). Ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш чораларини кўрадилар.

4). Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортилиш чораларини кўрадилар. Ҳар бир қонун бузилиши ҳолати, ким томонидан содир қилинишидан қатъи назар, қатъий принципал баҳоланиши, айбдор шахслар жавобгарликка тортилишлари лозим.

Прокуратура органларининг жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоаси билан ўзаро ҳамкорлиги – бошқа органлар каби ҳуқуқни муҳоказа қилувчи органлар жамиятдан ҳоли равишда амал қила олмайдилар. Амалиётдан бизга маълумки, агар прокурор ўзининг фаолиятини давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоалари, аҳоли билан координация қилинмаса, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни амалга ошириш юзасидан фаолият олиб бора олмайди.

Шундан хулоса қилиш мумкинки, қонунийлик режимини таъминлашда, ҳуқуқбузарликларни ва уларнинг оғир ёки енгиллигидан қатъи назар прокурор ўз функцияларини амалга оширишда жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоалари ёрдамидан кенг фойдаланиш лозим.

Бундан ташқари, прокуратура органларининг маҳаллий ҳокимият органлари, кузатув комиссиялари, вояга етмаганларнинг ишлари бўйича комиссиялар, Молия вазирлигининг назорат тафтиш органлари меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик кенгаши инспекцияси. Бу ўзаро фикрларнинг давлат ва меҳнат тартибининг бузилишига қаратилган, хўжасизлик, растратга, халқ мулкининг талон тарожликни олдини олишга, айбдорларни фош этишга, меҳнат қонунчилигининг самарали амал қилиши ва фуқароларни иш билан таъминлаш кафолатини яратишга олиб келади.

Бундан ташқари, ҳозирги қонунчилик прокуратура органлари ва судларга кенг жамоатчиликни жалб қилиш имконини берди. Мисол қилиб: жиноий ишларда жамоат айбловчиси ва ҳимоячисининг иштироки ўз навбатида судда адолат, унинг тарбиявий томонини олишни, келажакда жиноятларнинг олдини олишга кўмаклашади.

Ички ташкилий принциплар сифатида прокуратура органларида <u>ҳудудийлик ва предметлилик</u> принциплари қўлланилади.

Прокуратура органларида мужбуриятларнинг тақсимланиши ҳудудийлик ва предметлилик принципига асосан амалга оширилади.

<u>Ҳудудийлик принципи</u> – бу шундай ташкилий тартибни билдирадики, бунда барча ишлар ҳажми, ҳудудий бирликлар ўртасида тезкор ходимларга бўлиб берилади.

Ишнинг ҳажми бўйича бир ёки бир нечта шаҳар ва туманлар прокуратурасига тақсимланади.

<u>Ҳудудийлик принципига оид</u> ҳудудга бириктирилган бўлим прокурори, вилоят прокурорининг конпетенцияси доирасида ҳамда белгиланган назорат доирасига мувофиқ қоидаларнинг, бош прокурор буйруқ ва йўриқномаларининг ижросини назорат қилади. Бу мақсадда у ҳудуд қонунчилигини, ҳудуд статистикаси, иш режалари, ҳисоботлар, умумлашмалар ва бошқалар билан танишиб чиқади.

Таҳлил асосида у тегишли шаҳар ва туман прокуратураларига камчиликларни ва ишларни яхшилаш юзасидан топшириқлар юборади.

Прокурорлар фаолиятида иштирок этади, амалий ёрдам кўрсатади, унинг топшириқларини бажаришни назорат қилади, прокурорлар малакасини ошириш ишларида қатнашади, уларга индивидуал топшириқлар беради. Бу прокуратуранинг бошқа ҳудудий прокуратуралар билан доимий алоқа қилиб боради.

Ўзининг ҳудудида барча ишлардан хабардор бўлиши учун ҳар бир туман, шаҳар прокурори ўзининг иш юритишини қоидада белгиланган материаллар, вилоят прокуратураларида эса қуйи турувчи прокуратуралар томонидан юборилган ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари билан бирга сақлайдилар. Бу уларнинг ваколат доираси бўйича алоҳида нарядларда сақланади.

Ҳудудий прокурорлар булардан ташқари, ишчи нарядлар олиб борадилар, унда ижро этилиши лозим бўлган ҳужжатлар, унинг ҳудудида ҳар бир прокурор ёки терговчи томонидан содир этилган хатолар, ижобий иш натижалари қайд этилади.

Бу ўз навбатида қуйи турувчи прокуратураларга камчиликларни бартараф этиш юзасидан топшириқлар беришни енгиллаштиради.

Ҳудудийлик принципи асосида ишларни ташкиллаштириш борасида прокурор назорати фуқароларнинг мурожаатлари, ариза ва шикоятларини кўриб чиқишга, тегишли туманларда ишлар юзасидан апелляция, кассация ва назорат тартибида киритилиши лозим бўлган протест масаласини ҳал қилиш ва бошқа масалалар юзасидан олиб борилади. Шунингдек, шу ҳудудда содир этилган жиноятларни тергов қилиш, жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш, ҳудуддаги қонунийликни таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашда раҳбарликни амалга оширади.

Предметлилик принципи - бу прокурорлик назорати предмети тушунчасидан келиб чиқиб, бунда прокурорлар ўртасидаги мажбуриятларни бўлишда - ҳуқуқий тартибга солиш доираси, яъни прокурор томонидан маълум бир тоифадаги қоидалар ва норматив актларни назорат қилишига қараб ихтисослар бўйича тақсимланиши тушунилади.

Бу принципнинг мақсади барча тузилмаларни прокуратура олдида турган муҳим вазифаларни амалга оширишга қаратишдир.

Белгиланган мажбуриятлар тақсимотига мувофиқ бўлим прокурори унинг предметига тегишли статистик ва бошқа маълумотларни умумлаштиради; тегишли материалларни таҳлил қилади (докладлар, тақдимнома, протестлар, умумлашмалар, услубий ҳолатлар, ҳайъат қарорлари ва бошқалар); норматив актларнинг камчилиги бўйича топшириқлар тайёрлашда иштирок этади; ҳайъатда ва координацион кенгашга таклифлар киритади. Бўлим прокурорлари - прокурорлик назоратини ташкил этиш ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади.

Бундан ташқари **ҳудудий- предметлилик** принципи мавжуд.

Бунда ҳудудий прокурорларга уларга қонун билан белгиланган ваколатларини амалга оширилиши лозим предмет ҳам қўшилади.

Бу ҳозирда муҳим бўлган ижтимоий муносабатларни асослашга қаратилган қонунларнинг ижросини таъминлашга қаратилган ихтисослашган прокуратуралар вужудга келишига олиб келади.

Қоида бўйича, амалга ошириш предмети белгилайдиган қатор масалалар вужудга келди: бу қонунчиликнинг аҳволи тўғрисида комплекс анализ ўтказиш, жиноятларни тергов қилишни умумлаштириш, ҳуқуни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ишни режалаштириш, қуйи турувчи органларга топшириқлар юбориш, уларнинг ижроси устидан назорат. Муайян давр мобайнида ишни умумлаштириш тегишли ҳудудда ихтисос бўйича ишнинг келгусида самарали олиб борилишини таъминлайди.

Бундай холат бўлим бошлиғининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйруқда белгиланган ҳудуд ва предметлардан ташқари, белгиланган доирадаги объектлар (вилоят, туман, шаҳар), яъни конкрет органлар кўрсатилиши мумкин.

Прокуратура фаолиятининг мазмунини, таркиби ва ҳажмини ифодаловчи ва очиб берувчи тушунча, унинг функциялари ҳисобланади.

Қонун прокуратура тушунчасини берар экан, аввалambор, унинг асосий вазифаси қонунларини ижро этиш устидан назорат ҳисобланади.

Бошқа нормада прокуратуранинг қонунда белгиланмаган функцияларни бажаришига йўл қўйилмайди.

Шундай қилиб, прокуратура органларининг функциялари деганда, улар ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида қўллайдиган усул ва воситалар мазмуни тушунилади.

Прокуратура фаолиятининг максимал даражада белгиланган аниқ шароити бўлиб функцияларнинг ички ўзаро боғлиқлиги ва белгиланиши ҳисобланади.

Прокуратура органларини ташкил этишга сабаб бўлган муҳим функция - бу қонунларнинг бажарилиши устидан назорат ҳисобланади.

Прокуратура ўз фаолиятини амалга оширишда назорат функциясидан ва функция ости вазифасидан фойдаланади. Функция ости вазифаларига қуйидагилар киради:

- Вазирликлар, қўмиталар, идоралар, давлат бошқарув ва ҳокимият органлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, ҳарбий бошқарув органлари, назорат органлари, уларнинг мансабдор

шахсларининг қонунларни ижро этиши ва қонун асосида қарорлар қабул қилинишини назорат қилади.

- Вазирликлар, қўмиталар, идоралар, давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, ҳарбий бошқарув органлари, назорат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари, тижорат ва нотижорат ташкилотларининг бошқарув ва бошлиғи томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятини таъминлашлари устидан назорат.
- Тезкор-қидирув, суриштирув ва тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат.
- Жазоларни ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи органлар ва муассасалар, қамоқда сақлаш ва ушлаб туриш жойларининг маъмурияти томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш.
- Барча судларнинг иш юритув босқичлари ва инстанцияларида қатнашиш ҳуқуқи.

Бунда у судлар устидан назоратни амалга оширмайди, балки суд томонидан чиқарилган қарорларнинг қонунга мувофиқлигини текшириб, зарур ҳолларда протест киритади. Судларнинг қонуний ва асослантирилган қарор қабул қилишига кўмаклашади.

Бу функциялар ўзаро боғлиқ ва ўзаро бир-бирини тўлдириб туради.

Уларнинг мажмуи-прокурорлик назоратини ташкил этади.

Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари деб номланган ушбу функциялар Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасида белгилаб қўйилган.

3-§. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари

Прокуратура идоралари ўз фаолиятларини қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борадилар:

- вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа ман-

сабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат қилиш;
- тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;
- жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;
- судларда жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;
- солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;
- ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;
- қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Булардан ташқари, прокуратура ўз функцияларини амалга ошириш жараёнида содир этилган жиноятларни жиноий таъқиб қилиш функцияси ҳам мавжуд.

Бунинг асосий мазмуни прокурорнинг қуйидаги ваколатларида ифодаланади:

- ҳар қандай жиноят юзасидан иш қўзғатиш;
- тегишли терговчига уни иш юритувига қабул қилишни топшириш;

- терговга тегишлиликдан қатъи назар уни ўз иш юритувига олиш;
- терговга тегишлиликдан қатъи назар ишни тергов қилишни прокуратура терговчисига топшириш.
- бундан ташқари прокуратура томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мустақил функция ҳисобланади. Бунда у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда ҳамда уларнинг вазифаси, мақсадлари, ваколатлари ва уларни амалга ошириш усулларига мувофиқ фаолиятини таъминлаш киради;
- яна бир мустақил функцияси бу қонун ижодкорлик функциясидир. Бунда прокурор ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида қонунлардаги камчиликлар ёки уларга ўзгартириш киритиш ёки янгисини қабул қилиш масаласи юзасидан қонунчилик ташаббусига эга бўлган субъектлар ёки шундай ҳуқуқларни амалга оширадиган қуйи ҳокимият ва бошқарув органига шундай таклиф ва лойиҳалар тақдим этади.

Функциядан ташқари, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари тушунчаси мавжуд. Булар ўзаро боғлиқ бўлсада, бир-биридан аниқ фарқланади.

Бунда прокуратура жамиятдаги барча ижтимоий муносабатларни ҳамда давлат-ҳуқуқий тузилмаларнинг ваколатларидан фойдаланган ҳолда назоратни амалга ошира олмайди. Шунинг учун қонун давр талабидан келиб чиқиб, қонунийлик ва ҳуқуқбузарликни мамлакатда максимал даражада таъминлаш йўналишини белгилайди.

Қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат – ўзининг моҳияти ва мазмуни жиҳатидан ўта мураккаб фаолият ҳисобланади. Қонун бўйича назорат фаолиятининг турли доираларда тарқалганлиги, ҳар бир доирада у ўзига хос хусусиятларни касб этади. Бундан ташқари турли хил ҳуқуқий воситалар қўлланилади. Бир хил вақтларда прокурорнинг таъсир этувчи чораси информацион характерга эга.

Мисол: Давлат бошқарув органининг ноқонуний актига протест киритганда шу орган ёки юқори турувчи органга моҳият жиҳатдан тўғри қарор қабул қилишни тавсия этади.

Лекин протест юзасидан ёки тақдимнома юзасидан қарор қабул қилиш, фақат бошқарув органи ёки суд томонидан амалга оширилади.

Бир хил вазиятда прокурорлик ваколатлари ҳокимият-ижро характерига эга.

Мисол: Суриштирув ва дастлабки тергов даврида, суднинг жазони ёки суд-тиббий йўналишдаги мажбурлов чорасини қўллаш борасидаги қарорлари ижроси юзасидан. Прокурор назорати давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, хўжалик ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари томонидан фуқароларнинг, давлат ва жамият манфаатларини бузувчи қарорига таъсир этиш, қонунда белгиланган тартиб ва усулда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, уни олиб келган шароит ва сабабларни бартараф этиш, ҳуқуқларни тиклаш, айбдорларни жавобгарликка тортиш ҳар бир йўналишда унинг ўзига хос предмети бўлиб, у қонунчиликда кўрсатилган.

Суд иш юритувида унинг предмети ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси ЖПК билан белгиланади.

Прокурорлар Конституция, қонунларнинг ҳамда қонуности ҳужжатларининг ижроси устидан назорат қилади.

Назоратнинг умумий предметига қуйидаги умуммажбурий норматив актлар кирмайди (уларнинг қонунийлиги устидан прокурор назорат қилмайди, аксинча, уларнинг жойлардаги ижроси прокурор назоратининг предмети бўлиши мумкин):

- Президент Фармонлари;
- Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармонлари.

Буларнинг ижросини, биринчи ўринда, Президент аппаратининг назорат органлари амалга оширади. Қолаверса, уларнинг жойлардаги ижроси прокурор назоратининг предмети бўлиши мумкин.

Лекин, шундай қонунлар борки, уларда бевосита Президент Фармонлари ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорига ҳавола қилинади, яъни ҳавола ва бланкет нормалар, булар бевосита прокурор назоратига киради. Прокурор Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий мажлиси, Вазирлар Маҳкамасининг қонунларни қандай ижро этаётганлиги устидан назорат қилиш эмас, балки улар то-

монидан қабул қилинган Қонун, Фармон, Фармойиш ва Қарорларни ижросини таъминлаш вазифасини амалга оширади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинган, Ўзбекистон қонунчилиги нормаларидан устун бўлган халқаро нормаларнинг ҳам ижросини таъминлайди.

Мисол қилиб: 1993 йилдан "талабларни бажариш юзасидан ҳуқуқий ёрдам тўғрисида"ги Конвенция (Минск)да талаб қилувчи томонлар ўртасида текширув мавжуд бўлса, унинг давлатчилигининг моддий ва процессуал нормалари қўлланилади. Буларнинг ижроси бевосита прокуратурага тегишли бўлади.

Содир этилган жиноятлар учун жиноий таъқиб қилиш – функциясини бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар терговни тегишли шакл ва тартибида амалга оширадилар.

Ҳар қайси давлат-ҳуқуқий тизим дастлабки тергов олиб бориш борасида ўзининг махсус аппаратига (Ўзбекистон Республикасида Прокуратура, МХХ, ИИВ) эга бўлиб, бу борадаги ўз фаолиятини жиноят процессуал қонунчилик асосида олиб боради. Тергов олиб бориш идоралари турли давлатларда турлича номланиши мумкин. (Масалан, АҚШда Прокуратура органи Атторней хизмати деб номланади, Милиция – Полиция деб аталади, Федерал Тергов Бюроси "ФБР" терговларни олиб борувчи асосий идора ҳисобланади).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигида терговга тегишлилик тушунчаси мавжуд бўлиб, прокуратура ҳам шундай тегишлилик асосида терговни амалга оширади. Унинг таркибига назорат фаолияти билан бирга, таркиби ва характерига боғлиқ жиноятлар белгиланган.

Бу борадаги прокурорнинг бошқа давлат органларидан фарқ қилувчи томони шундан иборатки, у ҳар қандай жиноятни, терговга тегишлилигидан қатъи назар бўйсунувчи терговчи ёки прокурорга бериши мумкин.

Прокурор фаолиятининг асосий мезони қонунийлик ҳолати ҳисобланади; тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг квалификацияси ва бошқа ҳолатлар.

Бу функцияларнинг асосий хусусиятлари:

- Субъектларнинг чегараланганлиги.

- Фаолиятининг фақат қонунда белгиланган тартибда амалга оширилиши.
- ЖПКга асосан тегишли восита ва усулларни қўллаш.

Бу функцияни амалга оширишда прокурорнинг ваколатлари универсал характерга эга бўлиб, у мустақил ҳисобланади. Жиноят ишини ўз иш юритувчига олганда терговчи ваколатлари билан бирга ўзининг прокурорлик ваколатларини ҳам сақлаб қолади.

Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш – бу прокуратура органларига юклатилган вазифа жамиятнинг жуда кенг доирасини қамраб олади. Бу фақат қонунда белгиланган доирада амалга оширилиши сабабли, прокурорлар нафақат қонунларнинг ижроси ҳақида, балки ҳуқуқий тартибга солиш ҳақида ҳам хабардор бўладилар.

Бу ўз навбатида жамият ва давлат эҳтиёжларига мувофиқ ҳуқуқни қўллашни назарда тутади.

Прокуратура органларининг маркази ривожланишининг турли босқичларида ҳуқуқ ижодкорлигининг фаолиятида турли шаклларда қатнашган. 1992 йил 8 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Бош прокурор ва қонунчилик ташаббусига эга бўлган қуйи турувчи прокурорлар ҳуқуқий актларни ўзгартириш, тўлдириш, бекор қилиш ёки бошқа қонун ва ҳуқуқий актларни қабул қилиш ташаббуси билан чиқишлар мумкин.

Барча прокурорлар систематик тарзда у ёки бу доирада ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи амалдаги қонунларнинг амал қилиш ҳақида, бу қонунларнинг камчиликлари ёки муаммолари тўғрисида, қонунларга ёки уларнинг алоҳида нормаларига шарҳ бериш масаласини ҳамда бу тўғрисидаги ахборотларни тегишли орган ҳамда Бош прокурорга беради.

Бу ишлар билан Ўзбекистон Республикаси прокуратурасидаги «Қонунларни мужассамлаштириш ва ҳуқуқ тарғибот» бўлими шуғулланади.

Лойиҳани киритишда – бу лойиҳанинг киритилишига сабаб ва шароитлар, ундан кутиладиган ижтимоий-иқтисодий натижалар, уни амалга оширишда моддий ва бошқа ҳаракатлар ва асослар кўрсатилади.

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонун прокуратура фаолиятининг бутун йўналишларини тўртта прокурорлик назорати тармоғига ажратади:

1.Қонунлар ижроси устидан назорат.

2.Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан назорат.

3. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи идоралар томонидан қонунларга риоя қилиниши устидан назорат.

4. Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят–ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш.

Прокурор назорати тармоқларидан ташқари, прокуратура фаолиятининг бошқа йўналишлари ҳам ажратиб берилади:

-жиноятлар юзасидан дастлабки терговни олиб бориш;

-жиноятчиликка қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

-қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Бундан ташқари қонуншунос, прокуратура фаолиятининг судларда жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш каби муҳим йўналишини ҳам белгилаб берган. Прокуратура фаолиятининг янги йўналиши қилиб, солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилишни белгилаб берди. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш прокуратура фаолиятининг энг биринчи ҳамда жуда ҳам кенг бўлган тармоғи ҳисобланади.

Қонун бўйича прокуратура фаолиятининг асосий йўналиши сифатида белгиланмаган бўлсада, вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан тергов олиб бориш ва уларга тааллуқли ишлар бўйича судларда иштирок этиш, вояга етмаган маҳкумларни сақлаш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб улгурган. Чунки, айни йўналиш бўйича алоҳида прокурор ёрдамчиларининг ажратилиши, ажратиш имконияти бўлмаган, яъни, штат бирлиги етишмайдиган жойларда ҳам алоҳида ички буйруқ бўйича бу масалаларда масъулият маълум бир ходимга юклатилиши ва алоҳида ҳар ойда юқори турувчи прокурорга бир қанча ҳисоботлар топшириб борилиши бу йўналишни мустақил бир йўналиш деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

Ҳудди шундай, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида кўрсатилмаган бўлсада, қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти ҳам прокуратура фаолиятининг асосий йўналиши деб эътироф этилиши мумкин.

4-§. Прокурор талаблари бажарилишининг мажбурийлиги

Прокурор талаблари бажарилишининг мажбурийлиги Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасида белгиланган бўлиб, унда кўрсатилишича «Прокурорнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш, текширишлар ўтказиш, мутахассис ажратиш, прокуратурага келиш ва аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш, қонунбузарликларни, уларга имконият яратаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек қонунга риоя этиш тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасида қўяётган талабларини бажариш барча фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурийдир.

Прокуратура органлари ўз вазифаларини амалга оширишлари учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари мазкур органларнинг талабига мувофиқ бепул берилади.

Прокуратура органларида ҳар ярим йилда фуқароларнинг мурожаатлари таҳлил қилиниб, умумлаштирилиб, унинг натижалари ҳайъат мажлисилари ва тезкор йиғилишларда кўриб чиқилади. Прокурорнинг талаблари устидан шикоят қилиниши уларнинг ижросини тўхтатиб қўймайди». Шундай бўлсада, прокурорлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ички фаолиятига аралашмайди. Прокурорларнинг қонуний талаблари бажарилмаганлиги учун тегишли ва масъул бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 август кунги иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси ЖПКга ўзгартириш киритилган бўлиб, бунга кўра, терговчи айблов хулосасини тасдиқламаган ҳамда жиноят ишини қўшимча терговга юборган прокурорнинг фикрига қўшилмаса, унда прокурорнинг қўшимча терговни олиб борилиши лозимлиги ҳақидаги қарорини бажармасдан туриб, жиноят ишига ўз мулоҳазаларини баён қилиб, юқори турувчи прокурорга ўз шикояти билан жиноят ишини тақдим этиши мумкин. Бу масала жиноий процессуал тартибда ҳал этилганлиги боис, прокурор талабларининг бажарилиши мажбурийлиги доирасига киритилмайди. Умуман қолган барча процессуал ҳолатларда албатта, терговчи прокурор билан ўз фаолиятини мувофиқлаштиради, дастлабки терговда амалга оширилиши лозим бўлган тергов ҳаракатларини унинг раҳбарлигида бажаради. Прокурорнинг жиноят ишлари бўйича берган ёзма кўрсатувларининг бажарилиши ҳам терговчи учун мажбурий ҳисобланади. Тергов фаолияти бўйича доимий ва мунтазам назорат прокурор томонидан амалга оширилади. Терговчилар ўз фаолиятлари бўйича ҳар ойлик, чорак ва йиллик ҳисоботларини прокурорларга топширадилар. Жиноят ишини қўзғатиш, тиклаш, тўхтатиш, тугатиш, бекор қилишга оид процессуал ҳаракатларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКда қайд этилган баъзи тергов ҳаракатларини албатта прокурорнинг розилиги ёки махсус рухсатномаси (санкцияси) олинганидан сўнг бажаради.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишда эса, судга қамоққа олиш учун мурожаат ҳужжати бўлган “илтимоснома” албатта прокурорнинг розилиги билан амалга оширилади.

Жиноят процессидаги бу ҳаракатлар ва механизм терговчининг мустақиллиги ва қонунийлик тамойилларини поймол этмаган ҳолда ижро этилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилишда ўз вазифаларини амалга оширишлари учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари прокурорга дарҳол тақдим этилиши шарт. Ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш, текширишлар ўтказиш, мутахассис ажратиш, прокуратурага келиш ва аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш, қонунбузарликларни, уларга имконият яратаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек қонунга риоя этиш тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасида қўяётган талабларини бажариш барча шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

5-§. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш

Прокурор ўзига тушган шикоят ёки аризани белгиланган муддатда кўриб чиқиши, зарур чора-тадбирлар кўриши ҳамда ўз қарори тўғрисида аризачига маълум қилиши шарт (Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 32-моддаси). Ҳокимиятнинг тақсимланишини ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилиши муносабати билан, шунингдек, суд ҳокимиятини амалга оширувчи органларнинг ўз фаолиятларидаги мустақиллиги, уларнинг бошқа ҳеч қандай давлат органлари назоратида эмасликлари оқибатида прокурорнинг назорат фаолияти ушбу соҳада ўз аҳамиятини йўқотди ва прокуратура фаолиятининг судларда ишларнинг кўрилишида иштирок этиши тариқасидаги махсус йўналиши деб эътироф этила бошлади.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш қонуннинг 7-моддасида белгиланган. Унда қайд этилишича, «Прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг

мурожаатларини кўриб чиқадилар, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўрадилар.

Прокурор фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади.

Прокурор ўзига тушган таклиф, ариза ва шикоятларни текшириш вазифасини зарур ҳолларда тегишли давлат бошқаруви, назорат ва текшириш органларига, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига топшириш ҳамда улардан текширишга тааллуқли барча материаллар билан бирга текшириш натижаларига доир ёзма ахборот беришларини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича прокурор қарор қабул қилади, бу қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан фуқаронинг ариза ва шикояти ёки юридик шахснинг мурожаати юзасиан қарор қабул қилинганидан кейин прокуроратура органларида улар бўйича иш юритиш тугатилади, янги очилган ҳолатлар бундан мустаснодир».

Прокурор ўз зиммасига юкланган вазифани бажара бориб, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқади ва текширади; аризачиларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтиради; фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўради; Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ваколатлардан фойдаланади.

Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишини жиноий хусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда прокурор жиноят иши қўзғатади ҳамда уни содир этган шахслар қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилишига доир чораларни кўради.

Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик хусусиятига эга бўлган ҳолларда прокурор

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатади ёки зудлик билан ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга беради.

Прокурорнинг ушбу соҳадаги ваколатлари жиноят процессуал қонунчилиги билан (382-388м.), “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун (28-м.) ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган. ЖПКнинг 382-моддасига мувофиқ, прокурор суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини юритишда қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни олиб борар экан қуйидаги ваколатларга эга бўлади: содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ой камида бир марта текширади; суриштирувчилар ва терговчиларнинг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади; жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноят тавсифини белгилаш, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради; тергов юритиш ва эҳтиёт чораси сифатида қўлланилган қамоқда сақлаш муддатини узайтиради; ишларни суриштирув ва дастлабки тергов органларига қўшимча тергов ўтказиш тўғрисидаги ўз кўрсатмалари билан қайтаради.

Прокурор ушбу соҳадаги ўз зиммасига юклатилган вазифани амалга оширишда илгари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 10 декабр кунги “Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида”ги 37-сонли буйруғи талабларига қатъий риоя қилиши шарт ҳисобланади.

Фуқаролар томонидан прокуратура органларига қилинган мурожаат 1 ойлик муддат ичида, қўшимча текширув ўтказиш ва ўрганишни талаб қилмайдиган ҳолларда 15 кунгача бўлган муҳлат ичида ҳал этилиши лозимлиги белгиланган. Ҳал этилиши прокуратура органларига тааллуқли бўлмаган шикоят ва аризалар

5 кундан кўп бўлмаган муҳлатда тегишли идораларга юборилиб, бу ҳақда муаллифларга хабар қилиниши керак бўлган.

Прокуратура органларида ҳар ярим йилда фуқароларнинг мурожаатлари таҳлил қилиниб, умумлаштирилиб, унинг натижалари ҳайъат мажлисилари ва тезкор йиғилишларда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон республикаси Бош прокурорининг **“Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида”ги 2004 йил 10 декабрь 37-сон буйруғи** қабул қилинган бўлиб, унга кўра, "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома тасдиқланган ва 2005 йилнинг 1 январ кунидан амалга киритилиши қайд этилган. Буйруқда қуйидагилар эътироф этилган:

- Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш прокуратура органларининг энг муҳим вазифаларидан бири эканлиги;
- Мурожаатларни ўз вақтида, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш таъминланиши;
- Ариза ва шикоятларнинг кўриб чиқилишига виждонан муносабатда бўлиш прокуратура ходимларининг хизмат ҳамда инсоний бурчи деб саналиши шартлиги ва ҳар бир ходимнинг бу борадаги масъулияти оширилиши лозимлиги;
- Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашда асосий эътибор уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари бузилаётганлиги тўғрисидаги ҳолатларга қаратилиши кераклиги;
- Прокуратура аралашуви талаб қилинадиган ҳолларда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонуний чоралар кўрилиши зарурлиги;
- Тадбиркорлар, деҳқон ва фермерларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилган. Прокурор назорати ҳужжатлари

орқали уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга эришилиши лозимлиги;

- Ушлаб турилган, қамоққа олинган, озодликдан маҳрум этилган ҳамда жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларига тортилган шахсларнинг мурожаатлари жазони ижро этувчи орган ёки муассаса маъмурияти томонидан кўриб чиқилиши қонунийлиги устидан доимий назорат олиб борилиши кераклиги;
- Зарур ҳолларда келиб тушган ариза ва шикоятларни текшириш вазифасини тегишли давлат бошқаруви, назорат ва текшириш органларига, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига топшириш ҳамда улардан текширишга тааллуқли барча материаллар билан бирга текшириш натижаларига доир ёзма ахборот беришларини талаб қилиш борасидаги ваколатлардан фойдаланилиши лозимлиги;
- Прокуратура органларига мурожаат қилаётган фуқаролар ва юридик шахслар вакилларини қабул қилишга жиддий эътибор қаратилиши шартлиги;
- Қабулга келган фуқароларга қонун талаблари, мурожаатни ҳал қилиш тартиби ва муддатлари тўғрисида тушунтирилиши лозимлиги;
- Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни талабларининг вазирликлар, давлат қўмиталари, ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда мансабдор шахслар томонидан бажарилиши аҳволи мунтазам равишда текшириб борилиши лозимлиги;
- Аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш, мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ва масъулиятини ошириш чоралари кўрилиши кераклиги;
- Прокуратура органларида ҳар ярим йилда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш амалиёти таҳлил этилиб, умумлаштирилиши, унинг натижалари тезкор йиғилишлар ёки ҳайъат мажлисларида кўриб чиқилиши шартлиги.

Бош прокуратуранинг фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими доимий равишда прокуратура органларида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш аҳволини текшириб борсин, бу борадаги хато ва камчиликларни аниқлаш, прокуратура ходимла-

рининг масъулиятини ошириш чораларининг кўрилиши лозимлиги қайд этилган.

Шунингдек, муҳокама этилаётган масала юзасидан ҳам Бош прокурорнинг махсус йўриқномаси ва низоми қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 23 апрелдаги 16–сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом қуйидаги кўринишга эга:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими тўғрисида»ги НИЗОМ

I. Умумий қоидалар:

1.1. Фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими (бундан кейин матнда бўлим деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг мустақил таркибий тармоғи ҳисобланади.

1.2. Бўлим фаолиятига Бош прокурор томонидан тайинланадиган бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади. Бўлимда бўлим бошлиғининг ўринбосари, катта прокурорлари, прокурорлари, мутахассислари, бўлим катта нозирлари ва нозирлари фаолият кўрсатади.

1.3. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Прокуратура тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Бош прокуратуранинг ҳайъати қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари, прокуратура органларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш ҳақидаги Йўриқнома ҳамда мазкур Низом талаблари асосида амалга оширади.

1.4. Бўлим томонидан қонунийлик аҳволи таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда ишни ташкиллаштириш борасида Бош прокуратуранинг ярим йилга тузиладиган иш режасига таклифлар берилади ҳамда бўлимнинг иш режаси тузилади. Иш режасига кириталган тадбирлар ижроси белгиланган муддатларда таъминланади.

1.5. Бўлим ишини ташкил этиш ходимлар ўртасида вазифаларни соҳа-минтақа ва ўриндошлик асосидаги иш тақсимотига биноан амалга оширилади.

1.6. Бўлимда фуқароларнинг мурожаатлари ва иш юритиш борасида амалга оширилган ишлар бўйича таҳлилий ҳужжатлар тайёрланади ва бу ҳақда Бош прокуратура раҳбариятига ахборот бериб борилади.

Қуйи прокуратураларда соҳа фаолиятини яхшилашга қаратилган услубий тавсиялар ишлаб чиқилади ва жойларга юборилади.

1.7. Бўлимда тезкор йиғилишлар ўтказиб борилади ва уларда соҳага тааллуқли, шунингдек бевосита ходимларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

1.8. Бўлимда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чоракда ҳисобот тузилиб, ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармасига топширилади. Ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги учун масъулият бўлим бошлиғи зиммасида бўлади.

Заруратга кўра вилоятлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралардан соҳага оид таҳлилий ахборотлар талаб қилиб олинади.

1.9. Бўлим фаолиятини Бош прокурорнинг соҳа бўйича ўринбосари назорат қилади ва соҳада амалга оширилган ишлар юзасидан Бош прокурорга ахборот бериб боради.

1.10. Бўлим Бош прокуратуранинг таркибий тармоқлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлис, суд ва бошқа тегишли идоралар ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликда ишларни ташкил этади.

1.11. Вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг фуқароларнинг мурожаатлари ва хатлар бўйича катта ёрдамчилари (бундан кейин матнда катта ёрдамчилар деб юритилади) ўз фаолиятини мазкур Низом талаблари асосида амалга оширади.

II. Бўлимнинг асосий вазифаси ва фаолият йўналишлари:

2.1. Бўлим прокуратура органларида фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини қо-

нунда белгиланган тартибда қабул қилинишини ва кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини кўради.

2.2. Бош прокуратурада бошқарма ва бўлимлар ходимлари томонидан фуқароларнинг кундалик қабулларини ташкиллаштиради ва бевосита бўлимда фуқаролар қабул қилинади.

23. Бош прокуратурага фуқаролар, давлат идоралари, муассасалар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслардан келган хат, ариза ва шикоятлар, мурожаатлар, шошилинчнома, махсус хабарлар, шунингдек жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишлари ва бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда қабул қилиб, рўйхатдан ўтказади, ҳал қилиш учун тегишлилиги бўйича таркибий тармоқларга тарқатилишини ва ҳисоби юритилишини ташкиллаштиради.

2.4. Бўлим прокуратура органларида иш юритиш, аризаларни қабул қилиш, махсус ва алоҳида назоратда бўлган аризаларни кўриб чиқилишини ташкиллаштиради.

2.5. Прокуратура органларида иш юритишни ташкил қилиш, ҳужжатлар билан ишлашнинг ташкилий-услубий жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган чораларни кўради.

2.6. Бош прокуратура архивига топширилган прокуратура органлари фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларнинг сақланиши, муҳимлик даражасининг экспертиза қилиниши, муҳр ва штамплардан фойдаланилиши, уларнинг сақланиши ва ҳисоби юритилишини таъминлайди.

2.7. Қонунийлик аҳволи тўғрисидаги маълумотларни, ҳисобот кўрсаткичларини таҳлил қилади, соҳадаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган ташкилий чора-тадбирларни амалга оширади.

2.8. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш борасида амалга оширилган ишлар ва бу борадаги прокурорлик фаолиятини мунтазам равишда умумлаштириб, йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ҳақида Бош прокуратуранинг ҳайъат ва тезкор мажлисларига таклифлар тайёрлайди.

2.9. Мазмун ва моҳиятига кўра алоҳида аҳамиятга эга хат, таклиф, ариза, бошқа ёзма ёки оғзаки хабарлар ҳақида Бош прокуратура раҳбариятини хабардор қилади, назоратга олиб юборилган бу тоифадаги хат, ариза ва шикоятларни раҳбариятга кўриб чиқиш учун белгиланган муддатда тақдим этилишини таъминлайди.

2.10. Бош прокуратурага биринчи марта келиб тушган ариза ва шикоятларни қуйи прокуратура органларида кўриб чиқилганлиги тўғрисида маълумотлар бўлмаган тақдирда уларни қуйи прокуратураларга ёки тааллуқлиги бўйича тегишли идораларга юборади.

Ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикояг қилинаётган мансабдор шахслар ёки идораларга нисбатан ёзилган ариза ва шикоятларни мазкур идоралар ёки мансабдор шахсларнинг ўзларига юборилишига йўл қўймаслик чораларини кўради.

2.11. Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлимларида, қуйи прокуратураларда қайд этилган Йўриқнома талабларини бажарилишини, шунингдек хатлар, аризалар ва шикоятларнинг белгиланган муддатда кўриб чиқилишининг ҳисобини юритади ва уларнинг бу борадаги фаолиятини мунтазам ўрганиб боради.

2.12. Қуйи прокуратураларда соҳа бўйича ишларни тегишли вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар билан биргаликда ташкил этади, Бош прокурорнинг соҳага оид буйруқ ва кўрсатмалари, ҳайъат қарорлари ижросини текширади, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш борасида қўйилган талабларининг бажарилишни назорат қилади.

2.13. Бош прокурорнинг соҳага оид буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда ҳайъат қарорларининг бажарилишини ташкил қилади, бўлим фаолиятига тааллуқли бўлган буйруқ, кўрсатмалар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди.

2.14. Кадрлар бошқармаси билан биргаликда ваколатлари доирасида кадрларнинг касб-маҳоратини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказади, ижобий иш тажрибаларини ўрганиб, оммалаштиради.

2.15. Раҳбарият топшириғига кўра айрим ариза ва шикоятлар бўйича жойларда текширишлар ўтказади, қуйи прокуратураларга

текшириш ўтказиш ҳақида топшириқ беради ва хулосалар талаб қилиб олади.

2.16. Қонунларни тарғиб қилиш ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш ишларида иштарок этади.

III. Бўлим бошлиғининг ваколатлари:

3.1. Бўлимга юклатилган вазифаларнинг бажарилишига шахсан масъул бўлиб, бўлим иш фаолияти устидан умумий раҳбарликни олиб боради, ишларни ташкиллаштиради, Бош прокурорнинг ўринбосари билан келишилган ҳолда ходимлар ўртасида вазифаларни соҳа-минтақа ва ўриндошлик асосида тақсимлайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади.

3.2. Бош прокуратурага фуқаролардан, юридик шахслардан келиб тушган хат, хабар, ариза, шикоят, шошилинчномаларни, шунингдек жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишлари ҳамда бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда қабул қилиб, рўйхатдан ўтказишни ҳамда тегишлилиги бўйича таркибий тармоқларга тарқатилишни ва ҳисоби юритилишини ташкиллаштиради.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Бош прокуратура раҳбарияти томонидан назоратга олинган, шунингдек Ўзтелерадиокомпания, республика миқёсидаги газета ва журналлар муҳарририятлари томонидан юборилган хатлар, фуқароларнинг ариза ва шикоятларини белгиланган муддатда ҳал этилишининг ҳисобини юритади.

Фуқароларнинг Бош прокуратура раҳбарияти, тармоқ бошлиқлари ва ходимлар томонидан қабулларини ташкиллаштиради.

3.4. Ҳужжатларни кўпайтириш, нусха кўчириш ишлари юритилишини таъминлайди.

3.5. Ҳужжатларни идоравий архивга топширилиши, уларнинг муҳимлик қийматини экспертиза қилиш, муҳр ва штамплардан фойдаланиш, уларни сақлаш, шунингдек ҳисоби юритилишини ташкиллаштаради.

3.6. Бош прокуратуранинг иш режасига таклифлар беради, бўлим иш режасини ишлаб чиқади ва раҳбариятга тасдиқлаш учун тақдим этади, режавий тадбирлар ижросини таъминлайди.

3.7. Кадрлар бошқармаси билан биргаликда соҳада ишлаш учун кадрларни танлайди, ходимларнинг касб-маҳоратини ошириш чораларини кўради, аттестация лойиҳаларини ҳамда уларга даражали унвонлар бериш тўғрисидаги тақдимномаларни тайёрлайди.

3.8. Қонунларни тарғиб қилиш ишларини ташкиллаштиради ва бу жараёнда бевосита иштирок этади.

IV. Бўлим бошлиғи ўринбосарининг ваколатлари:

4.1. Прокуратура органларида иш юритиш Йўриқнома асосида олиб борилишини, ҳужжатлар билан ишлашнинг ташкилий ва услубий жиҳатдан такомиллаштирилишини таъминлайди, нозирлар фаолиятини назорат қилади.

4.2. Бўлимнинг ҳисобот ишларини олиб боради, ҳисобот кўрсаткичлари ва амалга оширилган ишларни таҳлил қилган ҳолда умумлаштириб, тегишли таклифлар тайёрлайди.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамасидан юборилган ариза, шикоятларни Бош прокуратура раҳбарияти топшириғига биноан кўриб чиқишда иштирок этади.

4.4. Қонунларни тарғиб қилиш ишларида иштирок этади.

V. Бўлим катта прокурорлари ва прокурорларининг ваколатлари:

5.1. Вазифалар тақсимотига асосан қуйи прокуратура бўғинларига берилган кўрсатма ва топшириқларни, Бош прокурорнинг соҳавий буйруқларининг бажарилиши устидан назорат олиб борадилар, шунингдек, предмет бўйича қонунийлик аҳволи ҳамда ҳисобот кўрсаткичларини таҳлил қилган ҳолда умумлаштирадилар ва соҳа йўналишидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида бўлим раҳбариятига таклифлар киритиб борадилар.

5.2. Ўзларига бириктарилган минтақа ва соҳада прокурорлик назоратининг аҳволи учун шахсан масъул бўлиб, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари, республика Бош прокуратураси ҳайъат мажлисларининг соҳага оид қарорларини жойларда бажарилиши устидан назорат олиб борадилар, қуйи прокурорларнинг назорат соҳасидаги фаолиятларини текшириш ва амалий ёрдам

кўрсатиш учун жойларга чиқадилар, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф берадилар.

5.3. Бўлимнинг ҳамда соҳанинг қуйи тармоқлари ишини ташкиллаштириш, жойларда текширишлар ўтказиш, иш услубларини такомиллаштириш ва илғор тажрибаларни ёйиш тўғрисида таклифлар тайёрлайдилар, услубий тавсиялар ва қўлланмалар лойиҳаларини ишлаб чиқадилар.

5.4. Бош прокуратурада фуқароларни қабул қилишни ташкиллаштирадилар, шахсан қабул қиладилар

5.5. Шахсий қабулда фуқаролардан олинган мурожаатларнинг ҳисобини юритадилар ва уларни умумлаштириб бўлим бошлиғига тақдим этадилар.

5.6. Ариза ва шикоятлар билан Бош прокуратурада қабулда бўлган фуқаролар томонидан кўтарилган масалалар юзасидан ахборот ва бошқа маълумотларни йиғиб таҳлил қилган ҳолда умумлаштирадилар ва натижалари юзасидан бўлим бошлиғига таклиф киритадилар.

5.7. Бош прокуратурада қабулда бўлган фуқароларнинг мурожаатлари ҳамда Бош прокуратурага келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиб, уларнинг тегишли тармоққа тааллуқлилигини белгилайдилар.

VI. Бўлимда иш юритишни ташкил қилиш:

6.1. Прокуратура органларида иш юритишни ташкил эташ тўғрисидаги Йўриқнома асосида ариза ва шикоятларни рўйхатдан ўтказадилар ва ҳисобини юритадилар.

6.2. Ариза ва шикоятларни ўз вақтида тегишлилигига қараб Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлимларига тарқатадилар, назоратга олинган ариза ва хатларни тегишлигига кўра раҳбариятга тақдим этадилар ва муносабат билдирилгандан сўнг китобларга расмийлаштириб, назорат карточкаларини тўлдирган ҳолда ариза ёки хат билан биргаликда имзо қўйдириш йўли билан тармоқларнинг нозирларига тарқатадилар.

63. Ариза ва шикоятларни алфавит асосида картотекада тўғри расмийлаштириб борадилар, назорат ўрнатилмаган аризалар бўйича алфавит ва илова карточкаларига уларнинг ҳаракатланиши ҳақидаги маълумотларнинг ўз вақтида киритилишини

таъминлайдилар, аҳамиятини йўқотган карточкаларни картотекадан чиқариб борадилар.

6.4. Жиноятлар ҳақидаги махсус хабарлар, оммавий ахборот воситаларида чоп этилган мақолалар, ҳужжатлар, юридик шахслардан келган ариза ва шикоятлар билан боғлиқ бўлмаган хатларни махсус китобларга расмийлаштириб, имзо қўйдириб тармоқ нозирларига тарқатадилар.

6.5. Бош прокуратурага чақиртирилган жиноий, фуқаролик, хўжалик, маъмурий ишларни махсус китобларга расмийлаштарадилар, алфавит бўйича картотекага қайд қилиб, имзо қўйдириб нозирларга тарқатадилар.

6.6. Бўлимда сақлаш муддати тугаган ҳужжатларни қабул қилиш, топшириш далолатномасига асосан Бош прокуратура архивига топширадилар.

6.7. Бош прокуратура биноларига кириш-чиқишни тегишли йўриқнома талаблари асосида олиб борилишини таъминлайдилар, шунингдек фаолият билан боғлиқ бошқа вазифаларни бажарадилар.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда «Фуқроларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг давлат органлари ва муассасаларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунида фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири деб эътироф этилган.

Прокурорлар фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқадилар, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини

ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўрадилар. Мурожаатларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунида мустаҳкамланган фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқининг ихтиёрийлиги, бу ҳуқуқдан фойдаланаётганида камситишга йўл қўйилмаслиги, мурожаатни қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг мажбурийлиги ҳамда фуқароларнинг мурожаат этиши муносабати билан уларнинг хавфсизлиги кафолатларини таъминлайдилар.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Транспорт, Ҳарбий, шаҳар, туман прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда мурожаатларни кўриб чиқиш, ҳал этиш ҳамда фуқароларни қабул қилиш ягона тартибда мазкур Йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

3. Мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, расмийлаштириш, ҳисоб варақаларини юритиш, уларнинг ижросини назорат қилиш, жўнатиш, нусха кўпайтириш ҳамда архивга топшириш тартиби "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш тўғрисида"ги Йўриқнома билан белгиланади.

4. Мурожаатларни кўриб чиқиш ҳамда фуқароларни қабул қилиш ишларига умумий раҳбарлик Республика Бош прокуратурасида Бош прокурорнинг ўринбосарларидан бири, вилоят, шаҳар, туман прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда тегишли прокурорлар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг соҳа, бўйича катта ёрдамчилари томонидан бу борадаги ишлар бевосита ташкил этилади ва таъминланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг таркибий тармоқ раҳбарлари, шаҳар, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар мурожаатларни мазкур Йўриқнома талабларига қатъий риоя этган ҳолда кўриб чиқилиши ва қонуний ҳал қилиниши учун масъулдирлар.

Прокуратура органларининг барча ходимлари фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида, ҳолисона ва қонуний ҳал этилишига, уларнинг поймол этилган ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини фақат қонунда белгиланган ҳуқуқий воситалар билан ҳимоя қилинишига, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда фуқарога етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўришга жавобгардирлар.

6. Фуқароларнинг шахсий қабулини ташкил этиш ва амалга ошириш, мурожаатларни белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқиш ва қонуний ҳал қилишга масъулиятсизлик билан ёндашган прокурор-тергов ходимлари интизомий жавобгарликка тортиладилар.

7. Ушбу Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

мурожаат - фуқаро, жамоа, мансабдор ва бошқа шахснинг ёзма ёки оғзаки шаклда баён қилинган аризаси, таклиф ёки шикояти;

ариза - фуқаронинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаат;

таклиф - фуқаронинг прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

шикоят - фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаат;

мурожаатнинг дубликати - бир шахс томонидан айнан бир масала юзасидан берилган мурожаатнинг нусхаси;

такрорий мурожаат - аввалги мурожаат бўйича қабул қилинган қарордан норози бўлиб, бундай қарорни қабул қилиб жавоб берган прокуратура органига айнан бир шахснинг айнан бир масала юзасидан қайта мурожаати.

II. Йўриқноманинг амал қилиш доираси

8. Мазкур Йўриқнома қоидалари инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфааларининг бузилиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган ёзма ёки оғзаки шаклда баён қилин-

ган, шахсан, қонуний вакил ёки алоқа воситалари орқали берилган мурожаатларга тадбиқ этилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Девони, Олий Мажлис, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий Марказ, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, республика бошқарув идоралари ва жамоат бирлашмалари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар, жамғармалар ҳамда хорижий давлатлар ваколатхоналари, оммавий ахборот воситалари вакилларидан келиб тушган мурожаатлар ҳам мазкур Йўриқномага мувофиқ кўриб чиқилади.

10. Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

11. Суриштирув органлари, суриштирувчилар, терговчилар ва прокурорларнинг жиноят ишларининг тергови ҳамда материалларни ҳал қилиш билан боғлиқ ҳаракатлари ва қарорлари, шунингдек, судларнинг қарорлари юзасидан тушган шикоятлар тегишлича жиноят-процессуал, фуқаролик ёки хўжалик-процессуал қонунчилигида кўзда тутилган муддат ва тартибда ҳамда ваколатлари доирасида кўриб чиқилади.

III. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари

12. Прокуратура органларига келиб тушган мурожатлар иш юритувга қабул қилиниши, қуйи турувчи прокуратура органларига ёки бошқа идораларга юборилиши ёхуд аввалги мурожаатга қўшиб, кўриб чиқилиши мумкин.

13. Мурожаатлар, агар улар қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган прокуратура органига юборилган бўлса ёки юқори турувчи прокуратура органи томонидан мурожаатни қуйи турувчи прокуратура органи кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ деб топилса, узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органларга юборилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади.

14. Агар бир таркибий тармоққа келиб тушган мурожаат бошқа таркибий тармоққа тааллуқли бўлса, ушбу мурожаат тегишли тармоқ бошлиғининг билдиргиси ва прокуратура раҳбариятининг розилиги билан бошқа тармоққа ўтказилади.

15. Мурожаатларни кўриб чиқиши учун бошқа давлат органларига асоссиз равишда бериш ёки қарори ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг, шу жумладан, прокурорларнинг ўзига жўнатиш ман этилади.

16. Тергов ва суриштирув чоғида келиб тушган ариза, шикоятлар ҳамда улар бўйича қабул қилинган қарорлар жиноят ишларига қўшилади.

Айблов хулосаси тасдиқлангунга қадар берилган ариза ва шикоятларда келтирилган важларни тўлиқ текширмай, жиноят ишларини судларга юборишга йўл қўйилмайди.

17. Фуқаронинг фамилияси, манзили тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо қўйилмаган ёзма мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди. Бундай ҳолларда ариза ёки шикоятнинг аноним эканлиги тўғрисида маълумотнома тузилиб, у бўйича иш юритиш тугатилади.

Ҳал этилиши назоратга олинган мурожаат аноним эканлиги аниқланса, мурожаатни юборган органга мурожаат Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига асосан кўрилмасдан қолдирилганлиги ҳақида хабар берилади.

Агар аноним мурожаатларда тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳақида маълумотлар бўлса, уларнинг ишончлилигини тезкор йўллар билан аниқлаш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

Фуқароларнинг ғайриқонуний хусусиятдаги мурожаатлари юзасидан қонунда белгиланган чоралар кўрилади.

18. **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига келиб тушган қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилишини ташкиллаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига тақдим этилади:**

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси;
- Олий Мажлис;
- Олий Мажлиснинг депутатлари ва сенаторлари;
- Вазирлар Маҳкамаси;

- Конституциявий суд томонидан назоратга олиниб юборилган мурожаатлар;
- республика миқёсидаги давлат идоралари раҳбарларининг суиистеъмолчиликлари, прокуратура органлари ходимларининг ножўя ҳатти-ҳаракатлари юзасидан мурожаатлар;
- вилоят ҳокимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда Вазирлар Кенгаши раисларининг мурожаатлари;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарлари томонидан қабул қилинган қарорлар юзасидан келган мурожаатлар;
- прокуратура органлари кадрлари масалалари юзасидан мурожаатлар.

19. **Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарларига қуйидаги мурожаатлар тақдим этилади:**

- мазкур Йўриқноманинг 18-банди 2-хатбошисида қайд этилган Давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан назоратга олинмай юборилган мурожаатлар;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони;
- Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили;
- Вазирликлар;
- давлат қўмиталари;
- республика миқёсидаги жамоат ташкилотлари;
- ҳамда Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар;
- жамғармалар;
- хорижий давлатлар ваколатхоналари раҳбарларининг;
- шунингдек, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси;
- республика миқёсидаги газета ва журналлар бош муҳаррирлари томонидан юборилган мурожаатлар;
- Бош прокуратуранинг таркибий тармоқ раҳбарлари ҳамда вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг қарорлари юзасидан келиб тушган мурожаатлар.

20. Бош прокуратуранинг таркибий тармоқ раҳбарларига Бош прокурор ҳамда унинг ўринбосарларига тақдим қилиниши

талаб этилмайдиган ҳамда тармоққа тааллуқли масалалар бўйича барча мурожаатлар берилади.

21. Бош прокуратура, вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга биринчи марта келиб тушган мурожаатлар агар уларни қуйи прокуратура органларида кўриб чиқилганлиги тўғрисида маълумотлар бўлмаса, Фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими, прокурорларнинг соҳа бўйича катта ёрдамчилари томонидан қуйи прокуратураларга юборилади.

Биринчи марта келиб тушган, аммо назоратга олинган мурожаатлар текширишни ташкил этиш учун Бош прокуратура, вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларининг тегишли тармоқларига берилади.

22. **Вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга кўриб чиқиш учун қуйидаги мурожаатлар тақдим этилади**:

- Бош прокуратура томонидан назоратга олиниб, текшириш учун юборилган мурожаатлар;
- давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари раҳбарларининг мурожаатлари;
- вилоят прокурорлари ўринбосарларининг қарорлари устидан келган мурожаатлар;
- прокуратура органлари кадрлари масалалари ҳамда уларнинг ножўя ҳатти-ҳаракатлари юзасидан мурожаатлар.

23. Вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ўринбосарларига мазкур Йўриқноманинг 22-бандида қайд этилган мурожаатлардан ташқари барча мурожаатлар берилади.

24. Шаҳар, туман прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга келиб тушган барча мурожаатлар тегишли прокурорларга тақдим этилади.

25. Мурожаатда бир неча бошқарма ва бўлимларнинг ваколат доирасига тааллуқли масалалар бўлса, ижрочилар орасида биринчи бўлиб қайд этилган тармоқ раҳбари масъул ҳисобланади ва у томонидан мурожаат бўйича тўла ҳажмда текшириш ўтказилиши ташкил этилади. Масъул раҳбар мурожаатнинг нусхаларининг бошқа ижрочиларга топширилиши, мурожаат бўйича ягона топшириқ тайёрланиши, мурожаатга тааллуқли ҳужжатларни

бошқа ижрочилардан олиб, дастлабки ёки якуний жавоблар юборилишини таъминлайди.

26. Муқаддам айнан шу мазмундаги мурожаат бўйича тўла ва холисона текшириш ўтказилиб, қонуний қарор қабул қилинган ва ваколатли прокурор томонидан жавоб берилган бўлса, бундай мурожаат ҳамда унинг дубликатлари кўриб чиқилмасдан қолдирилади (янги очилган ҳолатлар бундан мустасно).

27. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан фуқаронинг ариза ва шикояти ёки юридик шахснинг мурожаати юзасидан қарор қабул қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасига кўра прокуратура органларида улар бўйича иш юритиш тугатилади (янги очилган ҳолатлар бундан мустасно).

Бундай мурожаатлар назоратга олиниб юборилган бўлса, назоратга олган органга мурожаат бўйича прокуратура органларида иш юритиш тугатилганлиги ҳақида маълум қилинади.

28. Мурожаатлар тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган мурожаатлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади. Ушбу муддат мурожаат келиб тушган кундан бошлаб, муаллифга жавоб юборилган кунгача ҳисобланади.

Прокуратура раҳбарияти томонидан мурожаатни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддати белгиланиши мумкин.

29. Мурожаатни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ушбу муддат мурожаат қилинган прокуратура органига қараб тегишлича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Бош прокурорнинг ўринбосарлари, вилоят, шаҳар, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда мурожаат қилган шахсга ҳамда мурожаатни назоратга олган органга албатта маълум қилинади.

30. Текшириш жараёнида ариза муаллифи томонидан айнан бир масала юзасидан берилган мурожаат аввалги мурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади ва натижаси бўйича ягона жавоб берилади.

Текширилаётган ёки текширилиши тамомланган мурожаатнинг нусхаси муаллифнинг ўзи ёки бошқа органлардан келиб тушса бундай мурожаат дубликат сифатида расмийлаштирилиб, назорат ишига қўшилади.

IV. Мурожаатларни ҳал қилиш ва улар бўйича хабар бериш тартиби

31. Мурожаатлар белгиланган муддатларда, тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқилиб, қонуний ҳал қилиниши лозим.

32. Ҳар бир мурожаат бўйича текшириш услуби тегишлича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Бош прокуратуранинг таркибий тармоқлари бошлиқлари вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари, шаҳар, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан устхат (резолюция) қўйиш йўли билан белгиланади.

33. Мурожаатларни ҳал этиш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини тафтиш қилиш ёки текшириш зарурати пайдо бўлганида улар қонунда белгиланган тартибга қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилади.

Агар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва тафтиш ўтказишга тегишли давлат органи томонидан рухсат берилмаса тегишли ҳужжатлар асосида муаллифга бу ҳақда ёзма равишда маълум қилинади.

34. Мурожаатларнинг тўлиқ ва холисона ҳал этилишини таъминлаш мақсадида зарур ҳолларда текширишларга тегишли мутахассислар ҳамда мурожаат муаллифлари ёки уларнинг қонуний вакиллари талаб этилиши мумкин.

Жойлардаги прокуратураларда узоқ вақт давомида ўз ечимини топмай келаётган, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг жиддий камситилиши, қонунларнинг кўпол тарзда бузилиши ҳақидаги мурожаатлар, қоида тариқасида, жойларга чиқиб, тегишли мутахассислар ва мурожаат муаллифлари иштирокида текширилади.

35. Мурожаатларда баён қилинган важларни текшириш жараёнида қўшимча маълумотлар, тегишли меъёрий ҳужжатлар,

ҳаракати устидан шикоят қилаётган мансабдор ёки бошқа шахсларнинг тушунтиришлари талаб қилиб олинади.

36. Текшириш натижасига кўра маълумотнома тузилиб, мурожаат этган шахснинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини тўла ёки қисман тиклаш чоралари кўрилса - қаноатлантириш, мурожаатда баён қилинган важлар тасдиқланмаса - рад этиш ёки ҳуқуқий масалалар бўйича қонун талабларини тушунтириш тўғрисида тўхтамга келинади.

Суд қарорлари устидан берилган мурожаатлар, қоида тариқасида, жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари чақирилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тегишли соҳавий буйруқларида белгиланган тартибда текширилади ва жавоб берилади.

37. Текшириш якуни бўйича мурожаат этган шахс ёки унинг қонуний вақилининг илтимосномасига биноан текшириш ҳужжатлари билан танишиб чиқиш имконияти таъминланади. Ҳужжатлар билан таништирган прокуратура ходими томонидан бу ҳақда маълумотнома тузилиб, назорат ишига қўшиб қўйилади.

38. Мурожаатлар, агар уларда баён қилинган масалалар қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ва муаллифга ёзма шаклда жароб берилган бўлса, ҳал қилинган деб ҳисобланади.

39. Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича бир тўхтамга келиш ҳамда уларга жавоб хати юбориш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Бош прокурор ўринбосарлари, Бош прокуратуранинг таркибий тармоқ бошлиқлари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, мазкур прокуратураларнинг таркибий тармоқ бошлиқлари туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

40. Мурожаатни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги қарор тегишлилиги бўйича фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Бош прокурор ўринбосарлари, Бош прокуратуранинг таркибий тармоқ бошлиқлари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ўринбосарлари, шаҳар, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан қабул қилинади ва улар томонидан жавоб берилади.

Қаноатлантирилмай қолдирилган мурожаатлар юзасидан фуқароларга юқори турувчи прокурорга шикоят бериш ҳуқуқи тушунтирилади.

41. Ҳал этилиши Бош прокурор томонидан назоратга олинган мурожаатлар бўйича фуқароларга жавоблар фақат Бош прокурорга ахборот берилганидан кейингина юборилади.

Ҳал этилиши Бош прокурорнинг ўринбосарлари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан назоратга олинган мурожаатлар ҳам худди шу тартибда ҳал этилади.

V. Прокуратура органларида фуқароларни қабул қилишни ташкил этиш

42. Прокуратура органлари тизимининг барча бўғинларида ҳамда таркибий тармоқларида фуқаролар ва юридик шахслар вакиллари ҳар иш куни, белгиланган соатларда улар учун қулай вақтда қабул қилинади.

43. Бош прокуратура, вилоят, шаҳар, туман прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда фуқаролар тегишли прокурорлар томонидан тасдиқланган жадвалга асосан қабул қилинади.

Жадвалларда мазкур прокуратураларнинг, шунингдек, юқори турувчи прокуратура органлари раҳбарларининг қабул кунлари тўғрисидаги маълумотларнинг мавжуд бўлишлиги таъминланади.

Бош прокуратура ҳамда вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда алоҳида "Фуқароларнинг қабул қилиш хоналари" ташкил этилади.

44. Вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳафтасига камида икки маротаба, шаҳар, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳар иш куни фуқароларни қабул қиладилар.

45. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида, вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда фуқаролар ва юридик шахслар вакилларининг кундалик қабуллари фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими, прокурорларнинг соҳа бўйича катта ёрдамчилари томонидан тегишли таркибий тармоқлар ходимлари иштирокида амалга оширилади.

46. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Бош прокурорнинг ўринбосарлари томонидан қабул қилинган қарорлардан норози бўлиб мурожаат этган фуқароларни қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарлари томонидан Бош прокуратуранинг таркибий тармоқ бошлиқлари ҳамда вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг қарорларидан норози бўлиб мурожаат этган фуқароларни қабул қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларининг шахсий қабули бошқа ҳолларда ҳам ташкил этилиши мумкин.

47. Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари томонидан фуқаролар шу тармоққа тааллуқли масала юзасидан қабул қилинади.

48. Вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, мазкур прокуратуралар таркибий тармоқлари бошлиқлари ҳамда қуйи турувчи прокурорларнинг қарорларидан норози бўлиб мурожаат этган фуқароларни қабул қиладилар.

49. Фуқароларни қабул қилиш учун фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими, прокурорларнинг соҳа бўйича катта ёрдамчилари томонидан рухсатнома ёзиб берилади ва тегишли таркибий тармоқларга маълум қилинади. Фуқароларни таркибий тармоқларда ёхуд прокуратура раҳбарияти томонидан қабул қилиш учун асослар мавжуд бўлмаса, бу ҳақда уларга тушунтирилади. Бундай ҳолларда ҳам фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқишлик учун қабул қилинади.

50. Фуқаролар бевосита яшаш, ишлаш ва ўқиш жойларида қабул қилиниши мумкин.

Шахсий қабулда бўлган фуқаролар томонидан ёзма мурожаат тақдим этилмаса, улардан оғзаки мурожаат қабул қилинганлиги ҳақида маълумотнома тузилади. Маълумотнома оғзаки мурожаат қилган шахс ҳамда фуқарони қабул қилган прокуратура ходими томонидан имзоланади ҳамда мазкур йўриқномада белгиланган тартибда кўриб чиқилади. ***Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 10 декабрдаги 37-сонли буйруғи билан тасдиқланган.***

Учинчи боб бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Принцип сўзининг маъносини айтинг?
2. Прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолият принциплари тушунчасини айтинг?
3. Прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолиятининг асосий принципларини айтинг?
4. Бирлик принципи деганда нима тушунилади?
5. Марказлашганлик принципи дейилганда нима тушунилади?
6. Мустақиллик принципи дейилганда нима тушунилади?
7. Фаолиятига тўсқинлик қилиш дейилганда нима тушунилади?
8. Ошкоралик принципи дейилганда нима тушунилади?
9. Қонунийлик принципи дейилганда нима тушунилади?
10. Қонун бузилишини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш тамойили нима?
11. Прокуратура органларининг жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоаси билан ўзаро ҳамкорлиги нима?
12. Ички ташкилий принциплар сифатида прокуратура органларида қандай принциплар қўлланилади?
13. Ҳудудийлик принципи нима?
14. Ҳудудийлик принципига оид ҳудудга бириктирилган бўлим прокурори қандай вазифаларни амалга оширади?
15. Ҳудудийлик принципи асосида ишларни ташкиллаштириш борасида прокурор назорати нима?
16. Предметлилик принципи нима?
17. Прокуратура органларининг функциялари деганда нима тушунилади?
18. Прокуратура органларини ташкил этишга сабаб бўлган муҳим функцияни айтинг?
19. Қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат деганда нима тушунилади?
20. Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш деганда нима тушунилади?

3-БОБ УЧУН СХЕМА




Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўнали-шлари
вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш
фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат қилиш
тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш

4-БОБ: Прокуратура органларида ишни ташкил этиш. Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш

Р Е Ж А :

1-§. Прокуратура органларида ишни ташкил этиш.

2-§. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш.

3-§. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура органларида ишни ташкил этиш юзасидан буйруқлари ва кўрсатмалари, низомлар. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 17 февралдаги 2-сон буйруғига илова қилинган "Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида ёш мутахасисларнинг ишини ташкил қилиш тўғрисида"ги Низоми.

4-§. Прокуратурада ишларни режалаштириш.

5-§. Ижро устидан назорат ва раҳбарлик

6-§. Ҳисобдорлик, ҳисоб ва ҳисобот.

7-§. Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш тушунчаси ва мувофиқлаштириш иштирокчилари.

8-§. Мувофиқлаштиришнинг мазмуни ва аҳамияти.

9-§. Мувофиқлаштириш принциплари.

10-§. Мувофиқлаштириш фаолиятининг асосий йўналишлари ва шакллари.

1-§. Прокуратура органларида ишни ташкил этиш

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида ишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, қонун ости ҳужжатларида белгиланган вазифа ва ваколатларидан келиб чиққан ҳолда қуйи турувчи прокурорларнинг юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош про-

курорига бўйсуниши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатиши билан белгиланади.

Юқори турувчи прокурор қуйи турувчи прокурорга кўрсатмалар беришга ёхуд унинг ҳар қандай, шу жумладан процессуал қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақлидир. Шунингдек, ўз бўйсунувидаги барча прокурорларнинг ишлари тўғри ташкил этилиши учун тўлиқ жавобгардир.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида ишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг махсус айни масала юзасидан қабул қилган буйруғида батафсил баён қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «***Прокуратура органларида ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида» 2004 йил 9 декабр кунги 33-сон БУЙРУҒИ***да:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибий тармоқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ва Транспорт прокуратуралари, туман (шаҳар) прокуратуралари ҳамда уларга тенглаштирилган прокуратуралар ҳудудда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокурор назоратини тўғри ташкил этиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш чоралари кўрилиши зарурлиги;

Прокуратура органларида ишларни ташкил этиш, қуйи органлар устидан раҳбарлик қилиш, фаолиятни такомиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, қоғозбозликка барҳам бериш, ҳисоботларни юритиш борасида ташкилий-назорат ва таҳлилот тармоқларининг иштироки ва масьулияти оширилиши лозимлиги;

Ташкилий-назорат ва таҳлилот тармоқлари томонидан маҳкаманинг бошқа таркибий тармоқлари орасидаги ҳамкорликни ўрнатиш, фаолиятда бир-бирини такрорлаш, муайян масала юзасидан турли тармоқлар томонидан қуйи прокуратураларга топшириқлар юбориш, ҳисобот маълумотларида яққол кўриниб турган кўрсаткичларни заруратсиз шарҳлашни талаб қилиш ҳолларини олдини олишнинг барча чоралари кўрилиши кераклиги;

Туман прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлашда уларнинг касб малакаси ҳамда иш тажрибаси инобатга олиниши зарурлиги;

Прокуратура органларида иш режалари қонунийлик ва жиноятчилик аҳволидан келиб чиққан ҳолда ҳар *6* ойга тузилиши кераклиги ҳамда режавий тадбирларнинг белгиланган муддатларда тўлиқ бажарилиши таъминланиши шартлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ҳукумати ҳамда прокуратура раҳбарияти томонидан юборилган топшириқ, кўрсатма ва сўровномаларнинг ижроси устидан назорат ўрнатилиб, ижро интизомига қатьий риоя қилиниши;

Маҳкама ходимларининг режадан ташқари жойларга чиқишлари (фавқулодда ҳодисалар, шикоятларни текшириш, жиноятларни тергов қилиш ва бошқа масалалар) прокуратура раҳбариятининг рухсати билан амалга оширилиши шартлиги;

Қонунийлик ва жиноятчилик аҳволи тўғрисидаги маълумотлар, (тергов ишлари ва прокурор назорати тўғрисидаги статистик ҳисоботлар мунтазам равишда таҳлил қилиб борилган ҳамда улар асосида прокуратура органлари олдидаги муҳим ва долзарб вазифалар белгиланиши зарурлиги қайд этилган.

Ушбу йўриқномада умумий қоидалар, хизмат ҳужжатларини тузиш ва расмийлаштириш қоидалари, ҳужжатларни юбориш, тасдиқлаш, сана, индекс, рақам, сарлавҳа, рақамлаш, иловалар, имзо, айрим турдаги ҳужжатларни расмийлаштириш, матнга бўлган талаблар, телеграмма ва телефонограммаларни (шошилинчномаларни) расмийлаштириш, ҳужжатларни қабул қилиш, уларни рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш тартиблари, жўнатиладиган ҳужжатларни ишлаш тартиби, ҳужжатни ижрога бериш тартиби, ҳужжатларни рўйхатдан ўтказишнинг умумий қоидалари, фуқароларнинг мурожаатларини рўйхатдан ўтказиш, жиноятлар ҳақидаги хабар ва аризаларни рўйхатдан ўтказиш, ўрганиш учун чақириб олинган фуқаролик, хўжалик, жиноят ва маъмурий ишларни рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш тартиби, бошқа ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш, ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назоратни ташкил қилиш, ҳужжатларни машинкада босиш

қоидалари, ҳужжатларни кўпайтириш ва нусха кўчириш тартиби ҳақида, ҳужжатлар йиғма жилдлари номентклатурасини тузиш ва ҳужжатлар йиғма жилдларини шакллантириш тартиби ҳақида, ариза, шикоятлар, шунингдек, фуқаролик, хўжалик ишлари ва махсус хабарлар юзасидан назорат ишларини шакллантириш ва расмийлаштириш тартиби, ҳужжатларни идоравий архивга топшириш тартиби, ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш, ҳужжатларнинг муҳимлик қийматини экспертиза қилиш ва уни ташкил қилиш тартиби, муҳр ва штамплардан фойдаланиш, уларни сақлаш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида, прокурор ва терговчилар ишининг ҳисобини юритиш тартиблари берилган бўлиб, бутун прокуратура идоралари тизими Йўриқнома асосида ўз ишларини юритадилар.

Бош прокуратура ва унинг таркибий тармоқларида ишларнинг ташкил этилиши, амалга оширилиши, назоратнинг таъминланиши, ҳайъат мажлислари, тезкор йиғилишларнинг ўтказилиши, ташкилий бошқарув йўналишидаги ҳужжатларнинг (буйруқ, кўрсатма, фармойиш низом, йўриқномалар) тайёрланиши, имзоланиши ва ижрога қаратилиши билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари, йўриқномалар, таркиб, тармоқлар тўғрисидаги низомлар билан тартибга солинади.

Бош прокуратура таркибий тармоқларининг фаолияти соҳа, минтақа принципи бўйича ташкил этилади.

Бош прокуратуранинг иши ҳар олти ойга тузилган режалари асосида ташкиллаштирилади. Иш режасига таклифларни бошқарма ва бўлимларнинг бошлиқлари, Бош прокурор ўринбосарлари билан келишилган ҳолда, қонунийлик аҳволи ва жиноятчилик ҳоллари таҳлили асосида, шунингдек, Ҳайъат, Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқ, кўрсатмаларини инобатга олган ҳолда киритадилар.

Иш режасига таклифлар асослантирилган бўлиши ҳамда уларнинг тадбирларнинг ижро муддатлари, масъул шахслар, ижрочилар, таклиф натижаларини амалга оширишдаги мўлжалланаётган шакллар ва тааллуқли маълумотлар кўрсатилиши керак.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа идоралар иштирок этиши назарда тутилаётган тадбирлар улар билан олдин келишиб олинган бўлиши лозим.

Бош прокуратуранинг иш режасига доир таклифлар лойиҳасини тайёрлаш учун ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармасига ҳар йил 10 июн ва 10 декабрдан кечиктирмай топширилади.

Иш режаси лойиҳаси ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси томонидан тайёрланиб, Бош прокурорнинг ўринбосарлари билан келишилганидан кейин Ҳайъат муҳокамасига киритилади.

Муҳокама натижалари бўйича ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси томонидан иш режасига тегишли ўзгартиш ва қўшимча киритилиб, тасдиқлаш учун Бош прокурорга тақдим этилади.

Иш режаси режалаштирилаётган давр бошланишидан камида 3 кун олдин Бош прокурор ўринбосарларига, бошқарма ва бўлимлар вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар, шунингдек, қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментига ижро учун юборилади.

Режавий тадбирларнинг ижроси учун бошқарма ва бўлимлар бошлиқлари масъул бўлиб, уларнинг ўз вақтида бажарилиши учун жавобгар ҳисобланади.

Режавий тадбирларни алмаштириш, муддати ва ижро тартибини ўзгартириш масъул ҳисобланган бошқарма бошлиғининг ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси билан келишилган ва Бош прокурорнинг ўринбосари розилигида тузилган билдиргиси орқали фақат Бош прокурор томонидан амалга оширилади.

Режада белгиланган тадбир тўлиқ ижро этилганлиги ҳақида унинг бажарилиши учун масъул бошқарма (бўлим) бошлиғи Бош прокурорнинг ўринбосари билан келишилган ҳолда Бош прокурорга билдирги орқали маълум қилади. Бош прокурор мазкур масалани назоратдан чиқариш ёки қўшимча маълумотлар билан тўлдириш зарурлиги ҳақида кўрсатма беради.

Тадбирнинг ижроси ҳақидаги тегишли ҳужжатлар ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармасига юборилади.

Бошқарма ва бўлимлар ўз ишларини Бош прокуратуранинг иш режаси асосида, қонунийлик аҳволи ва жиноятчилик ҳолати,

прокурор назорати ва суд-тергов амалиётини инобатга олган ҳолда режалаштирадилар.

Бошқарма ва бўлимлар иш режаларида қуйи прокуратуралар фаолиятини бевосита текшириш, уларга ижро этиш учун мажбурий бўлган тадбирлар киритиш ва шу асосда топшириқлар юбориш таъқиқланади.

Бошқарма ва бўлимларнинг иш режаси Бош прокурор ёки унинг ўринбосарлари томонидан тасдиқланади ҳамда унинг нусхаси ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармасига берилади.

Бошқарма, бўлим иш режасига ўзгартиш ва қўшимчалар мазкур бошқарма, бўлим бошлиғининг асослантирилган ҳамда ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси билан келишилган билдиргиси асосида иш режасини тасдиқлаган прокуратура раҳбариятининг розилиги билан киритилади.

Бошқарма ва бўлимларнинг иш режаларидаги тадбирлар тўлиқ ижро этилганидан сўнг, прокуратура раҳбариятининг розилиги билан назоратдан чиқарилади ҳамда ташкилий- назорат ва таҳлилот бошқармасига бу ҳақда маълумотнома берилади.

Режавий тадбирлар якунида тегишли маълумотнома (умумлашма) тузилиб, уларнинг моҳиятига кўра прокуратура раҳбарияти билан келишилган ҳолда прокурор назорати чоралари қўлланилади ёки қуйи прокуратура органларига йўналтирувчи ва танбеҳ хатлари юборилади, шунингдек, тадбир натижалари тегишинча ҳайъат мажлислари, мувофиқлаштирувчи кенгаш ва тезкор йиғилишларида муҳокама қилинади.

Иш режаларининг бажарилиши устидан назоратни ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси амалга оширади. Ушбу бошқарма томонидан бевосита текшириш орқали ҳамда иш режасининг бажарилиши ҳақида таркибий тармоқлар томонидан тақдим этилган маълумотномалар асосида йилнинг ҳар чорагида Бош прокурорга ахборот бериб борилади.

Прокуратура органларида прокурорлик фаолияти, тергов ишлари ҳамда жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларнинг ҳал этилиши тўғрисидаги статистик ҳисоботларни тузиш, топшириш ва жамлаш тартиби Бош прокурорнинг буйруғи ва тегишли Йўриқнома билан белгиланади.

Ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси тегишли тармоқларни жиноятчилик ҳолати ҳақидаги маълумотлар ҳамда статистик ҳисоботлар билан таъминлаб туради.

Бош прокуратура тармоқлари қонунийлик ва жиноятчилик ҳолати, тергов ва прокурор назорати аҳволи тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиб, фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ҳамда прокуратура раҳбариятига киритади.

Назоратни ташкил этиш ва амалга оширишда айрим масалалар бўйича Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари фармойишлари билан ишчи гуруҳлари ҳамда комиссиялар тузилиши мумкин, зарур ҳолларда бу гуруҳ ва комиссияларга қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази ходимлари ҳам жалб этилади.

«Ўзбекистон республикаси прокуратураси органларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш тўғрисида»ги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида 2006 йил 27 ноябрь куни 65- сонли Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи қабул қилинган бўлиб, унга кўра,

- «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш тўғрисида»ги Йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқланган ва 2007 йилнинг 1 январидан амалга киритилган.
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарлари, Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Ҳарбий ва Транспорт прокурорлари ҳамда туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар иш юритишнинг «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш тўғрисида»ги Йўриқнома талаблари асосида олиб борилишини таъминлаши юклатилган.
- Бош прокуратуранинг хўжалик ишлари бўлими марказий маҳкаманинг бошқарма ва бўлимларини, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, туман прокуратуралари ва

уларга тенглаштирилган прокуратураларни, шунингдек, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи департамент органларини Йўриқномага илова қилинган намуналар шаклидаги ҳужжатлар ва китоблар билан таъминлаш чораларини кўриши белгиланган.

- Буйруқ ва Йўриқнома ижросини таъминлаш учун прокуратура ва Бош прокуратура Ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органларининг барча ходимларига етказиш қайд этилган.
- Мазкур буйруқнинг ижроси устидан назорат Бош прокурорнинг ўринбосарларига юклатилган.
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2000 йил 25 декабрдаги 830-сонли буйруғи ҳамда ушбу буйруқ билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идораларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш тўғрисида“ги Йўриқнома 2007 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотиши таъкидланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ишини ташкил этиш Регламентини тасдиқлаш тўғрисида 2005 йил 17 февраль кунги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 41 - сонли буйруғи мавжуд.

Бу буйруққа биноан, «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Регламенти» 1-Илова билан тасдиқланган .

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ва Транспорт прокуратураларининг намунавий регламенти 2- Илова билан тасдиқланган.

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Регламенти» ижросини таъминлаш учун Бош прокурор ўринбосарлари ва Бош прокуратуранинг таркибий тармоқларига етказиш юклатилган.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ва Транспорт прокуратураларининг намунавий регламенти тегишли прокурорларга юбориш ҳамда уларга ушбу намунавий регламент асосида мазкур проку-

ратураларнинг регламентини тасдиқлаш ва амалга татбиқ этиш топширилган.

Прокуратура органлари ходимлари томонидан Регламент талабларининг бузилишига йўл қўйилиши интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши белгилаб қўйилган.

Мазкур буйруқнинг ижроси устидан назорат олиб бориш Бош прокурор ўринбосарлари ва ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармасига юклатилган.

2-§. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш

Прокуратура органларида барча йўналишлар бўйича назоратни самарали ташкил қилиш кадрларга бевосита боғлиқдир. Прокуратура органлари олдида турган муҳим вазифаларни ҳал қилишда яхши касбий тайёргарликка эга бўлган ҳолда сиёсий тайёргарликка эга бўлган ходимлар бир қатор вазифаларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнайдилар.

Прокуратура органларига ишга қабул қилинаётган ёш ходимлар тегишлича Ўзбекистон Бош прокурори белгилайдиган тартибда аттестациядан ўтишлари лозим. Ёш мутахасисларнинг ишларини пухта ташкил қилиш прокуратура органлари истиқболли фаолиятини таъминлашга қаратилади.

Прокуратура органларида хизмат қилаётган ходимлар ўз касбий фаолиятлари давомида ўз хизмат вазифаларини виждонан ва намунали бажарганлиги, ташаббускорлиги ва ишдаги эпчиллиги учун рағбатлантириладилар. Рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисида»ги Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади. Рағбатлантириш: ташаккурнома, пул мукофати, совға, қимматбаҳо совға, белгиланган муддат тугамасдан навбатдаги даражали унвон бериш, «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» кўкрак нишонини бериш каби турлари мавжуд.

Интизомий жазолар эса: ўртача ойлик иш ҳақининг 40 % дан кам бўлмаган миқдорда жарима солиш, ҳавфсан, меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Ушбу интизомий жазолар прокуратура-тергов ходимларига, шунингдек, прокурор, прокуратурага қарашли ўқув, илмий ва бошқа муассасаларнинг ходимларига нисбатан ўз хизмат вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ёхуд прокуратура ходими деган номга доғ туширадиган ножўя ҳатти-ҳаракат содир этганлиги учун қўлланилади.

Прокуратура органлари ходимлари бир қатор талабларга жавоб беришлари керак:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши керак;
- олий юридик маълумотга эга бўлиши керак;
- юксак ахлоқий хусусиятларга эга бўлиши керак;
- амалдаги қонунларни қўллай била олиши керак;
- тегишли касбий малакага эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги 2001 йил 29 августдаги қонуни VI-бўлим 43-моддасида прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўлланиладиган талаблар акс эттирилган бўлиб, ушбу қонунга кўра "***Прокуратура органларида прокурорлар, терговчилар ва иш ўрганувчилар лавозимига олий юридик маълумотга эга, зарурий касбий фазилатлари бўлган, зиммаларига юкланадиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари тайинланади.***

Ўзбекистон Республикаси бош прокурори Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман-шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига 25 ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланади...".

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман-шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига прокуратура ходимлари олдига қўйилган талабларга қўшимча равишда яна иккита талаб мавжуд:

25 ёшдан кичик бўлмаган шахс бўлиши;

камида 5 йиллик иш стажига эга бўлиши лозим.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг Кадрлар

бошқармаси тўғрисидаги 2004 йил 9-декабр 30-сон буйруғи ва шу буйруқ билан тасдиқланган Низом ҳам алоҳида ўрин тутади. Буйруқ ва Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11- мартдаги ПФ-3406 сонли Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги қонунининг 13-моддасига асосан қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг "Кадрлар бошқармаси тўғрисида"ги Н И З О М

I. Умумий қоидалар:

1.1. Кадрлар бошқармаси (бундан кейин матнда бошқарма деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг мустақил таркибий тармоғи ҳисобланади ва бошқарма фаолиятини Бош прокурор назорат қилиб боради.

1.2. Бошқарма фаолиятига Бош прокурор томонидан тайинланадиган бошқарма бошлиғи раҳбарлик қилади. Бошқармада бошлиқ ўринбосари, катта прокурорлар, прокурорлар, бошқарма мутахассислари ҳамда нозир фаолият кўрсатади.

1.3. Бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари, Бош прокуратуранинг ҳайъати қарорлари, "Прокуратура органлари ва муассасаларида хизмат ўташ тартиби тўғрисида"ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Бош прокурорнинг соҳавий буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда мазкур Низом талаблари асосида амалга оширади.

1.4. Бошқарма томонидан қонунийлик аҳволи ва кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш масаласидаги ҳисобот ҳамда таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда ишларни ташкиллаштириш борасида Бош прокуратуранинг ярим йилга тузиладиган иш режасига таклифлар берилади ва бошқарма иш режаси тузилади. Иш режасига киритилган тадбирлар ижроси белгиланган муддатларда таъминланади.

1.5. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш ходимлар ўртасида вазифаларни соҳа-минтақа ва ўриндошлик асосидаги иш тақсимотига биноан амалга оширилади.

1.6. Бошқармада кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан таҳлилий ҳужжатлар тайёрланади ва бу ҳақда Бош прокуратура раҳбариятига ахборот бериб борилади. Қуйи прокуратуралар соҳавий фаолиятини яхшилашга қаратилган топшириқ, кўрсатма ва услубий тавсиялар ишлаб чиқилади ва жойларга юборилади.

1.7. Бошқармада тезкор йиғилишлар ўтказиб борилади ва уларда соҳага тааллуқли, шунингдек, бевосита тармоқ фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

1.8. Бошқармада фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳал қилиш ва қонунчилик тарғиботи борасида амалга оширилган ишлар юзасидан белгиланган муддатларда ҳисобот тузилиб, ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармасига топширилади. Кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар олти ойда 6-Т шаклида ҳисобот тузилиб, натижаси ҳақида Бош прокуратура раҳбариятига ахборот берилади. Ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги учун масъулият вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштарилган прокурорлар ҳамда бошқарма бошлиғи зиммасида бўлади.

Зарурият туғилганда вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралардан соҳага оид қўшимча таҳлилий маълумотлар талаб қилиб олинади.

1.9. Бошқарма Бош прокуратуранинг таркибий тармоқлари, шунингдек, прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази, Олий юридик таълим муассасалари, тегишли идоралар ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликда ишларни ташкил этади.

1.10. Кадрлар бошқармаси ўз номи ёзилган думалоқ муҳр ва бошқа штампларга эга бўлади.

1.11. Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг кадрлар бўйича катта ёрдамчилари (бундан кейин матнда катта ёрдамчилар деб юритилади) ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг кадрлар бўлими ўз фаолиятини мазкур Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширади.

II. Бошқарманинг асосий вазифаси ва фаолият йўналишлари:

2.1. Бошқарманинг асосий вазифаси Республика Бош прокуратурасининг таркибий тармоқлари, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар билан ҳамкорликда - прокуратура органларига билимли, ахлоқан пок, юксак маънавий фазилатларга эга кадрларни танлаш, тайинлаш, уларни ўз хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялашдан иборат.

Шу мақсадларда бошқарма қуйидаги асосий йўналишларда фаолият олиб боради:

2.2. Олий юридик ўқув муассасалари билан ҳамкорликда прокуратура органларига ишга қабул қилиш учун олий ўқув юртини битирувчи талабалар орасидан ёш ходимларни уларнинг билими, шахсий ва ишчанлик қобилиятларини ўрганиш асосида танлаб, рўйхатини тузиб, Республика Бош прокуратураси раҳбариятига тақдим қилади.

2.3. Прокуратура органларига ишга қабул қилиш амалиётини, ходимлар учун яшаш ва меҳнат шароитлари яратилганлигини ўрганади ва бу борада йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради.

2.4. Бош прокуратуранинг тегишли тармоқлари билан ҳамкорликда Бош прокуратура ходимларининг касб-малакасини ошириш юзасидан ишларни ташкиллаштиради ва уларнинг ижроси таъминланишини назорат қилади.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази билан ҳамкорликда прокуратура органлари ходимлари малакасини оширишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаб, уларнинг ижроси таъминланишини ташкиллаштиради ҳамда қуйи прокуратураларда бу борада белгиланган тадбирлар ижросини назорат килади.

2.6. Бош прокуратура ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар ходимларидан ўзининг ишчанлик, шахсий, маънавий хислатлари билан раҳбарлик лавозимларига мос келадиган раҳбар кадрлар захираси рўйхатини тузиб, тасдиқлаш учун Бош прокурорга тақдим этади, қуйи прокуратураларнинг бу борадаги фаолиятини назорат қилади.

2.7. Аттестация комиссиясининг бир йилга мўлжалланган иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ҳамда прокуратура органлари ходимларини аттестациядан ўтказиш рўйхатини тузади, уларни тасдиқлаш учун аттестация комиссияси раисига тақдим этади;

2.8. Тасдиқланган рўйхат асосида Бош прокуратура номенклатурасидаги ходимларнинг аттестациядан ўтказилишини ташкиллаштиради ва амалга оширилган ишларни таҳлил қилган ҳолда умумлаштириб, натижаси ҳақида Бош прокурорга ахборот беради ва аттестация комиссияси мажлисида муҳокама қилишга тайёрлайди.

2.9. Жойлардаги аттестация комиссиялари иш фаолиятини ўрганади. Прокуратура органлари ходимларини аттестациядан ўтказиш ишларини таҳлил қилиб, умумлаштиради, натижалари бўйича ишни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлайди.

2.10. Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга кадрлар ишини олиб боришда амалий ёрдам беради ҳамда улар билан биргаликда соҳа бўйича катта ёрдамчиларнинг ишини ташкиллаштиради, ушбу йўналишда услубий-тавсиялар ишлаб чиқади ва жойларга юборади. Кадрлар билан ишлаш бўйича ижобий иш тажрибасини ўрганади ва оммалаштиради.

2.11. Хизмат бурчини бажариш вақтида ногирон ёки ҳалок бўлган прокуратура органлари ходимларининг оилалари ижтимоий ҳимоясини таъминлаш чораларини кўради.

2.12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тасдиқланган-“Прокурорнинг жамоатчи ёрдамчилари тўғрисида”-ги;

- “Прокуратура органларида ёш ходимларнинг ишини ташкил этиш ҳақида”ги;

- “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишда ҳужжатларни ва бошқа моддий ашёларни топшириш ва қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги ва соҳага оид бошқа Низомлар талабларини қуйи прокуратуралар томонидан бажарилишини назорат қилади.

2.13. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вилоятлар, Тошкент шаҳар про-

курорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар билан ҳамкорликда прокуратура органлари ходимларини мукофотлаш ва рағбатлантириш билан боғлиқ ишларни амалга оширади.

Прокуратура органлари ходимларини “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист” унвони ва давлат мукофотларига тақдим этиш, “Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими” нишонини бериш юзасидан ҳужжатларни тайёрлайди.

2.14. Прокуратура органлари, шу жумладан СВОЖҚК Департаменти ходимларига даражали унвонлар бериш тўғрисидаги тақдимномаларни кўриб чиқади ва ходимлар даражали унвонларнинг қонунда белгиланган тартиб ва муддатда берилишини ташкил этади.

2.15. Бўш лавозимлар ҳақида ҳар ойда маълумот тайёрлаб, Республика Бош прокуратураси таркибий тармоқлари, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар билан биргаликда уларни тўлдириш чораларини кўради.

2.16. Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, СВОЖҚК Департаменти бошлиғи ва унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари томонидан ходимларни мукофотлаш, рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортилганлик ҳолатларини ўрганади ҳамда асоссиз ва ноқонуний буйруқларни бекор қилиш чораларини кўради. Прокуратура органларидан ноқонуний бўшатилганлиги, прокуратура ходимлари томонидан ножўя ҳатти-ҳаракатлар содир этилганлиги ҳақидаги ҳамда бошқа турдаги ариза ва шикоятлар юзасидан текширишлар ўтказишни ташкиллаштиради.

2.17. Республика Бош прокуратураси ходимларининг ва Республика Бош прокурори буйруғи билан лавозимга тайинланадиган ҳамда лавозимга тайинлашга розилик бериладиган прокуратуралар ходимларининг шахсий йиғма жилдларини юритади. Шахсий йиғма жилдлар ҳисоби ва даражали унвонлар бериш бўйича картотекалар тузади.

Бош прокуратура ходимларига меҳнат дафтарчаларини бериш, сақлаш, ҳисобини юритишни, даражали унвонлари бўлган ходимларга узоқ муддатли хизматлари учун мансаб маошларига

фоизли устама ҳақ белгилашни ташкиллаштиради ва ўз вақтида тўлашни назорат қилади.

2.18. Қонунларни тарғиб қилиш ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш ишларида қатнашади.

2.19. Прокуратура органлари ходимларининг дахлсизлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш ҳамда меҳнат ва яшаш шароитларини яратишда иштирок этади.

2.20. Бош прокуратура ҳузуридаги “Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш Маркази” билан ҳамкорликда прокуратура органлари фахрийлари билан иш олиб боради.

III. Бошқарма бошлиғининг ваколатлари:

3.1. Бошқарма фаолияти устидан раҳбарликни олиб боради ва бошқармага юклатилган вазифаларнинг бажарилишини ташкиллаштиради, Бош прокурор билан келишилган ҳолда ходимлар ўртасида вазифаларни соҳа-минтақа ва ўриндошлик асосида тақсимлайди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади.

3.2. Бошқарманинг ярим йилга мўлжалланган иш режасини тузади ва белгиланган тадбирларнинг бажарилишини ташкил этади. Бошқарма фаолиятига тааллуқли бўлган масалалар юзасидан тезкор йиғилишлар ўтказади ва бошқарма ходимлари ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг катта ёрдамчилари ҳисоботларини эшитади.

3.3. Бош прокуратуранинг таркибий тармоқлари, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар билан ҳамкорликда прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш, тарбиялаш ва малакасини ошириш ишларини ташкиллаштиради, бошқармага ишга тайинлаш учун кадрларни танлаш масаласида Бош прокурорга таклиф киритади. Бошқарма ходимларининг аттестация лойиҳаларини ва уларга даражали унвонлар бериш тўғрисидаги тақдимномаларни тайёрлайди.

3.4. Бош прокурорнинг соҳага оид буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда ҳайъат қарорларининг бажарилишини ташкил этади, долзарб масалаларни Бош прокуратуранинг ҳайъат мажлиси муҳокамасига киритади.

3.5. Прокуратура органларида “Прокуратура органлари муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низом талабларини ҳамда кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш бўйича Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари, йўриқномалари ва кўрсатмаларининг бажарилишини назорат қилиш борасидаги ишларни Республика Бош прокуратураси таркибий тармоқлари, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖҚК Департаменти бошлиғи билан ҳамкорликда ташкиллаштиради.

3.6. Республика Бош прокурори номенклатурасига кирувчи юқори ва кенг ҳажмли лавозимларга тайинлаш учун ходимлар захирасини ўрганиб боради ва бу лавозимларга муносиб ходимларни тайинлаш тўғрисида таклифлар киритиб боради.

3.7. Бошқарма ходимларининг иш фаолияти, хусусан ижро ва меҳнат интизомига риоя этишлари устидан назорат олиб боради ҳамда меҳнат таътилига чиқиш рўйхатлари бўйича уларнинг таътилга чиқишини таъминлайди.

3.8. Кадрлар масаласи бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш, низом, буйруқ, йўриқнома ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашни ташкиллаштиради.

3.9. Бош прокуратура таркибий тармоқлари билан ҳамкорликда маҳкама ходимларини тарбиялаш, уларнинг касб-маҳоратини ошириш чоралари кўрилишини таъминлайди.

3.10. Фуқароларнинг мурожаатларини белгиланган муддатларда бошқармада кўриб чиқилиши ва қонуний ҳал этилишини ташкиллаштиради.

3.11. Фуқаролар ҳамда прокуратура органлари ходимларини шахсан қабул қилади.

3.12. Қонунларни тарғиб қилиш ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш ишларида иштирок этади.

IV. Бошқарма бошлиғи ўринбосарининг ваколатлари:

4.1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органларида кадрларни танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, малакасинн ошириш ва касбга садоқат руҳида тарбиялаш ишларининг

ташкиллаштирилишини Департамент раҳбарияти билан биргаликда амалга оширади.

4.2. Бош прокуратура аттестация комиссиясининг иш режаси ва аттестациядан ўтувчи ходимлар рўйхатини тузишни ҳамда унда белгиланган масалаларни комиссия йиғилишида кўриш учун тайёрланишини ташкиллаштиради.

4.3. Бош прокуратура аттестация комиссиясининг ижроси таъминланиши лозим бўлган қарорларининг ҳамда билдирилган тавсия ва таклифларнинг бажарилишини ташкиллаштиради.

4.4. Бош прокуратура ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар аттестация комиссияларининг фаолиятини таҳлил қилиб умумлаштаради, натижаси бўйича таклифлар тайёрлайди.

4.5. Республика Бош прокурорининг соҳага оид буйруқ ва кўрсатмалари, иш режалари ва ҳайъат қарорлари ижроси ўз вақтида таъминланиши устидан назорат олиб боради.

4.6. Прокуратура органлари, шу жумладан СВОЖҚК Департаменти органларида хизмат гувоҳномаларининг берилиши ва уларнинг қайтарилиши юзасидан олиб борилаётган ишларни ўрганиб, умумлаштиради ҳамда уларни назорат қилиб боради.

4.7. Бошқармага такрорий келиб тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади.

4.8. Фуқаролар ҳамда прокуратура органлари ходимларини шахсан қабул қилади.

4.9. Кадрлар тўғрисидаги 6-Т шаклдаги статистик ҳисоботни белгиланган муддатларда тўғри тузилишини ташкиллаштиради.

4.10. Қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишларида иштирок этади.

4.11. Девонхонада иш юритишни Йўриқнома асосида олиб борилишини ташкиллаштиради ва нозирлар фаолиятини назорат қилади.

V. Бошқарма катта прокурорлари ва прокурорларининг ваколатлари:

5.1. Бошқарма катта прокурорлари ва прокурорлари ишларини соҳа-минтақа ва ўриндошлик тамойили асосида юритадилар, қуйи прокуратура органларига берилган кўрсатма ва

топшириқларни, Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари ва низомлари ҳамда Бош прокуратура ҳайъатининг соҳага оид қарорлари талабларининг бажарилиши устадан назорат олиб борадилар, амалга оширилган ишларни таҳлил қилган ҳолда умумлаштирадилар ҳамда соҳа йўналишида мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида бошқарма бошлиғига таклиф киритадилар.

5.2. Ўзларига бириктирилган минтақада кадрлар билан боғлиқ масалаларнинг ҳал қилиниши аҳволи учун шахсан масъул ҳисобланиб, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг катта ёрдамчиларининг фаолиятини текшириш ва амалий ёрдам кўрсатиш учун жойларга чиқадилар, аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида таклиф берадилар.

5.3. Бошқарма бошлиғининг алоҳида топшириқларини бажарадилар, кадрлар масаласига оид турли умумлаштириш ўтказадилар, натижалари бўйича маълумотнома ва ахборотлар тайёрлайдилар.

5.4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томондан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида ходимларнинг ишини ташкил этиш ҳақида”ги Йўриқнома талабларининг жойларда бажарилишини назорат қиладилар, бу борада олиб борилган ишларни ўрганиб, умумлаштирадилар.

5.5. Республика Бош прокуратурасининг қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази билан ҳамкорликда прокуратура органлари ходимларини, шу жумладан СВОЖҚК Департаменти ходимларининг малакасини ошириш ҳамда олган билимларини амалиётга тадбиқ этилиши аҳволини ўрганиб борадилар ва натижаси бўйича таклиф киритадилар.

5.6. Тегишли олий юридик ўқув муассасалари билан ҳамкорликда талабаларнинг прокуратура органларида амалиёт ўташи, бунинг учун шарт-шароитлар яратилганлиги аҳволини ўрганиб борадилар.

5.7. Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари билан биргаликда марказий маҳкамадаги бўш ўринларга тезкор

ходимларни ишга тайинлаш, бошқа ишга ўтказиш ва бўшатиш масалаларини ўрганиб, таклиф берадилар.

5.8. Прокуратура органларининг кадрлар тўғрисидаги 6-Т шаклдаги статистик ҳисоботини тузадилар ҳамда таҳлил килиб, маълумотнома ва ахборотлар тайёрлайдилар.

5.9. Республика Бош прокуратураси номенклатурасидаги ходимларга ва Бош прокуратурада ишлаётган тезкор ҳамда техник ходимларга хизмат гувоҳномалари берилишини ташкиллаштирадилар ва уларни Бош прокуратурада бериш, сақлаш, ҳисобини юритиш билан боғлиқ ишларни амалга оширадилар.

5.10. Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда, шунингдек Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК Департаменти органларида хизмат гувоҳномаларининг берилиши ва ўз вақтида қайтарилиши устидан тегишли вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштарилган прокурорлар, СВОЖҚК Департаменти кадрлар бўлими, ҳудудий бошқармалари билан ҳамкорликда ушбу масала юзасидан доимий назорат олиб борадилар.

5.11. Бош прокуратура ходимларининг меҳнат интизомига риоя қилишлари, тезкор ходимларнинг иш вақтида махсус хизмат кийимида юришларини назорат қилиб борадилар ва улар ҳақида таклиф киритадилар.

5.12. Фуқароларнинг мурожаатларини белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши ва қонуний ҳал этилишини таъминлайдилар.

5.13. Фуқароларни шахсан қабул қиладилар.

5.14. Прокуратуранинг қонун ижодкорлиги ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш фаолиятида иштирок этадилар.

VI. Бошқармада иш юритишни ташкил этиш:

6.1. Бошқарма катта нозири ва нозирлари Йўриқнома асосида йиғмажилдлар номенклатурасини тузадилар ва у бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади ҳамда бошқармадаги барча ҳужжатларни ушбу номенклатура асосида йиғмажилдларга жамлаб борадилар ҳамда йил якуни бўйича алоҳида-алоҳида йиғмажилдга тикадилар.

6.2. Бош прокуратура номенклатурасида турадиган барча ходимларнинг шахсий йиғмажилдларини юритадилар, уларга те-

гишли ўзгаришлар ва маълумотларни ўз вақтида киритиб борадилар.

6.3. Шахсий йиғмажилд ҳамда даражали унвонлар бўйича картотекалар юритадилар.

6.4. Бошқарма катта нозири ва нозирлари бошқармага келиб тушган ходимларнинг шахсий йиғмажилдлари, топшириқлар, ариза, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни ҳар куни зудлик билан бошқарма бошлиғига тақдим этадилар.

Ҳужжатлар бошқарма бошлиғи томонидан кўриб чиқилиб, ижрочи белгиланганидан сўнг Йўриқнома асосида ташкил этилган дафтарга қайд этадилар ва ижрочига топширадилар ҳамда бу ҳақда мазкур дафтарга белги қўядилар.

6.5. Бошқарма катта нозири ва нозирлари ижрочиларга топширилган ҳужжатларнинг ижро муддатлари ҳақида ва белгиланган назорат муддатида ижроси таъминланмаган ҳужжатларнинг рўйхатини доимий равишда тузиб, бошқарма бошлиғига тақдим этиб борадилар.

6.6. Бошқармада мавжуд ҳужжатларни Йўриқномада белгиланган сақлаш муддати тугаши муносабати билан уларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаларига асосан Бош прокуратура архивига топширадилар.

6.7. Бошқармада иш юритиш билан боғлиқ бошқа вазифаларни бажарадилар.

Низом Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг 2004 йил
9 декабрдаги 30 - сонли буйруғи
билан тасдиқланган

Албатта, Бош прокурорнинг Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисидаги 2005 йил 17 феврал кунги 42 сон буйруғи талаблари алоҳида муҳим ўринни эгаллайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ БУЙРУҒИ

Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида

2005 йил 17 февраль Тошкент шаҳри

42-сон

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунига мувофиқ прокуратура органларининг асосий вазифалари - қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳамда республиканинг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Ҳукумат қарорларида мамлакатда иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунларга риоя қилиниши устидан прокурорлик назоратини таъминлаш борасида ҳам прокуратура органлари олдига масъулиятли вазифалар қўйилмоқда.

Прокуратура органлари, шу жумладан, Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти (бундан кейин матнда Департамент деб юритилади) органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун аввало кадрларни тўғри танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, уларнинг касб-маҳорати ва малакасини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Асосий эътибор, ходимларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарлигини ошириш, ўз ишининг устаси бўлиб шаклланишига эришишга қаратилмоғи лозим.

Бу, ўз навбатида, ҳар бир прокуратура органи ходими чуқур билимга, зарур амалий тажрибага эга бўлиши, ўзига юклатилган

вазифаларни виждонан, ҳалол-пок, қатъиятлик, ташаббус ва намуна кўрсатиб адо этишини тақозо қилади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонунининг 13-моддасига асосан,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари юклатилган вазифаларни бажаришда кадрларни тўғри танлаш, тайинлаш, тарбиялаш ҳамда уларнинг касб-маҳорати ва малакасини ошириш прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш муҳим омиллардан бири эканлиги белгилаб қўйилган.

2. Прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт эканлиги алоҳида қайд этилган.

3.Прокуратура органларида хизмат қилиш учун олий юридик ўқув юртлар, Департамент органларида хизмат қилиш учун эса олий ўқув юрт иқтисодий ва молиявий маълумоти, зарур касбий фазилатлари, соғлиғига кўра хизмат вазифаларини бажаришга қодир, судланмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари қабул қилиш мумкинлигига эътибор қаратилган.

4. Прокуратура органларига ишга қабул қилишда, биринчи навбатда, прокуратура органларида меҳнат қилаётган олий маълумотли техник ходимлар ҳамда прокурорларнинг жамоатчи ёрдамчи сафидан муносибларини танлашга алоҳида эътибор берилган.

5. Республиканинг юридик, иқтисодиёт ва молия соҳасидаги ўқув юртлари билан тегишли мутахассислар тайёрлаш борасида алоқалар янада мустаҳкамланган.

Олий ўқув юртлари битирувчиларини Бош прокуратура масъул ходимларидан иборат таркибда тузилган комиссия хулосасига асосан ишга қабул қилиш амалиётидан кенг фойдаланилган.

6. Прокуратура органларига илк бор ишга қабул қилишда ходимлар томонидан белгиланган тартибда қасамёд қабул қилиниши таъминланган.

7. Прокуратура органларига ишга қабул қилингач мутахассисларни тарбиялаш, касб-маҳоратини ошириш чоралари кўрилган. Ёш мутахассисларга тажрибали ходимлардан мураббий тайинланган ва уларнинг бу борадаги масъулияти оширилган ва шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар мураббийларнинг ёш ходимларни тарбиялаш борасидаги ҳисоби аттесстация комиссияси йиғилиши ва тезкор мажлисларда олиб борилган.

Ёш мутахассисларнинг иш ўрганиши даврида уларни бир прокуратурадан бошқасига ўтказиш ва уч йилгача юқори прокуратурага ишга ўтказишга йўл қўйилмасин. Алоҳида ҳолларда ушбу масала Бош прокурорнинг розилиги билан ҳал қилиниши белгалаб қўйилган.

8. Ходимларни кенг ҳажмли ишлар ва юқори лавозимлар учун заҳирага олиш ишлари яхшиланган. Шу мақсадда кадрлар доимо ўрганиб борилган, заҳирага қобилиятли, ташаббускор, билимдон ходимларнинг киритилиши таъминланган. Заҳира рўйхатлари тегишли прокуратураларнинг ҳайъат мажлислари, Департаментнинг тезкор йиғилишларида муҳокама қилинган. Лавозимларга тайинлашда биринчи навбатда заҳира рўйхатлари инобатга олинган. Интизомий жавобгарликка тортилган ва ножўя ҳатти-ҳаракат содир этган ходимлар заҳирадан чиқарилган.

9. Бош прокуратура ва Департаментдаги меҳнат фаолиятида тажриба орттирган, ташаббус кўрсатиб, ўз хизмат вазифаларини виждонан, намунали бажараётган ходимларни раҳбарлик ва масъулиятли лавозимларга тайинлашда уларга имтиёзлар берилган.

Туман-шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда Департаментнинг жойлардаги бўлимлари бошлиқлари лавозимларига, қоида тариқасида, прокуратура органларида ва мутахассислиги бўйича камида беш йил ишлаган, ўз ишининг устаси бўлган, масъулият ва шахсий жавобгарликни ҳис этувчи муносиб ходимлар тайинланиши белгилаб қўйилган.

10. Прокурорлар фаолиятини баҳолашда қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши эканлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўз иш фаолияти даврида тегашли ҳудудда қонунлар ижроси устидан лозим даражада назорат ўрнатилишини таъминлай олмаган туман-шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига такроран кўрсатилишига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги қонун талабларига қатъий риоя қилинган.

Шунингдек, ўзларига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажариш чораларини кўрмаган, солиқ ва иқтисодиёт соҳасидаги жиддий қонун бузилишларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш борасидаги ишларини тўғри ташкил қила олмаган Департаментнинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари бошлиқларини қайта бундай лавозимларга тавсия этилишига йўл қўйилмасин.

11. Ходимларни ишга қабул қилиш, бошқа лавозимларга ўтказиш, юқори лавозимларга тайинлаш, вазифасидан озод қилиш ҳамда прокуратура органларидан бўшатиш масалаларини ҳал қилишга холислик билан ёндошилган, бунинг асослари ҳар бир ҳолатда раҳбарнинг шахсан ўзи томонидан синчковлик билан ўрганиб чиқилган ва қонун талаби асосида ҳал қилинган.

12. Прокуратура органлари ходимларига улар фаолият кўрсатаётган ҳудудда оила аъзолари билан яшаши учун қонун шартлари доирасида, мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда шароитлар яратиб бериш чоралари кўрилган.

Оилавий шароити ёки бошқа узрли сабаблар билан бошқа жойга кўчиб кетиш зарурияти туфайли ишдан бўшатиш ва бошқа ҳудудга ишга ўтказиш тўғрисида ариза берган ходимларни прокуратура органларидан бўшатмасдан, доимий яшаш учун борган жойига ишга ўтказишда уларга ёрдам бериш чоралари кўрилган.

13. Кадрларни ўз хизмат бурчига садоқат, маънавий юксаклик руҳида тарбиялаш ишларига жиддий эътибор қаратилган. Уларнинг касбига фидоийлиги, содиқлиги, шахсий қобилияти амалий фаолиятда синалган ва баҳо берилган. Ҳар бир жамоада масъулият ва талабчанлик, ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш ҳамда юксак маданият асосида соғлом муҳитнинг яратилиши таъминланган.

Ходимларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарлигини ошириш ҳамда ўз ишининг устаси бўлиб шаклланиб боришига алоҳида эътибор қаратилган.

14. Ўз хизмат вазифаларини намунали бажараётган ходимлар ўз вақтида рағбатлантирилиб борилган. Даражали унвонлар бе-

риш белгиланган муддатларда ва хизмат бурчини бажаришда эришган ижобий натижаларига қараб амалга оширилган.

15.Прокуратура органлари ходимлари томонидан ножўя ҳатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш чоралари кўриб борилган. «Прокуратура ходими» деган номга доғ туширувчи ҳатти-ҳаракат содир этиш фавқулодда ҳодиса, деб қаралган. Бундай ҳолларда ходимларга нисбатан қатъий чоралар кўрилган.

Айни вақтда, ходимларга нисбатан интизомий чораларнинг қонунда белгиланган тартибда, адолатли қўлланилиши таъминланган.

16. Ходим шахси ва оилавий аҳволи ҳақидаги маълумотларда ўзгаришлар бўлганида, шунингдек, яқин қариндошлари жиноят содир этганлиги учун судланганида шахсий йиғмажилдига қайд қилинишини таъминлаш учун тегишли кадрлар хизматига бу ҳақда маълум қилиши белгилаб қўйилган.

17.Кадрларни тўғри танлаш ва прокурорлик назоратининг самарасини оширишда аттестация комиссиясининг тутган ўрни ва аҳамияти кучайтирилган. Асосий эътибор аттестацияларнинг холисона ўтказилишига, ходимлар фаолиятидага камчилик ва нуқсонларга танқидий жиҳатдан баҳо берилишига, хизмат вазифаларини намунали бажараётган ходимларни рағбатлантириш, юқори лавозимларга заҳирага олиш, уларнинг ижобий иш тажрибаларини оммалаштириш тўғрисида таклифлар киритишга қаратилган.

18. Ходимларнинг билими, касб-маҳорати ва малакасини ошириш борасидаги фаолият тубдан яхшиланган. Прокуратура органлари раҳбарлари ва таркибий тармоқ бошлиқлари бу ишда алоҳида намуна кўрсатсинлар.

Бу борадаги тадбирлар аниқ мақсадли равишда, амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар, давлат қурилиши ва қонунчилик соҳаларидаги ўзгаришлар, қонунийлик ҳолати ва жиноятчилик аҳволидан ҳамда прокурорлик назоратининг долзарб вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оишрилган.

Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш маркази асосий эътиборни кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг сифатини яхшилашга қаратсин.

19. Прокуратура органларининг кадрларни танлаш, тайинлаш, тарбиялаш ва уларнинг касб-маҳоратини ошириш борасидаги фаолияти мунтазам равишда ўрганилиб борилган, натижалари тезкор ва ҳайъат мажлисларида ҳамда аттестация комиссиясининг йиғилишларида муҳокама қилиниб, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилган.

20. Прокуратура органлари ходимларининг саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказишга эътибор кучайтирилган.

21.Кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш борасидаги қуйидаги йўриқнома ва низомлар 1-6-иловаларга мувофиқ тасдиқланган:

- «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг аттестация комиссиялари ва прокуратура органлари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом (1-илова);

«Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида ёш мутахассисларнинг ишини ташкил этиш тўғрисида»ги Низом (2-илова);

«Прокурорнинг жамоатчи ёрдамчилари тўғрисидаги» Низом (3-илова);

«Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ходимларини лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимдан озод қилишда ҳужжатлар ва моддий ашёларни топшириш ва қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида»ги Низом (4-илова);

«Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг Фахрий ходими кўкрак нишони тўғрисида»ги Низом (5-илова);

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисида»ги Низом (6-илова).

22. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг қуйидаги буйруқлари, низомлари ва йўриқномалари ўз кучини йўқоттан, деб ҳисобланган:

30.04.1993 йилги 3-сонли Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида»ги буйруқ;

19.08.1993 йилги 9-сонли «Прокурор-тергов ходимларини аттестациядан ўтказиш ҳақида»ги буйруқ;

20.03.1998 йилги 10-сонли «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳузуридаги махсус инспекция, қуйи прокуратуралардаги махсус инспекциялар ва прокурор-тергов ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги буйруқ;

31.08.2001 йилги 713-сонли буйруқ билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари тезкор ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги;

781-сонли «Прокурорнинг ёрдамчилари тўғрисида»ги буйруқ;

15.04.1994 йилги 20-сонли «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идоралари ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишда ҳужжатларни ва бошқа моддий ашёларни топшириш ва қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида»ги буйруқ;

14.06.1995йилги 21-сонли «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идораларида ёш мутахассисларнинг ишини ташкил этиш ҳақида»ги буйруқ; 24-сонли «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг Фахрий ходими нишони тўғрисида»ги буйруқ;

09.10.1996 йилги 26-сонли «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг Фахрий ёрлиғи тўғрисида»ги буйруқ.

23. Мазкур буйруқ Бош прокуратуранинг барча таркибий тармоқлари, Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти, вилоят, туман-шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга юборилган.

24. Буйруқ ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг кадрлар бошқармаси ва ички хавфсизликни таъминлаш инспекциясига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори 1-даражали
Давлат адлия маслаҳатчиси Р.Ҳ. Қодиров

3-§. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура органларида ишни ташкил этиш юзасидан буйруқлари ва кўрсатмалари, низомлар. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 17 февралдаги 2-сон буйруғига илова қилинган “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида ёш мутахассисларнинг ишини ташкил қилиш тўғрисида”ги Низоми.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг
2005 йил 17 февралдаги 42 -сон буйруғига
2-илова
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида ёш мутахассисларнинг ишини ташкил этиш тўғрисида
НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқнома олий юридик ўқув юртларини битирган ёш мутахассисларни прокуратура органларига, шунингдек, юридик, иқтисодий ва молия ўқув юртларини битирган ёш мутахассисларни Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий йўл билан даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига (бундан кейин матнда Департамент деб юритилади) танлаб, ишга қабул қилиш ҳамда уларнинг билими ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда иш ўрганишини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Прокуратура раҳбарияти ёш мутахассисларга ғамхўрлик кўрсатиб, уларни прокуратуранинг энг яхши анъаналарига содиқ ҳолда тарбиялаш чораларини кўради. Бунда ёш мутахассисларнинг олий ўқув юртларида олган билимларини амалиётга татбиқ қилиш, касб сирларини эгаллашлари учун кўмаклашиш, уларда масъулият ва қонунбузилишларга муросасизлик ҳиссини, янгиликни сезиш ва ташкилотчилик қобилиятларини шакллантиришга асосий эътибор қаратилиши лозим.

3. Прокуратура органлари тизимидаги мавжуд иш ўрганувчи, шунингдек, туман, шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда бўш бўлган прокурор ёрдамчиси

ёки терговчи лавозимларига иш ўрганувчи сифатида қабул қилинганлар ҳамда Департаментнинг туман-шаҳар бўлимларига илк бор ишга қабул қилинган барча ходимлар уч йилгача ёш мутахассис ҳисобланадилар.

Департамент ва ҳарбий прокуратура органларига ишга ҳабул қилинган ёш мутахассислар иш ўрганувчи лавозимида эмас, тезкор ходим лавозимида фаолият юритадилар.

II. Прокуратура органларига ёшларни ишга қабул қилиш, лавозимларга тайёрлаш ва тарбиялаш

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси кадрлар бошқармаси тегишли олий ўқув юрти раҳбарияти билан ҳамкорликда прокуратурага қабул қилиш учун танлаб олинган талабаларнинг шахси ва билим даражасини ўрганади.

5. Олий ўқув юртларнинг талабалари прокуратура органларида амалиёт ўташлари мумкин. Амалиёт Бош прокуратура, тегишли вазирликлар ҳамда олий ўқув юртларнинг раҳбарияти билан ҳамкорликда келишилган жадвал асосида, туман, шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар ҳамда Департаментнинг туман, шаҳар бўлимларида ўтказилади.

Прокуратура раҳбарияти талабаларнинг олий ўқув юртларида олган назарий билимларини амалиётга тўғри татбиқ этишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беради, уларга тажрибали ходимлардан мураббийлар тайинлайди. Иш ўрганиш амалиёти тугагач, талабаларнинг шахсий хислати, ишчанлик қобилияти ва камчиликлари, танлаган касбига муносабати ҳақида тавсифнома тузиб, унинг нусхасини ўн кун ичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг кадрлар бўйича катта ёрдамчилари, Департамент ҳудудий бошқармаларининг кадрлар бўйича катта инспекторлари орқали тегишлигича Бош прокуратуранинг кадрлар бошқармаси ёки Департаментнинг кадрлар бўлимига юборади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг кадрлар бўйича катта ёрдамчилари, Департамент ҳудудий бошқармаларининг кадрлар бўйича катта инспекторлари ҳар йили та-

лабаларнинг иш ўрганиш амалиётини умумлаштириб, уни аттестация комиссияси ёки прокуратура (Департамент ҳудудий бошқармаси) раҳбарияти ҳузуридаги тезкор йиғилиш муҳокамасига киритади.

7.Кадрлар бошқармаси ва Департаментнинг кадрлар бўлими тегишли тартибда талабаларнинг прокуратура органларида иш ўрганиш амалиётига режалаштиришда иштирок этади ҳамда прокуратура органлари томонидан ушбу амалиётнииг тўғри ташкил эталишини назорат қилади.

8.Бош прокуратуранинг кадрлар бошқармаси тегишли юридик олий ўқув юртлари, Департаментнинг кадрлар бўлими иқтисодий молиявий маълумот берувчи олий ўқув юртлари ва ИИВнинг Академияси билан ҳамкорликда ўқишни тугатаётган талабаларнинг шахсий хислати, назарий билими, ишчанлик қобилияти ва прокуратура органларида ишлашга бўлган қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ишга қабул қилиш учун номзодларни танлаб олади.

9.Прокуратура органларига ишга қабул қилиш учун талабалар орасидан танлаб олинган номзодлар Бош прокуратураси кадрлар бошқармаси (тегишлигига қараб Департаментнинг кадрлар бўлими) томонидан бериладиган йўлланмага асосан тегишли тиббий муассасадан кўрикдан ўтказилади.

10. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган, зиммаларига юклатилган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиги имкон бермайдиган, муқаддам судланган, зарурий касбий фазилатларга эга бўлмаганлар прокуратура органларига ишга қабул қилинмайди.

11. Прокуратура органларида ишлаш учун танлаб олинганларнинг шахсига оид қуйидаги ҳужжатлар тўпланиши шарт:

шахснинг ўзи томонидан қўлёзма билан тўлдирилган сўровнома;

шахснинг таржимаи ҳоли;

яқин қариндошларининг шахсига оид ва фаолиятлари ҳақида маълумотлар;

фотосурат (6/4, 3/4 ҳажмда, бош кийимсиз тушилган,4 дона);

тамомлаган олий ўқув юрти раҳбарияти томонидаи берилган тавсифнома;

ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган жойдаги туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг, Департаментнинг туман, шаҳар бўлимлари бошлиқларининг тавсифномалари;

яшаш жойидан тавсифнома;

соғлиги тўғрисида тиббий хулоса;

ички хавфсизликни таъминлаш бўйича ходимлар томонидан ўтказилган текшириш хулосаси;

ходимнинг маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги ҳужжатлар нусхалари (синов қайдномаси нусхаси);

фуқаролик паспортининг ксеро нусхаси;

шахс ва унинг яқин қариндошларини судлангалик ҳолатларини текшириш якунлари;

лозим топилган бошқа ҳужжатлар талаб қилиб олиниши мумкин.

12. Бош прокуратуранинг кадрлар бошқармаси бошлиғи танлаб ўрганилган битирувчи талабалар рўйхатини Бош прокурор томонидан тузилган комиссия ихтиёрига тавсия қилади. Комиссия ўз мажлисида талабаларнинг шахсий хислати, назарий билими ва бошқа хусусиятларини белгиловчи ҳужжатлар билан танишиб, улар билан суҳбат ўтказади. Натижалари бўйича комиссия битирувчини прокуратура органларига ишга қабул қилиш мумкин деган хулосага келса, бу ҳақда Бош прокурорга тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

Департаментнинг кадрлар бўлими бошлиғи эса ўрганилган талабалар рўйхатини Бош прокурор томонидан тузиладиган Департамент бошлиғи раислигидаги комиссияга тавсия этади. Комиссия мажлисига қадар танлаб олинган талабалар номзоди Бош прокурор билан келишилади ва ушбу комиссия томонидан талабалар билан суҳбат ўтказилади, натижалари ҳақида Бош прокурорга ахборот берилади.

Олий ўқув юртини тугатган, лекин дипломни олишга улгурмаган ёшлар, истисно тариқасида, фақат Бош прокурорнинг Рухсати билан прокуратура органлари тезкор лавозимларига ишга қабул қилиниши мумкин.

Комиссиянинг тавсияси асосида Бош прокурор розилиги билан ишга тақсимланган ёшларни ишга жойлаштириш учун йўл-

ланма билан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда Департамент бошлиғи ихтиёрига юборилади.

15. Йўлланмада ёшларнинг юқоридаги прокурорлар ва Департамент бошлиғи ихтиёрига етиб бориши ҳамда ишга тайинлаш муддатлари аниқ кўрсатилади.

Ёшлар йўлланмада кўрсатилган муддатда узрли сабабларсиз белгиланган прокуратура органларига ишга жойлашиш учун етиб бормасалар, бу прогул ҳисобланиб, прокуратура раҳбарияти ёшларни Бош прокурорнинг розилиги билан ишга қабул қилишни рад этиши мумкин.

16. Ёшларни кўрсатилган муддатда жойларга етиб боришлари билан боғлиқ харажатлар амалдаги қонун талабларига мувофиқ тўланади.

17. Ёш мутахассис ишга тайинланганидан сўнг, тегишли прокуратура ва Департамент раҳбари бу ҳақда ўн кун муддат ичида Бош прокуратурага ахборот юборади.

18. Олий юридик ўқув юртининг кундузги бўлимини битирган ва ўз хоҳишига кўра ишга жойлашиш ҳуқуқи бўлган ёш мутахассислар уч йил давомида прокуратура органларига фақат Бош прокурорнинг розилиги билан ишга қабул қилинади.

Булардан ташқари, тегишли олий маълумотли фуқаролар прокуратура органларига Бош прокурор томонидан тасдиқланган «Прокурорнинг жамоатчи ёрдамчилари тўғрисида»ги Низомга мувофиқ ишга қабул қилинадилар.

Шунингдек, Департамент тизимида бир йилгача ишлаётган ёш мутахассислар, прокурор ёрдамчиси ёки прокуратура терговчиси лавозимига Бош прокурорнинг розилиги билан иш ўрганувчи этиб ишга ўтказилишлари мумкин.

Уларга иш ўргатиш ҳам йўлланма билан ишга қабул қилинган ёш мутахассисларга иш ўргатиш каби, дастур асосида ташкил этилади.

19. Ёш мутахассислар фақат туман, шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда бир йил (аттестациядан ўта олмаган ҳолларда аттестация комиссиясининг хулосасига асосан белгиланган олти ойдан бир йилгача) бўлган қўшимча муддат давомида иш ўрганадилар.

20.Ёш мутахассисларга иш ўргатиш улар ишга тайинланганидан бошлаб, ўн кун муддат ичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг кадрлар бўйича катта ёрдамчилари, Департаментнинг ҳудудий бошқармалари кадрлар бўйича катта инспекторлари томонидан мазкур Низомиинг 1а, 2а-иловаларида келтирилган намунавий дастурларга мувофиқ ҳар бир ёш мутахассиснинг билими ва қобилиятини эътиборга олган ҳолда тузиладиган ҳамда ушбу бандда кўрсатилган прокурорлар ва Департаментнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари томонидан тасдиқланган дастурга асосан амалга оширилади.

21.Туман, шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралардаги бўш бўлган прокурор ёрдамчиси ёки терговчи лавозимлари иш ўрганувчилар билан тўлдирилиши мумкин.

Бу ёш мутахассисларга ҳам тасдиқланган дастур асосида прокуратуранинг барча йўналишлари бўйича иш ўргатилади.

22.Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Департаментнинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари ёш мутахассисларга яшаш ва ишлаш шароитларини яратиб берадилар ва уларга иш ўргатишни дастур асосида ташкил этилишини назорат қилиб борадилар.

23.Кадрлар бўйича прокурор катта ёрдамчилари ва Департамент бошқармаси катта инспекторлари йилида камида уч маротаба жойлардаги прокуратура (Департамент туман, шаҳар бўлимлари)га чиқиб, бевосита иш ўрганувчилар ва бир йилгача ишлаётган ходимлар билан суҳбат ўтказади, дастурнинг бажарилишини ўрганади ва натижалари ҳақида маълумотнома тузиб, тегишли прокурор ва Департамент бошқармаси бошлиғига ёзма равишда маълум қилади, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этилишини назорат қилади.

24.Ёш мутахассисларга яшаш ва ишлаш шароитларини яратиб бериш ҳамда иш ўрганишни дастур асосида ташкил этишга туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар (мураббийлар), Департаментнинг туман, шаҳар бўлимлари бошлиқлари шахсан масъулдир. Уларнинг бу борадаги ҳи-

соботлари йилда камида бир марта юқори турувчи прокуратура ҳамда Департамент ҳудудий бошқармаларининг тегишлича ҳайъат ва тезкор мажлислари ёки аттестация комиссияси йиғилишларида муҳокама қилинади.

25.Ёш мутахассисларга туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Департаментнинг туман, шаҳар бўлимлари бошлиқлари мураббийлик қилиши ёки улар томонидан бошқа тажрибали ходимлардан бири мураббий этиб тайинланиши мумкин.

Мураббий иш ўрганувчи билан бирга дастурда кўрсатилган йўналишлар бўйича прокуратура ва Департамент бўлимининг иш режаларини инобатга олиб, ҳар ойда аниқ бажарилиши лозим бўлган асосий тадбирлар режасини тузади. Режа мураббий ва иш ўрганувчи томонидан имзоланади, туман, шаҳар прокурори ва унга тенглаштирилган прокурор ёки Департамент туман, шаҳар бўлими бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Дастур ва режа асосида ёш мутахассислар мустақил ишлашга ўргатиб борилади. Ёш мутахассислар иш ўрганиш жараёнида кундалик бажарган ишларини алоҳида юритилган дафтарга ёзиб борадилар.

Ёш мутахассислар иш ўрганиш муддати тугаши билан дастур юзасидан бажарилган ишлар тўғрисида ҳисобот тайёрлаб, уни тегишли туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Департаментнинг туман, шаҳар бўлимлари бошлиқларига тақдим этади.

Иш ўрганувчилар аттестациядан ўтиб, мустақил лавозимга тайинланганидан кейин ҳам тегишли туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Департаментнинг туман, шаҳар бўлимлари бошлиқларининг бевосита раҳбарлигида иш фаолиятини чуқур ўргатиш ҳамда уларнинг малакасини ошириб бориш юзасидан чора-тадбирлар кўриб борилади.

Прокуратура органларига илк бор ишга қабул қилинган ходимлар аттестациядан ўтказилганидан сўнг ҳам икки йил давомида ёш мутахассис ҳисобланади.

Ҳарбий ва Транспорт прокуратураларида хизматни ўтаётган ушбу ёш мутахассислар йилига бир марта Республика Ҳарбий ва Транспорт прокуратурасига иш ўрганишга чақирилади.

Аттестациядан ўтган ёш мутахассисларга ҳар уч ойда бир маротаба алоҳида топшириқлар бериб борилади, бир йилда камида икки маротаба улар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокуратуралари ёки Департамент органларининг ҳудудий бошқармалари маҳкамаларига иш ўрганиш учун чақириладилар (Ҳарбий ва Транспорт прокуратуралари бундан мустасно).

Бундан ташқари, мазкур прокуратураларнинг кадрлар бўйича катта ёрдамчилари ва Департамент бошқармаларининг катта инспекторлари, таркибий тармоқлар бошлиқлари билан ҳамкорликда ёш мутахассисларга ўрганувчилар жалб қилган ҳолда асосий фаолият йўналишлари бўйича бир йилда камида уч марта алоҳида ўқув машғулотларини ўтказилишини ташкил этади.

Шунингдек, ёш мутахассислар прокуратура органлари ходимлари билан ўтказиладиган конференция, ўқув ва амалий машғулотларга жалб қилинади.

III. Бошқа қоидалар

29. Ёш мутахассислар прокуратура органлари ходимларининг барча ҳуқуқ, имтиёзларидан фойдаланадилар ва белгиланган бурчларни бажаришга мажбурдирлар.

Улар имконият даражасида уй-жой билан таъминланади.

30. Ёш мутахассислар иш ўрганиш даврида бир прокуратурадан бошқа прокуратурага, уч йилгача эса Бош прокуратура ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг маҳкамаларига ишга ўтказилмайди. Айрим ҳолларда бунга Бош прокурорнинг розилиги билан йўл қўйилиши мумкин.

Департамент органларида хизмат қилаётган ёш мутахассислар икки йилгача унинг марказий маҳкамаси ва ҳудудий бошқармаларига ишга ўтказилмайди.

31. Ёш мутахассислар прокуратура ва Департамент органларининг ходимларини рағбатлантириш ҳамда уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги низомларга асосан рағбатлантирилиши ва интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

32. Прокуратура органларига йўлланма билан ишга қабул қилинган ёш мутахассисларни уч йил мобайнида прокуратура органларидан бўшатишга Бош прокурорнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Иш ўрганиш муддати тугаганидан сўнг ёш мутахассислар «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси аттестация комиссияси, аттестация комиссиялари ва прокуратура органлари ходимларнинг аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомда белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади.

Ёш мутахассислар Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунига мувофиқ ҳарбий хизматга ва шу жумладан, ҳарбий йиғинга чақирилишлари мумкин.

Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, тегишлигича Департамент бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан иш билан таъминланадилар.

35. Ёш мутахассисларнинг иш ўрганиш ва ҳарбий хизматда бўлиш даври меҳнат стажига киради.

Уларнинг ҳомиладорлик, туғиш, болани парваришлаш таътилларига чиқиши, ҳарбий хизматга чақирилиши, касаллиги ва бошқа узрли сабабларга кўра узоқ муддат ишда бўлмаган даври иш ўрганиш муддатига кирмайди.

42-сон буйруғига 3-илова
«Прокурорнинг жамоатчи ёрдамчилари тўғрисида»ги
НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунида белгиланган вазифа ва ваколатларни амалга оширишда жамоатчи ёрдамчиларни прокуратура фаолиятига жалб қилиш тартибини белгилайди.

Прокуратура, шу жумладан, Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий йўл билан даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти (бундан кейин матнда Департамент деб юритилади) органларида хизмат қилишга **хоҳиши бўлган,** Ўзбекистон Республикасининг **олий юридик, иқтисодий, моли-**

явий ўқув юртларида сиртдан ёки магистратура босқичида таҳсил олаётган, шунингдек, тегишли **олий маълумот**та эга бўлиб, **муайян жойда ишлаб келаётган** ҳамда **ижобий тавсифларга эга фуқаролар прокурорнинг жамоатчи ёрдамчиси сифатида жалб қилиниши мумкин**.

Улардан кадрлар заҳирасини ташкил этиш ва бўш ўринларни тўлдиришда фойдаланилади.

3.Жамоатчи ёрдамчи сифатида жалб қилинадиган фуқаролар албатта давлат ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар ёки муассасаларда меҳнат қилишлари лозим.

Магистратура босқичида таҳсил олаётган талабаларни жамоатчи ёрдамчиликка жалб қилишда тегишли олий ўқув юрти раҳбариятининг розилиги олиниши шарт.

2. Жамоатчи ёрдамчиликка қабул қилиш

4. Туман-шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар (бундан кейин матнда туман прокурори деб юритилади) жамоатчилик асосида иш ўрганиш ва прокуратурага ёрдам бериш истагини билдирган фуқароларни шахсан қабул қилиши ҳамда мурожаатни белгиланган тартибда рўйхатга олиши лозим.

Муайян ташкилот, корхона, муассаса ёки олий ўқув юрти маъмуриятининг бундай масаладаги мурожаати ҳам шу тартибда кўриб чиқилади.

Туман прокурори, жамоатчи бўлиш хоҳишини билдирган фуқаронинг шахсий ва ишчанлик хислатларини бир ой муддатда ҳар томонлама ўрганиб чиқади. Натижаларига кўра фуқаронинг жамоатчи ёрдамчи сифатида иш ўрганиши ва прокуратурага ёрдам беришига ишонч ҳосил қилганидан сўнг, унинг шахси, яшаш ва асосий иш (ўқиш) жойи ҳақидаги ҳужжатлар ҳамда зарур тавсифномаларни жамлаб, тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар, Республика Транспорт прокурорига тақдимнома киритади.

5. Ихтисослаштирилган прокуратураларга жамоатчи ёрдамчиларни жалб қилишдан аввал, улар прокуратура органлари ходимлари каби махсус текширишдан ўтказилиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар, Транспорт прокурори туман прокурорининг тақдимномаси ва ун-

га илова қилинган ҳужжатлар билан танишиб, бу фуқаро билан шахсан суҳбат ўтказиш ёки қўшимча текшириш ташкил қилиш орқали узоғи билан бир ой муддатда фуқарони жамоатчи ёрдамчи сифатида қабул қилишга розилик бериш ёки рад этиш ҳақида тўхтамга келади.

Тақдимномани кўриб чиқиш натижалари ҳақида туман прокурорига ёзма хабар қилинади.

8.Тақдимнома белгиланган тартибда қаноатлантирилган тақдирда туман прокурорининг буйруғи билан фуқаро прокурорнинг жамоатчи ёрдамчиси этиб тайинланади ва унга тажрибали ходим мураббий этиб белгиланади.

Ходимлар сони ўн нафардан ошмаган туман прокуратураларида уч нафаргача, ўн нафардан ортиқ ходимлари бор прокуратураларда кўпи билан беш нафар, ўн беш нафардан ортиқ ходимлари бўлган прокуратураларда эса етти нафаргача жамоатчи ёрдамчи бириктирилиши мумкин.

9.Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва Транспорт прокуратураларида жамоатчи ёрдамчиларнинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилди юритилади.

Шахсий ҳужжатлар йиғмажилдида:

• жамоатчи ёрдамчи сифатида ишга қабул қилиш билан боғлиқ ҳужжатлар (ариза, тақдимнома, розилик хати, буйруқ);

• шахсий варақа ва таржимаи ҳол;

• яқин қариндошлари ҳақида маълумотнома;

• шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;

• фотосурат, катталиги 4х6 см., 2 дона ва 2 х 3 см., 2 дона;

• фикрномалар, магистратура босқичида таҳсил олаётганларга олий ўқув юрти раҳбариятининг розилик хати;

• яшаш ва иш (ўқиш) жойларидан берилган расмий маълумотлар, тавсифномалар ҳамда бошқа тегишли ҳужжатлар.

Ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши ва жамланиши кадрлар тармоғи ва тегишли туман прокурори зиммасига юклатилади.

Туман прокуратураларида фуқаронинг жамоатчи ёрдамчи сафига жалб қилинганлиги ҳақидаги буйруқ, иш режалари, бажарган ишлари юзасидан тузилган маълумотномалар ва фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар жамлаб борилади.

10. Жамоатчи ёрдамчилар фаолиятининг тўғри олиб борилиши учун туман прокурори бевосита масъул ҳисобланади.

Мураббий сифатида бириктирилган ходимлар томонидан жамоатчи ёрдамчиларнинг иш ўрганишида амалий ёрдам кўрсатилади, алоҳида эътибор жамоатчи ёрдамчининг касб-маҳорати, билими, малакасини ошириш, шунингдек, уларнинг шахсий ва ишчанлик хислатларини шакллантириб боришга қаратилади.

Жамоатчи ёрдамчининг фаолияти ҳар олти ойга мўлжалланган иш режалари асосида олиб борилиб, бажарилган гаплар бўйича мураббий иштрокида маълумотномалар тузилади.

Туман прокурори ҳузуридаги тезкор йиғилишда мураббийнинг жамоатчи ёрдамчи фаолияти ҳақидаги ҳисоботи эшитиб борилади.

11.Муқаддам судланган шахслар ҳамда чет эл ва МДҲ давлатлари олий ўқув юртларини тамомлаб, дипломи Ўзбекистон Республикасида нострификация қилинмаган (эквивалентлиги қайд этилмаган) фуқаролар жамоатчи ёрдамчиликка жалб этилмайди.

12.Фуқаронинг бир вақтда икки ёки ундан ортиқ прокуратура органларида жамоатчи ёрдамчи бўлишига йўл қўйилмайди.

13.Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар маҳкамаларига, шунингдек, Ҳарбий прокуратура ва Департамент органларига жамоатчи ёрдамчиларнинг жалб қилинишига йўл қўйилмайди.

Жамоатчи ёрдамчиларни прокуратура органларига ишга қабул қилиш учун заҳирага олиш, ишга қабул қилиш ва жамоатчи ёрдамчилар сафидан чиқариш

14. Жамоатчи ёрдамчилар прокуратурада камида **олти ой** давомида иш ўрганиб, фаолият олиб борганидан сўнг, **туман прокурори ҳузуридаги тезкор йиғилиш қарорига мувофиқ** уларни прокуратура органларига ишга қабул қилиш учун заҳирага олиш тўғрисида тегишлилиги бўйича **юқори турувчи прокурорга тақдимнома киритади.**

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар, Транспорт прокурори тақдимномани тегишли аттестация комиссиясининг навбатдаги мажлиси муҳокамасига тавсия этади.

15. **Аттестация комиссиясининг мажлисида** прокуратура органларига ишга қабул қилиш учун заҳирага олишга тавсия этилаётган жамоатчи ёрдамчи ҳамда тегишли **туман прокурорининг иштирокида тақдимномани кўриб чиқилиб**, унга **розилик бериш** ёки **рад этиш ҳақида қарор** қабул қилинади.

Ушбу қарор Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар, Транспорт прокурори билан келишилганидан сўнг қонуний кучга эга бўлади. Бу ҳақда туман прокурорига маълум қилинади.

16. Аттестация комиссияси туман прокурорига прокуратура органларига ишга қабул қилиш учун заҳирага олинган жамоатчи ёрдамчининг ишини ташкил қилиш, касб-маҳоратани ошириб бориш борасида тегишли тавсиялар беради.

Заҳирага олинган жамоатчи ёрдамчининг режа асосида касбга тайёрлаш ишининг тўғри ташкил этилишига туман прокурори бевосита масъул ҳисобланади.

17. Прокуратура органларида мавжуд бўлган бўш ўринларни тўлдиришда жамоатчи ёрдамчилар заҳирасига олинганлардан муносибларини танлашга алоҳида эътибор қаратилади ва улар белгиланган тартибда лавозимларга тайинланади.

18. **Жамоатчи ёрдамчилар қуйидаги ҳолларда сафдан чиқариладилар:**

узрли сабабларсиз прокуратура органларига уч ойдан ортиқ муддат давомида келмаганлар;

жиноий жавобгарликка тортилганлар;

олий ўқув юрти талабалари сафидан чиқарилганлар (академик таътиллар бундан мустасно);

муддатли ҳарбий хизматга чақирилганда;

ногирон бўлиб қолганлиги учун асосий иш жойида зиммасига юкланган хизмат вазифаларни бажариш имконини йўқотганлар ҳамда шу туфайли прокуратура органларида жамоатчи ёрдамчи сифатида фаолият кўрсата олмайдиганлар.

Бундан ташқари, жамоатчи ёрдамчи прокурорнинг ташаббуси билан ҳамда ўз хоҳишига кўра берган аризасига биноан ҳам жамоатчи ёрдамчилар сафидан чиқарилиши мумкин.

Жамоатчи ёрдамчилар сафидан чиқариш ҳақида туман прокурори томонидан буйруқ чиқарилади ҳамда бу ҳақда Қорақал-

поғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар, Транспорт прокурорига асослантирилган ахборот берилади.

IV. Жамоатчи ёрдамчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

20. Жамоатчи ёрдамчилар прокуратура органлари ходимлари учун белгиланган тартиб интизомга риоя қилишлари лозим.

21. **Жамоатчи ёрдамчилар:**

туман прокурорининг топшириғига ва бириктирилган муаббийнинг раҳбарлиги остида ҳужжатлар билан танишади; бажарилган ишлар бўйича маълумотномалар тузади;

қонунлар ижроси устидан назорат борасида ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзасидан текширишлар ўтказишда қатнашади;

прокурор назорати ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлайди; айрим процессуал ҳужжатларни тузишда иштирок этади;

Жамоатчи ёрдамчи туман прокурорининг рухсати билан прокуратура фаолиятига оид бошқа ҳужжатларни ҳам ўрганиши мумкин.

22. Жамоатчи ёрдамчи мустақил текширишлар ўтказиши, мутасадди ташкилотлардан ҳужжатларни талаб қилиб олиши, тергов ҳаракатлари олиб бориши, шунингдек, қонун ҳужжатлари асосида тақиқланган бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўйилмайди.

V. Бошқа қоидалар

23.Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва Ўзбекстон Республикаси Транспорт прокурорининг кадрлар бўйича катта ёрдамчилари туман прокурорларидан ёзма маълумотномалар олиш ҳамда жойига чиқиб текшириш орқали прокуратура органларига жамоатчи ёрдамчиларнинг жалб этилиши аҳволини ҳар йили камида бир маротаба ўрганиб, умумлаштиради. Ушбу масала прокуратура раҳбарияти ҳузуридаги тезкор ёки аттестация комиссияси йиғилиши муҳокамасига киритилади.

24.Жамоатчи ёрдамчиларни жалб этишни тўғри ташкил қила олмаган ва уларнинг шахси, маънавий сифати ҳамда ишчанлик қобилиятини тўлиқ ўрганмасдан, нотўғри маълумотнома ва тав-

сифномалар берган туман прокурорлари интизомий жавобгарликка тортиладилар.

19. Жамоатчи ёрдамчилар асосий иш ёки ўқиш жойларидан бўш вақтда прокуратура ишига жалб қилинадилар.

4-§. Прокуратурада ишларни режалаштириш

Прокуратура органлари олдида турган қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишда ишларни замонавий ва сифатли режалаштириш асосий аҳамиятга эга.

Режалаштириш – қонунчиликнинг бугунги ҳолатини ва келгусини ҳисобга олган ҳолда чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборатдир. Режалаштириш прокуратура фаолиятини аниқ ва равшан ҳолда аниқ бир мақсадга мувофиқ бўлиши учун қўлланилади. Режалаштириш ишнинг аниқ кўринишларини белгилашда, кучларнинг тўғри тақсимланиши ҳамда, имкониятлардан максимал даражада фойдаланишда ва қонунийликни ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Назорат қилувчи органлар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва ҳоказолардан талаб қилиб олинган ахборот материаллари режалаштириш учун база бўлиб хизмат қилади. Режалаштириш ишлари аниқ бир туман, вилоят ва республика миқёсида уларнинг шарт-шароитларига қараб амалга оширилади.

Айтиб ўтганимиздек, режалаштириш аниқ бир ҳудудда тузилади, бироқ туманда тузилган режалаштиришдан вилоят прокуратурасида тузилган режалаштириш фарқ қилади, масалан, агар туман прокуратурасининг режасида қонуннинг ижросини текшириш вазифаси қўйилса, вилоят прокуратурасининг режасида эса, ижрони ташкил этиш йўллари ифода этилади. Прокуратура органларида ишларни ташкил қилиш режали тартибда амалга оширилади. Ишни режали тартибда амалга ошириш юқори турувчи прокуратура томонидан қуйи турувчи прокуратура органлари фаолиятини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга, бунинг учун эса Республика Бош прокурори томонидан тасдиқланган режа асос бўлади.

Кўриниб турибдики, режалаштириш юқоридан пастга қараб боради, яъни вилоят прокуратурасида тузилган режалаштириш туман прокуратураси учун мажбурий характер касб этади. Ҳозирги вақтда туман прокуратураларида режалаштиришнинг аксарият қисми вилоят ва республика прокуратурасида тузилган режаларнинг келиб тушганидан кейин амалга оширилади. Юқори органларнинг режаларида, кўпинча, аниқ бир туман (шаҳар) прокуратураси амалга ошириши лозим бўлган чора-тадбирлар баён этилган бўлади.

Режалаштиришда бир қатор масалалар, йўллар белгилаб олинади, чунончи:

Биринчи навбатда ҳал қилинадиган муаммолар ҳамда маълум бир вақт давомида амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинади;

Мазкур муаммоларни ҳал қилиш учун керакли бўладиган дастур ишлаб чиқилади ва ана шу дастур асосида назорат олиб борилади;

Белгиланган режа асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти мувофиқлаштириб турилади;

Амалга ошириладиган ишларнинг ва белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши устидан жавобгарликни белгилайди;

Прокуратура органларида ишлар ташкилий режали асосда ташкил қилинади;

Режани тузишда ички меҳнат тақсимотига риоя қилинади.

Кўриниб турибдики, режалаштиришда ҳал этилиши зарур бўлган прокурор назоратига дахлдор масалаларгина эмас, балки белгиланган мақсадларни бажариш бўйича чора-тадбирлар дастурини аниқлаш, прокуратуранинг бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари билан ҳамжиҳатлик қилиш шаклларини, ишлаб чиқилган чора-тадбирларни белгиланган муддатда бажариш учун шахсан масъул шахсларни белгилаш ҳам кўзда тутилади.

Прокуратура органларида режалаштириш уч хилда бўлади:

1. **Жорий режалаштириш** - бунда ҳар 6 ойда ёки ярим йил давомида амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинади.

2. **Истиқболли режалаштириш**- бу 3-5 йилга мўлжалланган.

3. **Қисқа вақтли** (ҳафталик, ҳар кунлик) **режалаштириш**-бўлиб прокуратура органларининг келгуси фаолият йўналишлари олдиндан белгилаб олинади.

Режалаштиришни тузувчи масъул шахслар ушбу ҳаракатни амалга ошираётган вақтларида шаҳардаги, вилоятдаги, Республикадаги жиноятчиликнинг ва қонунчиликнинг аҳволини чуқур таҳлил этиб, ҳолда ўша ҳудуддаги шарт-шароитларни инобатга олиб ўз фаолиятларини амалга оширишлари лозим. Режалаштиришни тузишдан мақсад фақат амалга ошириладиган вазифаларни белгилаб олишдан иборат бўлиб қолмасдан, балки режалаштириш асосида эришиладиган ютуқларни ҳам ўз ичига олади.

Бош прокуратурада режалаштириш тузилаётган вақтда ҳудуддаги прокуратура органлари амалга ошириладиган тадбирлар тўғрисида ўзларининг таклифлари билан чиқадилар. Бу таклифлар коллегиал орган томонидан кўриб чиқилиб, кейинчалик аниқ бир жорий ёки истиқболли режалаштириш тузилади, ҳамда ушбу режалаштириш вилоят ва туман прокурорлари томонидан бажарилиши лозим бўлади. Бундан ташқари вилоят ва туман прокурорлари ўз режаларида, яъни ишларни режалаштиришда ўша ҳудуд учун мақбул бўлган чора-тадбирларни ҳам киритишлари мумкин.

Прокурорлар режалаштиришни тузаётган вақтларида асосий эътиборни жамиятнинг «заиф» нуқталарига қаратишлари керак, мисол қилиб, маълум бир туманда вояга етмаганлар томонидан жиноятчилик содир этилишининг ўсиб бориши; бундай ҳолларда прокурор режалаштиришда вояга етмаганлар билан ишлаш чора-тадбирларини кучайтиришлари лозим.

Режалаштириш прокуратура органларининг фақатгина бир бўлимига эмас, балки бир неча бўлимининг зиммасига юклатилади, мисол қилиб, 3-4 бўлимнинг ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка қарши кураш амалиётини умумлаштириш-прокурорлик назорати бўлими-корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ташқи муҳитни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларнинг ижроси устидан прокурорлик назорати амалиётини умумлаштириш; тергов бўлими – экология тўғрисидаги қонунлар қўпол равишда бузил-

ганлиги муносабати билан қўзғатилган жиноят ишлари бўйича тергов ва суриштирув устидан прокурорлик назорати амалиётини умумлаштириш; жиноят ишларини судларда кўриб чиқишда иштирок этиш бўлими – экология тўғрисидаги қонунларнинг бузилганлигига доир жиноят ишлари бўйича чиқарилган ҳукмларнинг қай даражада қонуний эканлигини таъминлаш амалиётини умумлаштириш.

Қуйи турувчи прокуратураларда, асосан туман, шаҳар прокуратураларида режалаштиришнинг сифатли бўлишлиги ва мақбул бўлиши ҳамда ижро этилганда қийинчиликларсиз бажарилиши учун режалаштириш, А.П.Сафановнинг фикрига кўра, юқори поғонада турувчи прокуратура органи режа тузишдан олдин қуйи прокуратура органларининг муайян масала юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини сўраб олиши, сўнгра қуйидан келган таклифлар асосида юқоридан пастга қараб режалаштириш лозим. Режалаштиришнинг муваффақиятли бўлиши прокуратура органи раҳбарлари режалаштиришда кўзланган масалалар ва амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг устидан доимий назорат олиб боришларидадир.

Режалаштириш қонунийликни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил этиш натижасига асосланиши лозим. Лекин, ҳамма вақт ҳам бошқариш фақат таҳлилот рақамларига боғланиб қолмаслиги, аниқланган рақамлардан прокуратура идорасини оқилона бошқаришда фойдаланилиш услубларидан бири бўлиб қолмоғи лозим. Бу борада режалаштириш ва ахборот-таҳлилот маълумотлари бир мақсадда ўзаро муштараклашиши керак.

Режалаштириш асосида прокуратура фаолиятида маълум бир мақсадга йўналтирилган тадбирларни белгилаш ва бу тадбирлар ижросини таъмин этиш амалга оширилади.

Режалаштириш асосида ташкил этилган тадбирларга: прокуратура органи фаолиятини маълум бир вақт ичидаги, чорак, ярим йиллик, 9 ойлик, йиллик вақт мобайнидаги амалга оширган ишларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш, прокурор назорати фаолиятининг маълум бир йўналишлари бўйича ижобий амалиётни вужудга келтириш, ходимларнинг ишчанлик ва касбий малакасини ошириш учун ҳайъат мажлисларида муҳокама қилиш ва бошқалар киради.

Режалаштириш тури сифатида жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги прокурорнинг фаолиятини (мажлислар ўтказиш, таҳлил қилиш, тегишли чора ва тадбирлар белгилаш) ҳам эътироф этса бўлади.

5-§. Ижро устидан назорат ва раҳбарлик

Бевосита прокуратура органларининг асосий фаолият йўналишлардан бири ҳисобланади. Ижро устидан назорат ва раҳбарлик доимий ва ҳаракатланувчи бўлиши керак. Бунинг учун эса раҳбар ходимлар-прокурорлар масъулдирлар. Ижро устидан назорат мамлакатдаги қонунчилик устидан аниқ ва бир хилда прокурорлик назоратини олиб боришни таъминлайди. Бунда Бош прокурор томонидан чиқарилган буйруқлар асосий ўрин тутади. Буйруқлардаги ҳарактерли томон шундаки, амалга ошириладиган тадбирлар устидан назорат олиб бориш аниқ бир бўлим раҳбариятига юклатилиши қайд этилган.

Бош прокуратура ижро устидан назоратни олиб боришда ҳамма бўлим ва бошқармалар жалб қилинган, бу ўринда прокуратура органларининг бўлим, бошқарма бошлиқлари асосий роль ўйнайдилар, чунки уларнинг ўзи назорат тизимини бошқариб борадилар. Ижро устидан назоратни мувофиқлаштиришда мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилади.

Ижро устидан назорат қилишнинг энг мақбул шакли бу ёзма ҳисоботлар ёки оғзаки докладлар, қайсики бажарилиши лозим бўлган ишлар ва топшириқ қай даражада бажарилганлигини акс эттирмоғи лозим.

Назорат қилишнинг яна бир шакли ижрони жойида текшириш. Ушбу шаклнинг ижобий тарафлари шундаки, ижро жойида текширилганда ижрони кечиктирган ёки унинг бажарилишига тўсқинлик қилган ҳолатларни аниқлаб қолмай, балки уларнинг олдини олиш чораларини ҳам кўрсатади.

Назорат қилишдан асосий мақсад-прокуратура идоралари томонидан олиб бориладиган ижро устидан назорат ва раҳбарлик қилишда қонунлар ва Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмаларининг ижросини яхлит амалга ошириш ҳамда уларнинг қоғозда қолиб кетмаслигини таъминлаш.

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ҳарбий ва Транспорт прокурорлари аппаратларининг ташкилий иши прокуратура фаолиятини такомиллаштириш, қуйи органлар устидан раҳбарлик қилишни яхшилаш, прокурорлик назоратининг асосий йўналишларидаги фаолияти ва самарадорлигини юксалтириш, қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашда ижобий натижаларга эришишга йўналтириш.

Ташкилий-назорат тармоқларининг аппарат ва қуйи органлар ишини тубдан янада такомиллаштиришда янгичасига раҳбарлик қилиш усулларини ишлаб чиқариш, прокурор-тергов ходимларининг касб маҳорати ва маданиятини яхшилаш ҳамда ижро интизомини мустаҳкамлаш борасидаги иштироки ва таъсирини ошириш.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Транспорт ва Ҳарбий прокуратуралари ҳайъатларининг таркибига прокурорларнинг ташкилий-назорат ва таҳлилот бўйича катта ёрдамчиларини киритишни зарар деб ҳисоблаш.

2. Ташкилий-назорат хизматчилари асосий эътиборни тармоқлар орасидаги ҳамжиҳатликни ўрнатишга, бошқарма ва бўлимларнинг қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботнинг долзарб муаммоларини ҳал этишдаги соҳалараро тарқоқлик ва тор доирадаги иш юритишни бартараф этишга қаратиш.

Предметлилик принципини тиклаш ва тадбиқ этиш долзарб масала ҳисобланади. Ишни предметлар бўйича ташкил қилиш муттасил равишда текшириб бориш, бу ишдаги сусткашликка нисбатан қатъий чоралар кўрилиб, йўл қўйилаётган нуқсонларни бартараф қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаб прокуратура ҳайъатларига киритиш.

Таркибий тармоқларнинг комплекс ёндашувини талаб қилган бошқа масалалар борасидаги ҳамжиҳатликни доимий назорат остига олиш.

3. Асослантирилган қарорларни ишлаб чиқариш мақсадида масалаларни ҳайъат муҳокамасига пухта тайёрлашга, тақдим этилаётган ҳужжатларнинг сифатига талабни кучайтириш, юзаки тайёрланган ҳужжатларни қайтадан тайёрлаш учун юбориш. Ижрочилардан қарорларнинг лойиҳалари ишларининг аҳволига, мансабдор шахсларнинг фаолиятига берилган баҳоларнинг му-

жассамлиги, аниқ вазифаларни, уларни бажариш услублари ва муҳлатларини белгилашни талаб қилиш.

Қабул қилинган қарорларни бажаришни ташкиллаштириш устидан доимий назоратни амалга ошириш, натижалари ҳақида ҳайъатга даврий равишда ахборот бериб бориш. Зарур бўлганда аппаратдаги тармоқлар ва қуйи прокурорлар фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф қилиш масаласини қўйиш. Даврий равишда ҳайъат иши умумлаштирилиб, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш.

Ижро устидан назорат ва раҳбарлик ҳужжатлари

Қуйи прокуратура органларига ижро этилиши талаб қилиниб юбориладиган ҳужжатлар (топшириқ, кўрсатма, танбех) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқлари ва кўрсатмалари, ҳайъат қарорлари, иш режалари, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тайёрланади.

Ахборот-услубий хусусиятидаги ҳужжатлар (йўналтирувчи хат, ижобий иш тажрибасини оммалаштириш ҳақидаги хат) эса муайян соҳадаги иш жараёнини такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш, таҳлилий фаолият имкониятларидан кенг фойдаланишга йўналиш бериш мақсадида тайёрланади.

Ижроси барча прокуратура органларига тааллуқли бўлган ҳужжатлар (якка тартибдаги топшириқлар бундан мустасно) ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси билан келишилган ҳолда тайёрланади ва фақат Бош прокурор ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланади. Режалаштирилган даврда фаолияти комплекс текширилиши лозим бўлган прокуратурага, қоида тариқасида, топшириқ юборилмайди.

Такрорийлик ва иш хажмининг сунъий ортиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида қуйи прокуратура органларига ижро этилиши талаб қилиниб юбориладиган ҳужжатларнинг ҳисоби ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси томонидан юритилади ва уларнинг нусхалари жамланади.

Иш режаси бўйича топшириққа барча ижрочилар билан келишилган ҳолда вазифалар аниқ баён этилган, аниқланиши лозим бўлган масалалар ва ижро муддати кўрсатилган бўлиши керак.

Бош прокуратура бошқарма ва бўлимларига умумий тарзда ижро қилиш учун топшириқ ва кўрсатма тарзидаги ҳужжатлар бериш фақат Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

Муайян мурожаатларни ҳал этиш билан боғлиқ, шунингдек, якка тартибдаги бошқа масалаларга доир топшириқлар вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга бошқармалар (бўлим) бошлиқлари томонидан юборилади.

Йўналтирувчи хатлар, услубий қўлланмалар ва ахборот-таҳлил йўналишидаги, шунингдек, қуйи прокуратура органларининг муайян соҳалар бўйича фаолиятини ижобий деб топиш, уни оммалаштириш ҳақидаги ҳужжатлар тегишли тармоқлар томонидан тайёрланиб, ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси билан келишилганидан сўнг Бош прокурор ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланади.

Топшириқ, йўналтирувчи хатлар ва услубий қўлланмаларни кучайтириш, жойларга юбориш фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими томонидан амалга оширилади.

Бундай ҳужжатларни телетайп ёки телефакс орқали жўнатиш ҳам худди шу тарзда амалга оширилади.

Ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси ижро этилиши талаб қилинадиган ва ахборот-услубий хусусиятидаги ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда жойларга юбориш амалиётини вақти-вақти билан умумлаштириб боради ва бу фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади.

Прокуратура органларида иш юритиш ва ижрони назорат қилиш тартиби Бош прокурор буйруғига мувофиқ тасдиқланган йўриқнома билан белгиланади.

Бош прокурорнинг ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳужжатлари, Бош прокуратура ҳайъати қарорлари, тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошираднган органлар раҳбарларининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши қарорлари ижроси, режадаги тадбирлар, шунингдек, бошқа ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назорат Бош прокурор, Бош

прокурорнинг ўринбосарлари, бошқарма ва бўлимларнинг бошлиқлари, шунингдек, ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси томонидан таъминланади.

Бош прокурор томонидан назоратга олиниб, ижро ва назорат учун Бош прокурор ўринбосарларига берилган ҳужжатлар бўйича рўйхатда биринчи қайд қилинган Бош прокурор ўринбосари ижро учун асосий масъул ҳисобланади. Рўйхатда кўрсатилган Бош прокурорнинг бошқа ўринбосарлари фаолиятига ўзлари раҳбарлик қилаётган тармоқлар томонидан масаланинг ҳал этилишида, умумлаштирилган ҳужжатлар тузилишида асосий ижрочига кўмак берилишини ташкил қиладилар.

Бош прокурор томонидан назоратга олинган муайян ҳужжат ижро ва назорат учун Бош прокурор ўринбосарига берилганидан сўнг, Бош прокурор ўринбосари хужжатни фаолиятига ўзи раҳбарлик қилаётган тармоқ бошлиғини масъул қилиб белгилаб, бошқа тармоқ бошлиқларини ҳам ҳужжат ижросида иштирок этишга жалб қилиши мумкин. Бундай ҳужжатнинг кейинчалик бошқа тармоққа тааллуқлилиги аниқланган тақдирда, масъул ижрочи ва назорат қилувчи раҳбарнинг алмаштирилиши фақат Бош прокурор розилиги асосида амалга оширилади.

Назоратга олинган ҳар бир ҳужжатга фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлимида назорат варақачаси тўлдирилади ҳамда бошқарма ва бўлимларда назорат иши очилади. Назорат ишида ҳужжат ижросига тааллуқли жамланма ахборот ва бошқа маълумотлар бўлади.

Фуқаролар ва юридик шахслар мурожаатлари, топшириқлар ва назоратга олинган бошқа ҳужжатлар рўйхати компьютерга киритилиб, уларнинг ижроси назорат қилиниши мумкин.

Прокуратура раҳбарияти томонидан алоҳида масалалар ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича ижро учун берилган топшириқлар, кўрсатмалар, шунингдек, ҳайъат мажлислари, тезкор йиғилишлар қарорлари ва бошқа ҳужжатлар, агар уларда муайян муддат кўрсатилган бўлмаса, қоида тариқасида, узоғи билан бир йил назоратда туради ва иш юритиш бўйича ўрнатилган тартибга мувофиқ сақлаш учун идоравий архивга топширилади.

Бош прокурор ва унинг ўринбосарларининг топшириқлари, шу жумладан, мурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ топшириқлари бошқарма ва бўлимларнинг бошлиқлари ҳамда Бош прокурорнинг ёрдамчиси томонидан назорат қилинади.

Назоратга олинган ҳужжатларнинг кўриб чиқилиши ҳамда муддатларига риоя этилиши ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси томонидан назорат қилиб борилади.

Бош прокурор томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси ва Сенатига, шунингдек, вазирликлар ва идораларга юборилган ҳужжатларнинг (ахборотлар, тақдимномалар, Бош прокуратурада тайёрланган қонунлар, фармонлар, қарорларнинг лойиҳалари ва бошқалар) ҳаракати ҳамда уларнинг кўриб чиқилиши натижалари устидан назорат Бош прокурор ўринбосарлари томонидан фаолият йўналишлари бўйича таъминланади.

Ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси ҳужжатлар ижроси устидан назоратнинг таъминланиши, ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳужжатларнинг тайёрланиши ҳамда Бош прокуратуранинг регламентига риоя этилиши аҳволини вақти-вақти билан текшириб туради, зарур ҳужжатлар ва маълумотларни талаб қилиб олади, почта жўнатмаларини тўхтатиб туради. Белгиланган тартибнинг бузилиши аниқланган тақдирда, жўнатишга тайёрланган ҳужжатларни қайтариб олади ҳамда камчиликларни бартараф этиш ва олдини олиш чораларини кўради. Алоҳида эътибор ишни режалаштиришга қаратилади. Бу жабҳага қонунбузарликларнинг олдини олиш юзасидан кучларни бирлаштириш, ҳуқуқбузарлар билан курашни такомиллаштиришнинг самарали воситаси деб қаралиши лозим. Ҳуқуқий давлатнинг барпо этилиши, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шароитида қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти, вазирлар Маҳкамасининг иқтисодиётни ислоҳ қилиш, ижтимоий-сиёсий вазифани барқарорлаштириш ва фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини турли тажовузлардан муҳофаза қилишга йўналтирилган фармон ва қарорларининг ижроси устидан назорат қилиш асосий йўналиши деб ҳисоблаш керак.

Режа лойиҳаларини тайёрлашда Республика ва вилоятлар прокуратуралари аппаратларининг диққатига бўйсунувчи орган-

лар устидан раҳбарликни такомиллаштиришга, прокуратура органларининг иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар билан кураш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўриқлаш борасидаги имкониятларини бирлаштиришга қаратиш, қонунчилик аҳволидан келиб чиқмайдиган умумлаштирув ва текширувларга йўл қўймаслик лозим.

Таркибий тармоқларнинг раҳбарлари қонунлар, республика Президенти фармонларининг талаблари, фуқароларнинг қонунбузарликлар ҳақидаги мурожаат ва хабарларининг мазмуни тергов натижалари ва назорат идораларининг тадбирлари ҳамда жойлардаги ҳақиқий аҳволга асосланган таклифлар киритадилар.

Ташкилий-назорат ва таҳлилот тармоқларининг ходимлари режавий интизомий бузилиши ҳолатлари бўйича хизмат текширувини ўтказиб, раҳбарият олдига айбдор ходимларни жазолаш масалаларини қўйишлари лозим.

Қуйи прокуратураларнинг иш доирасини чегаралаб қўйиш ва қоғозбозликка қарши курашни кучайтириш, қуйи прокуратураларга буйруқ, кўрсатма, режалардан ташқари топшириқлар, хат ва хабарларни юбориш юзасидан республика Бош прокурори томонидан ўрнатилган тартибга оғишмай риоя қилиш лозим. Мазкур хўжжатларни юбориш ҳайъат муҳокамасидан ўтган бўлиши ёхуд прокуратура раҳбарияти билан келишилган бўлиши шарт.

Республика прокуратурасининг барча тармоқларини қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш маркази билан биргаликда ишни ташкил қилишнинг илғор тажрибаларини аниқлаб жойларга тарқатилади.

Аппарат тармоқлари ва қуйи прокуратураларда ишни ташкил қилиш ва ижро интизомининг аҳволи муттасил равишда текшириб борилиши керак. Ташкилий-назорат тармоқларининг ходимлари хизмат мажбуриятларини бажариш, ишни ташкил қилиш ва назоратни амалга оширишда аниқланган барча камчиликлар бўйича уларнинг сабабларини аниқлаб, бартараф қилиш чораларини кўрадилар. Зарур ҳолларда тегишли ходимлардан прокуратура раҳбарлари номига ёзма тушунтириш талаб этилади.

Қуйи прокуратураларни текширишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг талабларига қатъий риоя қилиш зарур. Текширув гуруҳларига малакали вазиятни, давлат тилини биладиган ходимлар киритилади. Бу гуруҳларга прокуратура раҳбарлари, ҳайъат аъзолари ва тармоқ бошлиқлари раҳбарлик қилади. Қоида тариқасида прокуратура фаолияти тўлиқ ҳажмда ялпи текширилиб, натижалари муқаддам аниқланган нуқсонлар юзасидан қабул қилинган қарорларни ҳисобга олган ҳолда холисона кўриб чиқилади.

Қуйи прокуратураларга чиқишда алоҳида эътибор мураккаб шароитда ишни ташкил қилишда ёрдам беришга, қонунчиликни ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш муаммоларини ҳал қилишга янгича ёндошишга, уларни бошқа прокуратураларга ҳам тадбиқ этишга қаратиш лозим. Ишни ташкил қилиш, республика Бош прокурорининг асосий буйруқларини ижро этиш масалалари юзасидан ўтказиладиган текширувларда фаол иштирок этиш, ташаббускор ходимлар аниқланиб, қўллаб қувватланиш ва бошқалар назарда тутилган.

6-§. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг қабулини ташкил этиш

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (аризалар, таклифлар, шикоятлар), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Девони, Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенати, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий Марказ, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, республика бошқарув идоралари жамоат бирлашмалари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар, жамғармалар ҳамда хорижий давлатлар ваколатхоналари, оммавий ахборот воситалари вакилларидан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва мурожаат этувчилар қабул қилинишини ташкил этиш амалдаги қонун ҳужжатларига, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида

фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқномага мувофиқ белгиланади.

Бош прокурорнинг ўринбосарлари, бошқарма ва бўлимлар бошлиқлари мурожаатларнинг тўлиқ, ўз вақтида ҳамда малакали тарзда кўриб чиқилишини таъминловчи чора-тадбирларни кўрадилар.

Мурожаатлар бир тармоқдан бошқасига бошқарма, бўлим бошлиғининг асослантирилган билдиргиси ва Бош прокурор ўринбосарининг розилиги асосида ўтказилади.

Агар мурожаат назоратга олинган бўлса, бу ҳақда фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими ҳамда ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси албатта хабардор қилинади.

Мурожаатда бир неча бошқарма ва бўлимларнинг ваколат доирасига тааллуқли масалалар бўлса, ижрочилар орасида номи биринчи бўлиб қайд этилган бошқарма, бўлим раҳбари масъул ҳисобланади.

Масъул раҳбар мурожаатнинг нусхаларини бошқа ижрочиларга топширилиши, зарур ҳолларда муддатлар узайтирилиши, текшириш бўйича ягона топшириқ тайёрланиши ва бошқа ижрочилардан ушбу мурожаатга тааллуқли ҳужжатларнинг нусхаларини олиб, дастлабки, оралиқ ва моҳиятан асослантирилган якуний жавоблар юборилишини таъминлайди.

Ҳал этилиши Бош прокурор томонидан назоратга олинган мурожаатлар бўйича муаллифга жавоблар фақат Бош прокурорга ахборот берилганидан кейингина юборилади.

Ҳал этилиши Бош прокурорнинг ўринбосарлари томонидан назоратга олинган мурожаатлар ҳам худди шу тартибда ҳал этилади.

Фуқаролар ва юридик шахслар ёки уларнинг вакилларини қабул қилиш фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими томонидан амалга оширилади.

Бош прокурор қабулига Бош прокурор ўринбосарларининг қарорларидан норози бўлган фуқаролар киритилади.

Бош прокурор ўринбосарлари томонидан Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлимлари ҳамда вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлариинг қарорларидан норози бўлиб мурожаат қилган фуқаролар қабул қилинади.

Фуқароларнинг мурожаатлари ва хатлар бўлими прокуратура раҳбарияти қабулига келган фуқаро (вакил)нинг аввалги мурожаати бўйича тўпланган ҳужжатларни ўрганиб, ахборот беради.

Бошқарма ва бўлимларнинг бошлиқлари шу тармоққа тааллуқли масала юзасидан келган фуқароларни қабул қиладилар.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида 2004 йил 10 декабр 37-сон буйруғи билан тартибга солинади. Буйруқ талаблари юқорида қайд этилган.

Муҳокама этилаётган масала юзасидан ҳам Бош прокурорнинг махсус йўриқномаси ва низоми қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 23 апрелдаги 16–сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими тўғрисида»ги НИЗОМ ҳам мавжуд бўлиб, дарсликнинг илгариги мавзуларида бу Низом ҳақида тўхталиб ўтилган.

7-§. Ҳисобдорлик, ҳисоб ва ҳисобот

Прокуратура идораларида ҳисоб ва ҳисобот масаласи ҳам прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари билан бевосита боғлиқдир. Прокуратура органлари ягона марказлашган тизимни ташкил этиши муносабати билан қўйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсуниши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатиши принципининг амал қилиши прокуратура идораларидаги ҳисоб ва ҳисоботнинг юритилиш мезони айнан қандай бўлиши кераклиги белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, қонун ости ҳужжатларида белгиланган вазифа ва ваколатларидан келиб чиққан ҳолда қуйи турувчи прокурорларнинг юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига

бўйсуниши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатиши билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўзларига юклатилган вазифа ва ваколатларни қандай амалга ошираётганликлари тўғрисида доимий ва мунтазам равишда ҳар ойлик, ҳар чорак, ҳар ярим йиллик ва йиллик ҳисоботларни қуйидан юқорига тақдим этиб турадилар. Юқори турувчи прокурор қуйи турувчи прокурорга кўрсатмалар беришга ёхуд унинг ҳар қандай, шу жумладан процессуал қарорини ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақли эканлиги, ўз бўйсунувидаги барча прокурорларнинг ишлари тўғри ташкил этилиши учун тўлиқ жавобгарлик принципининг амал қилиши ҳисоб ва ҳисоботни тўлиқ ва тўғри олиб борилишининг кафолати ҳисобланади. Прокуратура фаолиятининг ҳар бир йўналиши ва фаолият тармоқлари бўйича туман, шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокурорлар вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокурорларга ҳисобот берадилар. Вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокурорлар эса, ўз ўрнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига ҳисобот берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисобдорлиги Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасида белгиланган бўлиб, унда кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентига:

қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида - мунтазам равишда;

ўта оғир жиноятлар ва фавқулодда ҳодисалар тўғрисида зудлик билан;

прокуратура органлари амалга оширган ишлар тўғрисида-ҳар олти ойда ахборот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўз фаолияти ҳақида мунтазам Равишда ҳисобот беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни 15-моддасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси

прокурори Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори олдида ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга тегишли прокурорлар раҳбарлик қиладилар, улар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунадилар ва унинг олдида ҳисобдордирлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ, туманлар, шаҳарлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга тегишли прокурорлар раҳбарлик қиладилар ва улар юқори турувчи тегишли прокурорга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунадилар ва уларнинг олдида ҳисобдордирлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, Вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар халқ депутатлари тегишли Кенгашларига, зарурат бўлган ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ

“Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2004 йил 9 декабрь 31-сон

Б У Й Р У Ғ Ида

1.6. Вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар халқ депутатлари тегишли Кенгашларига, зарурат бўлган ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот бериб борсинлар деган талаб ҳам мавжудлигига прокурорлар эътибор беришлари лозимлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида жами бўлиб, ет-тита штат бирлигидан иборат “Ташкилий назорат ва таҳлилот бошқармаси” мавжуд. Вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар, туман, шаҳарлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратура органларида ҳам ташкилий назорат ва таҳлилот бўйича бўлим ёинки, катта ёрдамчилар мавжуд. Мазкур бўлим прокуратура органлари олдида турган асосий вазифалар ва қонунчиликдаги тегишли ўзгартиришларни ҳисобга олиб статистик ҳисобот миқдорларини ишлаб чиқади, прокуратура органларида статистик ҳисобот бўйича йўриқномалар чиқаради. Прокуратура органлари фаолиятининг барча соҳалари бўйича ўрнатилган статистик ҳисобот миқдорларини қабул қилади ва қайта ишлайди.

Қабул қилинган ва қайта ишланган маълумотларни таҳлил қилиб, Ички ишлар вазирлиги ҳамда адлия вазирлиги, суд органлари ҳисоботлари миқдорларидан фойдаланган ҳолда, жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таҳлилий ишларни амалга оширади. Бу шахслар:

А). ўз прокуратурасида дастлабки ҳисобни ташкил қиладилар ва ўз прокуратура фаолияти тўғрисида статистик ҳисобот тайёрлайдилар;

Б) туман(шаҳар) прокурорларидан олинган статистик ҳисоботларни тўплайдилар ва ҳал қиладилар ҳамда ҳисоб ва ҳисобот масалаларида туман (шаҳар) прокурорларига тегишли кўрсатма ва тушунчалар берадилар.

Туман ва шаҳар прокуратураларида статистик ҳисобот бевосита прокурор томонидан тайёрланади. Бу ишни жамоатчи ёрдамчиларга, котибларга, ҳамда бошқа шахсларга топшириш тақиқланади.

Прокурор ҳисоботини шахсан тайёрлар экан, аён бўлган камчиликларни бартараф қилиш мақсадида, туман ёки шаҳар прокуратураси фаолиятини яхшилашда статистик миқдорлардан тезкор фойдаланиши керак.

Бирламчи ҳисоб ҳужжатлар (статистик варақалар, ҳисобот журналлари ва бошқа материаллар)и ички ишлар органлари, Прокуратура, Солиқ, Валютага оид жиноятлар ва жиноий йўл би-

лан топилган даромодларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти, Божхона хизмати, МХХ кабиларнинг расмий ҳисобдорлиги (ойлик, ярим йиллик, йиллик)нинг асосини ташкил этади.

Прокуратура тўғрисидаги қонунга кўра Бош прокурорга жиноятчиликка қарши кураш самарадролигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати идоралари билан биргаликда жиноятчилик ҳолати, жиноятчиликнинг очилиши борасида прокурор назорати ва тергов ҳаракатлари тўғрисида ягона ҳисоб методикаси ва тизимини, шунингдек прокуратура органларида ягона ҳисобдорликни тақдим этиш қоидаларини ўрнатади.

Жиноятчиликнинг ягона ҳисоби тамойилларига мувофиқ давлат статистик ҳисобдорлиги ИИВда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бирга (ўзларининг ваколат доираларида) Бош прокуратура билан келишиб ишлаб чиқилади ва Давстатқўм қарори билан тасдиқланади. Давлат статистик ҳисобдорлиги органлари, прокуратура, Солиқ, Валютага оид жиноятлар ва жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти ва божхона хизмати органларининг жиноятчилик тўғрисида 95%дан кўпроқ ҳисобга олинган криминалогик ҳолатлари асосида жамланади ва Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Ахборот Маркази –(ИЦ) да умумлаштирилади.

Умумлаштирилган давлат статистик ҳисобдорлигига МХХ ва Ҳарбий прокуратура маълумотлари киритилмайди. Бизга яқин қўшни бўлган РФнинг амалиётига назар ташласак, 1993 йилги “Давлат сирлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ жиноят ҳақидаги маълумотлар, фуқороларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи ҳаракатлар, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунийликни бузиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар давлат сирларига кирмаслиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасида ҳали бундай қонун ишлаб чиқилмаган. Жиноятчилик ҳақидаги маълумотларни тўлиқ ошкора қилиб бўлмайди. Шунинг

учун бу маълумотлар конфиденциал ҳисобланади ва давлат статистика ҳисобдорлигига киритилмайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг давлат статистик ҳисобдорлиги 5 формадан иборат.

1). Рўйхатга олинган, очилган ва очилмай қолган жиноятлар бўйича ҳисобот (Ф.№1, ярим йиллик, ИИВ ва Давстатқўмга тақдим этилади).

2). Жиноятчилик тўғрисида ягона ҳисоб (Ф.№1-Г, йиллик, ИИВ ва Давстатқўм га тақдим этилади).

3). Жиноят содир этган шахслар бўйича ҳисоб (Ф№2, ярим йиллик, ИИВ ва Давстатқўм га тақдим этилади). Бунда жиноятчи шахси тўғрисида тўлиқ маълумотлар мавжуд бўлади.

4). Тергов ҳаракатлари бўйича ҳисоб (Ф№1-Е, ярим йиллик, Бош прокуратура ва Давстатқўм га тақдим этилади).

5). Прокурор фаолиятининг ҳисоби (Ф.П. ярим йиллик, Бош прокуратура ва Давстатқўм га тақдим этилади). Бунда қонунларга риоя қилиш ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлиги, дастлабки терговнинг ва суриштирувнинг қонунийлиги, озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назорати натижалари, шунингдек прокурорнинг жиноий, фуқоролик ва хўжалик ишларини кўришда иштироки натижалари кўрсатилади.

Ҳуқуқ масалалари буйича кундалик статистикада **прокурор фоалияти таҳлили** алоҳида ўрин тутади. Прокурор фоалияти бўйича ҳам ҳар ойда Ахборот Марказига ҳамда бевосита ўзининг юқори ташкилотига давлат статистик ҳисоботи берилади. Ҳисоботда прокуратура қонундида кўрсатилган прокурорнинг барча вазифалари ўз аксини топади.

Қуйидаги статистик ҳисоботлардаги ҳолатларга қараб прокурорнинг қонунларнинг ижроси устидан қандай назоротни амалга ошираётганлигига баҳо бериш мумкин бўлади:

- қонунлар ижроси устидан назорат (умумий назорат фаолияти);
- инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги бузилмаётганлиги;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг суруштирув ва тергов ҳаракатлари қонун доирасида амал қилинишлиги;

- жиноят иши кўзғатилиши асослари, жиноят ишининг тўхтатилиши, бекор қилиниши, тергов ва суриштирув ҳаракатларининг қонуний олиб борилиши, вақтинча гумондорни ушлаш ва ҳибсга олиш ва ҳоказо.
- ушлаб турилганлар, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган шахсларни вақтинча сақлаш хоналарида ҳамда тергов қамоқхоналарида сақланаётган фуқароларнинг қонунда белгиланган тартибда сақланиши;
- прокурорнинг жиноий, хўжалик суди ва фуқоралик ишларини судларда кўришда иштироки;
- суд қарорларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат;
- жиноий жазоларни ижро этиш муассасаларида қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорати;
- махсус тартибли корхоналарда қонунларга риоя этилиши устидан назорат;
- прокурорнинг корхоналар, ташкилотлар, фуқаролардан келган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиши,
- прокурорнинг матбуотда чиқишлари.

8-§. Жиноятчиликка қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш

Прокуратура органига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар орқали қонунлар ижроси устидан назорат функциясидан ташқари, бир вақтнинг ўзида жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси ҳам юклатилгандир. Шу мунособат билан ҳам барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳар ой, чорак ва йиллик ҳисоботларини прокурорларга топширадилар.

Прокурорлар бу статистик ҳисоботлардан содир этилган жиноятлар, уларнинг характери, жиноятларнинг келиб чиқиш шарт-шароитлари, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, ким томонидан содир этилганлиги, кимга нисбатан содир этилганлиги, воқеа содир этилган жой, вақт, жиноят содир этиш

услуби, жиноят қуролининг тури ва ҳаказолар ҳақидаги маълумотлар мажмуасидан жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирилиб, тегишли режа тузиш ва тадбирлар ўтказишда фойдаланадилар.

Координация (лотинча cordinatio – сўзидан олинган) деганда «мувофиқлик», «келишувлилик», (координациялаш) мувофиқлаштириш деганда– иштирокчилар ўртасидаги ўзаро муносабатни ўрнатиш тушунилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятчиликка қарши кураш чораларини самарали бажариш ва асосий фаолият йўналишларини келишувчилик асосида таъминлаш мақсадида ўз фаолиятларини мувофиқлаштиради.

Мувофиқлаштиришнинг асосий мақсади жиноятга қарши курашувчи структураларнинг ўзаро боғлиқ ва ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлаш, жиноятларни тез, тўла ҳар томонлама аниқлаш, тергов олиб бориш, очиш ҳамда ваколатли органларга унинг юзага келиш сабаб ва шароитларини олдини олишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Предмети – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлигини енгиллаштириш, уларнинг умумий вазифалари, уларнинг ҳар бирига хос бўлган ҳуқуқий, ташкилий, информацион ва бошқа восита, шакл ва услубларни таҳлил қилишдан иборат.

Координация натижаси жиноятчиликка қарши кураш борасида юқори чўққиларга эришиш ҳисобланади.

Бундай ваколатни қонун Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорларга беради.

Бу борада: прокурор мувофиқлаштирувчи кенгаш чақиради, статистик ва бошқа маълумотларни талаб қилади, туриш доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ўрганган ҳолда уларни бирлаштириш масаласини кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида “Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш” тартиби белгиланган бўлиб, унда кўрсатилишича, “ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаоли-

ятни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун прокурор мувофиқлаштирувчи кенгаш чақиради, ишчи гуруҳлар ташкил этади, зарур ахборот, шу жумладан статистика маълумотларини талаб қилиб олади, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади" деб қайд этилган.

9-§. Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш тушунчаси ва мувофиқлаштириш иштирокчилари

Мувофиқлаштирувчи кенгаш – барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларидан ташкил топади ва у бўлажак мажлисда тасдиқланади. Котибият таркибининг ўзгариши билан тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган раҳбари янги номзод тақдим этади. Котибият жорий ташкилий ишларни амалга оширади; иш юритишнинг махфийлиги қоидаларига риоя этган ҳолда мувофиқлаштирувт кенгаши ҳужжатларнинг расмийлаштирилишини олиб боради.

Котибият:

1.Мувофиқлаштирув кенгаши аъзолари ва таклиф этилаётган шахсларни ўтказилажак мажлис ва унда кўриладиган ҳужжатлар лойиҳалари ҳақида хабар беради;

Мувофиқлаштирув кенгаши иши режаларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таклифларини йиғиш ва тайёрлашни ташкиллаштиради;

Режа лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарларига кўриб чиқиш учун тақдим этади;

Мувофиқлаштирув кенгаши қарорлари ва режаларининг бажарилишини умумлаштириш ва даврий таҳлил қилишни амалга оширади ва натижалари ҳақида мувофиқлаштирув кенгаши Раисини ҳабардор қилади;

Кенгаш раисининг бошқа топшириқларини бажаради.

Агар ҳужжатлар лойиҳалари материалларни тайёрлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг барча ёки баъзи вакилларининг биргаликдаги иштирокини талаб қилса, мувофиқлаштирув кенгаши раиси ёки унинг ўринбосари қарори билан ишчи гуруҳлар ташкил этилади. Бундай гуруҳ раҳбари этиб, тегишли прокуратура органининг вакили ҳисобланади.

Қонунчиликда жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган тушунчаси тўғридан – тўғри белгиланмаган. Назария ва амалиётда тегишли давлат – ҳуқуқий структуралари фаолиятининг функционал таҳлили асосида бундай органлар доирасини белгилашнинг йўли ишлаб чиқилган.

Ушбу таҳлилга асосланган ҳолда жиноятчиликка қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар доирасига жиноятчиликка қарши курашга йўналтирилган, бир ёки бир қанча ҳуқуқни муҳофаза қилишга йўналтирилган функцияларни бажариш ваколатига эга бўлган тузилмаларни киритиш мумкин.

Жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилишга йўналтирилган функцияларга қуйидагилар киради:

1. оператив – қидирув фаолияти;
2. жиноят ишлари бўйича суриштирув;
3. дастлабки тергов;
4. жиноят – процессуал ва оператив – қидирув фаолиятида қонунларга риоя этилиши устидан прокурор ва суд назорати; жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларига жиноий тажовузлардан ҳимоя қилинадиган объектларни махсус ҳимоя қилиш, бундай тажовузлар олдини олиш, жиноятларни содир қилганлиги учун судланган, қамоққа олинган ёки ушлаб турилган шахсларни қўриқлаш мақсадида махсус ташкил этилган махсус ҳарбий ва бошқа тузилмалар фаолиятини киритиш мумкин. Жиноятчиликка қарши курашни мувофиқлаштиришда иштирок этувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларини бажарувчи давлат органлари турлича номланиши мумкин. Баъзида улар қайта ташкил этилиши ва бундай функцияларни бирор – биридан маҳрум этилиши ёки қайта эга бўлиши мумкин.

Баъзи давлат ҳуқуқий тузулмалари учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциялари асосий ҳисобланади. Бундай органлар одат-

да бир қанча ҳуқуқни муҳофаза қилиш фунцияларига эга бўлади. Масалан: ИИВ органлари оператив – қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов функцияларини бажаришдан ташқари турли объектларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, жиноятчиларни ушлаш функцияларини бажаради. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциялари баъзи органларнинг асосий фаолият турига қўшимча ҳисобланади. Масалан: Ўзбекистон Республикаси Давлат Чегараларини муҳофаза қилиш хизмати органлари оператив – қидирув фаолияти ва уларнинг юритувига кирувчи жиноят ишлари бўйича суриштирув ваколатларига эга. Бу органда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ваколатлари ёрдамчи бўлсада, вазифаларни лозим дажарада бажарилишининг ажралмас элементи, шартидир.

Бундай органлар ваколатлари муайян соҳадаги ҳуқуқий муносабатларга (солиқ, божхона) нисбатан амал қилади.

Жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд ҳамкорлиги суд ҳокимиятининг мустақиллиги, судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниш тамойилларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг адлия органлари ва судлар билан ҳамкорлиги қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

1. жиноятчилик ва судланганлик ҳолати ҳақида ўзаро хабардор этиш;

Суд статистикаси ва суд амалиёти материаллари маълумотларидан фойдаланиш;

Қонунчиликни мустаҳкамлаш бўйича ҳамкорликда иш олиб бориш; биргаликда семинарлар ва конференциялар ўтказиш ва бундай тадбирларга юқори савияли мутахассисларни жалб қилиш;

Биргаликдаги аҳборот хатлари, маълумотларни йўналтириш;

Олий суд в а Олий хўжалик суди Пленумлари қарорларини тайёрлашда иштирок этиш;

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштирув кенгаши мажлисларида суд вакиллари ва адлия органлари раҳбарларининг иштирок этиши.

10-§. Мувофиқлаштириш принциплари

Жиноятчиликка қарши курашиш органларининг фаолияти, мувофиқлаштиришда иштирок этувчи барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун мажбурий, белгилаган асосий меъёрий манбаларга таянган ҳолда прокурорлар томонидан мувофиқлаштирилади.

Жиноятчиликка қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш асосан **қонунийлик** тамойилига асосан амалга оширилади. Бу тамойил аввалambор прокуратуранинг ҳар бир органи, ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ва ҳар бир ходим жиноятга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнини қонунга қатъий риоя қилган ҳолда ва қонун асосида амалга оширилишини билдиради.

Мувофиқлаштиришнинг кейинги бир тамойили бу – **ўзаро ҳамкорлик** бўлиб, жиноятчиликка қарши курашувчи органлар томонидан доимий равишда жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўзаро тадбирлар ўтказиш ва биргаликда фаолият кўрсатиш ва самарали натижаларга эришиш ҳисобланади. Бу тамойилга асосан мувофиқлаштириш фаолиятининг барча иштирокчилари кенгашда кўриб чиқиш учун таклифлар киритиши, тадбирлар ишлаб чиқишда ва маслаҳатда тенг ҳуқуқлардан фойдаланишади.

Мустақиллик тамойилига асосан ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган мувофиқлаштириш кенгашининг қарори ва тадбирларини бажаришда мустақилдир. Бунда у ўз ваколатларини қонунда белгиланган ҳуқуқий мақоми бўйича, яъни тергов ва суриштирувга таалуқли бўлган қонунлар, фаолиятини белгиловчи қоида ва низом, кўрсатма ва йўриқномалар асосида амалга оширади. Ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган раҳбари мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорининг ижроси учун ўзларига тегишли қисми бўйича мустақил жавобгар ҳисобланади.

11-§. Мувофиқлаштириш фаолиятининг асосий йўналишлари ва шакллари

Мувофиқлаштириш фаолиятининг асосий йўналишлари - бу жиноятчилик ҳолатининг баргаликдаги таҳлили, унинг тизими ва

динамикаси, ривожланиш суръатини белгилаш, жиноятни аниқлаш, тергаш, фош этиш, огоҳлантириш ва олдини олиш тажрибасини ўрганиш; жиноятчиликка қарши курашиш бўйича халқаро шартномалар ва чет мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан битимлар тузиш ва келиб чиқадиган таклифларни ишлаб чиқиш тажрибасини умумлаштириш; чет эл ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ижобий тажрибаларини ўрганиш ва фаолиятда тадбиқ этишда ифодаланишдир.

Асосий йўналишлари:

Ўзаро таҳлил— жиноятчилик аҳволи, унинг статик ва динамик ҳолати, тенденцияларнинг башорати (прогнози), жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш, очиш, уни аниқлаштириш ва олдини олиш борасидаги фаолиятларҳисобланади. Бунда дастурлар ишлаб чиқилади.

Жиноятчиликка қарши кураш масаласи юзасидан информация ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Президент, Олий Мажлис ва ҳукуматга берилади.

Умумлаштириш — ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳуқуқий тартибга солиш фаолияти юзасидан амалиётни бирлаштириб, таклифлар киритишдир.

Унда қуйидагилар иштирок этадилар:

Прокуратура органлари, ички ишлар, миллий хавфсизлик, солиқ, божхона, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси (суриштирув, дастлабки тергов, тезкор – қидирув, жиноий судловда процессуал назоратни амалга оширувчи) мавжуд бўлган органлар қатнашадилар.

Мувофиқлаштириш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари иштирокида координацион кенгаш мажлислари ўтказиш;

Жиноятга қарши кураш бўйича жорий ахборот алмашуви;

Ижобий тажрибани ривожлантириш мақсадида жойларга ўзаро ҳаракат қилиш, текширув ва қуйи турувчи органларга жиноятчиликка қарши кураш юзасидан ёрдам бериш;

Аниқ жиноятларни тергов қилиш учун тергов – оператив гуруҳлар тузиш;

Аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш, ходимларнинг малакасини ошириш, семинарлар, конференциялар ўтказиш, хавфсизлик чораларини кўриш;

Ўзаро қарорлар, буйруқлар, ахборот хати, ориентировка ва бошқа ташкилий ижро ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тўпламлар тузиш, ярим йиллик ва истиқболли режалар тузиш.

Бу мақсадга эришиш учун судлар билан ҳамкорлик қилинади.

Ўзининг аҳамияти юзасидан йўналишлар – доимий ва динамикка бўлинади. Асос – ҳар бир ҳудуд, мамлакатдаги ҳуқуқий ҳолат.

Доимий йўналишга мисол қилиб тегишли давлат ҳокимият ва бошқарув органларининг қонунга мувофиқ ҳуқуқий актларини назорат қилишини келтиришимиз мумкин. Чунки улар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита таъсир кўрсатади. Динамикка эса маълум давр ичида қонунчиликка таъсир қилувчи муносабатларни тартибга солувчи нормаларни ижро этиши устидан назорат киради. Масалан: меҳнат, уй-жой, пенсия ва фуқароларнинг бошқа ҳуқуқлари.

Ижтимоий-иқтисодий, криминал ва бошқа ҳолатларни инобатга олиб йўналишлар белгиланиши мумкин. Бу кўпинча Бош прокурор буйруқлари, йўриқномалари ва тасдиқланган низомларида акс эттирилади.

Тўртинчи боб бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Прокуратура органларида ишларни ташкил этиш нима?
2. Режалаштириш нима?
3. Жорий режалаштириш нима?
4. Истиқболли режалаштириш нима?
5. Қисқа вақтли режалаштириш нима?
6. Ижро устидан назорат қилишнинг энг мақбул шакли қайси?
7. Назорат қилишдан асосий мақсад нима?

8. Прокуратура органларида иш юритиш ва ижрони назорат қилиш тартибини айтинг?

9. Назоратга олинган ҳужжатларнинг кўриб чиқилиши ҳамда муддатларига риоя этилиши қайси бошқармалар томонидан олиб борилади?

10. Ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси қандай вазифаларни амалга оширади?

11. Прокурор фаолияти таҳлили неча ойда амалга оширилади?

12. Координация нима?

13. Мувофиқлаштиришнинг асосий мақсади нима?

14. Мувофиқлаштиришнинг предмети нима?

15. Мувофиқлаштирувчи кенгаш деганда нима тушунилади?

16. Жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилишга йўналтирилган функцияларга қайсилар киради?

17. Мувофиқлаштириш фаолиятининг асосий йўналишларига нималар киради?

18. Ўзаро таҳлил нима?

19. Умумлаштириш ҳақида қисқача айтиб беринг ?

20. Жиноятчиликка қарши курашувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлиги?

4-БОБ УЧУН СХЕМА




Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисобдорлиги
(Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддаси)
Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида

Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари

- жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш
- судларда жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш
- солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш
- ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш
- қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш


Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида ҳисобдорлиги
Қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида - мунтазам равишда
Ўта оғир жиноятлар ва фавқулодда ҳодисалар тўғрисида зудлик билан
Прокуратура органлари амалга оширган ишлар тўғрисида- ҳар олти ойда ахборот тақдим этади

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ҳисобдорлиги

Ўз фаолияти ҳақида мунтазам равишда ҳисобот беради

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ҳисобдорлиги
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси олдида ҳисобдор
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори олдида ҳисобдор


Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ, Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунадилар ва унинг олдида ҳисобдордирлар.
Халқ депутатлари тегишли Кенгашларига, зарурат бўлган ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот берадилар.

Жиноятчиликка қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш тушунчаси

Координация (лотинча cordinatio — сўзидан олинган) деганда «мувофиқлик», «келишувлилик», (координациялаш) мувофиқлаштириш — иштирокчилар ўртасидаги ўзаро муносабатни ўрнатиш тушунилади.

(Координациялаш) мувофиқлаштириш — иштирокчилар ўртасидаги ўзаро муносабатни ўрнатиш тушунилади

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятчиликка қарши кураш чораларини самарали бажариш ва асосий фаолият йўналишларини келишувчилик асосида таъминланиши мақсадида ўз фаолиятларини мувофиқлаштиради.


Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ, туманлар, шаҳарлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар
Юқори турувчи тегишли прокурорга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунадилар ва унинг олдида ҳисобдордирлар.
халқ депутатлари тегишли Кенгашларига, зарурат бўлган ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот берадилар.


Мувофиқлашти-ришнинг асосий мақсади
жиноятга қарши курашувчи структураларнинг ўзаро боғлиқ ва ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлаш, жиноятларни тез, тўла ҳар томонлама аниқлаш.
тергов олиб бориш жиноятларни, очиш ҳамда ваколатли органларга унинг юзага келиш сабаб ва шароитларини олдини олишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Мувофиқлаштириш-нинг предмети
ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлигини енгиллаштириш, уларнинг умумий вазифалари, уларнинг ҳар бирига хос бўлган ҳуқуқий, ташкилий, ахборот ва бошқа восита, шакл ва услубларни таҳлил қилишдан иборат.
Прокурор мувофиқлаштирувчи кенгаш чақиради, статистик ва бошқа маълумотларни талаб қилади, ваколат доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ўрганган ҳолда уларни бирлаштириш масаласини кўриб чиқади


Мувофиқлаштирувчи кенгаш
барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларидан ташкил топади ва у бўлажак мажлисда тасдиқланади.,
Котибият таркибининг ўзгариши билан тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган раҳбари янги номзод тақдим этади.
Котибият жорий ташкилий ишларни амалга оширади; иш юритишнинг маҳфийлиги қоидаларига риоя этган ҳолда мувофиқлаштирув кенгаши ҳужжатларнинг расмийлаштирилишини олиб боради


Мувофиқ лаштириш принцип лари
қонунийлик тамойилига асосан ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ва ҳар бир ходим жиноятга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнини қонунга қатъий риоя қилган ҳолда ва қонун асосида амалга оширишини билдиради.
Ўзаро ҳамкорлик тамойилига кўра, жиноятчиликка қарши курашувчи органлар томонидан доимий равишда жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўзаро тадбирлар ўтказиш, биргаликда фаолият кўрсатиш ва самарали натижаларга эришиш ҳисобланади.
Мустақиллик тамойилига асосан ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган мувофиқлаштириш кенгашининг қарори ва тадбирларини бажаришда мустақилдир

Мувофиқлаштириш фаолиятининг асосий йўналишлари

Ўзаро таҳлил— жиноятчилик аҳволи унинг статик ва динамик ҳолати, тенденцияларнинг башорати (прогнози), жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш, очиш, уни аниқлаштириш ва олдини олиш борасидаги фаолиятлар

Умумлаштириш — ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳуқуқий тартибга солиш фаолияти юзасидан амалиётни бирлаштириб, таклифлар киритиш

Мувофиқлаштириш қуйидаги шаклларда амалга оширилади

- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари иштирокида координацион кенгаш мажлислари ўтказиш
- Жиноятга қарши кураш бўйича жорий ахборот алмашуви
- Ижобий тажрибани ривожлантириш мақсадида жойларга ўзаро ҳаракат қилиш, текширув ва қуйи турувчи органларга жиноятчиликка қарши кураш юзасидан ёрдам бериш
- Аниқ жиноятларни тергов қилиш учун тергов — оператив гуруҳлар тузиш
- Аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш, ходимларнинг малакасини ошириш, семинарлар, конференциялар ўтказиш, хавфсизлик чораларини кўриш
- Ўзаро қарорлар, буйруқлар, ахборот хати ва ориентировка ва бошқа ташкилий ижро ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тўпламлар тузиш, ярим йиллик ва истиқболли режалар тузиш

Кимлар прокуратура органлари ходимлари бўлиши мумкин



Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман-шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига тайинлаш учун талаблар

ИККИНЧИ БЎЛИМ
ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ.

5-БОБ: Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими.

Р Е Ж А :

1-§. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими.

2-§. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси.

3-§. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколатлари.

4-§. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисобдорлиги.

5-§. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси.

6-§. Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар.

7-§. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари.

8-§. Прокуратура органларининг ҳайъатлари.

9-§. Прокуратура органларида бошқарув.

1-§. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими қонуннинг 10-моддасида қайд этилган бўлиб, улар **қуйидагилардан иборат**:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари;

туманлар ва шаҳарлар прокуратуралари;

туман прокуратураларига тенглаштирилган ҳарбий округлар, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолият кўрсатади.

(Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари ишини ташкил этиш Регламентини тасдиқлаш тўғрисида 2007 йил 5 сентябрь 68-сонли буйруғи қабул қилинган бўлиб, Департамент номи "Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти" деб номланади ва унинг жойлардаги бўлинмалари прокуратура органлари тизимига Киради.)

2-§. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган биринчи ўринбосарига, ўринбосарларига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда унинг ўринбосарларини лавозимига тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади (Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида» ги Қонунининг 12-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддаси 9-банди талабларига асосан «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонлар тасдиқлаш» - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатларига тегишлидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 93-моддаси 12-банди талабларига асосан Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимлар ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг катта ёрдамчилари ва ёрдамчилари, бош бошқармалар, бошқармалар бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, катта прокурорлар, прокурорлар алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимидан озод этиладилар. 2004 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3406-сонли Фармони билан прокуратура органларининг янги тузилмаси ташкил этилди. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
12 март 2004 йил
1-сонли
Б У Й Р У Қ

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг айрим таркибий тузилмаларини тугатиш ва қайта ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.03.2004 йилдаги “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3406-сонли Фармони билан прокуратура органларининг янги тузилмаси тасдиқланганлиги ҳамда айрим таркибий тармоқлар фаолияти ва номланишидаги ўзгаришлар муносабати билан

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг янги тузилмаси тасдиқланганлиги муносабати билан унинг айрим таркибий тармоқларига ўзгартиришлар киритилган.

2. Бош прокуратуранинг “Тергов бош бошқармаси” ҳамда вилоятлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралардаги тергов бошқармалари тугатилган.

3. Бош прокуратура таркибида, айрим таркибий тармоқлар тугатилган, уларнинг вазифаларини бажариш янги ташкил этилган қуйидаги бошқарма, бўлимлар зиммасига юклатилган.

3.1. “Қуролли кучлар, махсус тартибли корхоналар ва транспортда қонунларга риоя қилиниши устидан назорат бўлими”, “Миллий хавфсизлик хизмати идораларида қонунлар ижроси устидан назорат бўлими” тугатилган ва “Қуролли кучлар, миллий хавфсизлик ва божхона органларида қонунларнинг ижроси устидан назорат бошқармаси” ташкил қилинган.

3.2. “Тергов бош бошқармасининг ташкилий-услубий бўлими”, “Криминалистика бўлими” ва “Жиноятларни тергов қилиш устидан назорат бўлими” тугатилган ва “Жиноятчиликка қарши курашишни ташкилий услубий таъминлаш бўлими” ташкил қилинган.

3.3. “Қамоққа олинганларни сақлаш ва жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорат бўлими” тугатилган ва “Суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат бошқармаси” ташкил қилинган.

3.4. “Давлат божхона ва солиқ қўмиталари идораларида суриштирув ҳамда тергов устидан назорат бўлими” тугатилган ва “Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими” ташкил қилинган.

3.5. “Умумий назорат бошқармаси” тугатилган ва “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси” ташкил қилиниб, унинг таркибида “қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими” тузилган.

3.6. “Ишлар бошқармаси” тугатилган ва штатлари сақланган ҳолда унинг ўрнига “Хўжалик ишлари бўлими” ташкил қилинган.

3.7. “Ҳисобга олиш, ҳисобот ва ички идоравий назорат бўлими” тугатилган ва штатлари сақланган ҳолда унинг ўрнига “Молия-иқтисод бўлими” ташкил қилинган.

4. Бош прокуратура таркибидаги айрим таркибий тармоқларнинг номланиши қуйидагича ўзгартирилган.

4.1. “Прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бошқармаси” “Прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси” деб юритилган.

4.2. “Ички ишлар вазирлиги идораларида тергов ва суриштирув устидан назорат бошқармаси” “Ички ишлар вазирлиги органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси” деб юритилган.

4.3. “Қонунларни мужассамлаштириш ва ҳуқуқ тарғиботи бўлими” “Қонунчилик тарғиботи бўлими” деб юритилган.

4.4. “Миллатлараро ва халқаро ҳуқуқий муносабатларда қонунлар ижроси устидан назорат бўлими” “Халқаро ҳуқуқий бўлим” деб юритилган.

4.5. “Судларда хўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими” “Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими” деб юритилган.

4.6. “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларни ижро этиш устидан назорат қилиш бўлими” “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими” деб юритилган.

4.7. “Иқтисодий жиноят ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси” “Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси” деб юритилган.

5. Бош прокуратура таркибидаги айрим тармоқларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши муносабати билан вилоятлар прокуратуралари ҳамда уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг ушбу йўналишдаги бўлимлари ва лавозимлари тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.03.2004 йилги 3406-сон Фармонининг 2, 3, 4-иловаларига мувофиқ тегишли ўзгартиришлар билан қайта ташкил қилинган.

6. Мазкур буйруқнинг 1-иловасига мувофиқ, Бош прокуратура таркибий тармоқларининг тартиб рақамлари қайта белги-

ланган ҳамда бунга мос равишда вилоятлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар таркибий тармоқларининг тартиб рақамлари ўзгартирилган.

7. Ушбу буйруқ Бош прокуратуранинг барча таркибий тармоқлари, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти, вилоятлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга ижро ва маълумот учун юборилган, унинг ижроси устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори
1-даражали Давлат адлия
маслаҳатчиси Р.Ҳ.Қодиров

Ушбу буйруққа биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тизими янгича тус олди.

Таркибий тармоқ рақами	**Таркибий тармоқларнинг номланиши**
1	**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори котибияти**
2	**Бош прокурорнинг 1-ўринбосари котибияти**
3	**Бош прокурорнинг ўринбосари котибияти**
4	**Бош прокурорнинг ўринбосари котибияти**
5	**Бош прокурорнинг ўринбосари котибияти**
6	**Кадрлар бошқармаси**
7	**Ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси**
8	**Ички хавфсизликни таъминлаш инспекцияси**
9	**Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими**
10	**Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси**
11	**Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг**

	ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими
12	**Судларда жиноят ишлари қурилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси**
13	**Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими**
14	**Судларда фуқаролик ишлари кўрилишини прокурор ваколатини таъминлаш бўлими**
15	**Прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси**
16	**Ички ишлар вазирлиги органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси**
17	**Суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат бошқармаси**
18	**Жиноятларни тергов қилиш бошқармаси**
19	**Жиноятчиликка қарши курашишни ташкилий-услубий таъминлаш бўлими**
20	**Қуролли кучлар, миллий хавфсизлик ва божхона органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси**
21	**Иқтисодий жамоатчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси**
22	**Қонунчилик тарғиботи бўлими**
23	**Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими**
24	**Фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими**
25	**Биринчи бўлим**
26	**Халқаро-ҳуқуқий бўлим**
27	**Молий-иқтисод бўлими**
28	**Хўжалик ишлари бўлими**
29	**“Қонун ҳимоясида” журнали таҳририяти**
30	**Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази**

Бош прокуратура прокуратура органлари тизимининг марказий Маҳкамаси ҳисобланади ва унинг фаолиятига бевосита Бош прокурор раҳбарлик қилади ва у Ҳайъат раиси ҳисобланади.

Бош прокурор вақтинча бўлмаганда унинг вазифасини Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари, Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари ҳам бўлмаганда Бош прокурорнинг кўрсатмасига асосан ўринбосарлардан бири бажаради. Бош прокурорнинг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Бош прокурорнинг буйруғи билан белгилаб қўйилади.

Бош прокурорнинг ўринбосарлари белгиланган вазифалари тақсимотига мувофиқ тегишли бошқарма ва бўлимларнинг ишларига йўналтириб, назорат қилиб борадилар, ўз ваколатлари доирасида бошқарув мазмунидаги ва процессуал қарорларни қабул қиладилар.

Бош прокуратура таркибида бошқарма ва бўлимлари қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази, "Қонун химоясида бирлашган таҳририяти, шунингдек, унинг ҳузурида Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти фаолият кўрсатади.

Бошқарма ва бўлимлар тўғрисидаги Бош прокурор томонидан тасдиқланадиган низомларда уларнинг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари, шунингдек, бошқарма ва бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, катта прокурорлар ва прокурорлар ҳамда бошқа ходимларнинг ваколатлари белгилаб қўйилади.

Бошқарма ва бўлимлар ходимларининг вазифалари прокуратура раҳбариятининг розилиги асосида тармоқ бошлиғи томонидан тақсимланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий ва Транспорт прокурорлари (бундан кейин матнда вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар деб юритилади) Бош прокурор олдида бевосита ҳисобдор бўлиб, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб борадилар.

Бош прокуратура томонидан тезкор-қидирув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органлар фаолияти қонунлар асосида мувофиқлаштирилиб борилади.

Бош прокуратуранинг фаолияти қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда ошкоралик асосида амалга оширилади.

Бош прокуратура номидан оммавий ахборот воситалари учун расмий ахборотлар Бош прокурорнинг розилиги асосида ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси билан келишилган ҳолда қонунчилик тарғиботи бўлими таркибидаги матбуот маркази орқали берилади.

Қонунчилик тарғиботи бўлимига оммавий ахборот воситалари учун расмий ахборотларнинг лойиҳалари бошқарма ва бўлимлар томонидан Бош прокурорнинг ўринбосарлари билан келишилган ҳолда тақдим этилади ҳамда улар маълумотларнинг тўғри, ишончли ва холислиги учун масъул ҳисобланадилар.

Бош прокуратурада лавозимига Бош прокурор буйруғи билан тайинланадиган прокуратура органлари ходимларини аттестациядан ўтказиш учун аттестация комиссияси тузилади. Аттестация комиссияси Бош прокурор томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият юритади.

Прокуратура органларининг даражали унвонларга эга бўлган ходимлари Ҳайъат ва аттестация мажлисларида, тезкор ва Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишларида, жиноят, фуқаролик, хўжалик ишларининг судларда кўрилишида, шунингдек, расмий учрашувлар, конференциялар, семинарлар, ўқув машғулотлари ва бошқа вакиллик ҳолларида иштирок этаётганда ҳамда оммавий ахборот воситаларида чиқиш учун тасвирга олинаётганда хизмат кийимида бўлишлари шарт.

Бош прокурорнинг ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳужжатлари (буйруқ, кўрсатма, фармойиш, йўриқномалар) лойиҳалари прокуратура раҳбариятининг топшириқлари, Ҳайъат, мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорлари асосида ёки ташаббускорлик тартибида тегишли тармоқларда тайёрланади.

Ҳужжат лойиҳаси ташаббускорлик тартибида тайёрланганида унга Бош прокурор номига ёзилган билдирги илова қилиниб, тегишли асослар кўрсатилади.

Бош прокурорнинг ўринбосарлари прокурор назорати йўналишлари бўйича жойлардаги прокурорларга тегишли кўрсатмалар юборадилар.

Бошқарма ва бўлимларнинг бошлиқлари ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳужжатларнинг лойиҳаларини Бош прокуратуранинг кўрилаётган масала тааллуқли бўлган барча тармоқлари билан келишиб оладилар.

Буйруқ, кўрсатма, йўриқномаларнинг лойиҳалари Бош прокурор билан келишувга биноан вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар муҳокамасига юборилиши, кўриб чиқиш учун Бош прокуратура Ҳайъатининг муҳокамасига киритилиши мумкин, қуйи прокуратураларнинг вакиллари ҳужжат устида иш олиб боришга бевосита жалб этилиши мумкин.

Бош прокурор буйруғи (кўрсатма, фармойиш, йўриқнома) ни тайёрлашда иштирок этган бошқарма ва бўлимлар бошлиқлари, ишнинг шу соҳаси учун масъул бўлган Бош прокурорнинг ўринбосари билан келишилган лойиҳаси уни тайёрлаш учун масъул бошқарма, бўлим томонидан ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармасига розилик олиш учун юборилади. Лойиҳага рад этилган таклиф ва мулоҳазалар хусусидаги маълумотнома илова қилиниб, қабул қилинган қарор асослари кўрсатилади.

Бош прокурорнинг буйруқ, кўрсатма ва фармойишларининг (махфий, кадрларга оид ва хўжалик масалаларига доир ҳужжатлар бундан мустасно) ҳисобини юритиш, асл нусхаларини тўплаш ва ижросини назорат қилиш ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликдаги буйруқлар, кўрсатмалар йўриқномаларнинг лойиҳаларини тайёрлаш тартиби Бош прокурор ёки унинг ўринбосарлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар раҳбарлари билан келишилган ҳолда белгиланади.

Ҳужжатларнинг лойиҳалари тасдиқлаш учун Бош прокурорга ишнинг тегишли соҳаси учун масъул бўлган Бош прокурор ўринбосари томонидан тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенати ҳамда Вазирлар Маҳкамасига юбориш учун таркибий тармоқлар томонидан тайёрланган

ахборотлар, таҳлилий ҳужжатлар лойиҳалари ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси билан келишилганидан сўнг раҳбариятга тақдим қилинади.

Қуйи прокуратура органлари ходимларини Бош прокуратурага чақиртириш, қоида тариқасида, иш режалари, шунингдек, бошқарма ва бўлимлар бошлиқларининг асослантирилган билдиргисига мувофиқ, Бош прокурор ёки унинг ўринбосарлари кўрсатмасига биноан ёхуд уларнинг розилиги билан амалга оширилади.

Бошқарма ва бўлимлар бошлиқлари томонидан иш ўрганиш учун чақиртирилган ходимларга тегишли масъул иш ўргатувчи ходим бириктирилади.

Иш ўрганувчи ходим мазкур таркибий тармоқ фаолияти билан боғлиқ тегишли ҳужжатлар билан таништирилади, унга соҳада ишларни ташкил қилиш, прокурор назорати, процессуал ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш услублари ўргатилади. Шунингдек, иш ўрганувчи ходим текшириш ва айрим тергов ҳаракатларида иштирок этишга жалб қилиниши мумкин.

Иш ўрганиш натижалари бошқарма (бўлим) бошлиғи ҳузуридаги тезкор йиғилишда муҳокама этилади ҳамда тегишли қарор қабул қилинади. Ходимнинг иш ўрганиши натижалари ҳақида тегишли вилоят прокурори ва унга тенглаштирилган прокурорга ёзма хабар берилади.

Ҳайъат мажлиси, тезкор йиғилиш, муайян ишлар юзасидан маъруза қилиш ёки аттестациядан ўтказиш учун чақиртирилган ходимнинг хизмат сафари муддати уч кундан, бошқа масалалар бўйича чақиртирилганда эса беш кундан ошмаслиги керак. Иш ўрганиш ва Бош прокуратурада узоқроқ муддат бўлиш талаб этиладиган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

Бош прокуратурага чақиртирилган ходимларни жойлаштириш, уларнинг хизмат сафарларини, агар бўйсунувчи прокуратураларда хизмат сафари учун мўлжалланган маблағлар бўлмаса, молиялаштириш масалалари Бош прокуратуранинг молия-иқтисод бўлими ва хўжалик ишлари бўлими бошлиқлари билан олдиндан келишиб олинади.

Чақиртирув асосида келган ходимларнинг хизмат сафари гувоҳномаларига бошқарма ва бўлимларнинг бошлиқлари мазкур

ходимлар Бош прокуратурада бўлган муддат ҳақида белги қўйиб беришлари шарт, уларнинг топшириқни бажарганлигини ҳам тасдиқлаб берадилар.

Бош прокуратурага хизмат сафарига келган қуйи прокуратура органлари ходимларининг ҳисоби кадрлар бошқармаси томонидан юритилади.

Қуйи прокуратура ходимларини жиноят ишлари бўйича тузилган тергов гуруҳлари таркибида фаолият олиб бориши учун чақиртириш асослари ҳамда тартиби прокуратура раҳбарияти томонидан белгиланади.

Иш режалари, Ҳайъат қарорлари, Бош прокуратура раҳбариятининг кўрсатма ва топшириқлари асосида Бош прокуратура тармоқлари, шунингдек, қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази томонидан ўқув-амалий машғулотлари, семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари, пресс-конференциялар, хорижий давлат вакиллари билан учрашувлар ва бошқа анжуманлар ўтказилади.

Бундай тадбирлар дастури, ўтказишга масъул ходимлар ва иштирок этувчи шахслар Бош прокурор билан келишилган ҳолда белгиланади.

Юридик фан ва криминалистик техника бўйича эришилган ютуқлар, илғор прокурор-тергов амалиёти, прокуратура органларининг замонавий иш услублари, меҳнатни илмий тарзда ташкил қилиш асослари, жиноятчилик ҳамда терроризмга қарши курашиш бўйича халқаро тажрибалардан фойдаланган ҳолда прокурор-тергов ходимларининг касб-маҳорати, билим савиясини ошириш, ўқув машғулотларини амалиёт тажрибалари билан қўшиб ўтказилади.

Зарур ҳолларда, амалиётчи ва илмий ходимлар ҳамда тегишли мутахассислар бу ишга жалб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан қуйи прокуратуралар фаолиятини жойига чиқиб текшириш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш.

Қуйи прокуратуралар фаолиятини жойига чиқиб текшириш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш, қоида тариқасида, Бош прокуратуранинг иш режасига мувофиқ амалга оширилади.

Бош прокуратуранинг иш режаси асосида жойларга чиқиб текширишлар бўйича иштирок этувчи ходимлар гуруҳлари таркиби ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси томонидан бошқармалар, бўлимларнинг бошлиқлари билан келишилган ҳолда шакллантирилади ҳамда Бош прокурор томонидан тасдиқланади.

Қуйи прокуратураларни комплекс текширишдан ўтказишда ходимлар гуруҳларига, қоида тариқасида, Бош прокурорнинг ўринбосарлари, ишнинг муайян йўналишлари бўйича текширувларда эса бошқарма ва бўлимларнинг бошлиқлари раҳбарлик киладилар.

Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари розилиги ҳамда вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар билан келишувга биноан текширишларга қуйи прокуратура ходимлари жалб этилиши мумкин.

Ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси томонидан тайёрланган, комплекс текшириш ўтказадиган гуруҳ раҳбарлари ва аъзолари тўғрисидаги Бош прокурорнинг буйруғи текширишдан камида уч кун олдин чиқарилади.

Бош прокуратура ходимларининг режадан ташқари жойларга чиқишлари (фавқулодда ҳодисалар, жиноятларни тергов қилиш, аттестация олди ва шикоятларни текшириш, шунингдек, бошқа масалалар) Бош прокурор ёки унинг ўринбосарлари кўрсатмасига биноан ўтказилади.

Бундай кўрсатма берилган бошқарманинг (бўлим) бошлиғи текширишда бошқа тармоқларнинг ходимлари иштирок этиши зарурлиги тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Иш режасига асосан жойларга чиқишга тайёрланаётган ходимлар Бош прокуратурадаги мавжуд статистика маълумотлари, қонунийлик ва жиноятчилик ҳамда прокурор назорати ҳолатини тавсифловчи бошқа ҳужжатларни таҳлил қилишлари, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари, Бош прокуратура Ҳайъати, Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорлари, олдинги текширишлар натижалари ҳамда улар юзасидан қабул қилингаи қарорлар билан танишишлари, жойларга чиқиш мақсадидан келиб чиқиб, ишнинг асосий йўналишларини белгилаб олишлари ҳамда текшириш режасини тузишлари шарт.

Текшириш режаси Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари ёки ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Текшириш учун кетаётганларга жўнаш олдидан Бош прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан тегишли кўрсатмалар берилади.

Текшириш натижалари тўғрисидаги маълумотнома жойларнинг ўзида тузилади ва унда прокуратура органининг, муайян ходимларнинг фаолияти таҳлил қилинади ва баҳо берилади, зарур ҳолларда йўл қўйилган камчиликларнинг сабабларига доир хулосалар, уларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсиялар кўрсатилади.

Маълумотнома гуруҳнинг барча аъзолари томонидан имзоланади, унинг бир нусхаси фаолияти текширилган прокуратура раҳбарига топширилади. Текшириш натижалари жойнинг ўзида муҳокама қилиниши мумкин.

Гуруҳ раҳбари жойларга чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичида Бош прокурорга ёки унинг ўринбосарига ахборот бериши шарт, улар эса тақдим этилган материаллар бўйича амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирлар шакли ва муддатлари тўғрисида кўрсатма берадилар.

Бош прокурор ёки унинг ўринбосари устхат қўйган текшириш натижалари тўғрисидаги маълумотнома ва бошқа материаллар қабул қилинган қарорнинг бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш учун ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармасига топширилади.

Комплекс текширишлар натижалари, қоида тариқасида, Бош прокуратуранинг ҳайъати муҳокамасига киритилади.

Комплекс текширишда иштирок этган тармоқларнинг ходимлари ўз йўналишлари бўйича бажарилган ишлар тўғрисида бошқарма (бўлим) бошлиғига ахборот берадилар ҳамда тегишли маълумотнома тақдим этадилар.

Текшириш натижалари, агар уларни Бош прокуратура Ҳайъати муҳокамасига киритишнинг зарурияти бўлмаса, Бош прокурор ёки унинг ўринбосарлари хузуридаги тезкор йиғилишларда, бошқарма ва бўлимларда муҳокама этилади, бунда қилинган ишларга баҳо берилиб, аниқланган камчиликларни бартараф

этиш ҳамда қуйи прокуратура органлари устидан назоратни яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинади.

3-§. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикассис Бош прокурори прокуратура органларига раҳбарлик қилади ва улар фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қонунчилик ташаббуси билан мурожаат этиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида, шунингдек унинг органлари мажлисларида иштирок этиши мумкинлиги белгилаб қўйилган;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этиши, унинг кўриб чиқиши учун масалалар киритиши ва кўрилаётган масала юзасидан фикр билдириши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисларида иштирок этади, кўрилаётган ишлар бўйича ва муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр билдиради, қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича Пленум тушунтиришлар бериши хусусида таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми мажлисларида иштирок этади , муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр билдиради, қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича Пленум тушунтириш бериши хусусида таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президентига киритади;

Прокуратура органлари ходимларига даражали унвонлар беради ва олий даражада унвонлар бериш тўғрисидаги тақдимнома билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат этади;

Прокуратура органлари ходимларини Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларига тақдим этади;

Прокуратура органлари ходимларини «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» кўкрак нишони билан тақдирлайди;

Буйруқлар чиқаради ҳамда прокуратура органларининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

Чет эл давлатларининг тегишли органлари билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар тузади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори асосида бекор қилинади.

4-§. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисобдорлиги

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентига:

қонунийлик ва жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида-мунтазам равишда;

ўта оғир жиноятлар ва фавқулодда ҳодисалар тўғрисида-зудлик билан;

прокуратура органлари амалга оширган ишлар тўғрисида-ҳар олти ойда ахборот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўз фаолияти ҳақида мунтазам Равишда ҳисобот беради (Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддаси).

5-§. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси (ЎзР Прокуратура тўғрисидаги Қонуннинг 15-моддаси)

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига Қорақалпоғистон Республикаси прокурори раҳбарлик қилади, у Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан лавозимига тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори:

- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори олдида ҳисобдордир.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори тегишинча туман, шаҳар прокуратураларининг ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари асосида ва уларни ижро этиш учун ўзига бўйсунувчи ходимларнинг ҳаммаси учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида бошқармалар ва бўлимлар ташкил этилади.

Бошқармалар ва бўлимларнинг бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, прокурорнинг катта ёрдамчилари, прокурорнинг ички хавфсизликни таъминлаш бўйича ёрдамчиси, катта прокурор –криминалист Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан Қорақалпоғистон Республикаси прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ёрдамчилари, бошқармалари ва бўлимларининг катта ёрдамчилари, бошқармалар ва бўлимларнинг катта прокурорлари ва прокурорлари, прокурор-криминалистлар, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар, катта терговчилар ва терговчилар Қорақалпоғистон Республикаси про-

курори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

6-§. Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар

Вилоятлар, тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга тегишли прокурорлар раҳбарлик қиладилар, улар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ҳамда лавозимдан озод этиладилар. Бу прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунадилар ва унинг олдида ҳисобдордирлар.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар тегишинча туман, шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг бўйруқлари асосида ва уларни ижро этиш учун ўзига бўйсунувчи ходимларнинг ҳаммаси учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасига лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори раҳбарлик қилади.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда бошқармалар ва бўлимлар ташкил этилади.

Бошқармалар ва бўлимларнинг бошлиқлари, прокурорларнинг катта ёрдамчилари, прокурорларнинг ички хавфсизликни таъминлаш бўйича ёрдамчилари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

Бошқармалар ва бўлимлар бошлиқларининг ўринбосарлари, катта прокурор-криминалистлар ва прокурор- криминалистлар

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорларининг ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ёрдамчилари, бошқармалар ва бўлимларнинг катта прокурорлари ва прокурорлари, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар, катта терговчилар ва терговчилар вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар (Ўз.Рес. «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси).

Вилоят прокуратураларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси.

Ўзбекистон Республикасининг ягона тизимига ҳарбий прокуратура ҳам киради.

Ҳарбий прокуратуранинг асосий вазифаларига:

Ўзбекистон Республикасида қонун устуворлигини таъминлаш;

давлат хавфсизлиги, ҳудудий даҳлсизлик ва қўшинлардаги ҳарбий тайёргарлик бўйича қонун устуворлигини таъминлаш;

ҳарбийларнинг ҳамда уларнинг оилаларининг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш;

Қуролли Кучларнинг қонуний манфаатларини касбий ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш ва бундай ҳуқуқбузарликларни олдини олиш киради.

Ҳарбий прокуратура органлари ўз фаолиятларини қуйидаги йўналишларда олиб борадилар:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бошқармалари органларида қонунлар ижроси устидан назорат;

ҳарбий қисмлар, ҳарбий корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ўқув муассасалари, ҳарбий мансабдор шахслар ва ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбийлаштирилган таркиблар, бўлинмалар, ҳарбий йиғинларга чақирилганлар томонидан қонунлар ижроси устидан назорат;

Ҳарбийлар ва уларнинг оилаларини ва бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат;

Қуролли Кучларда суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган ҳамда жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган ташкилотлар томонидан қонунларни ижро этиши устидан назорат;

Жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни амалга ошириш;

Судларда жиноят ишларини кўрилишида давлат айбловини қувватлаш;

Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўрилишида иштирок этиш, ғайриқонуний суд ҳужжатларига нисбатан протест келтириш;

Ҳарбий хизматчиларни гауптвахталарда сақлаш мобайнида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат;

ҳарбий қисмларда ва муассасаларда жиноий-ҳуқуқий таъсирга оид қонунлар ижроси устидан назорат ҳамда интизомий қисмларда жиноий жазоларни ижро этиш билан боғлиқ қонунлар ижроси устидан назорат;

Қонун ижодкорлиги фаолиятида ва жамиятда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ишида иштирок этиш;

Ҳарбий прокуратура органлари қонунда белгиланган тартибда фуқароларнинг, ҳарбий хизматчиларнинг ва юридик шахсларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш;

уларнинг бузилган қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш юзасидан тегишли чораларни кўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасига лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозим тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори раҳбарлик қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Ҳарбий ва Транспорт прокуратураларининг (ушбу атамалар бундан кейин матнда шартли равишда вилоят прокуратуралари, раҳбарлари эса - вилоят прокурорлари деб юритилади) ташкил этилиши ҳамда уларнинг фаолияти Ўзбе-

кистон Республикаси Конституцияси, "Прокуратура тўғрисида"ги қонун ва бошқа қонунларга асосланади.

Вилоят прокуратураси ва унинг таркибий тармоқларида ишларнинг ташкил этилиши, амалга оширилиши, назоратнинг таъминланиши, Ҳайъат мажлислари, тезкор йиғилишларнинг ўтказилиши, ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳужжатларнинг (буйруқ, кўрсатма, фармойиш) тайёрланиши, имзоланиши ва ижрога қаратилиши билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Регламенти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори(бундан кейин матнда Бош прокурор деб юритилади)нинг буйруқлари, йўриқномалар, таркибий тармоқлар тўғрисидаги низомлар билан тартибга солинади.

Вилоят прокуратураси Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тизимига киради ва унинг фаолиятига бевосита вилоят прокурори раҳбарлик қилади ҳамда у ҳайъат раиси ҳисобланади.

Вилоят прокурори вақтинча бўлмаганда унинг вазифасини вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, вилоят прокурорнинг биринчи ўринбосари ҳам бўлмаганда вилоят прокурорнинг кўрсатмасига асосан ўринбосарлардан бири бажаради. Вилоят прокурорининг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш вилоят прокурорининг буйруғи билан белгилаб қўйилади.

Вилоят прокурорининг ўринбосарлари белгиланган вазифалар тақсимотига мувофиқ тегишли таркибий тармоқлар ишларини йўналтириб, назорат қилиб борадилар, ўз ваколатлари доирасида бошқарув мазмунидаги ва процессуал қарорларни қабул киладилар.

Вилоят прокуратураси таркибида бўлимлар ва бошқа таркибий тармоқлар, вилоят прокуратураси таъсисчилигидаги газета таҳририяти, шунингдек, унинг хузурида Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси (бундан кейин матнда Департамент бошқармаси деб юритилади) фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тасдиқланган низомларда таркибий тармоқларнинг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари, шунингдек, тармоқ бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, катта прокурорлар ва прокурорлар,

шунингдек, бошқа ходимларнинг ваколатлари белгилаб қўйилади.

Бўлимлар ва бошқа таркибий тармоқ ходимларининг вазифалари прокуратура раҳбариятининг розилиги асосида тармоқ бошлиғи томонидан тақсимланади.

Вилоят прокурори Бош прокурор олдида бевосита ҳисобдор бўлиб, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб боради.

Вилоят прокуратураси томонидан тезкор-қидирув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органлар фаолияти қонунлар асосида мувофиқлаштирилиб борилади.

Вилоят прокуратурасининг фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ошкоралик асосида амалга оширилади.

Вилоят прокуратураси номидан оммавий ахборот воситалари учун расмий ахборотлар вилоят прокурорининг розилиги асосида ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси билан келишилган ҳолда қонунчилик тарғиботи хизмати орқали берилади.

Қонунчилик тарғиботи тармоғига оммавий ахборот воситалари учун расмий ахборотларнинг лойиҳалари бўлимлар ва бошқа таркибий тармоқлар томонидан вилоят прокурорининг ўринбосарлари билан келишилган ҳолда тақдим этилади ҳамда улар маълумотларнинг тўғри, ишончли ва холислиги учун масъул ҳисобланадилар.

Вилоят прокуратурасида лавозимга вилоят прокурори буйруғи билан тайинланадиган прокуратура органлари ходимларини аттестациядан ўтказиш учун аттестация комиссияси тузилади. Аттестация комиссияси Бош прокурор томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият юритади.

Прокуратура органларининг даражали унвонларига эга бўлган ходимлари Ҳайъат ва аттестация мажлисларида, тезкор ва Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишларида, жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларининг судларда кўрилишида, шунингдек, расмий учрашувлар, конференциялар, семинарлар, ўқув машғулотлари ва бошқа вакиллик ҳолларида иштирок этаётганда ҳамда оммавий ахборот воситаларида чиқиш учун тасвирга олинаётганда хизмат кийимида бўлишлари шарт.

Вилоят прокуратураларида ишларни ташкиллаштириш, ҳисоботлар билан ишлаш ва фаолиятни таҳлил қилиш.

Вилоят прокуратураси таркибий тармоқларининг фаолияти соҳа ва минтақа принципи бўйича ташкил этилади.

Вилоят прокуратурасининг иши ҳар олти ойга тузилган иш режалари асосида ташкиллаштирилади. Иш режасига таклифларни таркибий тармоқ бошлиқлари вилоят прокурорининг ўринбосарлари билан келишилган ҳолда, қонунийлик аҳволи ва жиноятчилик ҳолати таҳлили асосида, шунингдек, ҳайъат, Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорлари, Бош прокуратура иш режалари, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмаларини инобатга олган ҳолда киритадилар.

Иш режасига таклифлар асослантирилган бўлиши ҳамда уларда тадбирларнинг ижро муддатлари, масъул шахслар, ижрочилар, тадбир натижаларини амалга оширишнинг мўлжалланаётган шакллари ва бошқа тааллуқли маълумотлар кўрсатилиши керак.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа идоралар ҳам иштирок этиши назарда тутилаётган тадбирлар улар билан олдиндан келишиб олинган бўлиши лозим.

Вилоят прокуратурасининг иш режасига доир таклифлар режа лойиҳасини тайерлаш учун ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлимига ҳар йили 10 июн ва 10 декабрдан кечиктирмай топширилади.

Иш режаси лойиҳаси ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими томонидан тайёрланиб, вилоят прокурорининг ўринбосарлари билан келишилганидан кейин Ҳайъат муҳокамасига киритилади.

Муҳокама натижалари бўйича ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими томонидан иш режасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, тасдиқлаш учун вилоят прокурорига тақдим этилади.

Иш режаси режалаштирилаётган давр бошланишидан камида беш кун олдин вилоят прокурорининг ўринбосарларига, бўлимлар ва бошқа таркибий тармоқларга, туман-шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга, шунингдек, департаментнинг вилоят бошқармасига ижро учун юборилади.

Режавий тадбирларнинг ижроси учун таркибий тармоқ бошлиқлари масъул бўлиб, уларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун жавобгар ҳисобланади.

Режавий тадбирларни алмаштириш, муддати ва ижро этиш тартибини ўзгартириш масъул ҳисобланган таркибий тармоқ бошлиғининг ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими билан келишилган ва вилоят прокурорининг ўринбосари розилиги асосида тузилган билдиргиси орқали фақат вилоят прокурори томонидан амалга оширилади.

Режада белгиланган тадбирнинг тўлиқ ижро этилганлиги ҳақида масъул таркибий тармоқ бошлиғи вилоят прокурорининг ўринбосари билан келишилган ҳолда вилоят прокурорига билдирги орқали маълум қилади. Вилоят прокурори мазкур масалани назоратдан чиқариш ёки қўшимча маълумотлар билан тўлдириш ҳақида кўрсатма беради.

Тадбирнинг ижроси ҳақидаги тегишли ҳужжатлар ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлимига юборилади.

Бўлим ва бошқа таркибий тармоқлар ўз ишларини вилоят прокуратурасининг иш режаси асосида, қонунийлик аҳволи ва жиноятчилик ҳолати, прокурор назорати ва суд-тергов амалиётини инобатга олган ҳолда режалаштирадилар.

Бўлим ва бошқа таркибий тармоқларнинг иш режаларида қуйи прокуратуралар фаолиятини бевосита текшириш, уларга ижро этиш учун мажбурий бўлган тадбирлар киритиш ва шу асосда топшириқлар юбориш тақиқланади.

Таркибий тармоқларнинг иш режалари вилоят прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан тасдиқланади ҳамда унинг нусхаси ташкилий назорат ва таҳлилот бўлимига берилади.

Тармоқ иш режаларига ўзгартиш ва қўшимчалар мазкур тармоқ бошлиғининг асослантирилган ҳамда ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими билан келишилган билдиргиси асосида иш режасини тасдиқлаган прокуратура раҳбариятининг розилиги билан киритилади.

Таркибий тармоқларнинг иш режаларидаги тадбирлар тўлиқ ижро этилганидан сўнг, прокуратура раҳбариятининг розилиги билан назоратдан чиқарилади ҳамда ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлимига бу ҳақда маълумотнома берилади.

Режавий тадбирлар якунида тегишли маълумотнома (умумлашма) тузилиб, уларнинг моҳиятига кўра прокуратура раҳбарияти билан келишилган ҳолда прокурор назорати чоралари қўлланилади ёки қуйи прокуратура органларига йўналтирувчи ва танбеҳ хатлари юборилади, шунингдек, тадбир натижалари тегишинча Ҳайъат мажлислари, мувофиқлаштирувчи кенгаш ва тезкор йиғилишларида муҳокама қилинади.

Иш режаларининг бажарилиши устидан назоратни ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими амалга оширади. Ушбу бўлим томонидан бевосита текшириш орқали ҳамда иш режасининг бажарилиш ҳақида таркибий тармоқлар томонидан тақдим этилган маълумотномалар асосида ҳар ойнинг бошида вилоят прокурорига ахборот бериб борилади.

Прокуратура органларида прокурорлик фаолияти, тергов ишлари ҳамда жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳал этилиши тўғрисидаги статистик ҳисоботларни тузиш, топшириш ва жамлаш тартиби Бош прокурорнинг буйруғи ва тегишли Йўриқнома билан белгиланади.

Ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими тегишли тармоқларни жиноятчилик ҳолати ҳақидаги маълумотлар ҳамда статистик ҳисоботлар билан таъминлаб туради.

Вилоят прокуратураси таркибий тармоқлари қонунийлик ва жиноятчилик ҳолати, тергов ва прокурор назорати аҳволи тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиб, фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ҳамда прокуратура раҳбариятига киритади.

Назоратни ташкил этиш ва амалга оширишда айрим масалалар бўйича вилоят прокурори ва унинг ўринбосарларини фармойишлари билан ишчи гуруҳлари ҳамда комиссиялар тузилиши мумкин.

Ҳайъат мажлиси, мувофиқлаштирувчи кенгаш ва тезкор йиғилишларнинг ишини ташкил этиш.

Вилоят прокуратурасининг Ҳайъати маслаҳат органидир. Ҳайъат ўз мажлисларида қонунийлик аҳволи ва жиноятчиликнинг ҳолати, прокуратура органларининг фаолияти, Бош прокурор буйруқлари ва кўрсатмаларининг ижроси, кадрларни танлаш, жой- жойига қўйишга доир ва бошқа масалаларни кўриб чиқади,

прокурорларнинг, прокуратура органлари таркибий тармоқлари раҳбарларининг ҳамда бошқа ходимларининг ҳисоботларини эшитади.

Ҳайъат қарорлари асосида вилоят прокурори буйруқлар чиқариши мумкин.

Ҳайъат мажлислари иш режасига биноан ёки вилоят прокурори - Ҳайъат раиси кўрсатмаси асосида ўтказилади.

Ҳайъат муҳокамасига кириталаётган масала юзасидан ҳужжатлар вилоят прокурорининг соҳавий ўринбосарлари билан келишилган ҳолда тегишли тармоқ бошлиқлари томонидан тадбирнинг иш режасида белгиланган муддати тугашидан камида ўн кун олдин тайёрланиб, ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлимига тақдим этилади.

Ҳайъат мажлисида кўриш учун мўлжалланаётган ҳужжатлар қуйидагилардан иборат бўлади:

- Хажми ўн саҳифадан кўп бўлмаган маълумотнома;
- Маъруза матни қарор лойиҳаси, буйруқ лойиҳаси;
- Ҳайъат мажлисига таклиф этиладиган шахсларнинг рўйхати.

Ҳайъат муҳокамасига киритилаётган масалалар бўйича ҳужжатларнинг тайёрланиши учун жавобгарлик тегишли тармоқ бошлиқлари ҳамда вилоят прокурорининг шу соҳага масъул ўринбосарлари зиммасида бўлади.

Қарор лойиҳасида текширувнинг умумлашма таҳлили ёки натижаларидан келиб чиқувчи асосий хулосалар, қонунбузилиши ҳолларини ва ўрганилган соҳа юзасидан прокуратура органлари ишини ташкил эгишдаги камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги таклифлар, қонунийликни мустаҳкамлаш чоралари акс эттирилган бўлиши лозим.

Вилоят прокурорининг ўринбосари тайёрланган ҳужжатлар асосида масалани Ҳайъат мажлисида кўриш тўғрисидаги таклифни вилоят прокурорига киритади.

Вилоят прокурори мазкур ҳужжатларни ҳайъат муҳокамасига тайёрлаш учун ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлимига топширади ёки ҳужжатлар сифатли тайёрланмаган тақдирда уларни тегишли ўринбосарига кўрсатмалар билан қайтаради.

Ҳайъат мажлисини ўтказиш лозим топилганда, ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими кун тартиби лойиҳаси, мажлисга таклиф этиладиган шахслар рўйхатини тасдиқлаш учун вилоят прокурорига тақдим этади.

Ҳайъат мажлисида кўриладиган материаллар Ҳайъат мажлиси белгиланган кундан камида бир кун олдин ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими томонидан Ҳайъат раиси ва аъзоларига берилади.

Ҳайъат мажлиси ўтказиладиган кун ҳақидаги хабарнома унинг иштирокчиларига ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими томонидан юборилади. Хабарномада кун тартиби, маърузачи, мажлис ўтказиш санаси, вақти ва жойи ҳамда иштирокчилар кўрсатилиши лозим. Таклиф этилган шахсларнинг мажлисда ҳозир бўлишини ташкилий- назорат ва таҳлилот бўлими масалани тайёрлаган тармоқ билан биргаликда таъминлайди.

Агар махфийлик тартибига риоя этишга зид бўлмаса ҳайъат иши ошкоралик асосида амалга оширилади.

Қонунчилик тарғиботи тармоғининг бошлиғи ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими бошлиғи билан келишган ҳолда Ҳайъат мажлисига оммавий ахборот воситалари вакилларини таклиф этиш ҳамда уларга бериладиган ахборот ҳажми ҳақида Ҳайъат раисига таклиф киритади.

Ҳайъат мажлисида масала муҳокамаси Ҳайъат раиси белгилаган тартибда ўтказилади.

Мажлис баённомаси ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими томонидан юритилади ва уни бўлим бошлиғи ҳамда Ҳайъат Раиси имзолайди. Ҳайъат қарорига мувофиқ тайёрланган ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳужжатлар вилоят прокурори томонидан тасдиқланади.

Ҳайъат мажлиси баённомаси ва бошқа ҳужжатлар нусхалари ижро ва маълумот учун зудлик билан жойларга юборилади.

Ҳайъат қарорининг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши, шунингдек, мазкур қарор асосида чиқарилган ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳужжатларнинг тўлақонли бажарилишини таъминлаш учун масъулият вилоят прокурорининг ўринбосарлари, прокуратура таркибий тармоқлари ва Департаментнинг бошқар-

маси бошлиқлари туман-шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар зиммасига юклатилади.

Таркибий тармоқларнинг бошлиқлари Ҳайъат қарори ҳамда уни ижрога қаратиш мақсадида чиқарилган бошқа ҳужжатлар билан тезкор ходимларни албатта таништирадилар, улар бажарилиши юзасидан (зарур ҳолларда тезкор йиғилишда муҳокама этган ҳолда) чора-тадбирлар ишлаб чиқадилар, масъул ижрочиларни белгилайдилар ва ижро назоратини ташкил қиладилар.

Ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими Ҳайъат қарорлари ҳисобини ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни олиб боради, Ҳайъатнинг иш амалиётини йилма-йил ўрганиб, умумлаштириб боради.

Вилоят прокуратураси Ҳайъатида муҳокама қилиш талаб этилмайдиган масалалар вилоят прокурори, унинг ўринбосарлари ҳузуридаги тезкор йиғилишларда, шунингдек, таркибий тармоқларда кўриб чиқилади.

Тезкор йиғилишлар заруриятга қараб ўтказилади. Уларни ўтказиш тартиби ва муддати, иштирокчилар доираси ва баённома юритувчилар ҳар бир муайян ҳолатда йиғилишни ўтказаётган раҳбар томонидан белгиланади.

Вилоят прокурори ҳузуридаги тезкор йиғилишларни ташкилий жиҳатдан таъминлаш, шунингдек, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назорат ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими томонидан амалга оширилади.

Ҳайъат ва тезкор йиғилиш қарорларининг ижроси ҳақидаги ахборотлар қоида тариқасида масалани тайёрлаган тегишли тармоқларга юборилади ҳамда бу ҳақда назоратни таъминлаш учун ташкилий- назорат ва таҳлилот бўлимига маълум қилинади.

Тезкор-қидирув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органларнинг Мувофиқлаштирувчи кенгашига ташкилий жиҳатдан тайёргарлик кўриш, ўтказиш, шунингдек, қабул қилинган қарорларни амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш тартиби алоҳида Низом билан белгиланади.

Вилоят прокуратураси томонидан қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек, қонунийлик аҳволи прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳо-

латдан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади. Шунингдек, қонунлар ижроси юзасидан текширишлар ўтказишга иш режалари, Ҳайъат мажлиси, мувофиқлаштирувчи ва идоралараро кенгашлар қарорлари, Бош прокуратура топшириқлари, вилоят прокуратураси раҳбарияти томонидан ижроси талаб қилинган ҳужжатлар ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатлар асос бўлади.

Вилоят прокуратураси томонидан қонунлар ижроси юзасидан текширишлар, асосан, тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўтказилади.

Текширишнинг йўналишидан қатъи назар, бу объектда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шунингдек, фуқаролар ва юридик шахслар мурожаатларининг ҳал қилиниши ҳамда ҳуқуқий хизмат ишининг самарадорлигини ўрганишга комплекс ёндошиш талаб қилинади.

Вилоят прокуратураси томонидан қонунлар ижроси юзасидан текширишлар назорат қилувчи раҳбар томонидан тасдиқланган режа асосида ўтказилиб, белгиланган муддатда якунланиши, текширишга масъул бўлган ходим шу вақт мобайнида мутасадди мансабдор шахслардан қонун бузилишига сабаб бўлган ҳолатлар бўйича батафсил тушунтиришлар олиб, барча ҳужжатларни жамлаб, натижаси ҳақида назорат қилувчи раҳбарга маълум қилиши ва прокурор назорати ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаши лозим.

Текширишга бир нечта ходим ижрочи сифатида жалб этилганда, рўйхатда биринчи кўрсатилган шахс ижро учун асосий масъул ҳисобланади.

Текширишда иштирок этган ходимлар текширилган объектда муқаддам назорат идоралари томонидан ўтказилган текшириш натижаларига ҳуқуқий баҳо беришлари ва натижаси бўйича таклиф киритишлари зарур.

Текшириш натижалари бўйича ҳажми 10 варақдан кўп бўлмаган, умумлаштирилган таҳлилий маълумотнома тузилади.

Ушбу маълумотнома текширишга масъул бўлган прокуратура ходими, жалб қилинган тегишли мутахассислар, текширилган

объектнинг мансабдор ёки моддий жавобгар шахслари томонидан имзоланади.

Маълумотномага илова қилинаётган бошқа ҳужжатлар уларни тузган, шунингдек, текширилган объектнинг мансабдор ёки моддий жавобгар шахслари томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув прокурор назорати ҳужжатлари ҳисобланади, улардан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш, шунингдек, қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабабларини бартараф қилиш воситаси сифатида фойдаланилади.

Вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган қонунлар ижроси юзасидан текширишда аниқланган ҳолатларни меҳнат жамоасида ошкора кўрилиши ва натижасини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишига устувор аҳамият берилади.

Ҳар бир тайёрланган прокурор назорати ҳужжати хусусиятига кўра номланиши, прокуратура органларида иш юритиш тартибига амал қилинган ҳолда сана қўйилиши ва рақамланиши лозим.

Прокурор назорати ҳужжатлари «Прокуратура тўғрисида»ги қонун талабларига биноан тегишли прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Вилоят прокуратуралари томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг қабулини ташкил этиш.

Вилоят прокуратуралари томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини (аризалар, таклифлар, шикоятлар), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Девони, Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенати, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий Марказ, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, республика бошқарув идоралари ва жамоат бирлашмалари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар, жамғармалар ҳамда хорижий давлатлар ваколатхоналари, оммавий ахборот воситалари вакилларидан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва мурожаат этувчилар қабул қилинишини ташкил

этиш амалдаги қонун ҳужжатларига, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқномага мувофиқ белгиланади.

Вилоят прокурорининг ўринбосарлари, бўлимлар ва бошқа таркиби тармоқ бошлиқлари мурожаатларни тўлиқ, ўз вақтида ҳамда малакали тарзда кўриб чиқилишини таъминловчи чора-тадбирларни кўрадилар.

Мурожаатлар бир тармоқдан бошқасига тегишли тармоқ бошлиғининг асослантирилган билдиргиси ва вилоят прокурорининг ўринбосарини розилиги асосида ўтказилади.

Агар мурожаат назоратга олинган бўлса, бу ҳақда фуқаролар мурожаатлари ва хатлар тармоғи ҳамда ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими албатта хабардор қилинади.

Мурожаатда бир неча тармоқларнинг ваколат доирасига тааллуқли масалалар бўлса, ижрочилар орасида номи биринчи бўлиб қайд этилган тармоқ раҳбари масъул ҳисобланади. Масъул раҳбар мурожаатнинг нусхаларини бошқа ижрочиларга топширилиши, зарур ҳолларда муддатларнинг узайтирилиши, текшириш бўйича ягона топшириқ тайёрланиши ва бошқа ижрочилардан мурожаатга тааллуқли ҳужжатларнинг нусхаларини олиб, дастлабки, оралиқ ва моҳиятан асослантирилган якуний жавоблар юборилишини таъминлайди.

Ҳал этилиши вилоят прокурори томонидан назоратга олинган мурожаатлар бўйича муаллифга жавоблар фақат вилоят прокурорига ахборот берилганидан кейингина юборилади.

Ҳал этилиши вилоят прокурорининг ўринбосарлари томонидан назоратга олинган мурожаатлар ҳам худди шу тартибда ҳал этилади.

Фуқаролар ва юридик шахслар ёки уларнинг вакилларини кабул қилиш фуқаролар мурожаатлари ва хатлар тармоғи томонидан амалга оширилади.

Вилоят прокурори қабулига вилоят прокурори ўринбосарларининг қарорларидан норози бўлган фуқаролар киритилади. Вилоят прокурорининг ўринбосарлари томонидан прокуратура таркибий тармоқлари ҳамда туман-шаҳар прокурорлари ва уларга

тенглаштирилган прокурорларнинг қарорларидан норози бўлиб мурожаат қилган фуқаролар қабул қилинади.

Фуқароларнинг мурожаатлари ва хатлар тармоғи прокуратура раҳбарияти қабулига келган фуқаро(вакил)нинг аввалги мурожаати бўйича тўпланган ҳужжатларни ўрганиб, ахборот беради.

Таркибий тармоқларнинг бошлиқлари шу тармоққа тааллуқли масала юзасидан келган фуқароларни қабул қиладилар.

Вилоят прокуратураси томонидан ижро этилиши талаб қилинадиган ҳамда ахборот-услубий хусусиятдаги ҳужжатларни тайёрлаш ва жойларга юбориш

Вилоят прокуратуралари томонидан қуйи прокуратура органларига ижро учун юбориладиган ҳужжатлар (топшириқ, кўрсатма, танбех) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, республика Президентининг Фармонлари, қарорлари, ҳукумат қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқлари ва кўрсатмалари, Ҳайъат қарорлари, иш режалари, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тайёрланади.

Вилоят прокуратураси томонидан ахборот-услубий хусусиятидаги ҳужжатлар (йўналтирувчи хат, ижобий иш тажрибасини оммалаштириш ҳақидаги хат) эса муайян соҳадаги иш жараёнини такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш, таҳлилий фаолият имкониятлардан кенг фойдаланишга йўналиш бериш мақсадида тайёрланади.

Ижроси жойлардаги барча прокуратура органларига тааллуқли бўлган ҳужжатлар (якка тартибдаги топшириқлар бундан мустасно) ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими билан келишилган ҳолда тайёрланади ва фақат вилоят прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланади.

Режалаштирилган даврда фаолияти комплекс текширилиши лозим бўлган прокуратурага, қоида тариқасида, топшириқ юборилмайди.

Вилоят прокуратураси томонидан такрорийлик ва иш ҳажмининг сунъий ортиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида қуйи прокуратура органларига ижро этилиши талаб қилиниб юборила-

диган ҳужжатларнинг ҳисоби ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлимида юритилади ва уларнинг нусхалари жамланади.

Иш режаси бўйича топшириқда барча ижрочилар билан келишилган ҳолда вазифалар аниқ баён этилган, аниқланиши лозим бўлган масалалар ва ижро муддати кўрсатилган бўлиши керак.

Вилоят прокуратураси таркибий тармоқларига умумий тарзда ижро қилиш учун топшириқ ва кўрсатма тарзидаги ҳужжатлар бериш фақат вилоят прокурори ва унинг ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

Муайян мурожаатларни ҳал этиш билан боғлиқ, шунингдек, якка тартибдаги бошқа масалаларга доир топшириқлар туман-шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга бўлим ва бошқа таркибий тармоқ бошлиқлари томонидан юборилади.

Йўналтирувчи хатлар, услубий қўлланмалар ва ахборот-таҳлил йўналишидаги, шунингдек, қуйи прокуратура органларининг муайян соҳалар бўйича фаолиятини ижобий деб топиш, уни оммалаштириш ҳақидаги ҳужжатлар тегишли тармоқлар томонидан тайёрланиб, ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими билан келишилганидан сўнг вилоят прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланади.

Топшириқ, йўналтирувчи хатлар ва услубий қўлланмаларни кўпайтириш, жойларга юбориш фуқаролар мурожаатлари ва хатлар хизмати томонидан амалга оширилади.

Бундай ҳужжатларни телетайп ёки телефакс орқали жўнатиш ҳам худди шу тарзда амалга оширилади.

Ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими ижро этилиши талаб қилинадиган ва ахборот-услубий хусусиятидаги ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда жойларга юбориш амалиётини вақти-вақти билан умумлаштириб боради ва бу фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади.

Вилоят прокуратуралари томонидан қуйи прокуратуралар фаолиятини жойига чиқиб текшириш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш.

Қуйи прокуратуралар фаолиятини жойига чиқиб текшириш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш, қоида тариқасида, вилоят прокуратурасининг иш режасига мувофиқ амалга оширилади.

Вилоят прокуратурасининг иш режаси асосида жойларга чиқиб текширишлар бўйича иштирок этувчи ходимлар гуруҳлари таркиби ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими томонидан таркибий тармоқларнинг бошлиқлари билан келишилган ҳолда шакллантирилади ҳамда вилоят прокурори томонидан тасдиқланади.

Қуйи прокуратураларни комплекс текширишдан ўтказишда ходимлар гуруҳларига, қоида тариқасида, вилоят прокурорининг ўринбосарлари, ишнинг муайян йўналишлари бўйича текширувларда эса тармоқ бошлиқлари раҳбарлик қиладилар.

Вилоят прокурори ва унинг ўринбосарлари розилиги ҳамда туман-шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар билан келишувга биноан текширишларга қуйи прокуратура ходимлари жалб этилиши мумкин.

Ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими томонидан тайёрланган, комплекс текшириш ўтказадиган гуруҳ раҳбарлари ва аъзолари тўғрисидаги вилоят прокурорининг буйруғи текширишдан камида икки кун олдин чиқарилади.

Вилоят прокуратураси ходимларининг режадан ташқари жойларга чиқишлари (фавқулодда ҳодисалар, жиноятларни тергов қилиш, аттестация олди ва шикоятларни текшириш, шунингдек, бошқа масалалар) вилоят прокурори ёки унинг ўринбосарлари кўрсатмасига биноан ўтказилади.

Бундай кўрсатма берилган бўлим ва бошқа таркибий тармоқнинг бошлиғи текширишда бошқа тармоқларнинг ходимлари иштирок этиши зарурлиги тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Иш режасига асосан жойларга чиқишга тайёрланаётган ходимлар вилоят прокуратурасидаги мавжуд статистика маълумотлари, қонунийлик ва жиноятчилик ҳамда прокурор назорати ҳолатини тавсифловчи бошқа ҳужжатларни таҳлил қилишлари, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари, Бош прокуратура ва вилоят прокуратураси ҳайъати, Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорлари, олдинги текширишлар натижалари ҳамда улар юзасидан қабул қилинган қарорлар билан танишишлари, жойларга чиқиш мақсадидан келиб чиқиб, ишнинг асосий йўналишларини белгилаб олишлари ҳамда текшириш режасини тузишлари шарт.

Текшириш режаси вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари ёки ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Текшириш учун кетаётганларга жўнаш олдидан вилоят прокурори ёки унинг ўринбосари томонидан тегишли кўрсатмалар берилади.

Текшириш натижалари тўғрисидаги маълумотнома жойларнинг ўзида тузилади ва унда прокуратура органининг, муайян ходимларнинг фаолияти таҳлил қилинади ва бахо берилади, зарур ҳолларда йўл қўйилган камчиликларнинг сабабларига доир хулосалар, уларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсиялар кўрсатилади.

Маълумотнома гуруҳнинг барча аъзолари томонидан имзоланади, унинг бир нусхаси фаолияти текширилган прокуратура раҳбарига топширилади. Текшириш натижалари жойнинг ўзида муҳокама қилиниши мумкин.

Гуруҳ раҳбари жойларга чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичида Бош прокурорга ёки унинг ўринбосарига ахборот бериши шарт, улар эса тақдим этилган материаллар бўйича амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирлар шакли ва муддатлари тўғрисида кўрсатма берадилар.

Бош прокурор ёки унинг ўринбосари устхат қўйган текшириш натижалари тўғрисидаги маълумотнома ва бошқа материаллар қабул қилинган қарорнинг бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш учун ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармасига топширилади.

Комплекс текширишлар натижалари, қоида тариқасида, вилоят прокуратурасининг Ҳайъати муҳокамасига киритилади.

Комплекс текширишда иштирок этган тармоқларнинг ходимлари ўз йўналишлари бўйича бажарилган ишлар тўғрисида тегишли тармоқ бошлиғига ахборот берадилар ҳамда маълумотнома тақдим этадилар.

Текшириш натижалари, агар уларни вилоят прокуратураси Ҳайъати муҳокамасига киритишнинг зарурияти бўлмаса, вилоят прокурори ёки унинг ўринбосарлари ҳузуридаги тезкор йиғилишларда, таркибий тармоқларда муҳокама этилади, бунда қилинган ишларга баҳо берилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда қуйи прокуратура органлари устидан назоратни яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинади.

Вилоят прокуроринининг ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳужжатлари.

Вилоят прокуроринининг ташкилий-бошқарув йўналишдаги ҳужжатлари (буйруқ, кўрсатма, фармойиш) лойиҳалари прокуратура раҳбариятининг топшириқлари, Ҳайъат, мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорлари асосида ёки ташаббускорлик тартибида тегишли тармоқларда тайёрланади,

Ҳужжат лойиҳаси ташаббускорлик тартибида тайёрланганида унга вилоят прокурори номига ёзилган билдирги илова қилиниб, тегишли асослар кўрсатилади.

Вилоят прокуроринининг ўринбосарлари прокурор назорати йўналишлари бўйича прокурорларга тегишли кўрсатмалар юборадилар.

Таркибий тармоқ бошлиқлари ташкилий бошқарув йўналишидаги ҳужжатлар лойиҳаларини кўрилаётган масала тааллуқли бўлган бошқа тармоқлар билан келишиб оладилар.

Вилоят прокуроринининг буйруқ, кўрсатма ва фармойишларининг (махфий, кадрларга оид ва хўжалик масалаларига доир ҳужжатлар бундан мустасно) ҳисобини юритиш, асл нусхаларини тўплаш ва ижросини назорат қилиш ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими томонидан амалга оширилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликдаги буйруқлар, кўрсатмаларнинг лойиҳаларини тайёрлаш тартиби вилоят прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар раҳбарлари билан келишилган ҳолда белгиланади.

Ҳужжатларнинг лойиҳалари тасдиқлаш учун вилоят прокурорига ишнинг тегишли соҳаси учун масъул бўлган прокурор ўринбосари томонидан тақдим этилади.

Вилоят ҳокимлигига юбориш учун таркибий тармоқлар томонидан тайёрланган ахборотлар, таҳлилий ҳужжатлар лойиҳалари ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими билан келишилганидан сўнг раҳбариятга тақдим қилинади.

Қуйи прокуратура органлари ходимларини вилоят прокуратурасига чақиртириш.

Қуйи прокуратура органлари ходимларини вилоят прокуратурасига чақиртириш, қоида тариқасида, иш режалари, шунинг-

дек, таркибий тармоқ бошлиқларининг асослантирилган билдиргисига мувофиқ, вилоят прокурори ёки унинг ўринбосарлари кўрсатмасига биноан ёхуд уларнинг розилиги билан амалга оширилади.

Бўлимлар ва бошқа таркибий тармоқлар бошлиқлари томонидан иш ўрганиш учун чақиртирилган ходимларга тегишли масъул иш ўргатувчи ходим бириктирилади.

Иш ўрганувчи ходим мазкур таркибий тармоқ фаолияти билан боғлиқ тегишли ҳужжатлар билан таништирилади, унга соҳада ишларни ташкил қилиш, прокурор назорати, процессуал ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш услублари ўргатилади. Шунингдек, иш ўрганувчи ходим текшириш ва айрим тергов ҳаракатларида иштирок этишга жалб қилиниши мумкин.

Иш ўрганиш натижалари таркибий тармоқ бошлиғи ҳузуридаги тезкор йиғилишда муҳокама этилади ҳамда тегишли қарор қабул қилинади.

Ҳайъат мажлиси, тезкор йиғилиш, муайян ишлар юзасидан маъруза қилиш ёки аттестациядан ўтказиш учун чақиртирилган ходимнинг хизмат сафари муддати бир кундан, бошқа масалалар бўйича чақиртирилганда эса икки кундан ошмаслиги керак. Иш ўрганиш ва вилоят прокуратурасида узоқроқ муддат бўлиш талаб этиладиган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

Қуйи прокуратура ходимларини жиноят ишлари бўйича тергов гуруҳлари таркибида фаолият олиб бориши учун чақиртириш асослари ҳамда тартиби прокуратура раҳбарияти томонидан белгиланади.

Туман, шаҳарлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар.

Туманлар, шаҳарлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга тегишли прокурорлар раҳбарлик қилади, улар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар. Бу прокурор юқори турувчи тегишли прокурорга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунадилар ва уларнинг олдида ҳисобдордирлар.

Туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

билан келишилган ҳолда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосарлари бўлиши мумкин.

Туманлар, шаҳарлар прокурорларининг ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари. прокуратура катта терговчилари ва терговчилари, иш ўрганувчилари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар (17-модда).

7-§. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти ташкил этилади.

Департамент 2001 йилнинг 6 июл куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 291-сонли қарори билан ташкил этилган.

Департаментни ҳамда унинг жойлардаги бўлинмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда тасдиқланган Низоми билан тартибга солинган эди. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлар ва фармойишларга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига асосан олиб боради.

Департамент Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги ихтисослаштирилган мустақил орган ҳисобланади, солиқ

ва валютага оид интизомни мустаҳкамлашга оид тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, солиққа оид жиноятларни ва қонун бузилишларига қарши курашиш, давлатга етказилган иқтисодий зарарни ундириб олиш асосий мақсади ҳисобланади.

Департаментга лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарига тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Департамент бошлиғи раҳбарлик қилади.

Департамент бошлиғининг ўринбосари Департамент бошлиғининг тақдимномасига биноан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимда тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ҳудудий бошқармаларнинг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, Департаментнинг туман ва шаҳар бўлимлари бошлиқлари Департамент бошлиғининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланидалар ва лавозимдан озод этиладилар.

Департаментни ҳамда унинг жойлардаги бўлинмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Департаментнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

солиққа ва валютага оид жиноятлар ва қонун бузилишларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш;

солиқ сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, солиққа тортиш базаларини кенгаштириш, солиқ тўловчиларнинг қамраб олиниши ва ҳисобининг тўлиқлигини таъминлаш, нақд пул маблағлари муомалада бўлиши белгиланган тартиби бузилишларини олдини олиш;

солиқларни тўлашдан бош тортиш, қочишнинг мумкин бўлган каналлари ва механизмларини, яширин иқтисодиётнинг шаклланиш йўлларини, валютага оид қонунбузиш ҳолатларини, коррупция ҳолатларини аниқлашга қаратилган самарали тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

норматив-ҳуқуқий базани, энг аввало солиққа ва валютага оид қонун бузилишларининг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасидаги норматив- ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

одамларнинг ҳуқуқий онгини мустаҳкамлаш, фуқароларда иқтисодий фаолият ва солиқ ҳамда валюта сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги конституциявий нормаларни ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларини бажаришнинг зарурлиги тушунчасини шакллантириш;

аҳолида солиқларни тўлашдан бош тортганлик, валютага оид қонунбузилишларга йўл қўйганлик, иқтисодиёт, солиқ ва валюта соҳасида содир этилган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлиги тушунчасини тарбиялаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш тўғрисида» 2006 йил «22» майда 59-сонли буйруғи қабул қилинган. Буйруқ талабига кўра:

- Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналиши бўлган солиқ, валютага оид ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан қатъий назорат олиб борилиши шартлиги; Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш борасида мутасадди идоралар фаолияти устидан назорат янада кучайтирилиши кераклиги;
- Бу борада солиқ, валютага оид ва жиноий даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш соҳасидаги жиноятлар ҳамда ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олиш, иқтисодиётга, умуман давлат манфаатларига етказилган зарарларни давлат бюджетига ундирилишини таъминлаш чоралари изчиллик билан амалга оширилиши лозимлиги;
- Солиқ, валютага оид ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор

назоратини амалга оширишда Давлат солиқ хизмати, Департамент ҳамда уларнинг қуйи тизимлари фаолиятида фуқаролар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш чора-тадбирлари кўрилишига жиддий эътибор қаратилиши кераклиги;

- Солиқ, валюта оид ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш соҳасидаги қонунбузилишлар ва жиноятларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, солиқ текширувларини синчковлик билан ҳар томонлама, тўла ва холисона ўтказилишини ҳамда жазо муқаррарлигини таъминлаш, қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари аниқланиб, бунга имконият берган шарт-шароитларни бартараф қилишга қаратилган қатъий чоралар кўрилиши;
- Давлат солиқ хизмати ва Департамент идоралари томонидан ўтказиладиган текширувлар жараёнида қонун Ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан прокурор назорати кучайтирилиши;
- Мансабдор шахслар томонидан солиқ, валютага оид ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунлар ижроси борасида қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқлиги мунтазам ўрганиб борилган, аниқланган қонунбузилишларга дарҳол барҳам берилиши;
- Солиқ, валютага оид ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунлар ижросини таъминлаш жараёнида қабул қилинган қарорларнинг, хусусан, солиқ қонунчилиги ҳужжатларини бузганлик учун солиқ тўловчиларига нисбатан Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий жазо чоралари қўлланилишининг қонунийлиги устидан мунтазам назорат олиб борилиши, ғайриқонуний қарорлар ва бошқа ҳуқуқий актлар ўз вақтида бекор қилиниб, қонуний қарор қабул қилиниши таъминланиши;

- Давлат солиқ хизмати ва Департамент идораларида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўлланилиши, шунингдек текширув ҳужжатларини рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш, тааллуқлилиги бўйича бошқа органларга юбориш жараёнида қонун талабларига риоя қилиниши ҳар ойда текшириб турилиши;
- Солиқ ва валюта интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши аҳволи, махсус билими, тажриба ва зарур тайёргарликка эга бўлган мутахассислар иштирокида текшириб борилишини жорий қилиш, натижалари бўйича аниқланган қонунбузилиш ҳолларини бартараф этиш хусусида прокурор таъсир чора ҳужжатлари қўлланилиши;
- Солиқ, валютага оид ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳамда терроризмни молиялаштириш соҳасидаги қонунбузилишлар юзасидан терговолди текширув ва суриштирув устидан назоратни амалга оширишда, маъмурий, жиноят ишлари ва жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги ҳужжатлар юзасидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги доимий равишда текшириб борилиши ва ноқонуний қарорлар ўз вақтида бекор қилиниши;
- Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 382-моддаси талаблари асосида Департаментнинг суриштирув фаолияти устидан назорат кучайтирилган. Жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари ижро этилаётганлиги ҳар ойда камида бир марта текшириб борилади, жиноятларни ҳисобдан яшириш ҳолларига кескин чоралар кўрилиши;
- Солиқ, валютага оид ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиши тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширувлар натижалари бўйича тўлиқ тасдиқланмаган, етарли далиллар тўпланмаган ҳужжатлар билан асоссиз жиноят ишлари қўзғатилишига йўл қўйилмасин. Жиноятни истисно этувчи ҳолатлар тўлиқ текширилиб, қонуний қарор қабул қилиниши таъминланиши;

- Давлат солиқ хизмати ва Департамент идораларида фуқаролар ва юридик шахслар вакилларининг мурожаатларини кўриб чиқилишида қонунларга риоя этилиши ҳамда ходимларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари юзасидан ўтказилган хизмат текшируви материаллари бўйича қабул қилинган қарорлар ва қўлланилган жазо чораларининг қонунийлиги мунтазам равишда ўрганиб борилиши;
- Давлат солиқ хизмати идораларида ўтказилган текширувларда, бюджет ва хўжалик фаолияти бўйича смета харажатларининг ижроси юзасидан ўтказилган идоравий тафтиш ҳужжатлари ўрганилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиши;
- Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Департамент ва унинг қуйи тизимларининг тезкор-қидирув фаолияти, шунингдек, уларнинг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорликда солиқ, валюта ва жиноий даромадларни легаллаштириш ҳамда терроризмни молиялаштириш соҳасидаги ҳуқуқ бузилишларни содир этган шахсларни аниқлаш фаолияти устидан назорат кучайтирилиши;
- Департамент идоралари томонидан солиқ текширувлари ҳамда тезкор тадбирлар давомида тўпланган ҳужжатлар юзасидан терговолди текширув ва суриштирув ҳаракатларини қонунда белгиланган муддатда ўтказилиши, натижаси бўйича қонуний ва асослантирилган қарор қабул қилинишига эришилиши;
- Давлат солиқ хизмати ва Департамент идоралари қарорлари ва мазкур идоралар ходимларининг ҳатти-ҳаракатлари устидан тушган мурожаатлар қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши;
- Бу мурожаатлар юзасидан зарур ҳолларда тегишли мутахассислар жалб этилиб, текширишлар ташкил этилиши ва натижаси бўйича қонуний қарор қабул қилиниб, ариза муаллифига асослантирилган жавоб юборилиши;
- Хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик субъектларида ноқонуний текшириш ўтказилишига йўл қўйган Давлат солиқ

хизмати ва Департамент ходимларини жиноий жавобгарликка тортиш масаласи қатъиятлик билан ҳал этилиши кераклиги;

- Ноқонуний текширишлар оқибатида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, етказилган моддий ва маънавий зарарни бартараф этиш тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай амал қилиниши лозимлиги;
- Бош прокуратуранинг солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокурорлар соҳа фаолиятида амалга оширилган ишларни таҳлил этиб борсинлар. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати, Департамент ва бошқа мутасадди идоралар, уларнинг қуйи тизимлари билан доимий ҳамкорлик ўрнатилиши зарурлиги;
- Соҳа фаолиятига доир зарур маълумотлар ва бошқа таҳлилий ҳужжатлар олиниб, қонунбузилишларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилиб, қонунларнинг ижроси таъминланиши кераклиги;
- Мазкур йўналишда ходимларнинг касб малакасини ошириш, соҳада ишларни яхшилашга қаратилган тадбирлар мунтазам амалга оширилиши зарурлиги;
- Амалиётда фойдаланиш учун тавсиялар ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиши лозимлиги;
- Ижобий иш тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган чора-тадбирлар кўриб борилиши лозимлиги;
- Соҳа фаолиятига ошкоралик бериш, ҳуқуқ-тарғибот борасидаги ишларни жадаллаштирилишига алоҳида эътибор қаратилиши кераклиги;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон транспорт, туман ва шаҳар прокурорлари ушбу буйруқ ижросини тўлиқ таъминлаши лозимлиги;
- Мазкур буйруқнинг бажарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳа бўйича ўринбосарига юклатилганлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги 28-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши лозимлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари фаолиятида қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати самарадорлигини янада ошириш тўғрисида 2006 йил 22 май куни **60 сонли буйруғи**ни қабул қилган.

- Буйруқ талабига кўра, Солиқ интизомини мустаҳкамлаш ва валюта муносабатларини барқарорлаштириш, солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, шунингдек, давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш прокуратура органларининг муҳим вазифалари эканлиги;
- Департамент ва унинг қуйи органлари фаолиятида қонунларга риоя этилиши устидан прокурорлик назорати янада кучайтирилиб, бу соҳадаги назоратни таъминлаш шахсан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар, туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилиши лозимлиги;
- Бу йўналишдаги прокурор назоратининг сифати ва самарадорлиги оширилиб, улар фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни, қонунлар, Департамент фаолиятини тартибга солувчи Низом талабларига амал қилиниши, солиқ, валютага оид ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятларни, давлат идоралари, солиқ хизмати, банк ва молия тизимларида коррупция ҳолларини ўз вақтида аниқлаш, олдини олишга доимий эътибор қаратилиши кераклиги;
- Бунда асосий эътибор солиққа тортиш ва валюта соҳасида қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлиги, Департамент органлари томонидан қонунларнинг бажарилиши,

жиноий таъқиб, тезкор-қидирув фаолиятнинг қонунийлиги, солиқ тўловчиларнинг Ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишига қаратилиши лозимлиги;

- Департамент органларида ишларнинг ташкил этилиши ва қонунларга риоя қилиниши бўйича ўтказиладиган текширишда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратилиши ва баҳо берилиши кераклиги:
- Бош прокуратура ҳайъати, мувофиқлаштирувчи кенгаш ва тезкор йиғилишларининг Департамент фаолиятига доир массалалар бўйича қабул қилинган қарорлар ижросининг тўлиқ ва белгиланган муддатларда таъминланиши;
- ишни ташкил қилишда ҳудуднинг иқтисодий аҳволи, солиққа тортиш базалари, солиқ тўловчилар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш ҳақидаги ҳамда бошқа зарур таҳлилий маълумотларнинг мавжудлиги;
- солиқ, валютага оид ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунлар талабларининг бузилишларини олдини олиш, аниқлаш ва барҳам беришга қаратилган аниқ мақсадли ҳамда кенг қамровли тадбирларнинг ишлаб чиқилганлиги ҳамда амалга оширилганлиги;
- фуқароларда солиқ сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги конституциявий нормаларни бажаришнинг зарурлиги, бу соҳада жиноятлар содир этганликлари учун жазонинг муқаррар эканлиги тўғрисидаги тушунчаларни шакллантириш борасидаги профилактик ишларининг амалда бажарилганлиги ва бунда ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланилганлиги;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва назорат идоралари билан ўрнатилган ўзаро ҳамкорлик ҳамда ўтказилган тадбирлар ҳудуднинг иқтисодий аҳволини яхшилашга нечоғли самара берганлиги;
- хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти бўйича ўтказилган текширишларнинг (тафтишлар) асослилиги ва қонунларга мувофиқлиги, текширув ҳужжатларини расмийлаштиришда иш

юритиш қоидаларига риоя қилинганлиги, иш бўйича тўлиқ текшириш ўтказилганлиги ҳамда қўлланилган чораларнинг қонунийлиги;

- «хуфёна» иқтисодиётнинг шаклланишига омил бўлган ҳолатлар, бу жараёнда иштирок этган ва уларнинг фаолиятига раҳнамолик қилган, шунингдек, бу борада солиқ, банк, молия ва бошқа давлат идоралари хизматчилари орасида коррупция ҳолатларининг аниқланганлиги;
- акциз солиғи солинадиган этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва муомалага киритилишининг олдини олиш ва манбаларини аниқлаш ишларининг тўлақонли ўтказилганлиги;
- хорижий валюта маблағларининг ноқонуний айланишига оид маълумотларнинг мавжудлиги ва уларнинг ягона марказлаштирилган ҳисоби юритилганлиги;
- банкдан ташқари ноқонуний пул айланмалари ҳақида маълумотларнинг тўпланганлиги, улар юзасидан қўлланилган чораларнинг қонунийлиги;
- жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришнинг мумкин бўлган каналлари ва механизмларини аниқлашга йўналтирилган молиявий, мулкий операциялар мониторинги ташкил этилганлиги ва амалга оширилганлиги;
- олиб қўйилган товар-моддий бойликларни сотишдан тушган маблағларни бюджетга ўтказилишида белгиланган тартибга риоя қилинганлиги, айбдорларга молиявий ва маъмурий чораларнинг тўлиқ ва тўғри қўлланилганлиги;
- олиб қўйилган товарларни эгаларига қайтариб бериш масаласи шахсан вилоят прокурорининг розилиги билан ҳал этилганлиги, товар-моддий бойликларни асоссиз олиб қўйилишига йўл қўйган ходимларга нисбатан интизомий чоралар қўлланилганлиги.

Прокурор назорати фаолиятининг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида:

- солиқ, валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида аниқланиши, уларнинг олдини олиш ва бартараф

этилиши, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилиши;

- давлат солиқ сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, солиққа тортиш базасини кенгайтириш, солиқ тўловчиларнинг қамраб олиниши ва ҳисобининг тўлиқлигини таъминлаш, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, қочишнинг мумкин бўлган каналлари ва механизмларини, "хуфёна" иқтисодиётнинг шаклланиш йўлларини, солиқ хизмати, банк ва молия тизимларида коррупция ҳолларини ўз вақтида аниқланиши ва бартараф этилиши;
- валюта операциялари бўйича ҳисоб ва ҳисоботларнинг тўлиқлилиги, хорижий валюта маблағларининг қонунга хилоф равишда четга чиқиб кетиши ва олиб кирилиши, ноқонуний муомалада бўлиши ва валюта айирбошлаш операциялари билан боғлиқ бошқа қонунбузилишларнинг олдини олиш ва бартараф этилиши;
- молиявий разведканинг замонавий тизимини яратиш; жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг мумкин бўлган каналлари ва механизмларини аниқлашга йўналтирилган молиявий, мулкий операциялар мониторингини ташкил этиш ва амалга ошириш; аниқланган қонунбузишлар тўғрисида тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жиноий таъқибни ташкил этиш, маъмурий чораларни кўришлик учун ўз вақтида ахборот тақдим этилиши;
- солиқ ва иқтисодиёт соҳасида аниқланган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат қилинадиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона компьютер базасининг яратилиши ва юритилиши;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари ва шартномаларига мувофиқ валютани тартибга солиш соҳасида, шунингдек жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ҳам-

да халқаро-ихтисослашган ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ахборотлар айирбошлаши;

- солиқ сиёсати ва валюта муомаласини тартибга солиш, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олиш масалалари бўйича кенг тушинтириш, профилактика ишларини амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилиши;
- Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш тўғрисидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда улар бўйича қабул қилинган процессуал қарорларнинг қонунийлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, солиқ ва бошқа назорат идораларидан чора кўриш учун юборилган материалларнинг қонуний ҳал қилиниши ҳамда улар бўйича ўз вақтида солиштиришлар ўтказилганлиги аҳволи ҳар ойда камида бир марта текширилиши лозимлиги;
- Жиноятларни ҳисобдан яширганлик ҳолати юзасидан идоравий тартибда хизмат текшируви ўтказилиши таъминланиши; қонунбузилишига йўл қўйган ва жиноятларни қасддан яширган ходимларнинг жиноий жавобгарлик масаласи қатъиятлик билан ҳал этилиши шартлиги;
- Жиноят иши қўзгатишни рад қилиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ҳар ойда ўрганиб борилиши лозимлиги; бу ҳақда қабул қилинган қарорлар асосли деб топилган тақдирда, вилоят прокурорлари томонидан тасдиқланган хулосалар тузилиши лозимлиги;
- Вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими бошлиқлари томонидан ҳар чоракда камида бир маротаба Департамент қуйи органларининг тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларини ўрганиб, уларнинг белгиланган тартибда юритилганлиги, сақланганлиги, аниқланган ҳолатлар бўйича кўрилган чораларнинг қонунийлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа манбалар билан ҳамкорликнинг йўлга

қўйилганлиги, умуман тезкор хизмат имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигига ҳуқуқий баҳо берилиши кераклиги;

- Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг тезкор-қидирув фаолияти Бош прокурорнинг топшириғига кўра Бош прокуратуранинг солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими томонидан амалга оширилиши;
- Вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар тезкор-қидирув ишларни ўрганиш жараёнида тадбирларни фаоллаштириш бўйича кўрсатмалар беришни амалга ошириб борадилар. Тезкор-қидирувни юритиш ва амалга оширишда қонунбузилиш ҳолларига йўл қўйган ходимларнинг жавобгарлик масаласи қатъиятлик билан ҳал этилиши;
- Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилишда қонунларга риоя этилиши мунтазам равишда текшириб борилади. Мурожаатларнинг тўлиқ ва холисона ҳал этилишини таъминлаш мақсадида зарур ҳолларда текширишларга тегишли мутахассислар ҳамда мурожаат муаллифлари ёки уларнинг қонуний вакиллари жалб этилиши зарурлиги;
- Департамент органлари фаолияти юзасидан тузиладиган ҳисоботлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ҳисобот интизомига риоя қилиниши аҳволи ҳар ойда текшириб борилиши;
- Департамент органларида иш юритиш Бош прокурорнинг тегишли буйруқ ва Йўриқномалари асосида ташкил қилинганлиги аҳволи юзасидан текширишлар ўтказиб борилиши қайд этилган**.**

Бош прокуратуранинг Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими:

- Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят прокурорларининг бу йўналишдаги фаолиятлари устидан раҳбарлик ва назорат услубларини такомиллаштириши зарурлиги, уларга амалиётда келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши кераклиги;

- Бош прокуратуранинг Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими ва жойлардаги тармоқлар томонидан солиққа тортиш соҳасидаги қонунчилик, шунингдек, Департамент ҳамда унинг қуйи тизимлари фаолияти устидан прокурор назоратининг аҳволи ҳар олти ойда умумлаштирилиб, тезкор ва ҳайъат мажлислари муҳокамасига киритиб борилиши белгиланган. Мазкур умумлашмаларнинг хулосалари ва натижаларидан прокурор назорати амалиётини такомиллаштиришда фойдаланилиши қайд этилган.
- Бош прокуратуранинг солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлимига кадрлар бошқармаси билан биргаликда ваколатлари доирасида департамент органларида кадрларни тарбиялаш, уларнинг малакаси ва касб-маҳоратини оширишда иштирок этиши белгилаб қўйилган.
- Солиқ, валютага оид ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга ҳамда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқни қўллаш амалиётида келиб чиқадиган муаммолар ушбу органларнинг мувофиқлаштирувчи кенгашларида муҳокама қилиб борилиши қайд этилган.
- Мазкур органларнинг фаолияти устидан прокурор назоратини лозим даражада таъминламасдан, аниқланган қонунбузилишларга қатъий чоралар кўрмаган вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг ходимлари ҳамда туман (шаҳар) прокурорларига нисбатан прокуратура органларидан бўшатишгача бўлган қатъий чоралар кўрилиши белгиланган.
- Амалга оширилган ишлар ҳақида ҳар чоракда Бош прокуратурага ахборот берилиши кераклиги;
- Бош прокуратуранинг Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими томонидан жойлардан олинган маълумотлар асосида ҳар чоракда амалга оширилган ишлар тўғрисида Бош прокурорга ахборот бериб борилиши лозимлиги;
- Мазкур буйруқ ижроси устидан назорат Бош прокурорнинг ўринбосари ва тегишли тармоқлар томонидан амалга оширилиши қайд этилган.

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 17 февраль кунидаги 44-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш лозимлиги белгиланган.

8-§. Прокуратура органларининг ҳайъатлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (раис), унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, прокуратура органларининг бошқа ходимларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Ҳайъатнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда прокурор(раис), унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, прокуратура органларининг бошқа ходимларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Ҳайъатнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураларида ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда тузиладиган ҳайъатлар маслаҳат органлари бўлиб, улар қонунийлик ва жиноятчиликнинг ҳолатига, прокуратура органларининг фаолиятига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруқлари ва кўрсатмаларининг ижросига, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишга доир ва бошқа масалаларни кўриб чиқади, прокурорларнинг, прокуратура органлари тузилмавий бўлинмалари раҳбарларининг ва бошқа ходимларининг ҳисоботларини эшитади.

Ҳайъат қарорлари асосида тегишли прокурорлар буйруқлар чиқариши мумкин.

Ҳайъат мажлиси, мувофиқлаштирувчи кенгаш ва тезкор йиғилишларнинг ишини ташкил этиш.

Бош прокуратуранинг Ҳайъати маслаҳат органидир. Ҳайъат ўз мажлисларида қонунийлик аҳволи ва жиноятчиликнинг ҳолати, прокуратура органларининг фаолияти, Бош прокурор буйруқлари ва кўрсатмаларининг ижроси, кадрларни танлаш, жой-

жойига қўйишга доир ва бошқа масалаларни кўриб чиқади, прокурорларнинг, прокуратура органлари таркибий тармоқлари раҳбарларининг ҳамда бошқа ходимларининг ҳисоботларини эшитади.

Ҳайъат қарорлари асосида Бош прокурор буйруқлар чиқариши мумкин.

Ҳайъат мажлислари иш режасига биноан ёки Бош прокурор Ҳайъат раиси кўрсатмаси асосида ўтказилади.

Бош прокурор Ҳайъат ишида иштирок этмаган тақдирда, мажлисга раислик қилиш Бош прокурор кўрсатмаси асосида унинг ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

Ҳайъат муҳокамасига киритилаётган масала юзасида ҳужжатлар Бош прокурорнинг соҳавий ўринбосарлари билан келишилган ҳолда тегишли бошқарма ва бўлимлар бошлиқлари томонидан тадбирнинг иш режасида белгиланган муддати тугашидан камида ўн беш кун олдин тайёрланиб, ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармасига тақдим этилади.

Ҳайъат мажлисида кўриш учун мўлжалланаётган ҳужжатлар қуйидагилардан иборат бўлади:

- ҳажми ўн беш саҳифадан кўп бўлмаган маълумотнома;
- маъруза матни;
- қарор лойиҳаси;
- буйруқ лойиҳаси;
- ҳайъат мажлисига таклиф этиладиган шахсларнинг рўйхати. Ҳайъат муҳокамасига киритилаётган масалалар бўйича ҳужжатларнинг тайёрланиши учун жавобгарлик тегишли тармоқ бошлиқлари ҳамда Бош прокурорнинг шу соҳага масъул ўринбосарлари зиммасида бўлади.

Қарор лойиҳасида текширувнинг умумлашма таҳлили ёки натижаларидан келиб чиқувчи асосий хулосалар, қонунбузилиши ҳолларини ва ўрганилган соҳа юзасидан прокуратура органлари ишини ташкил этишдаги камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги таклифлар, қонунийликни мустаҳкамлаш чоралари акс эттирилган бўлиши лозим.

Бош прокурорнинг ўринбосари тайёрланган ҳужжатлар асосида масалани Ҳайъат мажлисида кўриш тўғрисидаги таклифни Бош прокурорга киритади. Бош прокурор мазкур ҳужжатларни

Ҳайъат муҳокамасига тайёрлаш учун ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармасига топширади ёки ҳужжатлар сифатли тайёрланмаган тақдирда уларни тегишли ўринбосарига кўрсатмалар билан қайтаради.

Ҳайъат мажлисини ўтказиш лозим топилганда, ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси кун тартиби лойиҳаси, мажлисга таклиф этиладиган шахсларнинг рўйхатини тасдиқлаш учун Бош прокурорга тақдим этади.

Ҳайъат мажлисида кўриладиган материаллар Ҳайъат мажлиси белгиланган кундан камида икки кун олдин ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси томонидан Ҳайъат раиси ва Ҳайъат аъзоларига берилади.

Ҳайъат мажлиси ўтказиладиган кун ҳақидаги хабарнома унинг иштирокчиларига ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси томонидан юборилади. Хабарномада кун тартиби, маърузачи, мажлис ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳамда иштирокчилар кўрсатилиши лозим. Таклиф этилган шахсларнинг мажлисда ҳозир бўлишини ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси масалани тайёрлаган бошқарма ёки бўлим билан биргаликда таъминлайди.

Агар махфийлик тартибига риоя этишга зид бўлмаса, Ҳайъат иши ошкоралик асосида амалга оширилади.

Қонунчилик тарғиботи бўлими бошлиғи ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси бошлиғи билан келишган ҳолда Ҳайъат мажлисига оммавий ахборот воситалари вакилларини таклиф этиш ҳамда уларга бериладиган ахборот ҳажми ҳақида Ҳайъат раисига таклиф киритади.

Ҳайъат мажлисида масала муҳокамаси Ҳайъат раиси белгилаган тартибда ўтказилади. Мажлис баённомаси ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси томонидан юритилади ва уни бошқарма бошлиғи имзолайди ҳамда ҳайъат раисига имзолаш учун тақдим этади.

Ҳайъат қарорига мувофиқ ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармасида тайёрланган ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳужжатлар Бош прокурор томонидан тасдиқланади.

Ҳайъат мажлиси баённомаси ва бошқа ҳужжатларнинг нусхалари ижро ва маълумот учун тааллуқлилиги бўйича зудлик билан жойларга юборилади.

Ҳайъат қарорининг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши, шунингдек,мазкур қарор асосида чиқарилган ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳужжатларнинг тўлақонли бажарилишини таъминлаш учун масъулият Бош прокурорнинг ўринбосарлари, Бош прокуратуранинг бошқармалари, бўлимлари ва Департамент бошлиқлари, вилоят прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар зиммасига юклатилади.

Бошқарма ва бўлимларнинг бошлиқлари Ҳайъат қарори ҳамда уни ижрога қаратиш мақсадида чиқарилган бошқа ҳужжатлар билан тезкор ходимларни албатта таништирадилар, уларнинг бажарилиши юзасидан (зарур ҳолларда тезкор йиғилишда муҳокама этган ҳолда) чора-тадбирлар ишлаб чиқадилар, масъул ижрочиларни белгилайдилар ва ижро назоратини ташкил қиладилар.

Ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси Ҳайъат қабул қилган қарорлар ҳисобини ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни олиб боради, Ҳайъатнинг иш амалиётини йилма-йил ўрганиб, умумлаштириб боради ҳамда унинг фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида Бош прокурорга таклифлар киритади.

Бош прокуратура Ҳайъатида муҳокама қилиш талаб этилмайдиган масалалар Бош прокурор, унинг ўринбосарлари ҳузуридаги тезкор йиғилишларда, шунингдек, бошқарма ва бўлимларда кўриб чиқилади.

Тезкор йиғилишлар заруриятга қараб ўтказилади. Уларни ўтказиш тартиби ва муддати, иштирокчилар доираси ва баённома юритувчилар ҳар бир муайян ҳолатда йиғилишни ўтказаётган раҳбар томонидан белгиланади.

Бош прокурор ҳузуридаги тезкор йиғилишларни ташкилий жиҳатдан таъминлаш, шунингдек, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назорат ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Ҳайъат ва тезкор йиғилиш қарорларининг ижроси ҳақидаги ахборотлар қоида тариқасида масалани тайёрлаган тегишли бошқарма ва бўлимларга юборилади ҳамда бу ҳақда назоратни таъминлаш учун ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармасига маълум қилинади.

Тезкор-қидирув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органларнинг Мувофиқлаштирувчи кенгашига ташкилий жиҳатдан тайёргарлик кўриш, ўтказиш, шунингдек, қабул қилинган қарорларни амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш тартиби алоҳида Низом билан белгиланади.

9-§. Прокуратура органларида бошқарув

Прокуратура органларида бошқарув дейилганида - *юқори турувчи прокурор ва прокуратура органларининг ўзларига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни билан берилган ваколат ва белгиланган мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда, вазифа ҳамда функцияни амалга оширишда қўл остидаги ходимлар фаолиятини бир тизим, тартиб ва қоида асосида бир мақсадга йўналтирилган, кўп қиррали фаолият жараёни тушунилади.*

Бошқарувнинг прокуратура органлари фаолиятида аҳамияти икки томонламадир. **Бир томондан,** қонунлар ижроси устидан умумий назорат тартибида прокурор назорати фаолиятини ташкил этиш, бошқариш учун етарли шароитни яратиш, дастлабки тергов ва прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича назорат объектлари томонидан назорат предметини тартибга солиш ва бошқариш кирса, **иккинчи томондан,** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни билан берилган ваколат ва белгиланган мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда, вазифа ҳамда функцияни амалга ошириш бўйича тегишли услуб ва усулларни ишлаб чиқиш, Бош прокурор томонидан соҳавий умуммажбурий характерга эга бўлган буйруқ, кўрсатма, йўриқнома ва Низомларни қабул қилиш киради.

Шунингдек, прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш, тавсия ва услубий характерга эга бўлган қонунийлик ва жиноятчилик аҳволини яхшилашга қаратилган ички соҳавий ахборот хатларини, умумлашмаларни, ижобий амалиёт ҳамда фаолиятда йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларнинг олдини олиш, бартараф этиш юзасидан ўзаро алоқа хатларини шакллантиради ва улардан фойдаланади.

Бошқарув қуйи турувчи прокурорлар фаолиятини юқори турувчи прокурорлар томонидан бевосита назорат қилиш услуби билан ҳам амалга оширилади. Бошқарувда марказлашганлик, бирлик, қонунийлик, ошкоралик ҳамда мустақиллик тамойиллари фаолият асосига негиз қилиб олинган. Яъни, бошқарувнинг асо-

сига Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида белгиланган ташкилий ва фаолият принциплари ўзак қилиб олингандир.

Бошқарув прокуратура органларининг ташкилий тизимини янада такомиллаштириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, прокуратура органларининг ҳар бир бўғинида, ҳар бир бўғиннинг бошқарувида, шу бўғинга бўйсунувчи бошқарма ва бўлимлар фаолиятини ягона талаб ва тартибда олиб боришда жуда ката аҳамиятга эгадир.

Юқори турувчи прокурорларнинг қуйи турувчи прокурорлар фаолияти устидан назорати бошқарувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Қуйи турувчи прокурорлар томонидан қабул қилинган қарорлар ва прокурор назорати ҳужжатларининг қонунийлиги устидан юқори турувчи прокурорларнинг назорати бу ҳужжатларнинг сифатли бўлишининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Юқори турувчи прокурорлар томонидан ҳар ойда ҳисобот олиниши ва қуйи турувчи прокурорларга ваколат доирсига кирувчи турли топшириқларни бериш ва уларнинг ижросини таъминлаш, қуйи турувчи прокурорларга баъзи прокуратура органлари томонидан йўл қўйилган камчиликлар ва ютуқлар ҳақида ахборот хатларини юбориш, ижобий амалиётни тарқатиш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бунинг натижасида прокуратура органларида мавжуд бўлган камчиликларни таҳлил қилиб, бартараф этиш чора ва тадбирлари кўрилиши мумкин.

Бошқарувнинг асосий вазифаси-прокуратура органлари ходимлари фаолиятига баҳо берувчи алоҳида белгиларни ишлаб чиқиш ва таҳрирлаш, тартибга солиш, шунингдек, жиноятчиликка ҳамда бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда олиб бориш ҳисобланади. Прокурор ўз ваколати доирасидаги ҳудудда қонунийлик ва жиноятчиликнинг аҳволи юзасидан жавобгар ҳисобланади. Қонунийлик ва жиноятчиликнинг аҳволи албатта, кенг тармоқли ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа характердаги омилларнинг ўзаро боғлиқлиги натижасидир. Ҳар қандай қонунбузилиши ҳолатига нисбатан прокурор томонидан тегишли прокурорлик таъсир чорасини қўллаш, ҳуқуқбузарликни олдини олиш юзасидан зарур бўлган прокурор назорати ҳужжатларининг самарали тарзда қўл-

лашни ташкиллаштириш ҳам бошқарувнинг асосий вазифаларидандир.

Юқори турувчи прокурорлар томонидан қуйи турувчи прокурорлар фаолиятини таҳлил қилиш ёрдамида, улар фаолиятида қабул қилинадиган зарур қарорларнинг самарадорлигини ошириш, устувор фаолият йўналишларини белгилаб олиш, режа тузишда амалий ёрдам кўрсатиш, прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш ва прокуратура органлари олдига қўйилган вазифа ва функцияларни ўз вақтида, сифатли тарзда амалга ошириш таъминланади.

Прокуратура органларида бошқарув предметлилик ва ҳудудийлик принципига асосан ҳамда бевосита депаравий (зональный) тамойилга асосан амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси судларда жиноят ишларининг кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси прокурорлари томонидан бевосита бир ва бир нечта вилоятларнинг прокуратураларида предметлилик принципига асосан ташкил этилган бўлимларда олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиб боришни мисол қилсак бўлади.

Прокуратура органларида бошқарув функцияларига:

таҳлилий иш; прогнозлаштириш; прокуратура органлари ва уларнинг қуйи бўлинмаларининг ўзаро фаолияти, ижро устидан назорат; раҳбарлик киради.

Прокуратуранинг таҳлилий функциясига прокуратура органлари фаолиятидаги қонунийлик аҳволини тегишли ҳудудларда қай даражада амалга оширилаётганлигини ва уни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш йўлида батафсил ўрганиб чиқиш ва маълум бир хулосага келиш киради.

Бешинчи боб бўйича такрорлаш учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими?

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколатлари?

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисобдорлиги?

4. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси тизими?

5.Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ким томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади?

6. Қорақалпоғистон Республикаси прокурори кимнинг олдида хисобдор?

7. Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга тегишли прокурорлар ким томонидан лавозимга тайинланадилар ҳамда лавозимдан озод этиладилар?

8. Ҳарбий прокуратуранинг асосий вазифаларига нималар киради?

9. Ҳайъат мажлисида кўриш учун мўлжалланаётган ҳужжатлар нималардан иборат бўлади?

10. Вилоят прокуратураси томонидан ахборот-услубий хусусиятидаги ҳужжатлар (йўналтирувчи хат, ижобий иш тажрибасини оммалаштириш ҳақидаги хат)нима мақсадда тайёрланади?

11. Ижроси жойлардаги барча прокуратура органларига тааллуқли бўлган ҳужжатлар ким томонидан имзоланади?

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиққа ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти қачон ташкил этилган?

13. Департамент фаолиятининг ҳуқуқий асослари қайсилар?

14. Департамент Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги ихтисослаштирилган мустақил орган ҳисобланади, унинг асосий мақсадини нима ташкил этади?

15. Департаментга ким раҳбарлик қилади ва департамент раҳбари ким томонидан лавозимга тайинланади?

16. Департаментнинг асосий вазифалари этиб нималар белгиланган?

17. Прокуратура органларининг ҳайъатлари ҳақида тушунчани айтиб беринг?

18. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасидаги ҳайъатнинг таркиби ким томонидан тасдиқланади?

19. Вилоятлар, Тошкент шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокуратуралардаги ҳайъатнинг таркиби ким томонидан тасдиқланади?

20. Ҳайъатнинг тезкор йиғилишларлари қанча муддатда ўтказилади?

Вариант 1.

1. Назарий савол:

Прокурор назорати фаолиятининг предмети мазмун ва моҳиятини ёритиб беринг?

2. Амалий машғулот:

Вазифа № 1.

Предметлилик тамойилига биноан**,** Тошкент шаҳар Темир йўллари шоҳ бекати ҳудудида қасддан баданга тан жароҳати етказилганлиги факти бўйича ким жиноят иши қўзғатиб, тергов ҳаракатлари олиб боради ва бу тергов ҳаракатларини қонунга мувофиқлигини ким назорат қилади?

Вариант 2.

1. Назарий савол:

Прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий ва асосий принциплари мазмунини ва моҳиятини ёритиб беринг?

2. Амалий машғулот:

Вазифа № 1.

Прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий ва асосий принциплари мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар Шайҳонтоҳур тумани ҳудудида жойлашган “Н” ишлаб чиқариш корхонаси ходимлари иш ҳақларини ўз вақтида олмаётганликлари ҳақида кимга мурожаат этишлари мумкин? Шайҳонтоҳур тумани ҳудудида жойлашган корхоналарда йўл қўйила-

ётган қонун бузилишлари, қонунлар ижроси устидан назоратни ким амалга оширади?

Аниқланган қонун бузилишларига нисбатан ким қандай чора кўриши мумкин?

Вазифа № 2.

Тошкент ҳарбий гарнизонига қарашли “Н” ҳарбий қисмда ўзганинг мулкини ўзлаштириш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жинояти содир этилди. Шу жиноят юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларини ким амалга оширади. Қайси прокурор қонунлар ижроси устидан назорат қилади?

Вазифа № 3.

Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган туман, шаҳар прокуратурасига тенглаштирилган жиноий жазоларни ижро этиш муассасаларида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи махсус прокурор кимга бўйсунади ва ким олдида ҳисобдор ҳисобланади?

Вазифа № 4.

Чилонзор тумани ҳокимияти ва бошқарув органлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар Чилонзор тумани прокуратурасининг фаолияти бўйича маълум бир қарорларни қабул қилишни талаб этиб мурожаат этди. Чилонзор тумани прокурорининг ҳаракати қандай бўлиши лозим?

Вазифа № 5.

Тошкент шаҳар ҳарбий гарнизони ҳудудида жойлашган “Н” сонли ҳарбий қисмда ҳарбий сирга тааллуқли бўлган маълумотларни ошкор қилгани учун ҳарбий шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Ушбу жиноят иши юзасидан дастлабки терговни амалга ошираётган терговчига тергов ҳаракатлари юзасидан интервью беришни сўраб, матбуот ходимлари мурожаат этишди. Терговчининг ҳаракатлари нималардан иборат бўлади?

Вариант 3.

1. Назарий савол:

Бош прокуратуранинг иш режасига доир таклифлар лойиҳасини тайёрлаш учун ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармасига ҳар йил қайси ойнинг қайси кунларидан кечиктирмай топширилиши керак?

2. Амалий машғулот:

Вазифа № 1.

Бош прокуратуранинг иш режасига доир таклифлар лойиҳасини тайёрлаш учун ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармасига ким томонидан ва қандай тартибда берилишини ёритиб беринг.

2. Назарий савол:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида иш режаси лойиҳаси тайёрланиши керак, ким томонидан тайёрланиб, ким билан келишилганидан кейин Ҳайъат муҳокамасига киритилади?

2. Амалий машғулот:

Вазифа № 1.

Андижон вилояти прокуратурасининг йиллик иш режасини тузиш керак, қандай амалга оширилишини ёритиб беринг.

Вазифа № 2.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани прокуратурасининг жорий режаси лойиҳаси қандай тайёрланишини ва тартибини ёритиб беринг.

Вазифа № 3.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани прокуратурасининг фаолияти юзасидан ҳисобот кимга ва қайси муддатларда берилиши тартибини ёритиб беринг.

Вариант 4.

1. Назарий савол:

Прокуратура органлари ходимлари бўлиш учун қандай талабларга жавоб беришлари керак?

2. Амалий машғулот:

Вазифа № 1.

Фарғона вилояти прокуратураси Фарғона шаҳар прокурори лавозимига Самарқанд Давлат Университетини Ҳуқуқшунослик факультетини битирган, олий юридик маълумотга эга, 4 йиллик иш стажига эга, касбий малакага эга, лавозимини бажариши мумкин бўлган саломат бўлган шахс, Тошкент Давлат Университетини Ҳуқуқшунослик факультетини битирган, олий юридик маълумотли, “Магистр” даражасига эга 5 йил 6 ойлик иш стажига эга, касбий малакага эга, лавозимини бажариши мумкин бўлган саломат бўлган шахс, Тошкент Давлат Юридик Институтини битирган, олий юридик маълумотли “Бакалавр” даражасига эга, 5 йил 6 ойлик иш стажига эга, касбий малакага эга, лавозимини бажариши мумкин бўлган саломат бўлган шахс ҳужжати тақдим этилган. Шу шахсларнинг қайси бирини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан Фарғона шаҳар прокурори лавозимига тайинланиши мумкинлигини ҳал қилинг?

5-БОБ УЧУН СХЕМА



Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколатлари(1)

- **Ўзбекистон Республикассис Бош прокурори прокуратура органларига раҳбарлик қилади ва улар фаолияти устидан назоратни амалга оширади**
- **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қонунчилик ташаббуси билан мурожаат этиши мумкин**
- **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида, шунингдек унинг органлари мажлисларида иштирок этади**
- **Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этиши, унинг кўриб чиқиши учун масалалар киритиши ва кўрилаётган масала юзасидан фикр билдириши мумкин**
- **Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисларида иштирок этади, кўрилаётган ишлар бўйича ва муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр билдиради**
- **Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми мажлисларида иштирок этади, кўрилаётган ишлар бўйича ва муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр билдиради**
- **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президентига киритади**


Туман ва шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар
Ҳарбий Округ ва Ҳарбий Гарнизон прокуратуралари
Туман ва шаҳар прокуратураларига тенглаштирилган ихтисослашган прокуратуралар
Туман ва шаҳар прокуратураларига тенглаштирилган ҳудудий транспорт прокуратуралари
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг ҳудудий жойлардаги бўлинмалари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколатлари(2)

- Прокуратура органлари ходимларига даражали унвонлар беради ва олий даражада унвонлар бериш тўғрисидаги тақдимнома билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат этади
- Прокуратура органлари ходимларини Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларига тақдим этади
- Прокуратура органлари ходимларини «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» кўкрак нишони билан тақдирлайди
- Буйруқлар чиқаради ҳамда прокуратура органларининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди
- Чет эл давлатларининг тегишли органлари билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар тузади
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори асосида бекор қилинади


Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси
вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари
туманлар ва шаҳарлар прокуратуралари
туман прокуратураларига тенглаштирилган ҳарбий округлар, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар
Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти


Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратураси
Қорақалпоғистон Республикаси прокурори
туман, шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар
Қорақлаоғистон Республикаси прокурорининг биринчи ўринбосари, ўринбосари
бошқармалар ва бўлимлар
Бошқармалар ва бўлимларнинг бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, прокурорнинг катта ёрдамчилари, прокурорнинг ички хавфсизликни таъминлаш бўйича ёрдамчиси, катта прокурор криминалист

«Прокурор назорати» фанидан тест саволлари

1.Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ким томонидан тайинланади?

А) Ўзбекистон Респбликаси Бош прокурори

В) Ўзбекистон Республикаси Президенти

С) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Д) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валюта ва жиноий йул билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти бошлиғи ким томонидан лавозимга тайинланади?

А)Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан

В)Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари томонидан

С)Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан

Д)Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан

3. Тошкент шаҳри ва вилоят прокурорлари лавозимларига ким томонидан тайинланадилар?

А)Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан

В)Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари томонидан

С)Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан

Д)Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан

4. Туманлар ва шаҳарлар прокурорлари кимлар томонидан тайинланади?

А)Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан

В)Тошкент шаҳар ва вилоят прокурорлари томонидан

С)Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан.

Д)Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентига қонунийлик ва жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи тўғрисида ҳисобот беради.

А)дарҳол
В)ҳар олти ойда
С)мунтазам равишда
Д)ҳар уч ойда

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ҳисобот беради.

А)тизимли равишда
В)мунтазам
С)ҳар олти ойда
Д)беш йилда бир марта

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентига прокуратура органлари томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот беради.

А)мунтазам
В)ҳар олти ойда
С)ҳар уч ойда
Д)зудлик билан

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентига ўта оғир жиноятлар ва фавқулодда ҳодисалар ҳақида ҳисобот беради.

А)мунтазам
В)зудлик билан
С)доимий
Д)ҳар ойда

9. Прокуратура органлари ходимларига олий даражали мансаб унвонларини ким томонидан берилади?

А)Бош прокурор
В)Ўзбекистон Республикаси Президенти
С)Бош вазир
Д)Олий Мажлис

10. Ўзбекистон Республикаси ҳайъати таркибини ким тасдиқлайди?

А)Бош прокурор

В)Ўзбекистон Республикаси Президенти

С)Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари

Д)Олий Мажлис Раиси

11. **«Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг фахрий ходими» кўкрак нишони билан прокуратура органлари ходимларини ким тақдирлашга ваколатли?**

А)Бош прокурор

В)Ўзбекистон Республикаси Президенти

С)Бош вазир

Д)Олий Мажлис Раиси

12. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори лавозимига қандай тайинланади?

А)Ўзбекистон Республикаси Президенти тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан тасдиқланади.

В)Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири томонидан тайинланиб, Бош прокурор томонидан тасдиқланади.

С)Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан Ўзбекиситон Республикаси Олий Мажлиси билан келишган ҳолда тайинланади.

Д)Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан Мудофаа вазири билан келишган ҳолда тайинланади.

13. Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурори қандай тайинланади?

А)Бош прокурори тайинлайди.

В)Ўзбекистон Республикаси Президенти тайинлайди.

С)Бош вазир Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишган ҳолда тайинлайди.

Д)Олий Мажлис Раиси томонидан тайинланади.

14. Ўзбекистон Республикасининг « Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири қачон қабул қилинган?

А) 29 август 1999 й.

В) 9 декабр 1992 й.

С) 29 август 2001 й.

Д) 10 октябр 2000 й.

15. Прокуратура органларининг ташкилий ва фаолият принципларига қайсилар киради?

А)бирлик, марказлашганлик, демократизм, қонунийлик.

В)бирлик, қонунийлик, ошкоралик, марказлашганлик.

С)қонунийлик, бирлик, марказлашганлик, мустақиллик, ошкоралик.

Д)қонунийлик, марказлашганлик, бирлик, ҳисобдорлик.

16. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ўз ваколатларига кўра қайси прокуратурага тенглаштирилган?

А)Бош прокуратурага тенглаштирилган.

В)туман, шаҳар прокуратураларига тенглаштирилган.

С)вилоятлар, Тошкент шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига тенглаштирилган.

Д)Мустақил прокуратура ҳисобланади ва ҳеч ким олдида ҳисобдор эмас.

17. Қонунлар ижроси устидан назорат қилишда қуйидагилардан қайсилари прокурор ваколатларига тааллуқли эмас?

А)Вазирлик, корхона, муассаса, ташкилот ва идораларнинг худудларига кириш.

В) Раҳбарлар ва бошқа мансабдор шахслардан текшириш ва тафтиш ўтказишни талаб қилиш.

С)Мансабдор шахс ва фуқаролардан қонунбузилишлар тўғрисида оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш.

Д)Идоравий бошқарув ва назоратни алмаштириш, бевосита хўжалик фаолиятига аралашув.

18. Маъмурий ҳуқуқбузарлик даражасидаги фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши аниқланган тақдирда прокурор қандай ҳаракатларни бажариши керак?

А)маъмурий ҳуқуқбузарлик иши қўзғатади.

В)зудлик билан ҳуқуқбузарлик ҳақидаги хабарни ва текшириш материалларини маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини кўришга ваколатли орган ёки мансабдор шахсга юборади.

С)айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортишни сўраб судга мурожаат қилади.

Д) А ва Б.

19. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар томонидан қонунлар ижроси устидан назорат предмети нима?

А)фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат.

В)жиноятлар устидан дастлабки терговни олиб бориш.

С)жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ҳуқуқий тарғибот фаолиятида иштирок этиш.

Д)Тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирув, дастлабки тергов ва жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширувчи органлар томонидан қонунлар ижроси устидан назорат.

20. Прокурорнинг тақдимномаси қанча муддатда кўриб чиқилиши керак?

А)албатта ўн кун муддатдан ошмаган вақт ичида

В)албатта ўн беш кун муддатдан ошмаган вақт ичида

С)зудлик билан

Д)албатта бир ойлик муддатдан ошмаган вақт ичида

21. Қайси ҳолатларда прокурор айблов хулосасини ёки қарорни тасдиқлаб ишни судга юборади?

А)бунга асослар бўлган барча ҳолатларда

В)дастлабки тергов прокуратура органлари ходимлари томонидан амалга оширилганида.

С)дастлабки тергов МХХ ходимлари томонидан амалга оширилганида.

Д)дастлабки тергов ИИБ ходимлари томонидан амалга оширилганида.

22. Суднинг чиқарган ҳукми, қарори, ажримига нисбатан киритилган апелляция, кассация, хусусий ва назорат протестлари ким томонидан чақириб олиниши, ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин?

А)Протест киритган прокурор

В)юқори турувчи прокурор

С)киритилган протестларни чақириб олиш, тўлдириш ёки ўзгартириш мумкин эмас.

Д)А ва В жавоблари тўғри.

23. Прокурор назорати ҳужжати турлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А)протест, қарор, тақдимнома, ариза, огоҳлантирув.

В)протест, қарор, тақдимнома, амрнома ва огоҳлантирув

С)протест, қарор, тақдимнома, амрнома, ариза ва огоҳлантирув.

Д)протест, қарор, тақдимнома, амрнома.

24. Мансабдор шахс ёки давлат органининг ғайриқонуний қарорига нисбатан прокурор томонидан киритилган протестга қайси муддатда жавоб берилиши керак?

А)зудлик билан

В)уч кунлик муддат ичида

С)бир ой муддат ичида

Д)прокурор протестини кўриб чиқадиган органнинг ихтиёрига кўра.

25. Тошкент шаҳар ва вилоят прокуратураларининг ички ҳавфсизликни таъминлаш бўйича прокурорнинг катта ёрдамчилари ва бўлим бошлиқлари лавозимига ким томонидан тайинланади?

А)Тошкент шаҳар ва вилоят прокурорлари томонидан

В)Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан

С)Тошкент шаҳар ва вилоят прокурорлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда

Д)Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан

26. Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари ким томонидан лавозимга тайинланади?

А)Ўзбекистон Респбликаси Бош прокурори

В)Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишган ҳолда ҚРП томонидан

С)Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан Ўз.Р. Бош прокурори розилиги билан

Д)Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси прокурори билан келишган ҳолда.

27. Прокуратура органлари терговчилари ва прокурорларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатиш кимнинг ваколатига таалуқли?

А)Ўзб.Рес. МХХ органларининг мутлақ ваколатига

В)прокуратура органларининг мутлақ ваколатига.

С)Ўзб.Рес. ИИВ органларининг мутлақ ваколатига

Д)тўғри жавоб йўқ.

28. Прокуратура органлари ходимларининг маъмурий ва интизомий жавобгарлиги ким томонидан ҳал қилинади?

А) Бош Прокурор томонидан

В) Бош Прокурорнинг биринчи ўринбосари томонидан.

С) юқори турувчи прокурор томонидан.

Д) Тўғри жавоб йўқ.

29. Прокуратура ходимларига йиллик пул тўланадиган таътиллар муддати?

А)30 календар кун

В)36 календар кун

С)24 календар кун

Д)18 календар кун.

30. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори лавозимига тайинланиш учун қайси ёшдан кичик бўлмаслиги керак?

А) йигирма беш

В) ўттиз беш

С) ўттиз

Д) ёшнинг фарқи йўқ.

31. Қайси ишлар бўйича прокурор давлат айбловини қувватлайди?

А)фуқаролик

В)хўжалик

С)жиноят

Д)маъмурий

32. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари ҳайъатларининг таркиби ким томонидан тасдиқланади?

А)Президент томонидан

В) Олий Мажлис томонидан

С)Халқ депутатлари Кенгашлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан.

Д) Бош прокурор томонидан.

33. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага ва жиноий йул билан топилган даромодларни легаллаштиришга карши курашиш Департаменти бошлиғи ўринбосари ким томонидан тайинланади?

А)Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан Департамент боошлиғининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда.

В)Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан.

С)Департамент боошлиғи томонидан Бош прокурор билан келишилган ҳолда.

Д)Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

34. Туманлар, шаҳарлар ва вилоятлар прокурорлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига ҳар:

А)3 ойда

В)6 ойда

С)12 ойда

Д)мунтазам равишда ахборот бериб туриши керак

35. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларига зид бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатларини қайси орган бекор қила олади?

А)Конституцион суд

В)Олий суд

С)Президент

Д)Олий Мажлис

36. Ихтисослаштирилган прокуратуралар ўз ваколатларига кўра қайси прокуратураларга тенглаштирилган?

А)Тошкент шаҳар ва вилоят прокуратураларига

В)туман прокуратураларига

С)мустақил прокуратура ҳисобланади ва ҳеч ким олдида ҳисобдор эмас.

Д)Бош прокуратурага тенглаштирилган.

37. Транспорт прокуратуралари ўз ваколатларига кўра қайси прокуратураларга тенглаштирилган?

А)Вилоят прокуратураларига

В)туманлар ва шаҳарлар прокуратураларига

С)мустақил прокуратура ҳисобланади ва ҳеч ким олдида ҳисобдор эмас.

Д)Бош прокуратурага тенглаштирилган.

38. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий йул билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти бошлиғи ўринбосари ким томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади?

А)Ўзбекистан Республикаси Бош прокурори томонидан Департамент боошлиғининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда.

В)Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан.

С)Департамент боошлиғи томонидан Бош прокурор билан келишилган ҳолда.

Д)Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади ва лавозимидан озод қилинади.

39. Тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, қайд қилиш ва ҳал қилиш прокурорлар томонидан қанча муддатда текширилади?

А)ҳар 10 кунда

В)бир ойда камида бир марта

С)бир ойда камида икки марта

Д)ҳар беш кунда

40. Протест киритиш ваколат доирасидан чиқиб кетган прокурор юқори турувчи прокурорга нима билан мурожаат қилади?

А)протест киритишни сўраб тақдимнома билан

В)протест лойиҳаси билан

С)ариза билан

Д)ҳеч қандай чоралар кўрмайди.

41. Прокурорга унинг киритган протести натижаси ҳақида қанча муддатда хабар қилинади?

А)уч кунлик муддатда

В)беш кунлик муддатда

С)ўн кунлик муддатда
Д)дарҳол.

42. Туман, шаҳар, вилоят прокурорлигига қуйидаги ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланадилар:

А)30 ёш
В)35 ёш
С)ёшнинг фарқи йўқ
Д)25 ёш.

43. Прокурорлар ваколати фаолиятида неча марта комплекс текширув ўтказилади?

А)камида 2 марта
В)камида 3 марта
С)5 йилда 1 марта
Д)умуман текширилмайди.

44. Ўқ отар қурол олиб юриши мумкин бўлган прокуратура органлари ходимларининг рўйхатини ким белгилайди?

А)Президент
В)Ички ишлар вазири бош прокурори билан келишган ҳолда
С)Бош прокурор
Д)Вилоят прокурорлари.

45. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаментини ташкил этиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қачон қабул қилинган?

А)2002 йил 6 июн
В)2001 йил 6 июл
С)2002 йил 10 апрел
Д)2003 йил 20 октябр

46. Департаментнинг туман бўлимлари бошлиқлари, бошқарма бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари ким томонидан тайинланади?

А)Бош прокурорнинг тақдимномасига биноан Департамент бошлиғи томонидан.

В)Бош прокурор томонидан Департамент бошлиғининг тақдимномасига биноан.

С)Департамент бошлиғи томонидан мустақил.

Д)Президент томонидан Департамент бошлиғининг тақдимномасига биноан.

47. Бош прокуратура томонидан жорий режалаштириш қайси муддатга тузилади?

А)3 ойга

В)бир ойга

С)бир йилга

Д)6 ой муддатга

48. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш тўғрисида"ги буйруғи қачон қабул қилинган?

А)2001йил 2 декабр

В)2004 йил 10 октябр

С)2005 йил 20 апрел

Д)2003 йил 5 май

49. Қарор қабул қилишда ҳайъат билан келишмовчилик бўлганида Бош прокурорнинг ҳаракатлари?

А)коллегия қарори билан муроса қилади.

В)ўз қарорини шахсан қабул қилади.

С)ўз қарорини қабул қилиб, бу ҳақда Президентга маълум қилади.

Д)ўз қарорини қабул қилиб, бу ҳақда Олий Мажлис Раисига маълум қилади.

50. Қайси йил Ўзбекистон прокуратурасининг туғилган куни ҳисобланади?

А)1917 йил.

В)1918 йил.

С)1921 йил.

Д)1922 йил.

51. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонун (янги таҳрири) қачон кабул килинган?

А)2001 йил 1 сентябр

В)2001 йил 29 август

С)2001 йил 27 октябр

Д)2001 йил 29 сентябр

52. Қуйида қайд этилганлардан қайси бири прокуратура фаолиятининг мақсадларига таалуқли эмас?

А)Давлат хавфсизлигини таъминлаш.

В)Қонунларнинг устуворлигини таъминлаш.

С)Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш.

Д)Давлат ва жамиятнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини таъминлаш.

53. Прокуратура органлари ҳокимиятнинг қайси тармоғига тегишли?

А)ижро ҳокимиятига

В)суд ҳокимиятига.

С)ҳеч қайсисига.

Д)қонун чиқарувчи ҳокимиятга.

54. Қуйида қайд қилинганлардан қайси бири прокурор назоратининг алоҳида тармоғи ҳисобланмайди?

А)қонунлар ижроси устидан назорат.

В)суд органлари томонидан қонунлар қай даражада ижро этилаётганлиги устидан назорат.

С)фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан назорат.

Д)жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб борилиши устидан назорат.

55. Прокурорнинг мустақиллик принципи мазмуни шуни билдирадики, у ўз ваколатларини...

А)унга буйсунадиган ходимлардан.

В)юқори турувчи прокурордан.

С)суд қарорларидан.

Д)давлат ҳокимияти органларидан мустақил равишда амалга оширади.

56. Қуйида қайд қилинган субъектларнинг қайси бирига прокурор қонунийлик ҳолати ҳақида ахборот бермайди?

А)аҳоли.

В)фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари.

С)тижорат ташкилотлари.

Д)вилоят халқ депутатлари Кенгашига.

57. Прокурорлар ва терговчилар сайлов органлари аъзолари бўлишлари мумкинми?

А)йўқ, бўлиши мумкин эмас.

В)бўлиши мумкин, фақат туманлар миқёсида.

С)бўлиши мумкин, фақат вилоятлар миқёсида.

Д)ҳамма даражада бўлиши мумкин.

58. Прокурор фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари мажлисларида иштирок эта олиши мумкинми?

А)йўқ, чунки бу қонунда назарда тутилган эмас.

В)мумкин, қачонки уни таклиф қилишса.

С)йўқ, чунки, бу органлар давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди.

Д)мумкин, чунки бу қонунчиликда назарда тутилган.

59. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қуйида қайд этилган жиноятчиликка қарши курашувчи органларнинг қайси бирининг фаолиятини мувофиқлаштира олмайди?

А)Ўзбекистон Республикаси ҳавфсизлик Кенгаши фаолиятини

В)Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати фаолиятини

С)Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси фаолиятини

Д)Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси фаолиятини.

60. Прокуратура органларининг ягона тизимига кирмайдиган прокуратура органлари тузилиши мумкинми?

А) ҳа, мумкин, қачонки, Олий Мажлис Сенатининг топшириғига биноан мустақил текшириш ўтказиш талаб қилинган ҳолларда.

В) ҳа, мумкин, қачонки, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар ва битимлар доирасида аниқ тадбир ўтказилиши мақсадида.

С) ҳа, мумкин, қачонки, вилоят давлат ҳокимиятларининг қарорларига биноан тегишли ҳудудларда қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида.

Д) йўқ, мумкин эмас.

61. Прокуратура органлари тизими нечта бўғиндан иборат.

А) учта.

В) иккита.

С) тўртта.

Д) бешта.

62. Қуйида қайд қилинган прокурорлардан қайсиси ҳудудийлар қатори кирмайди?

А) шаҳар прокурори.

В) туман прокурори.

С) вилоят прокурори.

Д) жиноий жазолар ижро этиш муассасалари махсус прокурори.

63. Қайд этилган қайси фаолият билан прокуратура ходимлари шуғулланишлари мумкин?

А) тадбиркорлик фаолияти.

В) сиёсий фаолият.

С) педагогик фаолияти.

Д) воситачилик фаолияти.

64. Кимлар "Прокуратура ходимлари" тоифасига киради?

А) прокуратура органларининг барча ходимлари.

В) фақат прокурорлар.

С) фақат прокурорлар ва терговчилар.

Д) ҳарбий ва мансаб унвонларига эга бўлган прокуратуранинг барча муассаса ва идораларининг ходимлари.

65. Қайд қилинган қайси орган прокурор назорати таъсиридан четда қолади?

А) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

В) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси .

С) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.

Д) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги.

66. Прокурор қайси бир органнинг ҳуқуқий ҳужжатига нисбатан протест кирита олмайди?

А) Ўзбекистон Республикаси ҳукумати.

В) Вилоят ҳокимият органлари.

С) фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари.

Д) шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари.

67. Назоратни амалга ошириш чоғида, қайд қилинган қайси бир орган томонидан прокурорнинг киритган протести юзасидан ҳуқуқий ҳужжатнинг ижро этилиши тўхтатиб турилмайди?

А) жиноий жазони ижро этиш муассасаси

В) суд қарорлари ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш Департаменти.

С) вилоятлар ҳокимликлари.

Д) А ва В жавоблари тўғри

68. Қонунбузилишларини бартараф этиш юзасидан киритиладиган тақдимномани кўриб чиқишнинг қонун билан белгиланган муддати мавжудми?

А) белгиланган, зудлик билан.

В) белгиланган, беш кун муддат ичида.

С) белгиланган, бир ой муддат ичида.

Д) йўқ, белгиланган эмас.

69. Қайси ҳолатларда прокурорлар томонидан қарор чиқарилмайди?

А) Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганида.

В) Зарар келтирилганлиги аниқланганда.

С) Интизомий қилмиш содир этилганлиги аниқланганда.

Д) Ноқонуний ҳуқуқий ҳужжат қабул қилишда.

70. Прокурор судда даъво аризаси билан бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш юзасидан чиқиши мумкин, қачонки....

А) жабрланувчи соғлиги ёмонлиги муносабати билан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаса.

В) бир қанча фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилганда.

С) хусусий тадбиркорларнинг тижорат манфаатларига доир ҳуқуқлари бузилганда.

Д) хуқуқбузарлик жамиятда алоҳида муҳим аҳамиятга эгалиги тусини олганда.

71. Қуйида қайд қилинган қайси бир функцияни прокурорлар жиноий таъқиб доирасида амалга оширмайдилар?

А) дастлабки тергов.

В) тезкор-қидирув фаолияти.

С) давлат айбловини қувватлаш.

Д) жиноятларнинг олдини олиш.

72. Қайд этилган қайси бир қилмиш прокуратура ходимларига нисбатан интизомий характердаги жазо чораси қўлланиши учун асос ҳисобланмайди?

А) хизмат мажбуриятларини бажармаслик.

В) хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик.

С) прокуратура ходимлари номига доғ туширувчи хатти-ҳаракатларни содир этиш.

Д) коммунал хизмат тўловларини ўз вақтида тўламаслик.

73. Туман прокурорининг ёрдамчиси ғайриқонуний қабул қилинган ҳужжатга нисбатан протест кирита оладими?

А) ҳа, кирита олади.

В) ҳа, кирита олади, қачонки протестни туман прокурори тасдиқласа.

С) ҳа, кирита олади, агарда ғайриқонуний ҳуқуқий ҳужжатни ўзи аниқлаган бўлса.

Д) йўқ, кирита олмайди.

74. Қайд этилган қайси вазифалар прокуратура органлари томонидан ҳал қилинади?

А) бош, иккинчи даражали ва қўшимча.

В) умумий, махсус ва хусусий.

С) асосий, қўшимча ва махсус.

Д) бош, махсус ва хусусий.

75. Қайд этилганлардан қайси фаолият прокуратура фаолиятининг йўналишлари хисобланмайди?

А) судлар фаолияти устидан назорат.

В) жиноий таъқиб.

С) қонунлар ижроси устидан назорат.

Д) ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти.

76. Қайд этилган қайси принцип прокуратура органлари фаолияти ва ташкил этилиши принциплари ҳисобланмайди?

А) Ошкоралик.

В) Қонунийлик.

С) Демократизм.

Д) Мустақиллик.

77. Прокурор назоратини амалга оширишга аралашиш йўл қўйиладими?

А) ҳа, йўл қўйилади, фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан.

В) ҳа, йўл қўйилади, фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан.

С) ҳа, йўл қўйилади, фақат Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Вакили томонидан.

Д) йўқ, йўл қўйилмайди.

78. Қонун ижодкорлиги фаолиятида прокурорнинг иштироки, унинг қайси ҳуқуқларини ифода этади:

А) қонун чиқарувчи органлардан зарур бўлган қонунларни қабул қилишни талаб қилиш.

В) зарур бўлган қонунларни қабул қилиш учун фақатгина қонун чиқарувчи органга мурожаат қилишни.

С) қонун чиқарувчи орган ва қонун ижодкорлиги ташаббуси ҳуқуқига эга органларга қонунларга ўзгартириш киритишни ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишни сўраб мурожаат қилишни.

Д) қонун ижодкорлиги ташаббусига эга бўлган органлардан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишни талаб қилишни.

79. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш учун прокуратура органларида қанча муддат белгиланган?

А) 30 кун.

В) 60 кун.

С) 20 кун.

Д) 45 кун.

80. Прокуратура органларига қайси органлар фаолиятини ва қайси масалалар бўйича мувофиқлаштириш юклатилган?

А) Давлат ҳокимият органларининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига оид масалалари юзасидан.

В) Давлат назорати органларининг ҳуқуқбузарликка қарши кураш масалалари юзасидан.

С) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш фаолияти юзасидан.

Д) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қонунийликни мустаҳкамлаш фаолияти юзасидан.

81. Прокуратура органлари ва муассасаларини ташкил этиш ким томонидан ҳал этилиши керак?

А) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан.

В) Ўзбекистон Рекспубликаси Президенти томонидан

С) Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири томонидан.

Д) Ўзбекистон Республикаси Олий Суди томонидан

82. Ўзбекистон Республикасида фавқулотда прокуратураларнинг ташкил этилишига йўл қўйиладими?

А) ҳа, фавқулодда ҳодисалар содир бўлаётган вақт мобайнида.

В) ҳа, агарда уларнинг ваколатлари қонун доирасидан чиқиб кетмаса.

С) йўқ, йўл қўйилмайди.

Д) ҳа, агарда жойларда прокуратура органлари ўзларининг олдиларига қўйилган вазифаларни уддалай олмаётган бўлсалар.

83. Қайд этилган қайси прокуратура ихтисослашган прокуратуралар қаторига киритилмайди?

А) транспорт.

В) туман.

С) ҳарбий.

Д) табиатни муҳофаза қилувчи.

84. Туман прокуратураларида жорий режалаштириш қайси муддатга белгиланади?

А) бир йилга.

В) ярим йилга.

С) бир ярим йилга.

Д) уч ойга.

85. Қайд қилинган қайси ҳужжат устидан прокурор назоратини ўрнатиб бўлмайди?

А) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

В) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

С) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари.

Д) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари.

86. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг ўринбосари учун фаолият муддати белгиланганми, агарда шундай бўлса, қанча?

А) йўқ, белгиланган эмас.

В) ҳа, тўрт йил.

С) ҳа, беш йил.

Д) ҳа, олти йил.

87. Қайд этилган қайси талаб прокуратура органларига ишга кириш учун тўсқинлик қилмайди?

А)Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг йўқлиги.

В)никоҳдан ўтганлигини қайд этиш гувоҳномасининг йўқлиги.

С)олий юридик (департамент учун иқтисодий ва молиявий) маълумотга эга бўлмаслик

Д)судланганликнинг мавжуд бўлиши.

88. Қайд қилинган прокуратура ходимларидан қайси бири "прокурор" деган тушунча остига тушмайди?

А) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари.

В) туман прокурорининг катта ёрдамчиси

С) вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи.

Д) канцелярия мудири.

89. Қайд этилган қайси шахслар прокурор назорати объекти ҳисобланмайдилар?

А) мансабдор шахслар.

В) тижорат ташкилотлари раҳбарлари.

С) нотижорат ташкилотлари раҳбарлари.

Д) фуқаролар.

90. Ғайриқонуний ҳужжатни аниқлаган прокурор қандай ишни бажариши керак?

А) тақдимнома киритиши

В) огоҳлантирув эълон қилиши.

С) протест киритиши.

Д) қарор чиқариши.

91. Маҳаллий ҳокимият органларининг ғайриқонуний ҳужжатларига нисбатан киритилган протестни кўриш учун қанча муддат белгиланган?

А) келиб тушгандан бошлаб 10 кун муддат ичида.

В) энг яқин бўлиб ўтадиган сессияда

С) энг яқин бўлиб ўтадиган сессия бошланишидан 10 кун аввал

Д) прокурор томонидан навбатдан ташқари сессия ўтказилиши талаб қилинганида.

92. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳуқуқий ҳужжатини қонунга номувофиқлигини аниқлаган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколати:

А) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига хабар қилади.

В) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат Раисини бу ҳақда огоҳлантиради.

С) ушбу ғайриқонуний ҳужжатга нисбатан протест киритади.

Д) Ўзбекистон Республикаси Президентига бу ҳақда ахборот беради.

93. Прокурор ўзидан юқори турувчи органга қонунбузилиш ҳолларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома кирита оладими?

А) йўқ, чунки субординация бузилади.

В) мумкин, агарда бу билан қонунбузилиш ҳолатларини олдини олишга ёрдам берса.

С) йўқ, у ўзидан юқори турувчи тегишли прокурорга тақдимнома билан мурожаат қилиши керак.

Д) йўқ, бу қонун билан тақиқланган.

94. Прокурор кимга нисбатан қонуни бузилишнинг олдини олиш юзасидан огоҳлантирув кирита олади?

А) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисига

В) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Раисига

С) фуқаролар ва мансабдор шахсларга .

Д) Олий суд раисига

95. Қайд этилган қайси қонуний ҳужжатда прокурорнинг суриштирув органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат ваколати мустаҳкамланган?

А) Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси

В) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси

С) Ўзбекистон Республикаси “Милиция тўғрисида”ги Низом.

Д) Ўзбекистон Республикаси “Миллий хавфсизлик хизмат тўғрисида”ги Низом.

96. Қайси суд иш юритувида прокурор иштироки назарда тутилмаган?

А) Жиноий суд иш юритуви.

В) Фуқаролик суд иш юритуви.

С) Маъмурий суд иш юритуви.

Д) Конституцион суд иш юритуви.

97. Қайд этилган қайси бир жазо прокуратура органларининг интизомий жавобгарликка тортиш фаолиятида қўлланилмайди?

А) Мансаб унвонидан пасайтириш.

В) Кам ҳақ тўланадиган лавозимга ўтказиш.

С) Огоҳлантириш.

Д) Прокуратура органларидан ишдан бўшатиш.

98. Прокуратура органларининг барча ходимлари мансаб унвонлари ва ҳарбий унвонларга эгами?

А) йўқ, фақат аттестациядан ўтадиганлар.

В) йўқ, фақат прокурорлар ва терговчилар.

С) ҳа, барчалари.

Д) йўқ, фақат прокурорлар.

99. Вилоят прокурори лавозимида бўлиш учун қанча муддат белгиланган?

А) уч йил.

В) муддат белгиланмаган.

С) беш йил.

Д) тўрт йил.

100. Қайси қатордагилар прокурор назорати ҳужжатлари ҳисобланади?

А) протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув.

В) протест, қарор, тақдимнома, амрнома, ариза ва огоҳлантирув.

С) протест, қарор, амрнома, ариза ва огоҳлантирув.

Д) протест, қарор, прокурорнинг даъвоси, ариза ва амрнома.

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ фанидан 24 соат маъруза

№	ФАН БЎЙИЧА МАВЗУЛАРНИНГ НОМИ	Маъруза соат	Семинар соат
1	Прокурор назорати фанининг умумий қисми тушунчаси, моҳияти ва вазифалари. Давлат хизматининг алоҳида тармоғи сифатида прокурор назорати.	2	2
3	Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожатларини кўриб чиқиш.	2	2
4	Прокуратура органларида ишни ташкил этиш. Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш.	2	2
5	Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими.	2	2
6	Қонунлар ижроси устидан назоратнинг мазмуни, предмети. Прокурор ваколатлари.	2	2
7	Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати.	2	2
8	Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати.	2	2
9	Жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки терговни тўхтатиш, тугатишнинг, процессуал мажбурлов чоралари қўллашнинг қонунийлиги устидан назорат. Айблов хулосаси билан келган ишлар бўйича прокурор ҳал қилиши лозим бўлган масалалар, прокурор ваколатлари.	2	2
10	Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат, унинг предмети, вазифалари, прокурор ваколатлари.	2	2
11	Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати.	1	1

11	Қонун ижодкорлиги фаолиятини ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш. Прокуратура органларида ариза, шикоят ва таклифлар бўйича ишлаш.	1	1
12	Судларда жиноят ишларини кўриб чиқишда прокурор ваколатлари.	1	1
13	Судларда фуқаролик ишларини ва хўжалик низоларини кўриб чиқишда прокурор ваколатлари.	1	1
14	Прокурор назорати ҳужжатлари, уларнинг мазмуни, келтириш асослари ва тартиби.	2	2
15	Прокуратура органлари ходимлари.	1	1
16	МДҲ ва хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг фаолияти.	1	1
	ЖАМИ	24	24

Прокурор назорати фанидан ўқув дастури режаси:

УМУМИЙ ҚИСМ
КИРИШ

1-БОБ: Прокурор назорати фанининг тушунчаси, моҳияти ва вазифалари.

Прокурор назорати фанининг тушунчаси, предмети ва тизими, мақсади ва вазифалари. Прокурор назорати фанининг бошқа ҳуқуқшунослик фанлари билан ўзаро алоқадорлиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида прокуратура ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовниг Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ VI сессиясида сўзлаган “Адолат-қонун устуворлигида” маърузасида қўйилган вазифалари.

БИРИНЧИ БЎЛИМ
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2-БОБ: Давлат хизмати алоҳида тармоғи сифатида прокурор назорати.

Прокурор назоратининг мазмуни ва вазифалари, қонунларга риоя этиш - прокурор назоратининг предмети сифатида. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни(янги таҳрири). Прокурор назорати курсининг бошқа юридик фанлар билан алоқаси. Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари.

3-БОБ: Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари. Прокуратуранинг ташкилий ва фаолият принциплари Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш.

Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари. Прокуратуранинг ташкилий ва фаолият принциплари. Бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик принциплари. Прокурор талаблари бажарилишининг мажбурийлиги. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш.

4-БОБ: Прокуратура органларида ишни ташкил этиш. Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш.

Прокуратура органларида ишни ташкил этиш. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура органларида ишни ташкил этиш юзасидан буйруқлари ва кўрсатмалари, низомлар. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш. Прокуратурада ишларни режалаштириш. Ижро устидан назорат ва раҳбарлик. Ҳисобдорлик, ҳисоб ва ҳисобот. Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш тушунчаси ва мувофиқлаштириш иштирокчилари. Мувофиқлаштиришнинг мазмуни ва аҳамияти. Мувофиқлаштириш принциплари. Мувофиқлаштириш фаолиятининг асосий йўналишлари ва шакллари.

ИККИНЧИ БЎЛИМ
ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ.

5-БОБ: Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисобдорлиги. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси. Вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар. Туман, шаҳарлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари. Прокуратура органларининг ҳайъатлари.

МАХСУС ҚИСМ

УЧИНЧИ БЎЛИМ
ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ТАРМОҚЛАРИ

6-БОБ: Қонунлар ижроси устидан (Умумий) назоратнинг мазмуни, предмети. Прокурор ваколатлари.

Қонунлар ижроси устидан (Умумий) назоратнинг мазмуни, предмети ва вазифалари. Қонунлар ижроси устидан (Умумий) назоратни амалга оширувчи прокурорнинг ваколатлари. Прокуратура органларининг турли даражаларида қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятини ташкиллаштириш. Прокурорнинг хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга аралашишига йўл қўйилмаслиги.

7-БОБ: Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг мазмуни, предмети ва вазифалари. Прокурорнинг ваколатлари. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари. Инсон ва фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари.

8-БОБ: Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органларнинг қонунларни ижро этишлари устидан прокурор назорати.

Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органларнинг қонунларини ижро этишлари устидан прокурор назоратининг тушунчаси, назорат предмети ва вазифалари. Суриштирув ва тергов органлари томонидан қонунларни ижро этилиши устидан прокурор назоратининг моҳияти ва вазифалари. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларни ижро этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш ваколатлари, шакллари ва усуллари. Содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва мажбуриятлар юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриш ва уларнинг қонунийлиги. Жиноят

ишларини тергов қилишда фуқаролар ҳуқуқларига риоя этилиши устидан прокурор назорати. Суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор қидирув фаолиятида қонунбузилиш ҳолларини аниқлаш ва прокурор таъсир чораларини қўллашдаги ҳуқуқий ҳужжатлар.

9-БОБ: Жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки терговни тўхтатиш, тугатишнинг, процессуал мажбурлов чоралари қўллашнинг қонунийлиги устидан назорат. Айблов хулосаси билан келган ишлар бўйича прокурор ҳал қилиши лозим бўлган ҳаракатлар, прокурор ваколатлари.

Жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки терговни тўхтатиш, тугатишнинг қонунийлиги устидан прокурор назоратининг тушунчаси ва вазифалари. Процессуал мажбурлов чоралари қўллашнинг қонунийлиги устидан прокурор назоратининг тушунчаси ва вазифалари. Айблов хулосаси билан келган ишлар бўйича прокурор ҳал қилиши лозим бўлган ҳаракатлар, прокурор ваколатлари. Жиноят ишини судга юбориш.

10-БОБ: Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат, унинг предмети, вазифалари. Прокурор ваколатлари.

Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назоратининг тушунчаси ва вазифалари.Жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назорати, унинг предмети, вазифалари. Прокурорнинг ваколатлари. Шикоят ва аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлашда прокурорнинг вазифалари. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатлари. Шахсларни ушлаб туриш жойларида (ИВСда), дастлабки қамоқ жойларида (СИЗОда) қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш. Маҳкумларни озодликдан маҳрум этиш жойларида (ахлоқ тузатиш колонияларида “манзил колонияси, умумий тартибли колония, қаттиқ тартибли колония” ва турмаларда) сақлашнинг қонунийлиги устидан назорат. Маҳкумларни АТК

дан турмага ва аксинча ҳамда АТК нинг бирор режимдан бошқа режимга ўтказишнинг қонунийлиги ва асослилиги устидан назорат олиб бориш. Маҳкумларни озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилиш, жиноий жазодан муддатидан илгари озод қилиш, маҳкумни озодликдан маҳрум қилиш жойида меҳнатга мажбуран жалб этиш шарти билан озод этишнинг қонунчилиги ва асослиги устидан назорат олиб бориш. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ва суд томонидан тайинланадиган бошқа мажбурлов чораларини ижро этишнинг қонунийлиги ва асослиги устидан назорат қилиш.

11-БОБ: Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати.

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг тушунчаси, вазифаси ва аҳамияти. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари. Вояга етмаганларнинг тарбияси ва уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда прокурор ваколатлари. Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш: а) вояга етмаганларнинг қаровсизлигига қарши кураш бўйича; б) вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича жиноят иши қўзғатиш ва тергов қилиш; в)вояга етмаганларга тегишли жиноят ишларини судларда кўрилиши бўйича; г) тарбия меҳнат муассасаларида.

12-БОБ: Қонунларни такомилаштириш ва ташвиқот қилишда прокурор иштироки. Прокуратура органларида ариза, шикоят ва таклифлар бўйича ишлаш.

Қонунларни такомиллаштиришда прокурор иштироки. Қонунларни ташвиқот қилиш - прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Ҳуқуқий ташвиқот шакллари. Прокуратрура органларида қонунларни системалаштириш. Прокуратура органларида ариза, шикоят ва таклифлар бўйича ишлашнинг мазмуни ва аҳамияти. Прокуратура органларида шикоятларни кўриш ва ҳал қилиш. Прокуратура органларида ариза, шикоят ва таклифлар бўйича ишлашни ташкил қилиш. Фуқароларни қабул қилиш. Ариза ва шикоятларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

СУДЛАРДА ИШЛАРНИ КЎРИШДА ПРОКУРОР ВАКОЛАТЛАРИ

13-БОБ: Судларда жиноят ишларини кўриб чиқишда прокурор ваколатлари.

Судларда ишларни кўриб чиқишда прокурор ваколатларини белгиловчи умумий қоидалар**.** Судларда жиноят ишларини кўриб чиқишда прокурорнинг иштироки. Судларда жиноят ишларини кўришда прокурор ваколатлари. Ишларни судга ошириш босқичида прокурор ваколатлари. Ишларни судда кўриш босқичида прокурор ваколатлари. Биринчи инстанция судида жиноят ишларини кўрилишида прокурор иштироки. Апелляция ва кассация тартибида иш юритишда прокурор ваколатлари.

14-БОБ: Судларда фуқаролик ишларини ва хўжалик низоларини кўриб чиқишда прокурор ваколатлари.

Судларда фуқаролик ишларини кўриб чиқишда прокурор ваколатини таъминлаш. Фуқаролик аризалари ва даъвоси билан судга ариза қилиш асоси. Судларда фуқаролик ишларини кўриб чиқишда прокурорнинг процессуал ҳолати. Хўжалик судларида ишларни кўриб чиқишда прокурор ваколатини таъминлаш. Хўжалик судларида ишларини кўриб чиқишда прокурорнинг процессуал ҳолати. Судлардан ишларни талаб қилиб олиш ва чақириб олиш. Суд қарорларига протест келтириш. Протестларни ўзгартириш, тўлдириш ва чақириб олиш тартиби.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ
ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТЛАРИ.

15-БОБ:Прокурор назорати ҳужжатлари, уларнинг мазмуни, келтириш асослари ва тартиби.

Прокурор назорати ҳужжатлари, уларнинг мазмуни, келтириш асослари ва тартиби. Протест. Қарор. Тақдимнома. Ариза. Огоҳлантирув.

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ

16-БОБ:Прокуратура органлари ходимлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ VI сессиясида сўзлаган “Адолат-қонун устуворлигида” маърузасида қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида ҳамда суд-ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий таълим, фан ва юқори малакали кадрларни тайёрлаш ишини такомиллаштириш масалалари. Прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар. Прокуратура органлари ходимларининг даражали унвонлари ва ҳарбий унвонлари. Прокуратура органлари ва муассалаларидаги хизмат. Прокуратура органлари ходимларининг дахлсизлиги. Прокуратура органларининг моддий ва ижтимоий таминоти, ходимлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари.

17-БОБ: МДҲ ва хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг фаолияти.

МДҲ мамлакатларида (Россия, Қозоғистон ва б.) прокуратура органларининг фаолияти. Хорижий мамлакатларда прокуратура органлари. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг хорижий мамлакатлар прокуратуралари билан ўзаро алоқалари. Халқаро ҳамкорлик.

Илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ
ПРОКУРАТУРАСИ

703000 Самарқанд ш.
Кўксарой майдони 4уй
тел:(8-3662) 33-10-45

Вилоят ҳокими
Фамилия И.Ш.га

« Кун ». Ой. йил Номер.
ПРОТЕСТ

Вилоят ҳокимининг
Кун .Ой йил. 000-К-
сонли қарорини бекор
қилиш ҳақида.

Вилоят ҳокими томонидан 0000 йил 00 ой 00 куни қабул қилинган 000-Қ сонли қарор билан Самарқанд туман ҳокимининг 0000 йил 00 декабрдаги фуқаро З.Рахимовга шахсий АЁҚШ қуришлик учун Ш.Рашидов номли ширкат хўжалиги ҳудудидан 0,15 гектар ер майдони ажратиш ҳақидаги 000-Қ сонли қарори тасдиқланган.

Мазкур қарор амалдаги қонунлар талабларига зид равишда қабул қилинганлиги сабабли қўйидаги асосларга кўра бекор қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси»нинг 23-моддаси 4-бандига асосан «Саноат корхоналари, темир йўллар ва автомобил йўллари, алоқа ва электр узатиш линиялари, магистрал трубопроводлар қуриш учун, шунингдек қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар ёҳуд қишлоқ хўжалигининг сифати ёмон ерлари берилиши кўрсатилган бўлсада, фуқаро З.Рахимовга Ш.Рашидов номли ширкат хўжалигининг 54 боннитет балли, яъни энг унумли боғ ери ҳисобидан қонунга зид равишда ер ажратилган.

Шунингдек, мазкур Кодекснинг 46-моддасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни беришнинг алоҳида тартиби белгиланган бўлиб, вилоят ҳокими томонидан юқорида кўрсатилган қарор қабул қилишда ушбу модда талаблари бузилган.

Бундан ташқари, «Ер кодекси»нинг 16-моддасига асосан ерни олди-сотди қилиш, айрибошламаслик, ҳадя этмаслик, гаровга қўймаслик белгиланган бўлсада, фуқаро З.Рахимовга ажратилган ер майдонида қурилиш йшлари асоссиз равишда фуқаро С.Халимов томонидан олиб борилмоқда.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 38-моддасини қўллаб,

С Ў Р А Й М А Н:

Самарқанд вилоят ҳокимининг 0000 йил 00 июлдаги 000-Қ сонли қарорининг Самарқанд туман ҳокимини 0000 йил 00 декабрдаги фуқаро З.Рахимовга шахсий АЁҚШ қуриш учун 0,15 гектар ер майдони ажратиш ҳақидаги 000-Қ сонли қарорини тасдиқлаш ҳақидаги қисмини бекор қилишни.

Мазкур протестни қонунда кўрсатилган 10 кунлик муддат ичида кўриб чиқиб, натижалари ҳақида ёзма равишда вилоят прокуратурасига маълум қилишни.

Вилоят прокурори
адлия катта маслаҳатчиси Фамилия И.Ш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ
ПРОКУРАТУРАСИ

703000 Самарқанд ш.
Кўксарой майдони 4уй
тел:(8-3662) 33-10-45

Пастдарғом туман
ҳокими Фамилия
И.Ш.га

« Кун ». Ой. йил Номер.

П Р ОТЕ СТ
Туман ҳокимининг
« Кун ». Ой. йил Номер -
сонли қарорини бекор
қилиш ҳақида.

Пастдарғом туман ҳокими томонидан 0000 йил 00 апрел куни қабул қилинган 000-Қ сонли фуқаро Норматов Қиличга ошхона ҳамда автобекат қуриш учун ер ажратиш тўғрисидаги қарори "Гулбаҳор" ширкат хўжалигининг умумий вакиллар йиғилишида кўриб чиқилмаганлиги сабабли туман ҳокимининг 0000 йил 00 майдаги 000-Қ сонли қарори билан бекор қилинган.

Мазкур ҳолат юзасидан 0000 йил 00 ноябр куни жиноий ишлар бўйича Пастдарғом туман судининг ҳукми билан собиқ «Гулбаҳор» ширкат хўжалигининг раиси Аҳмедов Комил ширкат хўжалиги ҳудудидан фуқаро Норматов Қиличга ошхона ва автобекат қуриш учун ер майдони ажратиб беришда ҳужжатларни сохталаштирилганликда айбли деб топилган ва тегишли жиноий жавобгарликка тортилган.

Шунга қарамасдан, Пастдарғом туман ҳокими ўзининг 0000 йил 00 июл кунидаги 000-Қ сонли қарори билан фуқаро Норматов Қиличга бекор қилинган қарор асосида ажратилган ер майдонида қурилиш ишларини давом эттиришга рухсат берган.

Мазкур қарор амалдаги қонунлар талабларига зид равишда қабул қилинганлиги сабабли қўйидаги асосларга кўра бекор қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси»нинг 23-моддаси 5-бандига зид равишда, ер ажратиш тўғрисидаги ҳужжатлар тўпламисиз Пастдарғом туман ҳокимининг 0000 йил 00 июлдаги 000-Қ сонли қарори билан фуқаро Норматов Қиличга ошхона ва автобекат қуришни давом эттириш учун рухсат берилган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 38-моддасини қўллаб,

СЎРАЙМАН:

Пастдарғом туман ҳокимининг 0000 йил 00 июлдаги 000-Қ сонли қарорини бекор қилишни.

Мазкур протестни қонунда кўрсатилган 10 кунлик муддат ичида кўриб чиқиб, натижалари ҳақида ёзма равишда вилоят прокуратурасига маълум қилишни.

Вилоят прокурори
адлия катта маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ
ПРОКУРАТУРАСИ

703000 Самарқанд ш.
Кўксарой майдони 4уй
тел:(8-3662) 33-10-45

ВИЛОЯТ Давлат СОЛИҚ
бошқармаси бошлиғи
Фамилия И.Ш.га

« Кун ». Ой. йил Номер.
П Р ОТЕ СТ

Вилоят Давлат солиқ
бошқармасининг 0000 йил 00
апрелдаги 000-ШТ буйругини
бекор қилиш ҳақида

Вилоят Давлат солиқ бошқармасининг Сиёб туман Давлат солиқ инспекциясининг «қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш ҳамда бозорлар фаолиятини назорат қилиш» шўъбаси бош давлат солиқ инспектори П.Рахманов билан янги меҳнат шартномасини тузиб, уни бир йил муддатга Сиёб туман Давлат солиқ инспекциясида юридик шахсларни солиққа тортиш бўлимига бош давлат солиқ инспектори лавозимига кўчириш тўғрисида 0000 йил 00 апрелдаги 000-ШТ сонли буйруқ қабул қилинган.

Мазкур буйруқ амалдаги қонун талабларига зид равишда қабул қилинганлиги сабабли қўйидаги асосларга кўра бекор қилиниши лозим:

Ушбу буйруқ учун асос қилиб олинган 0000 йил 00 апрелдаги меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 76-моддасига асосан, меҳнат шартномалари бажарилажак ишнинг хусусиятлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган, ...ҳолларда тузилиши кўрсатилган.

Худди шунингдек, Меҳнат Қонунида таъкидланишича «Меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларининг ходимлар

аҳволини меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий эмас деб белгиланган, яъни номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек муайян ишни бажариш вақтига мўлжалланиб қайта тузилиши мумкин.

Бундан ташқари, П.Рахманов 0000 йил 00 апрелдан 00 май кунига қадар 000000 сонли меҳнатга лаёқатсизлик варақасида бўлганлиги учун вилоят Давлат солик бошқармаси маъмуриятининг 0000 йил 00 апрелдаги 000-ШТ сонли буйруғига, яъни бошқа ишга кўчиришларига розилик бериш имкониятига эга бўлмаган, ҳамда мазкур буйруқлар билан тилхат асосида танишмаган. Натижада Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 5, 76, 82 ва 92-модда талаблари қўпол равишда бузилган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 38-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекснинг 9-моддасини қўллаб,

ТАЛАБ ЭТАМАН:

Вилоят Давлат солиқ бошқармасининг 0000 йилги 00 апрел кунги 000-ШТ сонли буйруғини бекор қилишни ва ноилождан қилинган прогул кунлари учун ҳақ тўлашликни.

Мазкур протестни қонунда кўрсатилган 10 кунлик муддат ичида кўриб чиқиб, натижалари ҳақида ёзма равишда вилоят прокуратурасига маълум қилишни.

Вилоят прокурори
адлия катта маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ
ПРОКУРАТУРАСИ

703000 Самарқанд ш.
Кўксарой майдони 4уй
тел:(8-3662) 33-10-45

«Зарводийсувназорат»
инспекцияси бошлиғи
Д .Шодиевга

« Кун ». Ой. йил Номер.
П Р ОТ Е СТ

«Зарводийсувназорат» инспекцисиянинг
00.00.0000 й. 000-сонли қарорини
бекор қилиш ҳақида.

Тайлоқ тумани, сув хўжалиги бошқармаси «Боғизағон» канали иншоат назоратчиси Хакимов Шодиқул, сув инспектори А.Салимов томонидан 2003 йил 24 феврал куни сувдан фойдаланиш қоидаларини бузгани учун Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 74-моддаси 2-қисми билан энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида деб, 9075 сўмга жаримага тортилган.

Мазкур қарор амалдаги қонунлар талабларига зид равишда қабул қилинганлиги сабабли қўйидаги асосларга кўра бекор қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 74-моддаси 2-қисмига кўра қонунбузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 бараваригача миқдорида жарима қўллаш белгиланган бўлиб, бу эса 9070 сўмни ташкил қилсада, сув инспектори А.Салимов томонидан ҳуқуқбузар Хакимов Шодиқулга нисбатан асоссиз равишда жарима миқдори кўпайтириб кўрсатилган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 38-моддасини қўллаб,

ТАЛАБ ҚИЛАМАН:

«Боғизағон» канали иншоат назоратчиси Ҳакимов Шодиқулни маъмурий жаримага тортиш ҳақидаги 102-сонли қарорни бекор қилиб, қонунга мувофиқлаштиришни.

Мазкур протестни қонунда кўрсатилган 10 кунлик муддат ичида кўриб чиқиб, натижалари ҳақида ёзма равишда вилоят прокуратурасига маълум қилишни.

Вилоят прокурори
адлия катта маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ
ПРОКУРАТУРАСИ

703000 Самарқанд ш.
Кўксарой майдони 4уй
тел:(8-3662) 33-10-45

« Зарводийсувназорат»
инспекцияси бошлиғи
Д .Шодиевга

« Кун ». Ой. йил Номер.
П Р ОТ Е СТ

«Зарводийсувназорат» инспекцисиянинг 00.00.0000 й. 000-сонли қарорини бекор қилиш ҳақида.

Тайлоқ тумани, сув хўжалиги бошқармаси «Боғизағон» канали иншоат назоратчиси Хўжаев Жавлон, сув инспектор А.Салимов томонидан 2003 йил 24 феврал куни сувдан фойдаланиш қоидаларини бузгани учун Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 74-моддаси 2-қисми билан энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида деб, 9075 сўмга жаримага тортилган.

Мазкур қарор амалдаги қонунлар талабларига зид равишда қабул қилинганлиги сабабли қўйидаги асосларга кўра бекор қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 74-моддаси 2-қисмига кўра қонунбузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 бараваригача миқдорида жарима қўллаш белгиланган бўлиб, бу эса 9070 сўмни ташкил қилсада, сув инспектори А.Салимов томонидан ҳуқуқбузар Ҳўжаев Жавлонга нисбатан асоссиз равишда жарима миқдори кўпайтириб кўрсатилган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 38-моддасини қўллаб,

Т А Л А Б Қ И Л А М А Н:

«Боғизағон» канали иншоат назоратчиси Ҳўжаев Жавлонни маъмурий жаримага тортиш ҳақидаги 103-сонли қарорни бекор қилиб, қонунга мувофиқлаштиришни.

Мазкур протестни қонунда кўрсатилган 10 кунлик муддат ичида кўриб чиқиб, натижалари ҳақида ёзма равишда вилоят прокуратурасига маълум қилишни.

Вилоят прокурори
адлия катта маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ
ПРОКУРАТУРАСИ

703000 Самарқанд ш.
Кўксарой майдони
4уй тел:(8-3662)
33-10-45

Вилоят ҳокими
Фамилия И.Ш.га

_____

« Кун ». Ой. йил Номер П Р О
Т Е С Т

Вилоят ҳокимининг
11.11.1111 й. 111-К-сонли
қарорини бекор қилиш
ҳақида.

Вилоят ҳокими томонидан 1999 йил 00 декабр куни Пастдарғом туман ҳокимининг 1999 йил 00 октябрдаги 000/00-рақамли қарори тасдиқланиб, Самарқанд ҳарбий гарнизони ўқув марказига тегишли 195 гектар ер майдонини Пастдарғом туманидаги Қ.Тўраев номли ширкат хўжалигига қайтариш ҳақидаги 111-К-сонли қарори қабул қилинган.

Мазкур қарор амалдаги қонунлар талабларига зид равишда қабул қилинганлиги сабабли қўйидаги асосларга кўра бекор қилиниши лозим.

Аниқланишича, ушбу ер майдонлари вилоят ижроия комитетининг 1960 йил 29 январдаги 2/22-2 сонли қарорига асосан Пастдарғом ва Самарқанд туманлари ер майдони ҳисобидан 1978 йил 00 октябрдаги Б№ 001751 ва 00 октябрдаги Б№ 00775-сонли ердан фойдаланиш актига асосан 13624,27 гектар ер майдони Самарқанд ҳарбий гарнизонига ўқув машқ майдони сифатида фойдаланиш учун ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддаси 7-қисмида кўрсатилишича, «Ер участкасидан оқилона фойдаланмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси 3 йил мобайнида норматив паст бўлишида ифодаланганда ердан

фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилиниши» кўрсатилган бўлиб, вилоят ҳокимлиги томонидан ушбу ер майдонлари қайси мақсадларда фойдаланиш учун ҳарбий қисмга берилганлигига эътибор берилмасдан, ноқонуний қарор қабул қилинган.

Шунингдек, мазкур 111-К-сонли қарор билан Самарқанд ҳарбий гарнизонига тегишли бўлган ўқув марказининг жами 195 гектар ер майдони, шундан Самарқанд олий ҳарбий қумондонлик автомобилчи муҳандис билим юрти ёрдамчи хўжалиги ҳисобидан 142 гектар, Н-сонли ҳарбий қисм ёрдамчи хўжалигидан 53,0 гектар ер майдонларини Пастдарғом туманидаги Қ.Тўраев номли ширкат хўжалигига қайтарилишида вилоят ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги билан ке л ишилмаган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 38-моддасини қўллаб,

СЎРАЙМАН:

Самарқанд вилоят ҳокимининг 1999 йил 00 декабрдаги 111-К сонли қарорини Самарқанд ҳарбий гарнизонига тегишли бўлган 195 гектар ерни Пастдарғом туманидаги Қ.Тўраев номли ширкат хўжалигига қайтариш ҳақидаги қисмини бекор қилишни.

Мазкур протестни қонунда кўрсатилган 10 кунлик муддат ичида кўриб чиқиб, натижалари ҳақида ёзма равишда вилоят прокуратурасига маълум қилишни.

Вилоят прокурори
адлия катта маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**

Ўзбекистон Республикаси
Прокуратураси
Самарқанд тумани
Прокуратураси
704430 Самарқанд туман
Хўжа-Ахрор к. Тел:335228
“” март 0000 й.№ 77\09.

Самарқанд туман ҳокими
Туман ҳокимлиги
ҳузуридаги вояга
етмаганлар иши билан
шуғулланувчи комиссия
раиси И.Ш.Фамилияга

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияни 14.01.2003 йилги 3-сонли қарорини бекор қилиш ҳақида

П Р О Т Е С Т

Туман ички ишлар бўлими вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекция нозири Э.Ғуломов 5-сонли таянч мактабнинг 9 синф ўқувчиси Аширов Дилшод мактабда ўқишни хоҳламасдан дарсларни сурункали қолдириб келиши юзасидан текшириш ҳаракатлари ўтказиб тўпланган ҳужжатларни Ўз.Респ. МЖТК нинг 47-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортишни сўраб туман ҳокимияти ҳузуридаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга 08.01.03 йилда юборган.

Текшириш материаллари асосида милиция нозири томонидан Ўз.Респ. МЖТК нинг 279, 281-моддалари асосида маъмурий ҳуқуқбузарликга оид баённома тузилмаган, ким томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилгани аниқланмаган, ҳуқуқбузарнинг ва гувоҳларнинг тушунтириш хатлари олинмаган ва Кодекснинг қайси моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги кўрсатилмаган, кимни маъмурий жавобгарликка тортиш сўралмаган, маъмурий иш рўйхатга олинмаган, тикилмаган бўлсада, комиссия ишни қабул қилиб олиб, Ўз.Респ. МЖТК нинг 306-моддаси асосида маъмурий ишни кўриб чиқиш тартибига амал қилмасдан ва 308-моддаси бўйича ишни кўриб чиқиш баённомаси юргизмасдан 14.01.03 йилда 3-сонли қарор қабул қилиб Аширов Дилшодни

МЖТКнинг 33-моддаси тартибида огоҳлантириш жазо чораси қўллаган.

Комиссиянинг мазкур қарори қонун талабларига зид бўлиб, бекор қилиниши ва маъмурий иш қуйидагиларга асосан ҳаракатдан тугатилиши лозим деб ҳисоблайман.

Комиссия юқорида қайд этилган тартибда Ўз.Респ. МЖТК нинг 279, 281, 306 ва 308-моддалари талабларини бузиб ишни асоссиз кўришга қабул қилиб олиб, қонунсиз қарор эълон қилган.

Бундан ташқари, комиссия Аширов Д. қайси турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганини ва унинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик бор ёки йўқлигини аниқланмаган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси МЖТКда мактабга бормасдан қўйганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмаган.

Комиссия ўз қарорининг баён қисмида вояга етмаган Ашировнинг отаси Аширов Асрор, онаси Аширова Шахнозалар Ўз.Респ. МЖТКнинг 47-моддасида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган деб қайд этган ҳолда уларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Шу билан бирга, Ўз.Респ. МЖТКнинг 13, 14-моддаларига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда 16 ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликга тортилиши мумкинлиги белгиланган бўлиб 1987 йил 30 июнда туғилган Аширов Д. маъмурий жавобгарликка тортиш субъекти бўлиши мумкин эмас.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 38-моддаси, Ўз.Респ. МЖТКнинг 317-моддасини қўллаб:

С Ў Р А Й М АН :

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг 2003 йил 14 январ кунги 3 сонли қарорини бекор қилишингизни.

Вояга етмаган Аширов Д.га нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш юритувини тугатишингизни.

Мазкур протестни кўриб чиқиш натижалари ҳақида белгиланган муддатда туман прокуратурасига жавоб юборишингизни.

Туман прокурори
адлия кичик маслаҳатчиси **Фамилияси И.Ш.**

Ўзбекистон
Республикаси
Прокуратураси Самарқанд
Тумани Прокуратураси
"14430 Самарқанд туман
Хўжа-Ахрор к. Тел:335228
“ ” *март 2003 й.№ 21\09*

Самарқанд туман ҳокими
туман ҳокимлиги
ҳузуридаги вояга
етмаганлар иши билан
шуғулланувчи комиссия
раиси
Фамилия И.Ш.га

Самарқанд туман ҳокимлиги
ҳузуридаги вояга етмаганлар
иши билан шуғулланувчи
комиссияни 21.01.03 йилги
4-сонли қарорини бекор қилиш
ҳақида

П Р О Т Е С Т

Вояга етмаган 1990 йил 21 апрел куни туғилган, 22-сонли ўрта мактабнинг 7 «б» синф ўқувчиси Мустафоев Жонибек Жўрақулович, 25.09.02 йилда Мароқанд жамоа хўжалиги Камчинон қишлоғидаги уйидан, отасининг 10.000 сўм пулларини олиб чиқиб, синфдошлари билан Самарқанд шаҳри ҳудудида пулни сарфлаб тамомлаган

Унинг отаси Пўлатов Жўрақул 02.01.03 йилда туман ички ишлар бўлимига ўғли унинг пулларини сўроқсиз олиб ўртоқлари билан сарфлаб тамомлаганини маълум қилиб, ўғлига нисбатан тегишли чора кўришликни сўраган. Тўпланган материаллар туман ички ишлар бўлими томонидан туман ҳокимияти ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комисиясига юборилиб, комиссия 21.01.03 йилда 4-сонли қарори билан Ж.Мустафоевни Ўз.Р. МЖТК нинг 183-моддасида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган деб ҳисоблаб, МЖТК нинг 33-моддасини асос қилиб уни огоҳлантирган.

Комиссиянинг мазкур қарори қонун талабларига зид бўлиб, бекор қилиниши ва маъмурий иш қуйидагиларга асосан ҳаракатдан тугатилиши лозим деб ҳисоблайман.

Ўз.Р. МЖТК нинг 303-моддаси 2-бандига кўра маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишни кўриш олдидан ишни кўриб бошлаган мансабдор шахс иш буйича маъмурий ҳуқуқбузарликка оид баённома қонуний тузилганлигини, барча ҳужжатлар талаб қилиб

олинганлигини аниқлаши лозим бўлсада, ушбу иш бўйича Ўз.Р МЖТК нинг 279, 280, 281, 282-моддалари талаблари бажарилмасдан, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги баённома тузилмаган, иш рақамланмаган, тўпланган ҳужжатлар рўйхати тузилмаган ва тикилмаган бўлсада ишни кўриш учун асоссиз қарор чиқарган.

Гарчанд, вояга етмаган Мустофоев Жонибек ҳаракатларида майда безорилик аломатлари йўқ бўлсада, комиссия уни асоссиз Ўз.Респ. МЖТКнинг 183-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган деб топган.

Бундан ташқари Ўз.Р. МЖТКнинг 13-14-моддаларига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда 16 ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги белгиланган бўлиб, 25.04.90 йилда туғилган Мустафоев Жонибек маъмурий жавобгарликка тортиш субъекти бўлиши мумкин эмас.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 38-моддаси ва Ўз.Р. МЖТК нинг 317-моддасини қўллаб,

СЎРАЙМАН:

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси 21.01.03 йилги 4-сонли қарорини бекор қилишингизни.

Ж.Мустафоевга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш юритувини тугатишингизни.

Мазкур протестни кўриб чиқиш натижалари ҳақида белгиланган муддатда туман прокуратурасига жавоб юборишингизни.

Самарканд туман прокурори
адлия кичик маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси Самарқанд тумани Прокуратураси *704430 Самарқанд тумани* *Хўжа-Ахрор к. Тел.335228* *“ ” март 2003 й М 21\09.*		Самарқанд туман ҳокими туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия раиси Фамилия И.Ш.га

Самарқанд туман ҳокимлиги
ҳузуридаги вояга етмаганлар иши
билан шуғулланувчи
комиссиянинг 04.02.03 йилги 7-
сонли қарорини бекор қилиш
ҳақида

П Р О Т Е С Т

Вояга етмаган, 1985 йилда туғилган, туман касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Жўраев Дилмурод ўртоғи шу коллеж ўқувчиси Раупов Дилшод билан 2003 йил 15 январ куни соат 11 ларда коллеж ҳовлисида курсдоши Нумонова Шаркияни сумкасини йиртиб ташлаб ҳуқуқбузарлик содир қилишган.

Ушбу факт юзасидан Нумонова Шаркия туман ИИБ ига мурожаат қилиб, участка нозири Маҳмудов суриштирув ҳаракатларини сифатли ва тўлиқ олиб бормасдан, зарар миқдори қопланмасдан, Ўз.Респ. МЖТКнинг 279-моддаси тартибида маъмурий ҳуқуқбузарликга оид баённома тузмасдан тўпланган ҳужжатлар комиссияга юборилган.

04.02.03 йилда комиссия раисининг ўринбосари Фамилия И.Ш. раислигида ишни кўриб чиқиб, Жўраев Дилмурод ҳаракатларида Ўз.Респ. МЖТКнинг 183-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик мавжуд деб ҳисоблаб, МЖТКнинг 33-моддасини асос қилиб уни огоҳлантирган.

Комиссиянинг ушбу қарори қонун талабларига зид бўлиб бекор қилиниши ва маъмурий иш қуйидагиларга асосан ҳаракатдан тугатилиши лозим деб ҳисоблайман.

Ўз.Респ. МЖТКнинг 303-моддаси 2-бандига кўра маъмурий ҳуқуқбузарликга оид ишни кўриш олдидан ишни кўриб бошлаган

мансабдор шахс иш бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликка оид баённома тузилганлигини, барча ҳужжатлар талаб қилиб олинганлигини аниқлаши лозим бўлсада, бу ҳаракатлар бажарилмаган ва ушбу иш бўйича ўзи ҳам Ўз.Респ. МЖТКнинг 280, 281, 282-моддалари талабларини бажармасдан иш юритиш ҳақида баённома юритмасдан, ишни асоссиз кўришда давом этиб қонунсиз қарор эълон килган.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 38-моддаси, Ўз.Респ. МЖТКнинг 317-моддасини қўллаб:

С Ў Р А Й М А Н:

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи Комиссиянииг 2003 йил 4 феврал кунги 6-сонли қарорини бекор қилишингизни ва вояга етмаган Жўраев Д.га нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликга оид иш юритувини тугатишингизни.

Мазкур протестни кўриб чиқиш натижалари ҳақида белгиланган муддатда туман прокуратурасига жавоб юборишингизни.

Самарқанд туман прокурори
адлия кичик маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**

Ўзбекистон
Республикаси
Прокуратураси Самарқанд
тумани
Прокуратураси
704430 Самарқанд туман
Хўжа-Ахрор к.
Тел:335228
“ ” *март 2003 й № 21\09.*

Самарқанд туман ҳокими
Туман ҳокимлиги
ҳузуридаги вояга
етмаганлар иши билан
шуғулланувчи комиссия
раиси Фамилия И.Ш.га

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг 2002 йил 10 сентябр кунги рақамланмаган вояга етмаган Эшматов Тошматга нисбатан қарорини бекор қилиб ишни тугатиш тўғрисида

П Р О Т Е С Т

Самарқанд туман ҳузуридаги вояга етмаганлар комиссия, комиссия раисининг ўринбосари М.Маржоновнинг раислигида, вояга етмаган 10 июн 1991 йилда туғилган 43-сонли мактабнинг 5 синф ўқувчиси Эшматов Тошматга нисбатан маъмурий ишни кўриб чиқиб, асоссиз унинг ҳаракатларида Ўз.Респ. МЖТКнинг 47-моддасида кўзда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари бор деб топиб, МЖТКнинг 33-моддасини қўллаб огоҳлантирган.

Комиссиянинг мазкур қарори қонун талабларига зид қабул қилинган бўлиб қуйидаги ҳолатларга асосан бекор килиниши ва ҳаракатдан тугатилиши лозим деб ҳисоблайман.

Ўз.Респ. МЖТКнинг 303-моддаси 2-бандига кўра маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишни кўриш олдидан, ишни кўриб бошлаган мансабдор шахс иш бўйича иш рақамланган ва тўпланган ҳужжатлар рўйхат қилинган, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид баённома тузилганлигини, барча ҳужжатлар талаб қилиб олиннганлигини аниқлаши лозим бўлсада, бу ҳаракатларни бажармасдан ва ушбу иш

бўйича ўзи ҳам Ўз.Респ. МЖТКнинг 279, 280, 281, 282-моддалари талабларини бажармасдан иш юритиш ҳақида баённома юритмасдан ишни асоссиз қабул қилиб олиб қонунсиз қарор эълон қилган.

Гарчанд вояга етмаган Эшматов Тошмат ҳаракатларида боларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик аломатлари йўқ бўлсада, комиссия уни асоссиз Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган деб топган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 13, 14-моддаларига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда 16 ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликга тортилиши мумкинлиги белгиланган бўлиб, 10 июн 1991 йилда туғилган Эшматов Тошмат маъмурий жавобгарликга тортиш субъекти бўлиши мумкин эмас.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 38-моддаси, Ўз.Респ. МЖТКнинг 317-моддасини қўллаб:

С Ў Р А Й М АН :

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг 2002 йил 10 сентябр рақамсиз қарорини бекор қилишингизни.

Вояга етмаган Эшматов Тошматга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликга оид иш юритувини тугатишингизни.

Мазкур протестни кўриб чиқиш натижалари ҳақида белгиланган муддатда туман прокуратурасига жавоб юборишингизни.

Самарқанд туман прокурори
адлия кичик маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**

Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси
Самарқанд тумани
Прокуратураси
****
04430 Самарқанд туман
Хўжа-Ахрор к
Тел:335228
“ ” март 2003 й. № 21/09.

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар иши билан шуғуланувчи комиссияни 14.01.2003 йилги 2-сонли қарорини бекор қилиш ҳақида

П Р О Т Е С Т

Самарқанд туман ҳокими
Туман ҳокимлиги
ҳузуридаги вояга
етмаганлар иши билан
шуғулланувчи комиссия
раиси Фамилия И.Ш.га

Туман ички ишлар бўлими вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекцияси томонидан 68-сонли ўрта мактабнинг 9 синф ўқувчиси Тешаев Ботир мактабда ўқишни хоҳламасдан дарсларни сурункали қолдириб келиши юзасидан текшириш ҳаракатлари ўтказиб тўпланган ҳужжатларни 08.01.03 йилда ўқувчининг ота-онасини Ўз.Респ. МЖТКнинг 47-моддасига асосан маъмурий жавобгарликга тортишни сўраб туман ҳокимияти ҳузуридаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга юборган.

Аммо, милиция нозири томонидан Ўз.Респ. МЖТКнинг 279, 281-моддалари асосида маъмурий ҳуқуқбузарликга оид баённома тузилмаган, ким томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилгани кўрсатилмаган, ҳуқуқбузарнинг ва гувоҳларнинг тушунтириш хатлари олинмаган бўлсада комиссия ишни қабул қилиб олиб,

Ўз.Респ. МЖТКнинг 306-моддаси асосида маъмурий ишни кўриб чиқиш тартибига амал қилмасдан ва 308-моддаси бўйича ишни кўриб чиқиш баённомаси юргизмасдан 14.01.03 йилда 1-сонли қарор қабул қилиб Тешаев Ботирни ўзини МЖТКнинг 33-моддаси тартибида огоҳлантирган, унинг ота-онаси қисми очиқ қолдирилган.

Комиссиянинг мазкур қарори қонун талабларига зид бўлиб, бекор қилиниши ва маъмурий иш қуйидагиларга асосан ҳаракатдан тугатилиши лозим деб ҳисоблайман.

Комиссия юқорида қайд этилган тартибда Ўз.Респ. МЖТКнинг 279, 281, 306 ва 308-моддалари талабларини бузиб ишни кўришга қабул қилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси МЖТКда мактабга бормасдан қўйганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмаган бўлсада комиссия Тешаев Ботирни асоссиз равишда МЖТКнинг 33-моддасини асос қилиб огоҳлантирган.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 38-моддаси, Ўз.Респ. МЖТКнинг 317-моддасини қўллаб:

С Ў Р А Й М А Н :

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг 2003 йил 14 январ кунги 2-сонли қарорини бекор килишингизни ва вояга етмаган Тешаев Ботирга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликга оид иш юритувини тугатишингизни.

Мазкур протестни кўриб чиқиш натижалари ҳақида белгиланган муддатда туман прокуратурасига жавоб юборишингизни.

Самарқанд туман прокурори
Адлия кичик маслахатчиси **Фамилия И.Ш.**

Ўзбекистон Республикаси
Прокуратураси
Самарқанд тумани
Прокуратураси
****

04430 Самарқанд туман Хўжа-Ахрор к.
Тел:335228
“___” март 2003 й.№ 21\09.

Самарқанд туман ҳокими Туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия раиси Фамилия И.Ш.га

Самарканд туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг 2003 йил 21 январ кунги 5-сонли вояга етмаган Вахобов Равшанга нисбатан қарорини бекор қилиб ишни тугатиш тўғрисида

П Р О Т Е С Т

Самарқанд тумани ҳокимлиги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия, комиссия раисининг ўринбосари Фамилия И.Ш. раислигида 21 ноябр 1990 йилда туғилган, 34-таянч мактабнинг 7 синф ўқувчиси Вахобов Равшанга нисбатан айнан ички ишлар бўлимидан келиб тушган материални кўриб чиқиб, унинг ҳаракатларида Ўз.Респ. МЖТКнинг 183-моддасида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари мавжуд деб топиб, МЖТКнинг 33-моддасини қўллаб огоҳлантириш билан чекланган.

Комиссиянинг мазкур қарори қонун талабларига зид қабул қилинган бўлиб қуйидаги ҳолатларга асосан бекор қилиниши ва ҳаракатдан тугатилиши лозим деб ҳисоблайман.

Ўз.Респ. МЖТКнинг 303-моддаси 2-бандига кўра маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишни кўриш олдидан, ишни кўриб бошлаган мансабдор шахс иш бўйича иш рақамланган ва тўпланган ҳужжатлар рўйхат қилинган, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид баённома тузилганлигини, барча ҳужжатлар талаб қилиб олиннганлигини

аниқлаши лозим бўлсада, бу ҳаракатларни бажармасдан ва ушбу иш бўйича ўзи ҳам Ўз.Респ. МЖТКнинг 279, 280, 281, 282-моддалари талабларини бажармасдан иш юритиш ҳақида баённома юритмасдан ишни асоссиз қабул қилиб олиб қонунсиз қарор эълон қилган.

Гарчанд вояга етмаган Вахобов Равшан ҳаракатларида майда безорилик аломатлари йўқ бўлсада, комиссия уни асоссиз Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган деб, бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 13, 14-моддаларига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда 16 ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги белгиланган бўлиб, 21 ноябр 1990 йилда туғилган Вахобов Равшан маъмурий жавобгарликка тортиш субъекти бўлиши мумкин эмас.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 38-моддаси, Ўз.Респ. МЖТКнинг 317-моддасини қўллаб:

С Ў Р А Й М А Н :

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг 2003 йил 21 январ 5-сонли қарорини бекор қилишингизни.

Вояга етмаган Вахобов Равшанга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш юритувини тугатишингизни.

Мазкур протестни кўриб чиқиш натижалари ҳақида белгиланган муддатда туман прокуратурасига жавоб юборишингизни.

Самарқанд туман прокурори
адлия кичик маслаҳатчиси Фамилия И.Ш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ
ПРОКУРАТУРАСИ

703000 Самарқанд ш.
Кўксарой майдони 4уй
тел:(8-3662) 33-10-45

Пастдарғом тумани ҳокими
И.Ш.Фамилияга

« ».08. 2003 йил 7-6-03.

П Р ОТ Е СТ

Туман ҳокимининг
04.07.2003 й. 000-Қ-сонли
қарорини бекор қилиш
ҳақида.

Пастдарғом туман ҳокими томонидан 2002 йил 4 апрел куни қабул қилинган 121-Қ сонли фуқаро Ниёзов Қаландарга ошхона ҳамда автобекат қуриш учун ер ажратиш тўғрисидаги қарори "Навбаҳор" ширкат хўжалигининг умумий вакиллар йиғилишида кўриб чиқилмаганлйги сабабли туман ҳокимининг 2002 йил 11 майдаги 197-Қ сонли қарори билан бекор қилинган.

Мазкур ҳолат юзасидан 2002 йил 4 ноябр куни жиноий ишлар бўйича Пастдарғом туман судининг ҳукми билан собиқ «Навбаҳор» ширкат хўжалигининг раиси Ашуров Камол ширкат хўжалиги ҳудудидан фуқаро Қ. Ниёзовга ошхона ва автобекат қуриш учун ер майдони ажратиб беришда ҳужжатларни сохталаштирилганликда айбли деб топилган ва тегишли жиноий жавобгарликка тортилган.

Шунга қарамасдан, Пастдарғом туман ҳокими ўзининг 2003 йил 4 июл кунидаги 000-Қ сонли қарори билан фуқаро Ниёзов Қаландарга бекор қилинган қарор асосида ажратилган ер майдонида қурилиш ишларини давом эттиришга рухсат берган.

Мазкур қарор амалдаги қонунлар талабларига зид равишда қабул қилинганлиги сабабли қўйидаги асосларга кўра бекор қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси»нинг 23-моддаси 5-бандига зид равишда, ер ажратиш тўғрисидаги ҳужжатлар тўпламисиз Пастдарғом туман ҳокимининг 2003 йил 4 июлдаги 000-Қ сонли қарори билан фуқаро Қ.Ниёзовга ошхона ва автобекат қуришни давом эттириш учун рухсат берилган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекиетон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 38-моддасини қўллаб,

СЎРАЙМАН:

Пастдарғом туман ҳокимининг 2003 йил 4 июлдаги 000-Қ сонли қарорини бекор қилишни.

Мазкур протестни қонунда кўрсатилган 10 кунлик муддат ичида кўриб чиқиб, натижалари ҳақида ёзма равишда вилоят прокуратурасига маълум қилишни.

Вилоят прокурори
адлия катта маслахатчиси **Фамилия И.Ш.**

Қ А Р О Р
интизомий иш қўзғатиш ҳақида

00.00.0000 йил **Самарқанд шаҳри.**

Вилоят прокурори адлия катта маслаҳатчиси Фамилия И.Ш., ушбу кун «Ғалаба» масъулияти чекланган жамиятнинг молиявий хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган текшириш материаллари билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИМ:

Фамилия Рустам Зияевич Самарқанд шаҳар Сиёб туманида жойлашган «Ғалаба» масъулияти чекланган жамиятнинг омбор мудири лавозимида ишлаб келиб, унинг жавобгарлигида бўлган моддий бойликлар санокдан ўтказилганда у 5017 сўмлик камомадга йўл қўйганлиги аниқланган.

Р.Фамилия ўзининг ушбу ҳаракатлари билан ўзганинг оз миқдордаги мулкини талон-торож қилган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 39-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1.Фамилия Рустам Зияевичга нисбатан интизомий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилган.

2.Қарорни кўриб чиқишлик учун «Ғалаба» масъулияти чекланган жамиятнинг раҳбарига юборилган.

3. Қарор келиб тушган кундан бошлаб 15 кунлик муддат ичида кўриб чиқилиб, натижаси ҳақида 3 кун муддатда вилоят прокуратурасига ёзма равишда маълум қилинган.

Вилоят прокурори
адлия катта маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**

Қ А Р О Р

интизомий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида

17.09.2003 йил Самарқанд шаҳри

Самарқанд вилоят прокурори адлия катта маслаҳатчиси Фамилия И.Ш., ушбу кун «Самарқандгазтаъминот» шўъба корхонасида умумий назорат тартибида ўтказилган текшириш ҳужжатлари билан таншпиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИМ:

«Самарқандгазтаъминот» шўъба корхонаси ўлчаш асбобларини ўрнатиш бўйича хизмат бўлими бошлиғи Д.Акилов, ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармасдан келиб, 2003 йил давомида вилоятда 131 минг 800 та улгуржи истеъмолчилар ва хонадонларга газ ўлчагич асбоблари ўрнатилиши режалаштирилганлигига қарамасдан, жорий йилнинг ўтган 7 ойи давомида 51659 та газ ўлчагич ўрнатилишини, ёки режа 39 фоизга бажарилишини таъминланган.

Д.Акилов ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармасдан, улгуржи истеъмолчилар ва хонадонларга газ ўлчагич асбоблари ўрнатилишини таъминланмаганлиги ва бошқа қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги сабабли унга нисбатан интизомий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш лозим.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 39-моддасини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. «Самарқандгазтаъминот» шўъба корхонаси ўлчаш асбобларини ўрнатиш бўйича хизмат бўлими бошлиғи Д.Акиловга нисбатан интизомий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилган .
2. Ушбу қарор ижро қилиш учун Самарқандгазтаъминот шўъба корхонаси директорига юборилган.
3. Қарор келиб тушган кундан бошлаб 15 кунлик муддат ичида кўриб чиқилиб, натижаси ҳақида 3 кунлик муддатда вилоят прокуратурасига хабар қилинган.

Вилоят прокурори
адлия катта маслаҳатчиси Фамилия И.Ш.

Қ АР О Р

маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида

30.07.2003 йил Самарқанд шаҳри.

Вилоят прокурори адлия катта маслаҳатчиси Фамилия И.Ш., ушбу кун «Ғалаба» масъулияти чекланган жамиятнинг молиявий хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган текшириш материаллари билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М:

Самарқанд шаҳар Сиёб туманида жойлашган «Ғалаба» масъулияти чекланган жамиятининг молиявий хўжалик фаолияти, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, мулкни сақланишига қаратилган ва бошқа қонун талабларини ижроси юзасидан умумий назорат тартибида ўтказилган текширишда, жамият раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1999 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари талаблари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 504-сонли қарори талаблари ижроси тўлиқ бажарилмасдан келинган.

2003 йил 1 июл холатига корхона ва ташкилотлардан 5 млн. 220 минг 600 сўмлик дебитор ва 97млн. 507 минг 300 сўмлик кредитор қарздорликка йўл қўйилган. Шундан 596 минг 500 сўмлик дебитор қарзни муддати ўтган.

Бундан ташқари, 2002 йил 29 мартда 25-сонли ва 30 мартда 26-сонли тўлов топшириқномалари асосида жамият Жомбой пахта заводига тегишли 3 млн. 500 минг сўмлик акцияларини сотиб олиб, жамият раҳбарлари шу кунга қадар акциялардан келиб тушган дивидентларни жамиятнинг киримига олиш чораларини кўришмаган.

Бунинг натижасида, жамиятнинг ишчи ва хизматчиларига 5 млн. 274 минг 683 сўм иш ҳақлари тўланмай келинмоқда.

«Ғалаба» масъулияти чекланган жамиятнинг директори Зокирова Гулсанам Абдиевна томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори талаблари бузилган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 39-моддасига ва МЖТК нинг 275-моддаси 1-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1.Зокирова Гулсанам Абдиевнага нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 175-моддаси 3-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилган.

2.Қарорни кўриб чиқишлик учун Сиёб туман солиқ инспекцияси бошлиғига юборилган.

3.Қарор келиб тушган кундан бошлаб 15 кунлик муддат ичида кўриб чиқилиб, натижаси ҳақида 3 кун муддатда вилоят прокуратурасига ёзма равишда маълум қилинган.

Вилоят прокурори
адлия катта маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**

ҚАРОР
маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш
қўзғатиш ҳақида

2003 йил « » октябр Самарқанд шаҳри.

Вилоят прокурори адлия катта маслаҳатчиси Фамилия И.Ш. ушбу кун, умумий назорат тартибида «Самарқанд ТТПК» ОТАЖда молиявий хўжалик фаолияти, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, мулкни сақланишига қаратилган, солиқ тўловлари ва бошқа қонун талабларини ижроси юзасидан ўтказилган текшириш материаллари билан танишиб чиқиб,

АНИҚЛАДИМ:

«Самарқанд ТТПК» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида молиявий хўжалик фаолияти, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, мулкни сақланишига қаратилган ва бошқа қонун талабларини ижроси юзасидан умумий назорат тартибида ўтказилган текширишда, жамият раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1999 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 504-сонли қарори талаблари ижроси тўлиқ бажарилмасдан келинган.

2003 йил 1 сентябр ҳолатига корхона ва ташкилотлардан муддати ўтган 10 млн. 535 минг сўмлик дебитор, 26 млн. 178 минг сўмлик кредиторлик қарздорликка йўл қўйилган.

Бунинг натижасида ишчи ва хизматчиларни иш ҳақидан ҳам 2 млн. 532 минг сўмлик қарздорликка йўл қўйилган.

Бундан ташқари, 2001-2002 йилларда жами 577 минг сўмлик бартер операциялари амалга оширилган.

Шунингдек, қўшимча қиймат солиғи бўйича жами 2 млн. 340 минг 700 сўм, ишчи ва хизматчилар даромад солиғи бўйича 31 минг сўм кам ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ Кодекси»нинг талаблари бузилганлиги аниқланган.

«Самарқанд ТТПК» ОТАЖ бош ҳисобчиси И.Н.Лочинова томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда «Солиқ Кодекси» талаблари бузилган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 39-моддасига ва МЖТКнинг 275-моддасига, 264-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1.Лочинова Илёса Нишоновнага нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 175-моддаси 1 ва 3-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилган.

2.Қарорни кўриб чиқишлик учун Боғишамол туман солиқ инспекцияси бошлиғига юборилган.

3.Қарор келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида кўриб чиқилиши ва кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда вилоят прокуратурасига ёзма равишда маълум қилиниши шарт.

Вилоят прокурори
адлия катта маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш**.

"**ТАСДИҚЛАЙМАН**"
Вилоят прокурори адлия
катта маслаҳатчиси
Фамилия И.Ш.
апрел 2003 йил

Қ А Р О Р
жиноят иши қўзғатиш ҳақида

апрел 2003 йил Самарқанд шаҳри

Вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори 2-даражали юрист С.Юлдашев, вилоят Пахта уруғчилик бирлашмасида шартнома шартларини бажарилиши, мулкни сақланиши ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари ажратилган маблағларни қонуний сарфланиши юзасидан умумий назорат тартибида ўтказилган текшириш ҳужжатларини кўриб чиқиб,

АНИҚЛАДИМ:

Вилоят Пахта уруғчилик бирлашмаси бошлиғи Р. Маликов мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, Республика Пахта уруғчилиги бошқармаси томонидан тасдиқланган, Самарқанд вилоят Пахта уруғчилик бирлашмасининг 2002 йил учун харажатлар сметасига зид равишда бирлашмага хизмат автомашинаси олиш учун ажратилган 8 млн. сўмдан 4 млн. 870,5 минг сўмини 2002 йил 4 феврал куни вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан тузилган 2-сонли шартномага асосан 19-сонли тўлов топшириқномаси билан вақтинчалик молиявий ёрдам тариқасида ўтказиб берган ва бунга асос қилиб, вилоят Пахта уруғчилик бирлашмаси бошлиғининг шахсий фармойишини кўрсатган.

Ушбу шартнома шартларига кўра шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга кириб, ўтказиб берилган 4 млн. 870,5 минг сўмлик вақтинчалик молиявий ёрдам пулининг ҳар ойда 10 фоизи ва якуний сумма 2002 йил декабр ойида бирлашмага қайтариб олиниши белгиланган бўлсада, пул маблағлари 2003 йил апрел ойига қадар қайтариб олинмаган ва смета бўйича автомобил сотиб олинмаган, бунинг оқибатида бирлашманинг шу миқдордаги дебитор қарзлари пайдо бўлиб, пулларни ундириш борасида бирор бир чоралар кўрилмаган.

Бундан ташқари, бирлашма балансида 2003 йил 1 апрел ҳолатига автотранспорт воситалари мавжуд бўлмаган ва транспорт воситаларини ижарага олиш ҳақида бирор бир ташкилот ва корхона

билан шартнома тузилмаган бўлсада, 2002 йил давомида ёқилғи мойлаш материаллари харид қилиш учун бюджет маблағидан 621 минг сўм, вазирлик ажратмасидан 350 минг сўм, эҳтиёт қисмлари учун 978 минг сўм ва ҳайдовчи иш ҳақи учун 165,8 минг сўм, жами 2 млн. 114,8 минг сўм, 2003 йилнинг биринчи чорагида ёқилғи мойлаш материаллари учун давлат бюджетидан 50 минг сўм ва вазирлик ажратмасидан 150 минг сўм ҳамда эҳтиёт қисмлари учун 465 минг сўм, жами 665 минг сўм, ҳаммаси бўлиб 2002 йил ва 2003 йилнинг ўтган 3 ойи давомида 2 млн. 779,8 минг сўмлик пул маблағлари ноқонуний сарфланган.

Шундай қилиб, вилоят пахта уруғчилик бирлашмаси бошлиғи Р.Маликов республика Пахта уруғчилик бошқармаси томонидан автомашина олиш учун мақсадли ажратилган пул маблағларини ноқонуний сарфлагани ва асоссиз равишда хизмат автомашинаси ҳаражатларига жами 2 млн. 779,8 минг сўмлик пул маблағларини ҳаражат қилиб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда иқтисодий зарар етказилишига сабабчи бўлган.

Мазкур ҳолат юзасидан вилоят Пахта уруғчилик бирлашмаси бошлиғи Р.Маликовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми «А» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 321, 322, 331, 336-моддаларйни қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. Вилоят Пахта уруғчилик бирлашмаси бошлиғи Р.Маликовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми «А» банди билан жиноят иши қўзғатилган.

2.Жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришлик вилоят прокуратураси иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига юклатилган.

Умумий назорат бўлими
прокурори
2-даражали юрист **С.Юлдашев**
«Қўшиламан»
Умумий назорат бўлими бошлиғи
адлия маслаҳатчиси **З.Алимов**

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Вилоят прокурори адлия
катта маслаҳатчиси
Фамилия И.Ш. октябр 2003 й

Қ А Р О Р
жиноят иши қўзғатиш ҳақида

“00”октябр 2003 йил Самарқанд шаҳри.

Вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори 2-даражали юрист Фамилия И.Ш., Сиёб туманидаги «Сампласт» савдо уйида мулкни сақланишига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан умумий назорат тартибида ўтказилган текшириш ҳужжатларини кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И М:

«Сампласт» савдо уйи мансабдор шахслари томонидан 2002 йил декабр ойида «Умарбанк»дан 70 млн. сўмлик кредит олган бўлсада, ҳозирги кунга қадар ушбу кредит маблағининг кредит фоизи ва маблағни ўзини ҳам қайтариш чоралари кўрилмаган. «Сампласт» савдо уйи томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги 574-сонли қарорига зид равишда, 2001 йилни 3 млн. 493 минг сўм ва 2002 йилнинг 11 млн. 498 минг сўм иқтисодий зарар билан якунланган бўлсада, банкдан жуда кўп миқдорда кредит маблағларини олган.

Бундан ташқари, «Сампласт» савдо уйи мансабдор шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашга қаратилган Фармони ва қарорлари талабларига амал қилинмаганлиги, қарзларни ундириш ва тўлаш чораларини кўрилмаганлиги оқибатида 2003 йил 1 сентябр ҳолатига 10 млн. 222,5 минг сўмлик муддати ўтган дебитор қарзлари ҳамда 38 млн. 890 минг сўмлик муддати ўтган кредитор қарзлари вужудга келган.

Шунингдек, «Сампласт» савдо уйи мансабдор шахслари томонидан хизмат вазифалари суиистеъмол қилиниб, 2000-2002 йилар давомида жами 57 млн. 399 минг сўмлик бартер операциялари амалдаги қонун талабларига зид равишда амалга оширилган.

«Сампласт» савдо уйи моддий товар бойликлари саноқдан ўтказилганида 20 млн. сўмлик жуда кўп миқдордаги «Қувонч» ва

«Нозил» кафел плиткалари, гипс, цемент ва бошқа қурилиш материалларидан камомад аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан «Сампласт» савдо уйи мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми «А» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 321, 322, 331, 336-моддаларини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. Сиёб туманидаги «Сампласт» савдо мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми «А» банди билан жиноят иши қўзғатилган.

2. Жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришлик Самарқанд шаҳар прокуратурасига юклатилган.

Умумий назорат бўлими
прокурори 2-даражали юрист **Фамилия И.Ш.**
«Қўшиламан»
Умумий назорат бўлими бошлиғи
адлия маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**

"ТАСДИҚЛАЙМАН" Вилоят прокурори адлия катта маслаҳатчиси
Фамилия И.Ш. октябр 2003 йил

Қ А Р О Р

жиноят иши қўзғатиш ҳақида

октябр 2003-йил Самарқанд шаҳри.

Вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори 2-даражали юрист Фамилия И.Ш., Сиёб туманидаги «Сампласт» савдо уйида мулкни сақланишига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан умумий назорат тартибида ўтказилган текшириш ҳужжатларини кўриб чиқиб,

АНИҚЛАДИМ:

Адилов Эркин Ашрафович Сиёб туманидаги «Сампласт» савдо уйи директори лавозимида ишлаб келиб, 2002 йил 1 май кунидан 1-сонли бўйруқга асосан моддий жавобгарлигида бўлган, 20 млн. сўмлик ўзганинг жуда кўп миқдордаги «Қувонч» ва «Нозил» кафел плиткалари, гипс, цемент ва бошқа қурилиш материалларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, «Сампласт» савдо уйи мансабдор шахслари томонидан 2002 йил декабр ойида «Умарбанк»дан 70 млн. сўмлик кредит олган бўлсада, ҳозирги кунга қадар ушбу кредит маблағининг кредит фоизи ва маблағни ўзини ҳам қайтариш чоралари кўрилмаган. «Сампласт» савдо уйи томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги 574-сонли қарорига зид равишда, 2001 йилни 3 млн. 493 минг сўм ва 2002 йилнинг 11 млн. 498 минг сўм иқтисодий зарар билан якунланган бўлсада, банкдан жуда кўп миқдорда кредит маблағларини олган.

Бундан ташқари, «Сампласт» савдо уйи мансабдор шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашга қаратилган Фармони ва қарорлари талабларига амал қилинмаганлиги, қарзларни ундириш ва тўлаш чораларини кўрилмаганлиги оқибатида 2003 йил 1 сентябр ҳолатига 10 млн. 222,5 минг сўмлик муддати ўтган дебитор қарзлари ҳамда 38 млн. 890 минг сўмлик муддати ўтган кредитор қарзлари вужудга келган.

Шунингдек, «Сампласт» савдо уйи мансабдор шахслари томонидан хизмат вазифалари суиистеъмол қилиниб, 2000-2002 йилар давомида жами 57 млн. 399 минг сўмлик бартер операциялари амалдаги қонун талабларига зид равишда амалга оширилган.

Мазкур ҳолат юзасидан Й. Ачилов ва «Сампласт» савдо уйи ҳамда «Умар банк» мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-кисми «а» банди ва ЖК нинг 205-моддаси 2-қисми «А» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 321, 322, 331, 336-моддаларини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. Сиёб туманидаги «Сампласт» савдо уйи директори Й.Ачилов ва мансабдор шахслари ҳамда «Умар банк» мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «а» банди ва ЖК нинг 205-моддаси 2-қисми «А» банди билан жиноят иши қўзғатилган.

2.Жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришлик вилоят прокуратураси иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига юклатилган.

Умумий назорат бўлими
прокурори 2-даражали юрист **Фамилия И.Ш**.
«Қўшиламан»
Умумий назорат бўлими бошлиғи
адлия маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Вилоят прокурори адлия
катта маслаҳатчиси

Фамилия И.Ш.
октябр 2003 йил

Қ А Р О Р
жиноят иши қўзғатиш ҳақида

октябр 2003 йил Самарқанд шаҳри

Вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори 2-даражали юрист Фамилия И.Ш., Самарқанд шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейида умумий назорат тартибида ўтказилган текшириш ҳужжатларини кўриб чиқиб,

АНИҚЛАДИМ:

Фуқаро Иванов Иван Иванович Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида ўқимаган ва шу институтни битирмаган бўлсада, жисмоний тарбия ва спорт мутахассислигини 1999 йил битирганлиги тўғрисида берилган № 223689-сонли қалбаки дипломдан фойдаланиб, 2000 йил 21 ноябр кунидан ҳозирги кунга қадар Самарқанд шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи республика лицейида жисмоний тарбия ўқитувчиси вазифасида ишлаб келган.

И.И.Иванов ушбу дипломни қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиб келганлиги учун унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилиши лозим бўлади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 321, 322, 331, 336-моддаларини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. Самарқанд шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейи ўқитувчиси Иван Иванович Ивановга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.
2. Жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришликга юклатилган.

Умумий назорат бўлими
прокурори 2-даражали юрист **Фамилия И.Ш**.
«Қўшиламан »
Умумий назорат бўлими бошлиғи
адлия маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Вилоят прокурори адлия
катта маслаҳатчиси
Фамилия И.Ш.
март 2003 йил

Қ А Р О Р
жиноят иши қўзғатиш ҳақида

март 2003 й. Самарқанд шаҳри.

Вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими катта прокурори адлия кичик маслаҳатчиси Фамилия И.Ш., вилоят халқ таълими бошқармасида бюджет ва бюджетдан ташқари ажратилган маблағларни сарфланиши, қурилиш ва таъмирлаш ишларига ажратилган қурилиш материаллари, асбоб ускуналар, ўқув жиҳозлари ва пул маблағларини қонуний сарфланиши юзасидан умумий назорат тартибида ўтказилган текшириш ҳужжатларини кўриб чиқиб,

АНИҚЛАДИМ:

Вилоят халқ таълими бошқармаси мансабдор шахслари мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишиб, 2002 йилда бошқарма тизимидаги мактаб ва мактабгача муассасаларни жорий таъмирлаш учун бюджетдан ажратилган маблағлардан шифер олиш мақсадида амалдаги тендер баҳоларига риоя қилмаган ҳолда пудрат савдоларини ташкил этиш - тендер бўйича республика бошқармасининг Самарқанд вилоят филиали тендер комиссияси орқали олмасдан, бу билан Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги қарори талабига зид равишда 2002 йил 13 май куни Самарқанд вилоятидаги "Исолат" Ўзбекистон-Болгария қўшма корхонаси билан тузилган 14-сонли ҳисоб шартномасига асосан ҳар бир донаси 3 минг 70 сўмдан 33 минг дона жами 101 млн. 310 минг сўмлик шифер олиш тўғрисида шартнома тузиб, ушбу қўшма корхонадан 31 минг 781 дона шиферни 97 млн. 567 минг 670 сўмга олинган.

Ваҳоланки, шу даврда 1 дона шифернинг тендердаги нархи 2 минг 563 сўмни ташкил этган бўлиб, ҳар бир дона шифер учун 507 сўмдан ортиқча тўлангани натижасида бюджет маблағлари ноқонуний сарфланиб, вилоят халқ таълими бошқармаси манфаатларига 16 млн. 112 минг 967 сўм жуда кўп миқдорда иқтисодий зарар келтирилган.

Шу каби, 2002 йил 12 август куни Тошкент шаҳридаги хусусий тадбиркор «Фамилия И.Ш.» билан тузилган 12-сонли шартномага асосан ҳар бир донаси 3 минг 685 сўмдан 5 минг 855 дона шиферни жами 21 млн. 575 минг 675 сўмга олиш ҳақида шартнома тузилиб, ушбу сумма маҳсулот олинмасдан олдин 2002 йил август ойида тўлиқ ўтказиб берилган бўлсада, хусусий тадбиркор «Фамилия И.Ш.» томонидан шартнома шартларига зид равишда шифер вилоят халқ таълими бошқармасига фақатгина 2003 йилнинг 18 феврал куни, орадан 5 ойдан кўп вақт ўтгач 18-сонли юк хати билан 3 минг 20 дона шифер олинган. Қолган 10 млн. 446 минг 700 сўм пул маблағларини 2003 йил 17 март кунига қадар тўлов муддати ўтказиб юборилган дебитор қарз сифатида хусусий тадбиркор «Фамилия И.Ш.»дан ундириш чоралари кўрилмаган ва бу билан амалдаги тендер баҳосига риоя қилинмаганлиги оқибатида ҳар бир дона шифер 1 минг 115 сўмдан ортиқча нархга харид қилиб олинган ва вилоят халқ таълими бошқармаси манфаатларига 6 млн. 528 минг 325 сўмлик иқтисодий зарар келтирилган.

Бундан ташқари, 2002 йилда вилоят халқ таълими бошқармаси ва «ТС Технология» корхонаси ўртасида тузилган шартномага асосан ҳар бирининг нархи 9 млн. 100 минг сўм бўлган 7 та комплект синф компьютерларини жами 63 млн. 700 минг сўмга олиш ҳақида шартнома тузилиб, ушбу компьютерларни амалдаги тендер баҳолардан қиммат нархда олингани оқибатида 14 млн. 64 минг 302 сўмлик иқтисодий зарар келтирилган. Шу даврда ҳар бир синф компьютерининг тендерда белгиланган баҳоси 7 млн. 90 минг 814 сўмни ташкил қилган.

Жами бўлиб, вилоят халқ таълими бошқармаси мансабдор шахслари томонидан бюджет маблағларини ноқонуний равишда тендер савдоларида амалда бўлган нархлардан қиммат нархларда олингани оқибатида давлат манфаатларига 37 млн. 363 минг 612 сўмлик жуда кўп миқдорда иқтисодий зарар келтирилган.

Бундан ташқари, вилоят халқ таълими бошқармаси мансабдор шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашга қаратилган Фармони ва қарорлари талабларига амал қилинмаганлиги, қарзларни ундириш ва тўлаш чораларини кўрилмаганлиги оқибатида бошқарманинг 2003 йил март ойи ҳолатига 12 млн. 18 минг сўмлик муддати ўтган дебитор

қарзлари, 58 млн. 82 минг сўмлик муддати ўтган кредитор қарзлари вужудга келган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларига зид равишда 2003 йил 15 март ҳолатига вилоят халқ таълими бошқармаси тизими бўйича феврал ойи иш ҳақидан қарздорлик 953 млн. 500 минг сўмни ташкил қилган.

Мазкур ҳолат юзасидан вилоят халқ таълими бошқармаси мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми «А» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 321, 322, 331, 336-моддаларини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. Вилоят халқ таълими бошқармаси мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми «А» банди билан жиноят иши қўзғатилган.

2.Жиноят ишй юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришлик вилоят прокуратураси иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига юклатилган.

Умумий назорат бўлими
катта прокурори
адлия кичик маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**
«Қўшиламан»
Умумий назорат бўлими бошлиғи
адлия маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**

"ТАСДИҚЛАЙМАН" Вилоят
прокурори адлия катта
маслаҳатчиси
Фамилия И.Ш.
феврал 2003 йил

Қ А Р О Р

жиноят иши қўзғатиш ҳақида

феврал 2003 й. Самарқанд шаҳри.

Вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори 2-даражали юрист Фамилия И.Ш., Ургут тумани «Матлуботсавдо» акционерлик жамиятига қарашли «Қуйиқишлоқ» савдо корхонасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрдаги «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 604-сонли қарори талабларини бажарилиши юзасидан умумий назорат тартибида ўтказилган текшириш ҳужжатларини кўриб чиқиб,

АНИҚЛАДИМ:

Б.Зиёдуллаев Ургут тумани «Матлуботсавдо» акционерлик жамиятига қарашли «Қуйиқишлоқ» савдо корхонаси бошлиғи раҳбари вазифасида ишлаб келиб, мансабини суиистеъмол қилиб, корхона юк ташувчиси Б.Махмудов жавобгарлигидаги 21 млн. 917 минг 422 сўмлик озиқ ва ноозиқ овқат маҳсулотларини олиб, ўз манфаатларини учун сарфлаб, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, А.Саримсоқов ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминламаганлиги, қарзларни ундириш чораларини кўрмаганлиги оқибатида корхонанинг 2002 йил декабр ойи ҳолатига 7 млн. 287 минг 163 сўмлик муддати ўтган дебитор қарзлари, 7 млн. 359 минг 325 сўмлик муддати ўтган кредитор қарзлари вужудга келган, шунингдек, корхона ходимларига иш ҳақи ҳисобидан асоссиз равишда 2 млн. 325 минг 198 сўм дебитор қарздор бўлишига сабабчи бўлган.

Мазкур ҳолат юзасидан А.Саримсоқовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-кисми «а» банди ва ЖК нинг 205-моддаси 2-қисми «А» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 321, 322, 331, 336-моддаларини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. Ургут тумани «Матлуботсавдо» акционерлик жамиятига қарашли «Қуйиқишлоқ» савдо корхонаси раҳбари А.Саримсоқовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «а» банди ва ЖК нинг 205-моддаси 2-қисми «А» банди билан жиноят иши қўзғатилган.

2.Жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришлик вилоят прокуратураси иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш бўлимига юклатилган.

Умумий назорат бўлими
прокурори 2-даражали юрист **Фамилия И.Ш**.

«Қўшиламан »
Умумий назорат бўлими бошлиғи
адлия маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ
ПРОКУРАТУРАСИ

703000 Самарқанд ш.
Кўксарой майдони

4уй тел:(8-3662) 33-10-45

Вилоят ҳўжалик судининг
Раиси Фамилия И.Ш.га
Даъвогар: Вилоят прокурори
Булунғур тумани Машина
Трактор Паркининг
манфаатларини кўзлаб

Жавобгар:

Пайариқ тумани
«Чураш» ширкат хўжалиги,
дебитор қарзни ундириш

« ».06. 2003 йил 7-8-03.

ДАЪВО АРИЗА

Булунғур туманидаги машина трактор парки А.Ж. Пайариқ туманидаги "Чураш" ширкат хўжалиги билан тузилган 2001 йил 30 октябр кунидаги 4-А-сонли шартномага асосан 81 млн. 144 минг сўм миқдорида қишлоқ хўжалиги техникалари билан хизмат кўрсатган.

Пайариқ туманидаги «Чураш» ширкат хўжалиги шартнома шартларига зид равишда, МТП томонидан кўрсатилган техника хизмати пулларини ўз вақтида етказиб бермаганлиги оқибатида ҳозирги кунга 81 млн. 144 минг сўмлик муддати ўтган дебитор қарзларга йўл қўйилган.

Жавобгар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 24 январдаги «Тўловлар интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1999 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги Фармонини қисман ўзгартириш тўғрисидаги Фармонлари талаблари бажарилмасдан келинган.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддасига қўлланиб,

СЎРАЙМАН:

1. Мазкур даъво аризани вилоят хўжалик судида кўриб чиқишликни ва Пайариқ туманидаги «Чурош» ширкат хўжалигидан Булунғур туман МТП АЖ фойдасига 81 млн. 144 минг сўм қарзни ундиришликни.

2. Даъво аризани кўриб чиқишда суд мажлисида иштирок этиш учун вилоят прокуратурасига хабар қилишликни.

3. Давлат божини жавобгар ҳисобидан ундиришликни.

Илова: ___варақда.

Вилоят прокурори
адлия катта маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш**.

Вилоят хўжалик суди раиси
Фамилия И.Ш.га
Даъвогар: вилоят прокурори
Каттақўрғон шаҳри, 2518-
автокорхонаси манфаатларини кўзлаб
Жавобгар: Катгақўрғон дон
маҳсулотлари акционерлик жамияти
Ҳ/р.20208000000193766001
ИНН 200720974 МФО 00287
«Ғаллабанк» Самарқанд бўлими

Даъво мазмуни: 4 млн. 53,1 минг сўм
дебитор қарзни ундириш

« ».10. 2003 йил 7-8-03

ДАЪВО АРИЗА

Каттақўрғон шаҳридаги 2518-автокорхона «Каттақўрғон дон маҳсулотлари» акциянерлик жамияти билан 2002 йил 10 декабр куни тузилган автомобил транспортида юк ташиш ҳақидаги 1-сонли шартномага асосан 4 млн. 53,1 минг сўм миқдорида автомобиллар билан хизмат кўрсатган.

«Каттақўрғон дон маҳсулотлари» акциянерлик жамияти шартнома шартларига зид равишда, 2518-автокорхона томонидан кўрсатилган техника хизмати пулларини ўз вақтида етказиб бермаганлиги оқибатида ҳозирги кунга 4 млн. 53,1 минг сўмлик муддати ўтган дебитор қарзларга йўл қўйилган.

Жавобгар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 24 январдаги «Тўловлар интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1999 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги Фармонини қисман ўзгартириш тўғрисидаги Фармонлари талаблари бажарилмасдан келинган.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддасига қўлланиб,

С Ў Р А Й М А Н:

1. Мазкур даъво аризани вилоят хўжалик судида кўриб чиқишликни ва «Каттақўрғон дон маҳсулотлари» АЖ дан Каттақўрғон шаҳридаги 2518- автокорхна фойдасига 4 млн. 53,1 минг сўм қарзни ундиришликни.

2. Даъво аризани кўриб чиқишда суд мажлисида иштирок этиш учун вилоят прокуратурасига хабар қилишликни.

3. Давлат божини жавобгар ҳисобидан ундиришликни.

Илова: ____ варақда.

Вилоят прокурори
адлия катта маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш**.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ
ПРОКУРАТУРАСИ

703000 Самарқанд ш.
Кўксарой майдони 4уй
тел:(8-3662) 33-10-45

ВИЛОЯТ МОЛИЯ
бошқармаси бошлиғи
З.Тиллаевга

00. 04. 2003 йил 7-9-03.

ОГОҲЛАНТИРУВ

Қонуннинг бузилишига
йўл қўймаслик хусусида.

Вилоят прокуратураси томонидан вилоят халқ таълими бошқармаси ва унинг қуйи тизимларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг ишлатилиши, иш ҳақи тўланиши доир қонунлар ижроси юзасидан текшириш ўтказилганда қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, вилоят молия бошқармаси мансабдор шахслари томонидан ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармасдан келишликлари, иш ҳақи учун ажратилган пул маблағларининг мақсадли ишлатилиши юзасидан тегишли назоратни олиб борилмаганлиги натижасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 19 мартдаги «Иш хақи ўз вактида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларига риоя қилинмаган ҳолда вилоят халқ таълими тизимига қарашли муасссасалари ходимларининг иш ҳақлардан жами 953 млн. 500 минг сўм миқдорда қарздорлигига йўл қўйилган.

Нуробод туман халқ таълими бўлими мансабдор шахслари томонидан 2002 йилнинг август ва сентябр ойлари учун мактаб ва мактабгача муассасаларнинг ўқитувчи ва ишчи ходимларига тўланиши лозим бўлган 2 млн. 850 минг сўм пул маблағлари асоссиз равишда туман суғурта бўлимига ўтказиб юборилган.

Ўқитувчи ва ишчи хизматчиларига ойлик иш ҳақлари ва нафақа пулларини ўз вақтида тўлаш чоралари кўрилмаганлиги ҳамда натура

шаклида иш хақи тўланганлиги ҳолатларига ҳам йўл қўйилиши назорат қилинмаган.

Қайд этилган қонунбузилиши ҳолатлари молия бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимларининг мансабдор шахсларини ўз хизмат вазифаларига лоқайдлик ва виждонсизларча муносабатда бўлганликлари оқибатида келиб чиққан.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонунни 6, 22-моддаларига қўлланиб,

ОГОҲЛАНТИРАМАН:

Фуқароларнинг, яъни вилоят халқ таълими бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари ўқитувчиларининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни бартараф этиш чораларини кўрмасангиз, Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 49-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилишингиз мумкин.

Вилоят прокурори
адлия катта маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**
Огоҳлантирув менга эълон қилинди
ва моҳияти тушунтирилди. **З.Тиллаев**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ
ПРОКУРАТУРАСИ

703000 Самарқанд ш. Кўксарой
майдони

4уй тел:(8-3662) 33-10-45

Вилоят марказий банк
бошқарувчиси
И. Холмуминовга

« ». 04. 2003йил 7-9-03.

ОГОҲЛАНТИРУВ

Қонуннинг бузилишига
йўл қўймаслик хусусида.

Вилоят прокуратураси томонидан вилоят халқ таълими бошқармаси ва унинг қуйи тизимларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг ишлатилиши, иш ҳақи тўланиши ҳамда жорий капитал таъмирлаш ва қурилишга ажратилган маблағларни сарфланиши тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан текшириш ўтказилганида, қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, вилоят марказий ва унинг жойлардаги банк муасассаларининг мансабдор шахслари томонидан ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармасдан келишликлари, халқ таълим бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари тизимига қарашли мактаб ва мактабгача муассасаларнинг ўқитувчи ва хизматчиларига иш ҳақи учун ажратилган пул маблағларини ўз вақтида тўлаб бериш имкониятлари кўрилмаганлиги, иш хақи учун ажратилган пул маблағларини мақсадли ишлатилиши юзасидан тегишли назоратни олиб борилмаганлиги натижасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 19 мартдаги «Иш хақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талаблари қўпол равишда бузилиб ўқитувчи ва хизматчиларга жами 953 млн. 500 минг сўм миқдорда пул маблағлари берилмасдан қолинган.

Жумладан, акциядорлик жамияти «Пахтабанк» Оқтош бўлими томонидан 2003 йил 15 март ҳолатига туман халқ таълими бўлими ходимларига тегишли бўлган 54 млн. сўмлик иш хақи ва 20 млн. 398 минг сўм нафақа пулларини ўз вақтида тўлаб бериш имкониятларини кўрилмаганлиги натижасида ўқитувчиларга ойлик иш ҳақлари ўрнига савдо дўконлари орқали натура шаклида маҳсулот бериш ҳолатларига йўл қўйилган.

Қайд этилган қонунбузилиши ҳолатлари «Марказий Банк» ва унинг тизимидаги банкларнинг мансабдор шахсларини ўз хизмат вазифаларига лоқайдлик ва виждонсизларча муносабатда бўлганликлари оқибатида келиб чиққан.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонунни 6, 22-моддаларига қўлланиб,

ОГОҲЛАНТИРАМАН :

Фуқароларнинг, яъни вилоят халқ таълими бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари ўқитувчиларининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни бартараф этиш чораларини кўрмасангиз, Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 184^1-моддаси 4-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилишингиз мумкин.

Вилоят прокурори
адлия катта маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**
Огоҳлантиришнинг мазмуни ва
моҳияти менга тушинтирилди. **И.Холмуминов**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ
И.Холмуминовга
ПРОКУРАТУРАСИ

703000 Самарқанд ш. Кўксарой
майдони
4уй тел:(8-3662) 33-10-45
« ». 04. 2003 йил 7-9-03.

Вилоят марказий банк
бошқарувчиси

ОГОҲЛАНТИРУВ

Қонуннинг бузилишига
йўл қўймаслик хусусида.

Вилоят прокуратураси томонидан вилоят халқ таълими бошқармаси ва унинг қуйи тизимларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг ишлатилиши, иш ҳақи тўланиши ҳамда жорий капитал таъмирлаш ва қурилишга ажратилган маблағларни сарфланиши тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан текшириш ўтказилганида, қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, вилоят марказий ва унинг жойлардаги банк муасассаларининг мансабдор шахслари томонидан ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармасдан келишликлари, халқ таълим бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари тизимига қарашли мактаб ва мактабгача муассасаларнинг ўқитувчи ва хизматчиларига иш ҳақи учун ажратилган пул маблағларини ўз вақтида тўлаб бериш имкониятлари кўрилмаганлиги, иш хақи учун ажратилган пул маблағларини мақсадли ишлатилиши юзасидан тегишли назоратни олиб борилмаганлиги натижасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 19 мартдаги «Иш хақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талаблари қўпол равишда бузилиб ўқитувчи ва хизматчиларга жами 953 млн. 500 минг сўм миқцорда пул маблағлари берилмасдан қолинган.

Жумладан, акциядорлик жамияти «Пахтабанк» Оқтош бўлими томонидан 2003 йил 15 март ҳолатига туман халқ таълими бўлими ходимларига тегишли бўлган 54 млн. сўмлик иш хақи ва 20 млн. 398 минг сўм нафақа пулларини ўз вақтида тўлаб бериш имкониятларини

кўрилмаганлиги натижасида ўқитувчиларга ойлик иш ҳақлари ўрнига савдо дўконлари орқали натура шаклида маҳсулот бериш ҳолатларига йўл қўйилган.

Қайд этилган қонунбузилипш ҳолатлари «Марказий Банк» ва унинг тизимидаги банкларнинг мансабдор шахсларини ўз хизмат вазифаларига лоқайдлик ва виждонсизларча муносабатда бўлганликлари оқибатида келиб чиққан.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонунни 6, 22-моддаларига қўлланиб,

ОГОҲЛАНТИРАМАН :

Фуқароларнинг, яъни вилоят халқ таълими бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари ўқитувчиларининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларни бартараф этиш чораларини кўрмасангиз, Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 184^1-моддаси 4-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилишингиз мумкин.

Вилоят прокурори
адлия катта маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**

Огоҳлантиришнинг мазмуни ва
моҳияти менга тупшнтирилди. **И.Холмуминов**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ
ПРОКУРАТУРАСИ

703000 Самарқанд ш.
Кўксарой майдони
4уй тел:(8-3662)
33-10-45

"Зарводийсувназорат"
инспекцияси бошлиғи
М.Ходиевга

« ».06. 2003 йил 7-7-02.

Тақдимнома
қонунбузилиши ҳолатларини
келтириб чиқарувчи сабаб ва
шарт-шароитларни
бартараф этиш тўғрисида.

Вилоят прокуратураси томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2003 йил 29 мартдаги 1/2-Г сонли қарори билан тасдиқланган иш режага асосан Самарқанд шаҳридаги «Зарводийсувназорат» инспекциясида мулкни сақланиши, тўлов интизоми, маъмурий жарималарни қўлланиши ва ундирилишини қонунийлиги юзасидан текшириш ўтказилди.

Ўтказилган текширишда, инспекция ходимлари томонидан сувдан ноқонуний фойдаланган шахсларга нисбатан маъмурий баённомалар тузишда аниқланган ҳолатни тўлиқ ёритмаслик, ҳуқуқбузарлардан тушунтириш хатлари олинмаганлиги, қўлланилган жарималарни тўлиқ ундириш чоралари кўрилмаганлиги аниқланди.

Инспекциянинг 15 нафар сув инспекторлари 2002 йил давомида 353 та маъмурий қарор билан ҳуқуқбузарларга нисбатан 1 млн. 546 минг сўмлик маъмурий жарима қўллаб, шундан 37 минг 350 сўмини ҳозирги кунга қадар ундирилмаганлиги, бу ҳолатларга сув инспекторлари Б.Тошқулов 2250 сўм, О.Муҳаммадиев 9070 сўм, Г.Узоқов 9070 сўм, А.Холиқов 9070 сўм ва Н.Халиловлар 7890 сўмлик жарималарни ундирилишини таъминламаганликлари сабаб бўлган.

2003 йилнинг 15 май кунига қадар 10 нафар инспекторлар томонидан 27 та маъмурий қарорлар орқали ҳуқуқбузарлар 166 минг 717 сўм жаримага тортилган бўлиб, шундан атига 54 минг 460 сўми ундирилган қолган 112 минг 257 сўмлиги ҳозирги кунга қадар ундирилмасдан қолган. Сув инспекторлари Ф.Бобоназаров ва Н.Халиловлар қўллаган жарималардан 18140 сўмдан жами 36 минг 280 сўм, О.Муҳаммадиев 19954 сўм ва Л.Бойқобилов томонидан эса 32 минг 640 сўмлик жарималар ундирилиши таъминланмаган.

2003 йилнинг ўтган даврида сув инспекторларига қайд этиш китоби бўйича 350 та маъмурий қарорлар ва баённома бланкалари тарқатилган бўлсада, инспекторлардан Ж.Хожиев, Х.Таджиддинов, А.Мусаев, Ф.Бобоев ва А.Соаталиевлар ушбу бланкаларни олганликлари ҳақида имзо чекишмаган.

Бундан ташқари, инспекция бошлиғи томонидан ҳар бир сув инспектори томонидан аниқланган қонунбузилишлар юзасидан фуқаро ва мансабдор шахсларга қўлланилган маъмурий кодекснинг моддаси ҳамда жарима миқдорларини тўғрилиги юзасидан хулоса ёзиб борилмаганлиги оқибатида, айбдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган миқдордан ортиқ жарималар қўлланишга олиб келган.

Хусусан, Тайлоқ тумани, сув хўжалиги бошқармаси «Боғизағон» канали иншоат назоратчиси Хошимов Сарвар, сув инспектори О.Сайфуллаев томонидан 2003 йил 24 феврал куни 102-сонли қарор билан сувдан фойдаланиш қоидаларини бузгани учун Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 74-моддаси 2-қисми билан энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида деб, 9075 сўмга жаримага тортилган.

Мазкур қарор амалдаги қонунлар талабларига зид равишда қабул қилинганлиги сабабли қўйидаги асосларга кўра бекор қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 74-моддаси 2-қисмига кўра қонунбузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 бараваригача миқдорида жарима қўллаш белгиланган бўлиб, бу эса 9070 сўмни ташкил қилсада, сув инспектори О.Сайфуллаев томонидан ҳуқуқбузар С.Хошимовга нисбатан асоссиз равишда жарима миқдори кўпайтириб кўрсатилган.

Худди шунингдек, Тайлоқ тумани, сув хўжалиги бошқармаси «Боғизағон» канали иншоат назоратчиси Хошимов Жакбарали, сув инспектор О.Сайфуллаев томонидан 2003 йил 24 феврал куни 103-сонли қарор билан сувдан фойдаланиш қоидаларини бузгани учун Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 74-моддаси 2-қисми билан

энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида деб, асоссиз равишда 9075 сўмга жаримага тортилган.

Текширишда, инспекция мансабдор шахслари томонидан моддий жавобгар шахслар фаолияти устидан назоратни сусайтириб юборилганлиги оқибатида товар моддий бойликларидан ошиқча ёки камомад чиқиш ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, ёқилғи мойлаш маҳсулотлари омбори мудири А.Сайдалиев 1018 сўм камомадга йўл қўйган бўлса, моддий жавобгар шахс Н.Хайрулина ҳисобидан 4750 сўмлик ортиқча товар қолдиғи аниқланган.

Зикр этилган қонунбузилиш ҳолатлари «Зарводийсувназорат» инспекциясининг раҳбарияти ва масъул ходимларининг ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармасдан келишлари натижасида келиб чиққан.

Баён қилинганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 40-моддасини қўллаб,

СЎРАЙМАН:

Ушбу тақдимномани «Зарводийсувназорат» инспекциясининг кенгайтирилган йиғилишида дархол муҳокома қилиб, унда кўрсатилган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида шу каби қонунбузарликларга йўл қўймаслик борасида тегишли чора-тадбирлар белгилашингизни.

Қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйган ва уларни олдини олиш борасида тегишли чоралар кўрмаган, юқорида номлари қайд этилган сув инспекторлари ва моддий жавобгар шахсларига, шунингдек, мазкур масалага масъул бўлган шахсларга нисбатан интизомий чоралар кўришликни.

Тақдимномани тезда кўриб чиқиб, натижалари ҳақида қонунда белгиланган бир ой муддат ичида вилоят прокуратурасига ёзма равишда хабар қилишликни.

Вилоят прокурори
адлия катта маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИ
****

«Ғалаба» масъулияти **БОШ** жамият директори **Фамилияга**

703000 Самарқанд ш.
Кўксарой майдони 4 уй
тел:(8-3662) 33-10-45
« » 07.2003 йил **№ 7-7-77**

ТАҚДИМНОМА

Қонунбузилиш ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида.

Вилоят прокуратураси томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2003 йил 01 июлдаги №2/2-Г сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси назорат органлари томонидан субъектлар молиявий хўжалик фаолияти бўйича 2003 йил 2-чорагида ўтказиладиган текширишлар режаси жадвалига асосан тегишли мутахассислар жалб қилинган ҳолда Самарқанд шаҳар Сиёб туманидаги «Ғалаба» масъулияти чекланган жамиятнинг молиявий хўжалик фаолияти, мулкни сақланишига, шартнома ва тўлов интизомига риоя қилинишига қаратилган ва бошқа қонун талабларини ижроси юзасидан текшириш ўтказилди.

Текшириш давомида, жамиятда ишловчи моддий жавобгар шахслар томонидан ўз фаолиятлари давомида оз миқдорда талон-торожликка йўл қўйганликлари аниқланган.

Жумладан, Самарқанд шаҳар Сиёб туманида жойлашган «Ғалаба» масъулияти чекланган жамиятнинг омбор мудири лавозимида ишлаб келган Фамилия Рустам Зияевич моддий жавобгарлигида бўлган мулклардан 5017 сўм, пахта цехи бошлиғи лавозимида ишлаб келган Эрдонаев Икром моддий жавобгарлигида бўлган мулклардан 5900 сўм камомадга йўл қўйганликлари аниқланган.

Шунингдек, жамиятининг молиявий хўжалик фаолияти, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, мулкни сақланишига қаратилган ва

бошқа қонун талабларини ижроси юзасидан умумий назорат тартибида ўтказилган текширишда, жамият раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1999 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари талаблари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 504-сонли қарори талаблари ижроси тўлиқ бажарилмасдан келинган.

2003 йил 1 июл холатига корхона ва ташкилотлардан 5 млн. 220 минг 600 сўмлик дебитор ва 97 млн. 507 минг 300 сўмлик кредитор қарздорликка йўл қўйилган. Шундан 596 минг 500 сўмлик дебитор қарзни муддати ўтган.

Бундан ташқари, 2002 йил 29 мартда 25-сонли ва 30 мартда 26-сонли тўлов топшириқномалари асосида жамият Жомбой пахта заводига тегишли 3 млн. 500 минг сўмлик акцияларини сотиб олиб, жамият раҳбарлари шу кунга қадар акциялардан келиб тушган дивидентларни жамиятнинг киримига олиш чораларини кўришмаган.

Бунинг натижасида, жамиятнинг ишчи ва хизматчиларига 5 млн. 274 минг 683 сўм иш ҳақлари тўланмай келинмоқца.

«Ғалаба» масъулияти чекланган жамиятнинг директори Фамилия И.Ш. Гулсанам Абдиевна ва Ахаджонова Афшона томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори талаблари бузилган.

Бундан ташқари, ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Исмоилова Сайёра Аброровнанинг иш фаолияти текширишдан ўтказилганда, айрим ҳолатларда Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси» талаблари бузилганлиги, яъни ишга қабул қилинган ёки ишдан бўшатилган, меҳнат таътили берилган айрим ходимлар буйруқлар билан таништирилмаганликлари, иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат ва моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномалар тузилмаганлиги, ишга қабул қилйш пайтида ходимнинг паспорти ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатларни, турар

жойдан маълумотномани, меҳнат дафтарчасини, ҳарбий билетини, махсус маълумотга ёки тайёргарликка эга бўлганлигини тасдиқловчи олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломини ёки гувоҳномасини талаб қилиб олинмаганлиги ва шу ҳужжатларнинг нусхаси ҳар бир ҳодимни шаҳсий йиғма жилдларига қўшилмаганлиги аниқланди.

«Ғалаба» номли масъулияти чекланган жамиятнинг ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Исмаилова Сайёра Аброровна ўзининг ушбу ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат кодекси»ни 80, 82-модда талабларини бузган.

Булардан ташқари, «Ғалаба» масъулияти чекланган жамиятнинг хазиначи лавозимкда ишлаб келган Фамилия а Хабиба касса-қоидалари интизомини бузиб, 2003 йилнинг май, июн ойларида маҳсулот сотишдан тушган жами 464 минг 500 сўм нақд пул маблағларини банкга топширмасдан хўжалик эҳтиёжлари учун ишлатганлиги аниқланган. Х.Фамилия а ўзининг ушбу ҳаракатлари билан касса интизомини бузган.

Юқорида кўрсатилган қонунбузилиш ҳолатларини келиб чиқишига «Ғалаба» масъулияти чекланган жамияти раҳбарлари жамиятнинг моддий жавобгар шахсларини иш фаолияти устидан тегишли назорат ўрнатмаганликлари ва қонун талабларини мукаммал билмасликлари сабаб бўлган.

Қайд этилган қонунбузилишлар бўйича уларни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилмаса, давлат ва жамоат манфаатларига зарар етказилиши мумкин.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 40-моддасига асосан

СЎРАЙМАН:

1.Ушбу тақцимномани «Ғалаба» масъулияти чекланган жамиятнинг кенгайтирилган йиғилишида, жамиятнинг барча мансабдор ва моддий жавобгар шахслари иштирокида кўриб чиқиб, баён этилган қонунбузилиш ҳолатларини, уларни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ва муддати ўтган қарздорликни ундириш ҳамда иш ҳақларини тўлаб бериш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўришингизни;

2. Йўл қўйган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш чора-тадбирларини кўрмаган мутасадди ҳамда моддий жавобгар

ходимларни интизомий ва моддий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқишингизни;

3.Тақдимномани кўриб чиқишда қатнашиш учун кўриб чиқиладиган кун ҳақида вилоят прокуратурасига хабар қилишингизни;

4.Тақдимномани дарҳол кўриб чиқиб, натижалари ҳақида қонунда белгиланган бир ойлик муддат ичида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда вилоят прокуратурасига ёзма равишда хабар қилишингизни.

Вилоят прокурори
адлия катта маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш**.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ
ПРОКУРАТУРАСИ

«Самарқанд ТТПК» ОТАЖ
раиси Д.Мариповга

703000 Самарқанд ш.
Кўксарой майдони

4уй тел:(8-3662) 33-10-45

« » октябр 2003 йил
№ 0000

ТАҚДИМНОМА

Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этишлик ҳақида

Вилоят прокуратураси томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг 2003 йил 1 июлдаги № 2/2-Г-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси назорат органлари томонидан субъектлар молиявий хўжалик фаолияти бўйича 2003 йил 3-чорак сентябр ойида ўтказиладиган текширишлар режа жадвали асосан «Самарқанд ТТПК» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида молиявий хўжалик фаолияти, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, мулкни сақланишига қаратилган ва бошқа қонун талабларини ижроси юзасидан текшириш ўтказилди.

Текширишда, «Самарқанд ТТПК» очиқ турдаги акциядорлик жамияти раҳбарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1999 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро

ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 504-сонли қарори талаблари ижроси тўлиқ бажарилмасдан келинган.

2003 йил 1 сентябр ҳолатига корхона ва ташкилотлардан муддати ўтган 10 млн. 535 минг сўмлик дебитор, 26 млн. 178 минг сўмлик кредиторлик қарздорликка йўл қўйилган.

Бунинг натижасида ишчи ва хизматчиларни иш ҳақидан ҳам 2 млн. 532 минг сўмлик қарздорликка йўл қўйилган.

Бундан ташқари, 2001-2002 йилларда жами 577 минг сўмлик бартер операциялари амалга оширилган.

Шунингдек, қўшимча қиймат солиғи бўйича жами 2 млн. 340 минг 700 сўм, ишчи ва хизматчилар даромад солиғи бўйича 31 минг сўм кам ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ Кодекси»нинг талаблари бузилганлиги аниқланган.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни юритилишини қонунийлиги текширилганда, ҳисоботлар жамият раиси ва бош ҳисобчи томонидан тасдиқланган бўлсада, лекин ойлик журнал ордери ҳисоботларини бажарувчи ҳисобчилар томонидан имзоланмаганлиги ва бош ҳисобчи томонидан тасдиқланмаганлиги аниқланган.

Бу билан эса Ўзбекистон Республикасини 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида»ги қонуни талабларига риоя этилмаган.

Мол-мулкларни сақланиши юзасидан ўтказилган текширишларда, моддий жавобгар шахслар иш фаолияти бўйича тегишли назорат ўрнатилмаганлиги сабабли, моддий жавобгар шахс П.Дамиров томонидан жамиятга тегишли бўлган оз миқдордаги 1710 сўмлик товар моддий бойликларидан камомадга йўл қўйганлиги аниқланган.

Юқорида кўрсатилган қонунбузилиши ҳолатларини келиб чиқишига «Самарқанд ТТПК» очиқ турдаги акциядорлик жамияти раҳбарлари томонидан, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда «Солиқ Кодекси», «Бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида»ги қонун талабларига риоя этмаганликлари, моддий жавобгар шахсларни иш юритиши устидан тегишли назорат ўрнатилмаганлиги сабаб бўлган.

Қайд этилган қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш чоралари кўрилмаса, жамият манфаатларига зарар етказилиши мумкин.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 40-моддасига асосан

СЎРАЙМАН:

-Ушбу тақдимномани «Самарқанд ТТПК» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг кенгайтирилган йиғилишида жамиятнинг барча мансабдор ва моддий жавобгар шахслари ҳамда акциядорлари иштирокида кўриб чиқиб, баён этилган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ва муддати ўтган қарздорликни ундириш ҳамда иш ҳақларини тўлаб бериш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўришингизни;

-йўл қўйилган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш чора-тадбирларини кўрмаган мутасадди ҳамда моддий жавобгар ходимларни интизомий ва моддий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқишингизни;

-тақдимномани кўриб чиқишда қатнашиш учун кўриб чиқиладиган кун ҳақида вилоят прокуратурасига хабар қилишликни;

-тақдимномани дарҳол кўриб чиқиб, натижалари ҳақида бир ойлик муддат ичида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда вилоят прокуратурасига ёзма равишда хабар қилишингизни.

Вилоят прокурори
адлия катта маслаҳатчиси **Фамилия И.Ш.**

Илова:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари р ў й х а т и

№	Санаси	Буйруқ номланиши	Изоҳ
1	12.03.04	ЎзР прокуратураси органларининг айрим таркибий тузилмаларини тугатиш ва қайта ташкил этиш тўғрисида	72-сонли Б б/н ўзг. к
2	15.03.04	Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш тўғрисида	
3	12.04.04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
4	12.04.04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Ички ишлар вазирлиги органлари қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	69-сонли Б б/н ўзг. к
5	12.04.04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
6	12.04.04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Жиноятчиликка қарши курашнинг ташкилий услубий таъминлаш бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	47-сонли буйруқ билан кучини йўқотган

7	12.04.04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Қуролли кучлар, миллий хавфсизлик хизмати ва божхона органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	69-сонли Б б/н ўзг. к
8	12.04.04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	69-сонли Б б/н ўзг. к
9	12.04.04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Қонунчилик тарғиботи бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
10	12.04.04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
11	23.04.04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
12	23.04.04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	70-сонли Б б/н ўзг. К
13	23.04.04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Хўжалик судларида ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	

14	23.04.04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
15	23.04.04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	47-сонли буйруқ билан кучини йўқотган
16	23.04.04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Фуқаролар мурожаатлари ва хатлар бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
17	23.04.04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Молия-иқтисодиёт бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
18	23.04.04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Жиноятларни тергов қилиш бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	69-сонли Б б/н ўзг. К
19	23.04.04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Хўжалик ишлари бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
20	11.05.04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Халқаро ҳуқуқий бўлими тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	69-сонли Б б/н ўзг. к
21	11.05.04	«Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида»	72-сонли Б б/н ўзг. К
22	11.05.04	«Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида»	72-сонли Б б/н ўзг. К

23	11.05.04	«Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида»	
24	11.05.04	«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ҳамда қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назоратни янада такомиллаштириш тўғрисида»	70-сонли Б б/н ўзг. к
25	22.06.04	Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида	70-сонли Б б/н ўзг. к
26	22.06.04	Халқаро ҳуқуқий муносабатларда қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида	69-сонли Б б/н ўзг. К
27	22.06.04	Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида	69-сонли Б б/н ўзг.К
28	22.06.04	Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида	59-сонли буйруқ билан кучини йўқотган
29	24.06.04	«Прокуратура органларининг қонунчилик тарғиботи ва қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш борасидаги вазифалар тўғрисида»	
30	09.12.04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Кадрлар бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	72-сонли Б б/н ўзг. К

31	09.12.04	Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида	69,71,72-сонли Б б/н ўзг.
32	09.12.04	ЎзР Бош прокуратурасининг «Ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
33	09.12.04	«Прокуратура органларида ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида»	
34	09.12.04	«ЎзР Қуролли кучлари, МХХ ва божхона органларида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш ҳақида»	69-сонли Б б/н ўзг. К
35	09.12.04	«Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашда прокурор назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида»	72-сонли Б б/н ўзг. к
36	09.12.04	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Ички хавфсизликни таъминлаш инспекцияси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
37	10.12.04	«Фуқаролар мурожаатлари ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида»	

39	23.12.04	Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти тизимида банк ва молия тизимларида маблағлар шаклланишининг ноқонуний манбаларини аниқлаш бўлимини ташкил этиш тўғрисида	
40	17.02.05	«Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан прокурор назоратини тубдан яхшилаш тўғрисида»	69,72-сонли Б б/н ўзг. к
41	17.02.05	ЎзР прокуратураси органлари ишини ташкил этиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида	72-сонли Б б/н ўзг. К
42	17.02.05	Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида	72-сонли Б б/н ўзг. К
43	17.02.05	Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида	71-сонли буйруқ билан кучини йўқотган
44	17.02.05	Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти органлари фаолиятида қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида	60-сонли буйруқ билан кучини йўқотган
45	07.04.05	Прокуратура органлари ички хавфсизлигини таоминлаш, ходимларнинг масоулиятини ошириш, улар ўртасида ножўя хатти-ъаракатларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини кучайтириш тўърисида	

46	27.06.05	ЎзР Бош прокуратурасининг «Ахборот-таълил бҳлими»ни ташкил этиш, Низомини тасдиўлаш ъамда штатлар рҳйхатига ҳзгартириш киритиш ҳақида	69-сонли Б б/н ўзг. К
47	10.10.05	ЎзР Бош прокуратурасининг «Жиноятчиликка қарши курашни ташкилий услубий таъминлаш бўлимини тугатиш ҳамда прокуратура органларни терговни назорат қилиш бошқармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида	69-сонли Б б/н ўзг. К
48	20.12.05	ЎзР Бош прокуратураси бинолариға кириш ва чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида	72-сонли Б б/н ўзг. К
49	14.01.06	Ҳужжатларни муҳимлилик қийматини экспертиза қилишни ташкил этиш ва ўтказиш ҳақида	
50	21.01.06	Хизмат фаолиятида намуна кўрсатган прокуратура ходимларини қўллаб қувватлаш тартибини белгилаш ҳақида	
51	23.01.06	Прокурорлар фаолиятини комплекс текшириш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида	
52	25.01.06	Прокуратура органларида қонунларни мужассамлаш ишларини юритиш тартиби ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида	
53	10.02.06	ЎзР Бош прокурорининг амалдаги айрим буйруқлари ва низомларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида	

54	27.02.06	ЎзР Бош прокуратураси муассислигида «Ҳуқуқ» газетаси таҳририяти ташкил этиш ҳақида	72-сонли Б б/н ўзг. К
55	01.03.06	ЎзР Бош прокуратураси муассислигида «Ҳуқуқ» газетаси таҳририяти Низомини тасдиқлаш ҳақида	67-сонли буйруқ билан кучини йўқотган
56	27.03.06	Хизмат бурчини бажаришда намуна кўрсатган прокурорларни қўллаб-қувватлашнинг тартибини белгилаш ҳақида	
73 З	29.06.04	Прокурорлик фаолияти тўғрисидаги “П” шаклдаги ҳисоботнинг янги шаклини жорий этиш тўғрисида	73-сонли Б б/н ўзг. К
57	22.05.06	ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органларининг таркибий тузилмаси ҳақида	
58	22.05.06	ЎзР Бош прокурорининг амалдаги айрим буйруқлари ва низомларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида	
59	22.05.06	Солиққа оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш тўғрисида	
60	22.05.06	Бош прокуратура ҳузурида Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари фаолиятида қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати самарадорлигини янада ошириш тўғрисида	

61	26.06.06	Валюта назоратини амалга оширувчи органлар ва агентлар тегишли вазирлик ва идоралар томонидан валютага оид қонунбузишлари тўғрисидаги маълумотни Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖЛДҚКДга тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида	
62	20.07.06	«Молия иқтисодий хавфсизлик» махсус курсини ташкил этиш ҳақида буйруқ (қўшма буйруқ ЎзР ДСҚ билан бирга)	
63	08.08.06	Тергов, суриштирув ва суд давомида жиноий ишлар ва материаллар бўйича ашёвий далиллар ва моддий бойликларни олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида	
64	27.09.06	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚКД тармоқлари фаолиятини тартибга солувчи Низомларни тасдиқлаш ҳақида	
65	27.11.06	ЎзР прокуратура органларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида	72,73-сон Б б/н ўзг. К

66	27.11.06	ЎзР прокуратураси органларида сақлаш муддатлари белгиланган ҳужжатларнинг рўйхати ва ундан фойдаланиш бўйича йўриқномани ҳамда ундан фойдаланиш бўйича йўриқномани ҳамда ЎзР Бош прокуратурасининг архиви тўғрисидаги, ЎзР Бош прокуратурасининг доимий фаолият кўрсатувчи марказий эксперт комиссияси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида	72-сонли Б б/н ўзг. к
67	08.01.07	ЎзР Бош прокуратураси муассислигида «Ҳуқуқ» газетаси таҳририятининг Низомини тасдиқлаш ҳақида	72-сонли Б б/н ўзг. к
68	05.09.07	Бош прокуратура ҳузурида Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари ишини ташкил этиш Регламентини тасдиқлаш тўғрисида.	72-сонли Б б/н ўзг. к
69	20.11.07	Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари химоясини самарали таминлаш юзасидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида	
70	20.11.07	Ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг айрим буйруқларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	

71	26.11.07	ЎзР Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида	
72	04.12.07	ЎзР Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ташкил этилиши муносабати билан Бош прокурорнинг айрим соҳавий буйруқ ва низомларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.	
73	05.01.08	ЎзР Бош прокурорининг амалдаги айрим буйруқлари ва низомларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида	
74	22.05.08	ҲзР Бош прокуратурасининг Олий ҳўув курсларининг «Илмий кенгаши тўғрисида»ги Низомни тасдиўлаш ҳақида	
75	19.08.08	Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	
76	28.08.08	Ўзбекистон республикаси бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органларида солиқ ва валютага оид жиноятларни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини фаолиятга жорий этиш тўғрисида	

77	15.09.08	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш дастури бўйича ўқиш учун номзодлардан ҳужжатларни қабул қилиш ва синов имтиҳонларини олиш ҳақида	
78	02.10.08	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг расмий сайтини яратиш ва унинг узлуксиз ишлашини таъминлаш тўғрисида	

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

Мавзу бўйича раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А.Ўзбекистон буюк келажак сари. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон. 1998. 16 -б.

2. Каримов И.А. Адолат-қонун устуворлигида./Халқ сўзи. 2001, 30 авг.

3. Каримов И.А.Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз Т 4. -Т.: Ўзбекистон. 2000. 7-б.

4. Каримов И.А. Халқимиз жипслиги – тинчлик, тараққиёт гарови: Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясидаги маъруза. 1998 йил 28 август. Т.: Ўзбекистон, 1998.-7-10-11-бетлар.

5. Каримов И.А. Барқарор тараққиётга эришиш-устувор вазифа.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 1998 йил 25 февраль. –Т.: Ўзбекистон, 1998. 47 б.

6. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари/Халқ сўзи. 2002. 30 авг.

7. Каримов И. А. “ Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиет кафолатлари. Т. Ўзбекистон, - 1997 й.

8.Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. –439 б.

9.Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.

10.Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003. –320 б.

11.Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. –Тошкент: Ўзбекистон, 2004. –400 б.

12.Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Тошкент: Ўзбекистон, 2005. –448 б.

13.Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. Т.14. –Тошкент: Ўзбекистон, 2006. -280 б.

14.Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. -320 б.

15.Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.

16.Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор риожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 280 б.

17.Каримов И.А. Юксак маъанавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

18.Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатни акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

19.Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятни барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза / 2009 йил 5 декабрь/. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

20.“Баркамол авлод йили” давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши.

21.“Баркамол авлод йили” давлат дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сон Қарори.

22.Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январь. // Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

23.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор

йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январь. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

24.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябр. – Халқ сўзи. – 13 ноябрь. - 2010.

25.Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза 2010 йил 7 декабр. – Халқ сўзи. – 8 декабр. - 2010.

26. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон., 2011 йил. –Б. 430

Мавзу бўйича қонунлар ва норматив материаллар.

1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон.1992.

2.Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида“ ги Қонуни 29 август 2001йил./Халқ сўзи. 27 октябр 2001 йил.

3.Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. Ўзбекистон. Т. 1994.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни./Халқ сўзи 2001 й (2000 йил 14 декабрда қабул қилинган)

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши мунособати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун./Халқ сўзи 2001 й. (2001 й. 29 августда қабул қилинган).

6.Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Т. 1994.

7.Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси Т. 1997.

8. Ўзбекистон Республикасининг Адвокатура тўғрисидаги қонуни. 1996 й. 27 декабр. « Адолат». 1997 й.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами 1991-2002 й.Т.: «Билим» 2002 й.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг амалдаги буйруқлари, кўрсатмалари, низом ва йўриқномалари тўплами. Т.: Тошкент, 1999 й., 2005 й.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура фаолияти йўналишларини тартибга солувчи 2004-2005 йилларда қабул қилинган буйруқлари, кўрсатмалари ва Низомлари.

Махсус адабиётлар рўйхати

1.Басков В.И. Прокурор назорати (дарслик, рус тилида) М., ”Бек” нашриёти, 1998.

2.Давлетов А. Дж. Прокурор назорати (дарслик, рус тилида). Нукус. Билим.1999.

3.Россия Федерациясида прокурор назорати. (дарслик, рус тилида/ А.А. Чувилёвнинг умумий таҳрири остида/ М. , 2000.

4. Иноғомжонова З.Ф. умумий таҳрири остида Жиноят процесси (умумий қисм, дарслик, ўзбек тилида) Т.: 2002 й., «Янги аср авлоди».

5. Иноғомжонова З.Ф. умумий таҳрири остида Жиноят процесси (махсус қисм, дарслик, ўзбек тилида) –Т.: ТДЮИ.2003 й.

6. Уголовный процесс. Учебник. Под редакцией Никифоровой Е.Н. (Учебник, на русском языке.) Т.: 2002 й.

7.Ковалёв М.А. Жиноятларни тергов қилишда шахснинг ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан прокурор назорати. (монография) М., 1981.

8.Мадалиев О.М. Жиноят ишларини биринчи инстанция судларида кўрилишида прокурор иштироки. (монография). –Т.: ТДЮИ.2005.,244б.

9.Мадалиев О.М. Суд тергови жараёнида прокурорнинг процессуал мавқеи ва айбловни исботлаш мажбурияти. Ўқув-услубий қўлланма.Т.: ТДЮИ. 2006., 140 б.

10. Решетников Ф.М.Правовые системы стран мира. Справочник . -М.: 1993. –с.111.

11. В.М. Савицский. Судда давлат айблови. (монография, рус тилида) М.”Наука”.1971.

12. Савицский В.М. Судда давлат айбловини қувватлаш. М. Юрлит.1978.

13.Пулатов Б.Х. Теоретические основы совершенствования законодательного регулирования и практики участия прокурора при рассмотрении уголовных дел в судах. (монография) Т.: «Фан» АН Республики Узбекистан, 2002й.

14. Эсанов М., Полвонов С.Ё. Тергов ва суриштирув устидан назоратни ташкил этиш. Т.: 1998 й.

15. Алексеев А. И. , Ястребов В.Б. Профессия - прокурор. Введение в юридическую специальность. М., 1998.

16. Гаврилов В. В. Сущность прокурорского надзора. Саратов, 1984.

17. Даев В. Г., Маршунов М. Н. Основы теории прокурорского надзора. Л. 1990. 320-

18. Берензон А. Д., Мелкумов В. Г. Работа прокурора по общему надзору. М. 1974.

19. Проблемы эффективности прокурорского надзора. (Под. ред. КФ.Скворцова.) М., 1977.

20. Акты прокурорского надзора. (Под. ред. Ю.И. Скуратова.) М., 1997.

21. Правоохранительные органы, Учебник для вузов. Под редакцией профессора Гуценко КФ. 3-е изд. и перераб.- М: «Зерцало», 1998.

22. Рустамбаев М.Х., Никифорова Е.Н.,Правоохранительные органы Республики Узбекистан. Учебник для вузов. Под редакцией профессора Рустамбаева М.Х. Т.: 2003 г.

23.M.X.Rustamboyev., U.A.Tuxtasheva., Sud va huquqni muhofaza qiluvchi organlar. Darslik. TDYuI. ‘Ilm-Ziyo’., 2012 y. –B. 710

24. М.Х. Рустамбоев, У.А.Тухташева. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар. Дарслик. ТДЮИ. “Илм - Зиё” нашриёти. 2012. –Б. 700

23. Халимов А.Х. Прокуратуранинг давлат ҳокимияти механизми тизимидаги ўрни. Т.: ТДЮИ.2006. 95 б.

24. Васильева Т.А. Административное право Италии // Административное право зарубежных стран: Учеб. пособие / Под ред. А.Н. Козырина. М., 1996.

25. Делла Марра Т. Уголовный процесс Италии: реформа и контрреформа // Государство и право. 1993. N 1.

26. Законодательство Италии о борьбе с организованной преступностью // Законность. 1993. N 11. С. 34-38.

27. Италия. Конституция и законодательные акты. М., 1988.

28. Кариола А. Основные права и свободы по Конституции Италии // Защита прав человека в современном мире: Сборник статей / Отв. ред. И.А. Ледях. М., 1993.

29. Лубенский А.И. Уголовный процесс Италии. М., 1973.

30. Попов Н.Ю. Судебная система Италии // Судебные системы западных государств. М., 1991.

31. Cappelletti M. The Italian Legal System: An Introduction. Stanford, California, 1967.

32. Certoma G. L. The Italian Legal System. L., 1984.

33.Давид Р., Жоффре-Спинози К. Основные правовые системы современности. М., 1996.

34.Крашенинникова Н.А. Индусское право: история и современность. М., 1982.

35.Мозолин В.П. Личность, право, экономика современной Индии. М., 1979.

36.Никифоров Б. С. Уголовное законодательство Республики Индии. М., 1958.

37.Саидов А. Х. Сравнительное правоведение и юридическая география мира. М., 1993.

38.Уголовно-процессуальный кодекс Индии. М., 1959.

39.Цвайгерт К., Кетц Х. Введение в сравнительное правоведение в сфере частного права. В 2 т.Т. 1. Основы. М., 1998.

Қўшимча адабиётлар:

1.Абдулазиз Мансур. Куръони Карим маъноларининг таржимаси, -Т.: ТИУ, 2001. -63 б.

2. Ал-Мовардий. Ал-аҳкоми ас-султония. 120-129,315 б.

3.Дин Готтер. Омбудсман ҳамда демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, №1. 1999. 27-28 б.

4.Лисон ал-Араб, 3-китоб, Байрут-1997. 164 б.

5. Зариф ал-ҳосимий «Низом ал-ҳукм фий шариъ ва тарих ал-исламий».

6. Интернет WWW. Islam.uz@ Islamik-World.Net

7. Др. В.Зуҳайлий. Ал-фиад ал-исламий ва адиллатуҳу, 8/ 6263

8. Ибн Халдун, Ал-Муқаддима -201 б.

9. Ибн Таймия. Ал-Хисбату фил ислам.Қохира, 1935. -18,50 б.

О.М. МАДАЛИЕВ

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

ДАРСЛИК

(умумий қисм)

Муҳаррир: ***М.О.Камалова.***
Техник муҳаррир: ***А.Боймаматов.***
Компьютерда саҳифаловчи: ***Т.Аширов.***